

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ВАТАН САОДАТИ

Миллий мафкура ва тараққиёт масалалари

Туплаб нашрга тайёровчи ва
муҳаррир АҲМАДЖОН МЕЛИБОЕВ

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 1998

Ватан саодати: (Миллий мафкура ва тараққиёт ма-
салалари) // Тўплаб нашрга тайёрловчи ва муҳаррир
А. Мелибоев/. — Т.: Шарқ, 1998. — 208 б.

Сарл. олдида: Ўзбекистон Республикаси олий ва
ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

ББК 66.3(5У)

МИЛЛИЙ МАФКУРА
МИЛЛАТНИ
БИРЛАШТИРУВЧИ БАЙРОҚДИР

ИСЛОМ КАРИМОВ

Мустақиллик, миллий мафкура, миллий тараққиёт каби мүқаддас қадриятларни бугун халқимиз кенг ва теран идрок этмоқда. Қисқа вақт ичида мамлакатимиз ҳаётида юз берган оламшумул ўзгаришлар, Ватанимизнинг дунё миқёсида эътироф этилиши одамларнинг онги ва тафаккурига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бинобарин, ўсиб келаётган янги авлод — Ўзбекистоннинг келажагини белгилайдиган фидоийлар авлоди дунёқарашида ҳам ушбу жараён ўзининг муайян қирралари билан намоён бўлаётир. Хуш, мустақиллик моҳиятини янада тўла англаш, Ватанни севиш, Ватан туйгусини қалбан идрок этиш, Ватан шарафини ҳимоя қилиш учун ёшлар нималарга эътибор беришлари керак? Ватан ва миллат манфаатлари ёш авлоддан нималарни талаб қилмоқда?

Таниқли адиллар, журналистлар қаламига мансуб ушбу тўпламда Президентимиз И.А.Каримовнинг “Тафаккур” журнали бош муҳаррири саволларига жавобларида олга сурилган гоялар асосида шу ҳақда баҳс юритилади. Китоб талаба-ёшларга, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий
ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

ФАЙБУЛЛОХ АС-САЛОМ

ЯНГИЧА ТАФАККУР ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Инсон ҳеч қачон қотиб қолган ҳолатда, тургун яшай олмайды. Ҳатто умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган маҳбус ҳам фикран ва қалбан ҳаракатда. Чумолилар, тоглар, денгизлар, рўйи заминда жамики жониворлар бор, бари ҳаракатда. Ҳаракатдан тұхтаган хилқат ўлимга маҳкум. Оила күұна ҳовлидан янгисига күчиб ўтади. Оддингиси торлик қиласы. Аммо, вақти келиб, янги ҳовли-жой ҳам торлик қилиб қолади. Фақат майиттагигана атиги икки газ ер кифоя. Тирик-инсоннинг эса руҳи шундайки, унга бутун Ер юзи керак. Гоҳо ҳатто замину замонга сигмай, сафар-жабдуқларини ҳозирлаб, яна ҳаваски, чексиз коинот бўйлаб фазоларга йўл олади...

Жамият бир текисда равон тараққий топмайди. Жараёнлар чуқур, ботиний ижтимоий тұлғоқлар бағрида кечади. Ҳеч қаёқда, на табиат ва на жамиятда, на ер устида ва на ер остида сокинлик йўқ. Бўлмаган ва бўлмайди. Оқмаган сувни кўл дейдилар. Дарё бўлиши учун сув оқиши керак. Бинобарин:

— жамият шундай вақтда жамиятки, агар, инсоний қиёфага эга бўлгани ҳолда, онгли суратда уюшган бўлса,

— шахс шундай вақтда кучли шахски, агар миллионлаб кишиларнинг миллиондан бир заррасини ташкил этгани ҳолда, ўша миллионлар уммонини ҳаракатта келтира олса, бошқара олса, йўналтира олса. Жамиятни, унинг салоҳиятини кўтара олса. Ҳалқнинг гам-андуҳлари, ташвишлари билан яшай олса, ўзини оқ ювиб, оқ тараган ҳалқига камарбасталик қила олса,

— миллат шундай вақтда миллатки, агар жаҳон ҳам-жамиятида ўз ўрнини топа олса, ўзининг барча миллатдошларига муносиб ном, макон, гурур, масъулият ва келажакни таъминлай олса,

— олим шундай вақтда олимки, агар у заковат ва билимдонлиқда Сүқроти ҳаким бўлиб кетганида ҳам, ўз инсоний қиёфасини сақлаган бўлса, ҳар қандай мушкул шароитда ҳам тўғриликни ёқласа, ҳақиқатни тик айта олса.

Истиқдол ёшларидан навқирон авлодга хос жўшиқинлик, довюраклик ва шижоат, доноларга хос вазминлик ва идрок, тадбиркорларга хос етти ўлчаб бир қесиши ҳамда ҳар қандай қийин вазиятлардан ҳам чиқиб кета олиш, ҳар қандай муаммони ечишнинг бирдан-бир тўгри йўлини топиш, зукколик талаб қилинади. Ёшлар ўз олдиларида ҳеч бир замонда, ҳеч қачон пайдо бўлмаган мушкулотларга маҳкум этилганларини чуқур ҳис этишлари зарур. Бу ерда юрак жўшқинлиги, қалб қўри, билак қучи, теран ақл-идрок талаб қилинади. Кексаларнинг хатосини ўлим ниҳоясига етказади. Ёшларнинг хатосини вақт тузатади. Вақт эса зиқ. Агар биз вақтни тежамасак, вақт бизни тежаб юборади.

Сиз жигаргўшалар, ўзингизда эски тузумлардан мерос бўлиб қолган ажойиб неъматлар билан бирга, маънавий ва мафкуравий иллатлар таъқибида иш кўришингизга тўгри келади. Маъзур туттайсиз, биз сизга фақат яхшиликни раво кўрган эдик. Эсизки, Шўролар даврида гумроҳлик қилиб, ҳар хил вақтинчалик ҳою ҳавасларга, амал-тақалларга учиб, миллат сифатида ўлимга маҳкум этилганимизни ўз вақтида тушуниб етмадик. Вақт бизни шафқатсизларча алдади. Алдадик ва алдандик. Сиз бутунлай бошқа замонда яшаяпсиз.

Бундай имконият қирқ йилда, ёки юз йилда, ё бўлмаса минг йилда бир марта келади. Хайрият, ана шу мустақиллик даврони сизнинг чекингизга тушди ва унинг бутун масъулияти, зил-замбил юки ҳам сизнинг гарданингизда. “Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди”, дейдилар. Кўхна Мовароуннаҳр фарзандисиз. Валломат бобомиз соҳибқирон Амир Темур авлодларисиз. Бироқ буларнинг барчаси бутунги кун учун етарли эмас. Ажабки, биздан тарихан юз йиллар кейин ўз миллати ва давлатчилигини бунёд эта бошлаган ёш давлатлар ва ҳалқлар ҳам ижтимоий ҳамда ақлий тараққиётда улкан ютуқларга эрищдилар. Сабаби: қуллик, қарамлик билан тараққиёт бир-бирига зид келади. Бас, бундан бўён сиз фарзандлар миллий қиёфада юз берган қолоқликка, тургунликка, бадбинлик ва жаҳолатга барҳам бериб, ўзлигингизни таниш, қуллик қарамлигидан — эркинлик ва демократик ҳурриятга ноил бўлишингиз, жаҳон ҳамжамияти иттифоқига дадил кириб боришига эришмогингиз даркор. Ҳозир бунинг учун барча иқтисодий, илмий-техникавий, ҳуқуқий шарт-шароитлар ҳозирланмоқда. Булар: иқтиодиётни бутун чоралар билан кўтариш. Табиатни

бузгунчилик ва емирилишдан муҳофаза этиши. Ватаннинг даҳлсизлиги ва ҳимояси, мамлакатнинг тарихан таркиб топган яхлитлиги ҳамда парчаланмаслигини таъминлаш. Замонавий фан, техника, миллий умумжаҳон маданиятини юксалтириш. Молия, банк, солиқ маҳкамаларини такомиллаштириш, уларни ортиқча даҳмазалардан тозалаш ... Булар барчасини билиб ва қушиб олиб боришга тўғри келади.

Сиз муҳокама ва мушоҳада қилишни, ўзингизга дардли-изтиробли саволлар беришни, бу саволларга оқилона жавоблар топиш илмини ўрганинг. Ким эдиму ким бўлдим? Қаёқдан келаётibман-у, қаёққа кетаётibман? Жамиятда менинг ўрним борми, агар бўлса— қандай? Мен ҳали бу ёруг дунё юзини кўрмаганимда ҳам у бор эди. Ўз тараққиёт ва таназзуллари билан, ўз қисмати ва ташвишлари чангалида. Мана мен таваллуд топдим: дунёни кўз очиб кўрдим. Нима ўзгарди? Хай, мен ҳам, инчунун, бу дунёни бебақодан утиб кетаман ... Дунё эса дунёлигича тураверади. Токим Рўзи маҳшаргача. Бу рўйи заминда инсон зоти қанчалик қудратли! Барқни (электрни) кашф этдилар. Поезд, пароход, уchoқ, космик кемалар ясадилар. Улкан кўпприклар қурдилар. Сув остида шаҳарлар қад кўтарди. Компьютер, телефон, телеграф, факс. Мана энди — интернет! Коинотнинг ич-ичига тобора чуқур кириб бораяптилар ... Айни вақтда мен нақадар ожизман. Вақти келганда, чумоличалик қурбим йўқ. Бас, ўз ризқи-насибамни териб еб, борига шукр, йугига қаноат қилиб, гимирлаб юраверайин. Дўппимни яримта қилиб. Қачон қараманг, жон фидо этиб ишлаётганларнинг боши гурбатдан чиқмайди. Ҳеч ким уларга ҳайкал ўрнатмайди.

Оҳ, мўмнитойлар-а! Бир йўриқда тўғридай. Бу ҳам ўзига хос бир фалсафа. Аммо ожизона фалсафа. Ўзгача ўйлаш керак одам боласи. Менинг бошқа бирор эмас, айнан мен бўлиб тугилишим тасодифийми? Борингки, тугилмаганимда ким хафа бўларди? Худо мени ўз бандаси сифатида шунчаки эрмак учун, дунё кўргазмасига “экспонат” қилиб муваққат яратдими, бу маҳобатли ёруг жаҳонни мен учун барпо этдими? Агар мен бу қадар нотавон, ожиз бир хилқат бўлсан, бу оламга келишим — нечун? Бундан мақсад не ва бунинг кимга қандай қизиги бор? Нега қулогимга аzon айтиб, карнай-сурнай билан қаршиладилар? Нега от қўйдилар, Оллоҳнинг муборак сифатларини менга раво кўрдилар?

Сүйдилар, ўқитдилар, ҳидоят йўлига бошқардилар, одоб-ахлоқа ноил этдилар? Мен кашшоф бўлишим керакми ёки истеъмолчи? Мендан Парвардигор ва сарвари олам, Ватаним, халқим, ота-онам нимани кутади? Нималарга даъват этилганман? Мен ўзимнинг борлигимдан бохабарманми ёки йўқ?

Ҳозирги куннинг энг долзарб вазифаси нима? Қилиш мумкин бўлган ишни қилиш. Йўқ, қилиш мумкин бўлган ишни эмас, қилмасликнинг иложи қолмаган ишни қилишдир.

Ватандошларнинг руҳий бирдамлиги ва бардамлиги ни сақлаш. Миллатчилик ва маҳаллийчиликнинг ҳар қандай кўринишларини рад бадал этиш. Минбаъд унумаслик керакки, миллий мумтозлилкка даъвогарлик фақат великорус шовинизмигагина хос эмас. Инчунун, майда миллатларда ҳам “улуглик”ка даъвогарлик касали учрайди. Лайчада ҳам “филлик касали” бўлади. Бу ижтимоий қутуриш, парокандалилкка мойиллик, инқироз аломатидир. Маҳаллийчилик дегани шу. Қачонки миллат ўз ичидаги майда “миллатчалар”га бўлинниб кетса, халқнинг бирлиги, салоҳияти ва қудратига шутур етказмай қолмайди. Амир Темур давлатининг кучи, унинг енгилмаслиги сири шунда эдики, соҳибқирон ўзига меъёрсиз асъасаю замзама, шаръий бўлмаган насл-насад, шукуҳ ва сифатларни қабул этмади. Ўз қўли остидаги ҳукмдорларни ҳар қанча сийласа-да, ноўрин чексиз зулм, ҳукмфармоликка йўл қўймади. Ношаръий ишларни қаттиқ қоралади. Лашкар, ҳокимият, эл-улуснинг бирлигига эришди. “Куч — адолатда” (аксинча эмас!) деб шоён қилган қудратли соҳибқирон жаҳонгирилик ташвишлари билан куррайи заминнинг қайси нуқтасида: Арабу Ажам, Қофқоз ёки Форс, Турк ёки Хитой сафарида булмасин, ўз она юрти, халқи, пойтахтидан батамом кўнгли тўқ эди. Чунки ўз мамлакатининг, қўл остидаги кўпмиллатли халқларнинг бирлиги, тотувлиги ва хайриҳоҳлигига эришганди.

Замонамизнинг ўзига хос талаб, хусусият ва шарт - шароитларини ҳисобга олган ҳолда, бозор иқтисодиёти сари оғишмай ҳаракат қиларканмиз, рўй бериши мумкин бўлган энг катта хавф: бойларнинг меъёрсиз бойиши, ўртаҳол табақанинг камбагаллашуви, камбагалларнинг қашшоқланувига йўл қўймаслик, бундай ўта нохуш аҳволнинг олдини олишдир.

Маънавиятни тинимсиз юксалтириб бориш. Биз ижтимоий жараёнларнинг барча босқичларидан ўтиб

келган ҳалқмиз. Фуқаро мустабид тузумнинг бемустас-но барча “неъматларидан”, баҳраманд бўлган: уруш, очарчилик, қатагон, сургун, мардикорлик, шахсга, тўраларга, партияга, “улуг оғага” сиғиниш, миллий таҳқирланишни бошидан кечирди. Узоқ тарихий такомилот ва тадрижиёт давомида зулм қолмадики, у кўрмаган. Ниҳоят, мана етти йил бўлди, аждодлар орзу қилган мустақил ҳаёт мақомига эришиб, рўшнолик кўра бошлаганига. Агар кимда ким мустақилликка эришдик, бу ёғига ёғ еб, ялангоч ётадиган замон келди, деб ўйласа (шундай кайфиятлар ҳам йўқ эмас), шафқатсизларча янгилашади. Сўхтаси совуқ, “ҳомийликка” даъвогар барчага маълум бир давлатда йиллар давомида “тинчликни-истасанг, урушга тайёрлан” деган антиқа даъво ҳукм сурди. Аммо тарих уларнинг тинчлик ҳақида тантанавор баёнотлар бергани, тинмай жавраганига қарамай, амалда бирёқдама ва рўй-рост нуқул уруш оловини ёқиб келганини, ҳозир ҳам бундай иddaолардан воз кечмаганини кўрсатиб турибди. Яхши қўшничилик муносабатлари деганда ўзидан заиф давлатларни ютиб юбориш учун қон-қардош ҳалқлар орасида ҳар куни, ҳар соатда фитна ва адоварат тұғди-раётганини фақат кўзи ожиз, кар, овсар, ўта калтабин одамларгина кўрмаслиги, тушунмаслиги мумкин. Уларнинг синалган усули: бўлиб ташлаю, айшингни сур. Инсофсизда уят, уятысизда инсоф бўлмайди. Сурбет кишида шарм, иймонсизда ҳаёй йўқ. Бундай одамлардан марҳамат кутманг. Улар бизнинг ўлкамиз, бойликлари-мизни ўзларининг “луқмаи ҳалоли” деб билади.

Нақл борким, тулкидан сўрашибди:

- Ўз даъвоингга далилинг борми?
- Бор! — дебди туллак.
- Қандай далил?
- Мана, — дебди тулки думини кўрсатиб.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг қарор то-пиши жуда катта тарихий воқеа. Агар шундай ҳодиса рўй бермаганида, ҳозирга келиб, ўлка, миллат, иқти-содиёт, сиёsat, маънавият миқёсларида ҳолимизга май-мунлар йиглаши аниқ эди. Эндилиқда олдимизда турган вазифаларнинг долзарблиги ва салмогини шундай тасаввур қилса бўладики, бизнинг она диёrimiz собиқ мустабид (тоталитар) Шўролар мамлакати етмиш йил давомида қўлга киритган ижобий натижаларга ўн йилнинг нари-берисида эришмоги лозим. Бунинг маъноси шуки, жўргрофий миқёс йигирма-үттиз баробар кичик

бұлгани ҳолда, ұнгланиш ҳамда тараққиёт суръатини камида үн баробар оширишта тұгри келади. Қандай қилиб?

Аввало, олдинги руҳий лоқайдык, турғунлик қай-фиятларидан батамом құтулиш керак. Мұноғиқлик, сұ-бутсизлик, алдоқчилікка барҳам бериш даркор. Минг афсуски, бу гайриахлоқий иллатлар қон-қонимизга син-гиб кетген. Энди алдаганда кимни алдаймиз?

“Дилбұзар” ҳақида иккى оғиз сұз. Қарор топған воқелигимиз Гарбу Шарқ мінтақалари кесишган майдонда жойлашған. Қадимда одамлар бир қишлоқ, овул, қасаба миқёсида үзаро мұносабатта киришган бұлса, әндилікда нақлиёт (транспорт), пошта ва телеграф, факс, оммавий матбуот воситалари, овознигор (радио) ва ойнаи жақон (телевидение) туфайли бутун инсоният үзаро жадал мулоқот олиб бормоқда. “Узоқ” ва “яқин” деган тушунчалар үзининг асл масофавий маңносида бенихоя қисқарып кетди. Қитъалар, мамлакатлар, әлаттар, миллатлар, гойибона, юзма-юз дийдор күришмоқда. Буёти әнгиз өзінде көрсеткен көзінде көрсеткенде күрделі болған көзінде күрделі болғанда ... Мұжиза бүлар, шунчалик бүлади-да! Бундай ҳолни әнг жасур хаёлөт (фантазия) олами ҳам үз тасаввурига сигдира олмайды.

Бугунғи фан ва техника тараққиеті асрида ҳазрати инсон сиймосини улкан, баҳайбат Бөш, жимжалоқдай құқрак қафаси (митти қалб) шаклида тасвиrlаса бұлар. Одамзод үзи қашф этган нарсаларға маҳлиә ва асир. Эндилиқда әнг беҳудуд, ҳайратомуз тасаввурлар ҳам техника мұжизалари қаршисыда кичрайиб, жұнлашиб, гариблашиб бораёттаңдай. Лекин ... Воажаб. “Этигинг тор бұлса, дүнёнинг кенглигидан на фойда” деган нақл ҳамон үз кучида. Одамлар, ҳар бир шахс бундай техникавий іхтиролар оқибатида үзиге үзи бир бағы бұлса ҳам яқынлашдими? Жипслашдими? Қалбига қулоқ солаётібдими? Бир-бирини құпроқ тушунадиган бұлдими? Бильәкс, узоқлашмаяптыми, үзидан үзи мосуво бұлмаяптымкан, иш қилиб? Телевидение — “узоқдан күриш” дегани. Шу сұзниң том илмий-техникавий маңносида. Ижтимоий маңнода-чи? Биз теледийдор (телевизиявий) каромат туфайли үз үйимизда туриб бутун дүнёни құрамиз, үз хонадонимиздан — жақонға саёхатта чиқамиз. Бироқ жақон сақнида үзимизни күра олаяпмизми? Үзимизни йўқотиб қўймаяпмизми?...

Қизиқ. Ҳар қандай оламшумул улуг кашфиётнинг ақл бовар қилмайдиган даҳшатли томони, хунук оқибатлари бўлар экан. Баъзан бир хилги сурункали бемаъни намойишларни кўриб, одамзот илмий мўъжизага ақдан сазовор бўлган эса-да, қалбан тайёр эмас, деган ўйга борамиз. Бу кўрсатувлар туфайли ҳар биримизнинг хонадонимизда ҳар куни кўзни ўйнатадиган, дилларни яйратадиган, маънавиятимизни бойитадиган, ҳазин ва қувноқ кўрсатувлар билан бирга, дийдамизни қотирадиган, таъб диҷимизни гаш қиладиган катта-кичик дилсиёҳликлар юз бериб туради. Уруш, қотиллик, талончилик, фахш, гиёҳвандик, алдов, фириб, майпарастлик, кашандаликлар минг хил товланишларда кўз ўнгимиздан гимирлаб ўтиб туради. Энг наҳс ишлар, эҳтимол, қаттиқ танқид тиги остида намойиш қилингани тақдирда ҳам (аслида, аллақаёқлардан оқиб келаётган, муайян ёмон мақсадларга йўналтирилган машъум ниятлар ҳукмрон!), бу жуда ёмон таъсир қиласи. Айниқса, ҳали суяги қотмаган ёш-ялангларга. Шу тариқа ўта фасод иллатлар ҳаётдан саҳнага, саҳнадан ҳаётта кўчиб юргани юрган. “Тўхта!” дейдиган куч йўқ. Бутунги теледийдор — қанчалик дил жавҳари, ақл чироги бўлса, шунчалик “дилбузар”: ички маънавий кўпорувчиликдан иборат. Турган гап, онгли кишилар учун телевизиявий томошаларнинг бу сингари жирканч иллатлари балким, биз ўйлаганчалик жилла хавфли эмасdir. Бироқ, бу гоҳ гирт ялангоч, беҳаё намойишлардан фақат профессорлар “баҳраманд” бўлмайдику. Ҳамма кўради. Инсоннинг табиати шундайки, у яхшилик, эзгулиқдан кўра ёмон нарсаларга кўпроқ интилади. Баайни кўзга кўринмас зарра-микроблар биринчи галда нимжон кишиларни сурункали ва юқумли оғир дардларга мубтало этгани сингари, хунук ахлоқий иллатлар намойиши илал-оқибат унинг тарбиясини издан чиқазиши турган гап. Вақти-соати етганда “ваҳ!!!” деймизу, кеч бўлади.

Ойнаи жаҳоннинг ўзига хос кучли жозиб сеҳри бор. Эртаю кеч ёшларимиз, касалнинг юзига термулгандай, телевизорга михланиб ўтирганини кўрганингда, ўзингни ихтиёрий суратда жиноятта қўл ураётгандай, ўзинг ҳам кўра-била шу жиноятта шерик бўлаётганингдай туюлади. Мисқоллаб, заррама-зарра йиққан тоат-иботатларинг, ахлоқий ўгитларинг, нондай азиз миллий турмуш тарзининг шундоқ кўз ўнгингда ботмонлаб елга учиб бораётганини кўриб туриш атрофдан қараган ки-

шига қанчалар нохуш ва аянчли. Бунинг устига, аламки, ёшларимиз бу тарзда гулдай умрини ҳазон қилаётган экан, ҳовли саҳнида ёки эшик олдида нақ бир таноб ер бўм-бўш, тақир яйдоқ бўлиб ётади. Унга ишлов берадиган, кўчат ўтқазадиган, экин-тикин қиладиган бир мард ўглон йўқ. Қозон-товоққа, рўзғорга қарашиб юборадиган солиҳа қизлар, удабурон келинлар ҳам тандир ва ўчоқ бошида, сигир соғишда кўринмай қолаяпти. Улар телевизор олдида эртаю кеч “банд”.

Ишқилиб, бундай ношукурликнинг охири баҳайр бўлсин. Мулкка муносабатни тубдан ўзгартириш лозим. Сочидан тирногигача сиёсийлашган собиқ тузум мулк ва мулқдорлик, сармоя ва сармоядорлик, тадбиркорлик, ташаббусни барча чоралар билан бўғди. Буларга зўр берилса, капиталистик майллар уйгонади, деб қўрқди. Миллионлаб кишиларни шундай “тарбиялаш”-га эришилдики, эмиш капитализм бутун инсониятнинг ғадор душмани ва у муқаррар емирилиши лозим. Ҳолбуки, бу билан солим ақлга зид иш қилинди. Капитализм бу эркин сармоянинг равнақига, маъмур бозор иқтисодиётига, рақобатга ва тадбиркорликка кенг йўл очади. Сармоядорлик тадбиркорликка вобаста. Тўгри, бу тузум ҳам жаннат эмас. Унинг ҳам иллатлари бор. Агар қўйиб берилса, мулкка, моддий бойликка алчоқлик, ҳирс, инсон ҳуқуқларининг поймол қилинishi ва ҳоказо нобоп, номатлуб ҳодисаларга олиб келади. Ундей десак, биз тирик гувоҳи бўлган, кўкларга кўтариб мақталган соҳтакор социализмнинг, ҳатто “ривожланган” социализмнинг сийнасида ҳам юқорида санаалган иллатлардан ташқари, уларга қўшимча равишида, ўз маразли жароҳатлари мавжуд эканлиги ошкор бўлиб қолди. Бу муқаррар суратда ялпи шовинизм, улугогачилик, мутелик, улугдавлатчилик майлларининг чуқурлашиб кетишига олиб келаркан. Тўрачилик, хўжасизлик, ўзибўларчилик, шахс ва кичик сонли ҳалқлар ҳуқуқларининг қўпол суратда поймол қилиншига олиб келиши аён бўлди. Ҳар қандай улуғвор гоя ҳам маънавий камолот ҳосил қилмаган тўданинг, тарбияси бузуқ кимсаларнинг қўлига тушса, бу машъум режаларга маҳкум этиши муқаррар.

Биз энди бошқа йўналишда, ўз тараққиёт йўли-мизни қидириш йўлидан бораётибмиз. Тарихий, миллий ҳаёт тарзимизга мос ва қойим йўлларни изляпмиз. Айни вақтда бугунги илгор Гарб технологияларидан фойдаланишга интилаётибмиз. Катта кемага катта

сафар муносиб, дейдилар. Илло, катта сафарни ихтиёр этган сиз ёшлар бу сафарнинг ўзига яраша хавф-хатарлари, йўл азоблари, сув ости харсанг тошлари, гирдолари, об-ҳаво инжиқиклари, ёқилғи муаммолари ҳамда кеманинг ўзида содир бўлиши мумкин бўлган табиий, ижтимоий ва тасодифий фалокатларни олдиндан ҳисобга олмай, пухта ўрганмай иш қўрсангиз, оқибати нима билан тугашини ўзингиз биласиз. Бунинг устига, фақат сиз фарзандлар эмас, биз ота-боболарингиз ҳам бундай катта йўллардан юриб кўрмаганмиз. Бизни муқаддам, жуда нари борганда, аксарият гўлахлик қилиш, сув ташиш, ўтин ёриш, дастёрлик, югурдақлик сингари майда-чуйда юмушлар билан алаҳситиб келишган.

Эътибор қилаётгандирсиз, мулкка муносабат ўзгармоқда. Илгари барча фалокатлар манбаи — хусусий мулк деб таърифланган бўлса, эндилиқда жамиятнинг ялпи тараққиёт омилига ҳавас пайдо қилишингизга тўгри келади. Мол-мулксиз, йўқсул, бебизоат кимса жамиятнинг иқтисодий ва маънавий қиёфасини белгилай олмайди. Мулксиз шахс заиф, қашшоқ ва ожиз одам. У на ўзига, на ўзгага, на жамиятга ёрдам қўлини чўзолмайди. Ўтмишда етти пушт ота-боболарининг насл-насабсиз, камбагал, қашшоқ аравакаш, ҳаммол, етим-есир, ожизу хор ва нотавон ўтганлиги билан нодонларча “мақтаниш”, ўзининг ялангоёқлиги туфайли катта давлат мансаби ва лавозимларидан умидвор бўлиш замони ўтиб кетди.

Тадбиркор, мулқдор, бадавлат, забардаст инсонлар бўлишга интилинг. Фақат мулк тўплаш эмас, балки уни тасарруф қилиш, қисқаси, пулни санаш, бойликни тежаш, ҳар қандай исрофгарчиликлардан тийилиш йўлларини қидиринг. Чиқитсиз ишлаб чиқариш илмини ва тадбир-тадорикларини ўрганинг. Рақобатсиз ўсиш, юксалиш, тараққиёт йўқ. Бироқ! Рақобат ўзгаларни бир умрлик баҳтсизликка олиб келмаслиги лозим. Рақиб — душман дегани эмас. Фойда ёки шахсий манфаат кетидан қувиб, рақобатга берилиб кетиб, ўзингизга ўхшаган бошқа ҳамкасларингизнинг синиши, хонавайрон бўлиши ва ҳалокатга йўлиқишидан ҳазар қилинг. Маърифатли бой-бадавлат кишилар, заводчилар, корхона эгалари, қўли гул ҳунарманд бўлишга интилинг. Давлатманд бўламан деб, мол-дунё ҳирсига гирифтор бўлманг. Атроф-муҳитни булгаш гуноҳи азим эканлиги хаёлингиздан фаромуш бўлмасин. Чунки ўз

корхонангиз, ижодхонангиз (лабораториянгиз), молхонангиз, омборхонангиз сингари, ўша атроф-муҳит: сув, осмон, ер, ўрмон, чакалакзор, балиқлар ва қушлар — барчаси сизники. Табиатни ифлослантириш билан фақат одамларнинг эмас, Худонинг қаҳрига учраш хавфидан ўзингизни сақланг, бошқаларни ҳам шунга даъват этинг. Табиатни унинг табиий гўзаллигию тароватидан маҳрум этманг. Бир мусулмон фарзанди сифатида ва, қолаверса, диний мансублигингиздан ҳам қатъий назар, — ахир, инсон боласимиз-ку! — ҳалол билан ҳаромни фарқланг. Маънавий қашшоқ, мирзақуруқ кишилар бўлиб қолищдан ҳазир бўлинг.

Бойишнинг юзлаб усул ва тадбирлари бор. Бунинг учун фақат эсли-ҳушли, ўткир ақл эгаси бўлишнинг ўзи кифоя эмас. Ҳаммага ҳам бой-бадавлат, бадастир, ганий бўлиш насиб этавермайди. Бой бўламан деган кишига бойишнинг ҳамма усул ва воситалари қўл келади. Шуниси борки, мана бу насиҳат доимо ёдингизда бўлсин: Бой бўлай деб иззат-ҳурматингиздан айрилиб қолманг. Мумсик, галамис одамдан ҳамма ҳазар қиласи. Гирромлик, фириб, алдов йўли билан орттирилган бойлик кишига охир-оқибатда баҳтсизлик ва пушаймонлик келтиради. Давлат сўзи икки бўгиндан таркиб топган: дов — қўйилиб, басма-басига оқиб келмоқ; лат — шикаст емоқ, синмоқ. Давлат кишига оқиб келади ю хонавайрон қилиб кетади. Ҳаром йўл билан мол-давлат орттириш нима? Масалан, тақрибан шундайки: ўн панжани оғизга тиқиши, қабрга олиб кетилаётган ҳар бир тобут ичидаги майитнинг эгнидан ҳам бир қаричдан қафан йиртиб олиб матоҳ тўплаш, қиморбозлик ёки фаҳш ишлар орқасида бирвларнинг ор-номусини топташ, бозорда майда чайқовчилик, ўғирланган молларни сотиш билан бармоқни бармоққа тегизмай сал вақтда катта маблаг тўплаш мумкин. Тарозидан уриб қолиш, сутга сув қўшиш, ўтмас молни алдаб сотиш, бензин ёки керосинни кўпиртириш, пора олиш, сотилаётган молга бирга ўн ёки юз баробар ошириб нарх тайинлаб пуллаш ва бўлак йўллар билан сал вақтда чўнтакни ақчага тўлдириб юборса бўлади. Аслида, бундай минг хил фирибгарлигу қаллоблик йўли билан тўпланган пул — бойлик эмас, балки жиноятдир. Яширин, қабиҳ жиноят. Бу рўйрост талончилик билан баробар.

Кўриб турибсиз. Сўл ёндаги қўшнингиз бор-йўги катта дўкон қоровули. Маҳаллада ҳеч кимни назар-писанд қилмайди. Бойлигидан ёрилай дейди. Уч қават-

ли иморат солиб, уйига ... лифт ўрнатган. Етти дағаны чақириб дангиллама түй берди. Қандини урсин. Худо берган, деймиз. Йүк. Худо бермаган. Иблиси лаъин берган. Қингир виждон, рўй-рост ўгирилик билан топган. Буни бутун маҳалла-кўй билади. Тегишли одамларнинг эса кўзи богланган, оғзи мойланган.

Ўнг тарафдаги қўшнингиз қўли гул, инсоф-диёнатли кекса муаллим. Маҳаллада ҳамманинг боласини ўқитган. Қаршиңгиздаги қўшни эса бутун мамлакатга таникли зот, катта олим. Ҳурмати сарбаланд. Лекин ҳар иккалови — муаллим ва алломайи замон — мол-давлат борасида толеи паст. Номлари улуг, супралари қуруқ. Бошлари букик. Маҳалла аҳлидан ва ўз тақдиридан уялиб, кўзларини яшириб юришади. Худди бирон айб иш қилиб қўйишгандай. Ажабким, бу икки одамохуннинг не ҳасратда бир ойда топган моянасини бояги қоровул бир соатда топади!...

Сиз бояги ҳамсояларнинг аҳволини қўриб турибсиз. Бас, сиз ўзингизни лицей, институт, дорилфунун, ҳунар мактаби, консерваторияга эмас, сарбозорга урасиз. Бозорда носфурушлик, фаррошлиқ, чек сотиш, киракашлик, ҳаммоллик ёки бошқа истаган юмуш ҳам сиз учун фахрли қўринади. Чунки мана шу “касб” эгаларининг ҳар бири истаган муҳандис, дўхтири, расом, шоир, фан ёки санъат арбоби, ҳатто, яшириб нима ҳам қилдик, давлат вазирига хукумат томонидан белгиланган маошдан камида ўн баробардан кўп даромад қилади. Зеро, давлат кишиси “вақтбай”, бозорчи ёки саводсиз “тижоратчи” эса “ишбай” пул топади. Мўмай. Шундай бўлгач, дорилфунун ёки академия соҳиби — олимлар эмас, Бозорбойлар кўзингизга “энг ақлли зот” бўлиб қўринади.

Демоқчиманки, сиз ҳали ёшсиз. Гўрсиз. Суягингиз қотмаган. Ҳаёт фақат бозордан иборат эмас. Катта, зиддиятли, аччиқ ҳаётни ҳидлаб кўрмагансиз. Ҳаёт қозонида қайнамагансиз. “Бозор кўрган эчкидан кўрқ”, деб бежиз айтмайдилар. Агар мечкай ва “бозор эчкиларига” айланиб қолсангиз, сиздан виқорли Арслонлар, довюрак Қоплонлар, салобатли Шерзодлар ва шижаатли Бургут ва Шунқорлар чиқмайди.

Жамиятга бозор керак. Матъмурчилик — бозор билан. Дастурхон ҳусни-таровати — бозор билан. Тирикчилик, фаровонлик — бозор билан. Оҳ, бизнинг Шарқ бозорлари! Тошкент, Самарқанд, Хива, Фаргона, Урганч, Шаҳрисабз бозорлари. Сарбозорлар.

Жамиятнинг, миллий маънавиятимизнинг ҳусни-жамоли, кўрки. Бозорига ва мозорига қараб ҳалқнинг аҳволи руҳиясини англаш мумкин. Бу фақат ноз-неъматлар, ризқ-рӯз, ноңу намак, ширавору зиравор,резаворгина эмас. Отанг бозор, онанг бозор деб бекорга айтмайдилар. Улугвор мақсадлар олдида турганимизда мен ёш-ялангларнинг қундалик турмуш икирчикирларига ўралашиб қолишини андиша қилаётубман, холос. Демоқчиман холоски: ҳар нарсанинг бозори касод бўлса бўлар, илм-фан, ҳунар, маърифатнинг бозори касод бўлмас. Ҳушёрга бўлингиз, болаларим. Қўлингиздаги булбулни сассиқ попишакка алмаштириб қўйманг. Сизни бозор бус-бутун қаърига тортиб, қалбингиздаги “йилт” этган истеъод, маърифат чечакларини сўндириб юбормасин. Майин майсаларни поймол этмасин. Мажақданган майсаларнинг яна нишотиб кўкариши қийин кечади. Сизнинг ёшингизда бозорга кириш осон, ундан чиқиши, ваҳ-ваҳ, қийин. Ёшлигида супурги сотишга ўрганган одам, илм шоҳсупасига кўтарилиб, академик бўлганида ҳам ўз “ёғлик” касбини қўмсаб, юмшоқ супурги бўлиб юраверади ...

Муқаддас китобимиз Қуръони карим ҳамда Ҳадиси шарифларимиз ўқиши, билимни, ҳунар эгаллашни, заҳмат чекиши, мутолаани қайта-қайта шарафлайди. Олимлар жаноби пайгамбаримиз Муҳаммад Мустафо алайҳиссаломнинг ворислариdir. Бешикдан то қабргача илм ўрганишга даъват этадилар. Бозор устимизни бут, қорнимизни тўқ қилса, илм-ирфон, маданият ва санъат иймонимизнинг бут бўлишига, пок маънавий ҳаётга, комил тарбияга мушарраф бўлишимизга қўшиш қиласи. Оллоҳ таолонинг номи ва сифатлари сирларини, моддий дунёning жами синоати ва мўъжизалари билан bogлиқ, баний инсон ва жамиятнинг ҳолатини англатиш муаммолари, кулли табиий ва ижтимоий ҳодисаларни билиш илм-фан, техника тараққиётiga вобастадир. Илм-ҳунардан баҳраманд бўлган киши камтар, камсуқум, тўқмижоз, баркамол инсондир. “Гадоям — муҳташамам” деганлар мавлоно Фузулий. Ўқимишли, билимдон, маданиятли одам билан тўпори, жоҳил, нодон, саводсиз ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Бу ёруг дунёning гўзаллиги, бойлиги, бетакрор саховати илм-ҳунар пешволарининг борлиги, салмоги билан, адабиёт ва санъат аҳлининг рагбати билан белгиланади. Олим бўлсанг — олам сеники, дей-

ди халқимиз. Олим киши ўз ижодхонасидан остона ҳатлаб кўчага чиқмай туриб ҳам дунё аҳволини билиши, уни “забт” этиши мумкин. Элма-эл, юртма-юрт кезиши ҳам шарт эмас. Эҳтимол, бизнинг ганий ва боёнларимизни дунё танимас, аммо нуфузли илм соҳибларининг кашфиётлари, ихтиrolари, ёзган асарлари, ёзувчи, бастакор, мусаввир, меъморларимиз яратган жонли санъат обидалари қитъалар, миңтақалар, мамлакатлар оша инсонларнинг онгига ва дилига етиб боради ...

Қадрли фарзандлар. Сизнинг сафларингизда қанчадан-қанча улкан олимларимиз: Ҳабиб Абдулло, Обид Содик, Саъдихон Сирожиддин, Раҳматуллин, Муҳаммаджон Ўрозбоев, Иброҳим Мўмин, Маҳмудхўжа Бекбудий, Абдурауф Фитрат, Саййид Ризо Ализода, Ҳамид Сулаймон, Ҳадича Сулаймонова, Зулфия Умидова, атоқли давлат ва жамоат арбоблари Файзулла Ҳўжаев, Акмал Икром, Назир Тўрақул, Шароф Рашид ҳамда Абдулло Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Ойбек, Гафур Гулом каби адиблар, Үрол Тансиқбоев, Чингиз Аҳмаров сингари рассомлар, Юнус Ражабий, Етим Бобоҷонов, Аброр Ҳидоятов, Олим Ҳўжа, Шукур Бурҳон, Тамараҳоним, Лутфихоним Саримсоқова сингари бастакор ва актёрлар бор. Бўлмаслиги мумкин эмас. Буларнинг кўпчилиги ўз илми ва санъати билан дунёни титратган инсонлар. Мен сизнинг қиёғангизда, руҳсорингизда, чақнаган ва мулойим боқишиларингизда, ҳатти-ҳаракат ва равиш-рафтторингизда яна минглаб қўли гул муҳандислар, табиблар, зироатчилар, актёр, мусаввир, давлат ва жамоат арбоби, дипломат, сардор ва генералларни кўриб турибман. Сиз ўзингизни ўзингиз кўра олмайсиз. Аммо камина сингари мураббийларга аён ва муайянисиз. Ўзингизда ўзингизни маҳв этманг. Очиги, жамият сизни бозорга солмоқчи, бозор ихтиёрига топшириб қўймоқчи эмас. Савдо-тижорат аҳдининг ўз чапдаст, қилни қирқ ёрган одамлари бор. Сиз ўзингизни югурдак дастёrlарга хос майда-чуйда юмушлар билан банд қилиб қўйманг. Бизнинг муҳлисларимиз, кўтар кўзларимиз, нури чашмонимиз, белимизнинг қуввати, шон-шавкатимиз қалдиргочлари сиз бўласиз. Нархингизни арzon сўрамангиз, шунқорлар. Юзтубан кетманг. Бир умрга армон қилиб юрманг. Тезак, Пиён бозорларига эмас, илм-ирфон кошоналарига юzlанинг. Қийинчиликлардан қўрқманг. Айнан шундай моддий вазминчилик кезларида улуг инсонлар етишиб чиқадилар ва ўз халқларининг

букик қаддини ростлайдилар. Қаёқдасиз, ҳей, кичик донишмандар, ёш олимлар, кўзим қароглари!... Садо берингиз. Асло иштибоҳга ўрин йўқ. Сизни ўқитишига, дунё саҳнига олиб чиқишига она Ватанингиз, Ўзбекистон Президенти, Республикаси ҳукуматининг қурби ва маблаги, рагбати ва шижоати етади.

...Эътибор қилган бўлсангиз керак. Ҳовлингиз йўлаги, дарвозахона шифтида қалдирғочлар ин қурган. Ошхонангизга шундай рўпара жойда, кўзга ташланиб турадиган нуқтада. Бу йил улар тўртта жўжа очишиди. Қушлар ўз жўжаларига чунонам меҳрибонки, ҳавасинг келади кишининг. Ибрат олишига, фикрлашшига, ҳар қанча завқланишига арзигулик. Ўз полопонларининг атрофида гиргиттон. Болаларидан дақиқа сайин хабар олади, ташлаб кетмайди. Боқади, тарбиялайди, ташқи ганимларини шум қушлардан ҳимоя қиласи. Мабодо уларга мушук, олақарга, афгон қушлари таҳдид солгудай бўлса, уларни кўрди дегунча қаттиқ чирқирай бошлайди: одамларни, уй бекасини огоҳ этади. Содик дўстлари, яъни одамларни “дод солиб” ёрдамга чақиради. Шу заҳотиёқ онангиз, ўзингиз, aka-укаларингиз дарҳол ташқарига отилиб чиқадилар, шовқин-сурон чиқазиб, чапак чалиб қўрқитиб, ўша ялмогимиз, нобакор ганимларни ҳайдаб юборишади ...Шу зайл, куз келиши билан қадрдан қалдирғочлар ўз оиласи: етти-саккизта боласи билан бут ҳолда узоқ иссиқ ўлкаларга учиб кетадилар. Келаси йил баҳор фаслида яна ўша ҳол: қадрдан қушлар ўз хонадонига — сизникига учиб келишади. Ҳовлингиз файз-баракага, қувончга тўлади. Фақат ўзларига бошпана изламайди, балки насл ташвиши уларни одамлар билан дўстлашишга, иноқ бўлишшига ундейди. Паррандаю даррандалар ўз зоти-зурёдининг тақдири ташвишида одамлардан нажот кутадилар, уларни ҳомий, посбон, вафодор, оқибатли дўст деб биладилар.

Ҳамма одамлар ҳам, қанийди, қалдирғочлар сингари бир-бирига ва бошқаларга ибрат бўла олсайдилар. Ўша ожиз қушларчалик ҳафсала қила билсайдилар. Ўз насл-насаби, фарзандлари, ота-оналарини ёвуз кучлардан, носоглом майллардан, таҳқир ва тұхматлардан ҳимоя қилиб, қўксиларини қалқон қилсайдилар. Оилаларнинг бузилиши, никоҳсиз туғилаётган болалар, ташландиқ, қаровсиз гўдаклар, бошпанасиз қолиб, кўча сангийётганлар, гиёҳвандалар, етимхоналар сони ортиб кетмаган бўларди.

Қалдирғочлардан ибрат олсанг-чи, эй одамзот!

Ривоят борким, бир тантиқ қизалоқ ўз севгани ошиқ йигитга туҳфа тариқасида волидасининг кўксини чок қилиб, юрагини келтириб беришни талаб қилади. Йигит бундай гайри инсоний ишдан бош тортади. Аммо талаб қатъий эканини эшитгач, дардини ичига ютади, кундан-кунга ранги саргайиб, чўкиб кета бошлайди. Буни эшитган муштипар она ўз қўли билан кўксини қоқ ёриб, юрагини якка-ёлғиз ўглининг кафтига тутади! Мотамсаро фарзанд онанинг юрагини тог ёнбагридан авайлаб-асраб кўтариб борар экан, йўлда бир тошга бехосдан қоқилиб йиқилади. Шунда яйдоқ тош устига отилиб кетган она юрагидан титроқ, мунгли садо чиқади:

— Болагинам, онанг ўргилсан. Ёмон йиқилмадингми? Лат емадингми? Тиззанг шилинмадими, ишқилиб?...

Оҳ, онаи зор-а. Чексиз мушфиқ ва муштипар зот. Бунчалар болажон бўлмасангиз. Фарзанд деганда жонингиз ҳам кўзингизга кўринмайди-я. Ҳадиси шарифларда “жаннат оналарнинг оёғи остидадир”, деб бежиз марҳамат қилишмаган. Оҳ, жаннатмакон оналар, қадди дол оталар. Биз ношуд фарзандларингиз умр бўйи бoshимиз билан бож тўлаганимизда ҳам, Сизнинг мижжа қоқмай бешик тебратиб, бир кечалик бедорлигингиз ҳақини адо этолмаймиз.

Ривоят ва ҳаёт. Ривоят ҳаётни тўлдиради. Ҳаёт ривоятни тасдиқлайди. Оиласар, ота-оналар, фарзандлар, тақдирлар. Бирор отасиз, бирор онасиз, кимдир бирорни ҳар иккаласидан ҳам қисган. Одамлар борки, сер-фарзанд. Тирноққа зор юрганлар ҳам учрайди. Тирик етимлар қанча. Ҳаёт тўқис эмас. Ҳеч қачон тўқис бўлмаган. Биз бир-биримизга тинмай баҳт тилаймиз. Баҳтни ҳар ким ўзгача тушунади. Кимларнингдир қорни, уст-боши бут. Шуни баҳт санайди. Кимлардир енг учиди яшайди. Шу билан тўқис. Кўнгли тинч. Йигитдирсиз, қиздирсиз, сизга жиндай омад ҳам керак. Сиз ўз ота-онангизнинг жигаргўшаларисиз. Бу кам. Сиз ўз ҳалқингиз, Ватанингиз, миллатингизнинг кўз қароғларисиз. Аммо унутманг: танбал, даққи, безори шаробхўр, гирром, фосиқ, гиёҳванд, фаҳш киши маънавий ногирон деган сўз. Үнга ҳеч кимнинг кўзи учуб тургани йўқ. Ўзи учун, қорни учун яшаб, нафс гадоси бўлиб юрганлар жамият учун “ортиқча одамлардир”. Бундай нусхаларнинг бор-йўқлигидан ҳеч кимга ҳеч қандай фойда ёки зарар йўқ. Балким зарар бордир, аммо фойдаси йўқлиги аниқ. Комил инсон эса ҳамманинг жони.

Ҳали айтганимдай, замон замонга ўхшайди. Замон замонга ўхшамайди. Худди одамларнинг ўзи сингари. Ҳозир бизга қандай инсонлар керак? Ёшлар ўзларини қандай йўналишларга қараб чоғлаганлари маслаҳат кўрилади? Зироат, деҳқончилик, пахтакорлик, галлакорлик, боғдорчилик, уругчилик, сувчилик, тупроқшунослик ўзбек учун асл азалий ота касб. Инсон зотини, жами жонзотларни ер боқар экан, таъбир жоиз бўлса “ершунослик” касби ҳеч қачон ўлмайди. Ўзбек кишиси биринчи галда бобо деҳқон тимсолида гавдаланади. Мамлакатнинг қон томири ҳисобланган савдо-тижорат, шунингдек, ҳунармандчилик, табобат ҳам аввал-аввалдан нуфузли соҳалардан санаалган.

Азизлар. Ўзбеклар учун жуда сермашаққат муаммолар борки, тургунлик ва маънавий чириш даврининг худбинлиги, чеклашлари, тўсиқлари туфайли биз кексалар авлоди, эътироф этиш керакки, яқин ўтмишда бу масалани ҳал қила олмадик. Бизда замонавий ишчилар табақаси узил-кесил қарор топмади. Одамларимиз тасаввuriда “ишчи” деганда муайян юмуш бажарувчи шахсни тушунилар эди. Масалан, юк ташувчи, ҳар хил қора хизматни бажарувчи маъносида. Ҳолбуки, ҳар қандай энг замонавий мураккаб механизмларни, завод-фабрикалар, ҳўжалик, саноат ва ҳарбий иншоотларни ишга солувчи, тайёрасозлик, автомобилсозлик, фазогирлик дастгоҳларини юритувчи билигон, ўқимишли, малакали кишилар ишчилар бўлади. Бундай қўли гул одамларсиз фан ва техника тараққиёти ҳақида гапириш бефойда. Ривожланган Гарб давлатларида ишчилар жамиятнинг энг нуфузли, ҳурматга лойиқ, яхши таъминланган мутахассислари ҳисобланади. Армияни сарбозсиз, илм-фанни олимсиз, қишлоқ ҳўжалигини дехқонсиз, саноатни эса ишчисиз тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун агар биз мамлакатимизни дунёning ривожланган давлатлари қаторида кўришни истар эканмиз, аввало, ишчи деган номга муносиб сайқал беришимиз, унинг мавқеини кўтаришимиз, турмуши, майший аҳволини тубдан яхшилашимиз даркор. Республикамизда ёшлар орасида малакали ишчилар сонини муттасил ўстириб бориш энг бирламчи вазифалардан. Тийрак ва зийрак ёшларимиз тез орада буни англаб етиб, етакчи замонавий, қудратли иншоотларда ишчи мақомида ўз ўринларини эгалламас экан, ўз иқтисодий ва техникий мавқеларимизни бошқаларга бўшатиб беришга мажбур бўламиз. Жон фарзандлар, тушунишингиз ке-

ракки, йил сайин ортиб борадиган саноат корхоналарининг тақдиди, демак, саноатни миллый мутахассислар билан таъминлашдек ута муҳим муаммони, ниҳоят ҳан қилиш сизнинг иродангиз, ҳоҳиш-истагингиз ва онгингизга чамбарчас боғлиқ. Ўз ризқ-рӯзингиз, истиқболингиз ва салоҳиятингизни бошқаларга бериб қўйманг. Ўзингизни саноатга сафарбар этинг. Ишлаб чиқаришда Истиқдол тақдидини ўз қўлингизга олинг. Ўзбеклар машинасозлик, кончилик, йирик саноат ишлаб чиқаришининг оғир меҳнатига дош беролмайди, тайёр маҳсулотни олиб сотарчилиқдан, майда чайқовчиликдан бошқа юмушга ярамайди, улардан фақат молбоқар, “хлопкораб” (пахтақул), қора “холоп” чиқиши мумкин, деган чидаб бўлмас таънаю дашномлар туҳмат эканини намойиш этинг. Бундай маломатлардан халқингизни кутқазинг.

Фан чўққиларини эгалланг. Мамлакатимиз олтин, нефт, уран, кўмир, газ, мармар, волфрам ва бошқа юзлаб қазилма бойликларга эга. Уларни кенг миқёсларда ишга солиш, бу бойликларга тўла эгалик қилиш учун ёқилги, кон, кимё муҳандислари ихтисосликларига юзланинг. Риёзиёт (математика), назарий механика, кенг тармоқли техника ихтисосликлари, айниқса, ядро физикаси. Қуёш физикаси, метеорология, сейсмология, биринчи навбатда кибернетика, фазогирлик, компьютершунослик фанларини чуқур эгалланг. Буларсиз биз бошқа давлатларга қарам бўлиб қолаверамиз. Гарб технологиясига кенг йўл очиш, уни ўз лабораторияларимизда жорий этиш ва ривожлантириш, янги янги илмий кашфиёт ва ихтиrolар яратиш учун устивор (фундаментал) фанлар тараққиётига имтиёз беришимиз лозим. Токим илмий тараққиётда биз фаол “истеъмолчи” эмас, фаол бунёдкорлик мақомини қўлга киритайлик.

Энг янги илмий-техникавий тафаккур маҳсулотини, энг янги технологияни, замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозларни бизга на кечаги “улуг оғалар”, на сахий “Сэм амаки” ва на бошқа бирон давлат бермайди. Бизим сингари анойи эмас улар. Энг сахий ва хайриҳоҳ хорижий давлатлар ҳам ўзларининг ўн йиллар муқаддам оёқдан қолган ашёлари ва фан-техника маҳсулотларини бизга сотади, Тилло баҳосида. Нақд ақчага. Шуниси борки, уларнинг кўпчилик эски матоҳлари ҳам биз учун том маънода янгиdir. Буёги ўзимизда қолган. Агар қўлга киритилган ва сотиб олинаётган асбоб-

ускуналарни билиб ишга солсак, замонавий, техникавий “девларни” жиловлай билсак, янги ва энг янги илмий-техникавий тафаккур намуналарини бера олсак, марра бизники. XXI аср биз учун олга сакрашни таъминлаши мумкин. Ўшанда товушдан тез учадиган тайёralар, янги космик учиш аппаратлари, радиотехника ашёлари ясаш, лаҳзанинг бир неча юз минглаб улушлари ичида кечадиган жараёнларни илгаш имкониятига эга бўламиз.

Мен сизга, азиз болажонлар, XXI аср бўсағасида насиҳат қилиб қўйиш зарурати тугилгани учун эмас, балки мамлакат тақдири учун ўта масъулиятли шу кунларда сукут сақлашнинг иложи қолмагани боис мурожаат этмақдаман. Пок виждонли бирон киши бундай вақтда жим қололмайди. Зеро, ҳозир ўтган довруғли ва фожиаларга тўлиб-тошган асрларнинг чўққиларидан кўра бостириб келаётган янги аср пойидан туриб тафаккур қилмогимиз, унинг мисли кўрилмаган чўққиларига ўзимизни руҳан тайёрламогимиз даркор. Илоё янги XXI аср башарият, барча турк қавмлари, бизнинг ялангтўш ўзбегимиз учун ҳам қутлуг бўлгай.



БОЙБҮТА ДҮСТҚОРАЕВ

ЖАДИДЛАР МАФКУРАСИ

Аудиторияга қоматини тик тутган, хушбичим, ўзига ярашган костюм-шым, устидан юпқа қавилган беқасам түн кийган, оёгіда замонавий туфли, бўйнида чиройли галстуғи, кўзида тилла гардиши кўзойнаги бор, қалта мўйлов қўйган, мош ранг дўппили киши виқор билан кириб келди. Минбар ёнидаги столга Туркистон ва Қримда, Қозон, Петербург, Боку, Астрахан, Истанбул шаҳарларида чиққан газеталар, китобларни оҳиста қўйди. Аудиториядагиларга бир кўр кўз ташлаб олгач, хушкалом ўзбек тилида равон гапира бошлади. У истиқолол, эрк, миллат, ватан, маърифат, тараққиёт каби мураккаб ижтимоий тушунчаларни англатувчи сўзларни соддагина қилиб тушунтиради. Гап орасида ўзи келтирган газета ва китоблардан иқтибослар келти-рар, нутқида ора-сира усмонлича, татарча, озарбайжон-ча сўзлар ҳам учраб қоларди. Муаллим ўзи гапираётган орзу ва аъмолларига шу даражада қаттиқ ишонардики, талабалар унинг гапларини киприк қоқмай завқ-шавқ билан тинглашарди ...

Бу биз хаёлимизда тасаввур қилган жадид муаллимининг ташқи қиёфаси. Дарвоҷе, аслида уларнинг зоҳири шундай бўлган. Фикримизни Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романида тасвиrlанган жадид Шарағиддин Хўжаев тимсоли ҳам тасдиқлайди. Унинг қиёфаси Мирёқуб тилидан баён этилади: “Вагонимизда янги нусха Тошкент тўпписи кийган, сочини бир энликкина ўстирган, пўрим кийимли бир одам пайдо бўлди. Калтагина, чиройли мўйлови бор... Оқ юзли. Ўзи ҳам чиройлик. Жуда олифта қадам қўяди... Танишиб олдик. Тошкентлик савдогар. Финляндияга бораётир эмиш”. Бу жадид савдогарининг ташқи кўриниши. Жадид муаллимининг ҳам, жадид савдогарининг ҳам ташқи қиёфасида умумийлик мавжуд; ўта замонавий кийиниш, маданиятлилик. Уларнинг ботинида-чи? Туркистон жадидларининг отаси ҳисобланган Маҳмудхўжа

Беҳбудий 1913 йилда ёзган “Икки эмас, тўрт тил лозим” сарлавҳали мақоласида ҳар бир туркистонлик камида тўрт тилни билиши лозим, деган гояни ўргага ташлаганди, яъни: она тилини, турклар тоҷик-форс, тоҷиклар туркийни, араб, рус тиҷдарини. Имкони бўлса, фаранг (француз) тилини ҳам. Тасаввур қиласайлик, тўрт ёки беш тилни билган кишининг интеллектуал савияси, дунёқарashi, ички маданияти паст бўлиши мумкинми? Бизнингча, йўқ. Демак, жадидлар XX асрнинг комил инсони бўлишни мақсад қилиб қўйганлар.

Биз жадидлар мағкураси ҳақида ёзишдан олдин гапни жадидларнинг инсон қандай бўлиши керак, деган қарашларига оид фикрларидан бошладик. Бунинг боиси бор, албатта. Негаки, ҳар қандай таълимот, концепциянинг марказида, агар у муайян ижтимоий аҳамиятга эга бўлса, инсон туради. Аниқроги, барча таълимот ва концепциялар инсонга қаратилган бўлади. Бу концепция ва таълимот инсон воқитасида, унинг куч-гайрати билан амалга оширилуви кўзда тутилган бўлади. Шу жиҳатдан қараганда, жадидлар мағкурасида инсон концепцияси масаласи муҳим ўрин эгаллаши табиийдир. Чунки жадидлар инсонларни баҳтли қилиш мақсадини қўйганлар. Инсониятни синфларга ажратиб ташлаб, фақат бир синфни баҳтли қилиш мақсадини қўйган, бир синфнингтина инсондек яшашга ҳуқуқи бор, деган даъво билан чиқувчи социал-демократлардан, тўгророги, большойлардан фарқли ўлароқ, жадидлар барча инсонларни баҳтли, фаровон, тинч-тотув ҳаётга бошлаб бормоқчи бўлдилар. Бу уларнинг орзу-истаги, мақсади эди. Шу боис ҳам жадидлар мағкураси ҳамон ўзининг жозибасини йўқотган эмас.

Мағкура нима? У қандай унсурлардан ташкил топади? Нима учун инсониятга, жамиятга мағкура керак? Бу саволларга жавоб бериш бир қараганда, жуда осондек тутолади. Аслида, “мағкура” атамаси нима экани, унинг қандай унсурлардан ташкил топишини аниқ ва ёрқин англатиш анча мураккаб вазифадир. Чунки мағкура ҳамиша муайян жамият билан bogлиқ, муайян мағкура доимо муайян жамиятнинг багрида, “хуҗайра”сида, “томири”да юзага келади. Мағкура муайян жамиятдаги сиёsatдан тортиб халқ урф-одатлари, расм-руссумлари, ўтмишга, аждодларга бўлган муносабатигача маълум даражада бояланган бўлади ва шу муносабатларда зуҳур этади. Шу боис мағкура ўзини юзага келтирган жамиятнинг яшашини, барқарор бўлишини,

мустағамланишини, тараққий топишини таъминлашга хизмат қилади. Буни янада очыроқ тушуниш учун содда, жүнроқ мисоллар ҳам келтириш мумкин.

Аслида, “мафкура” атамаси “фикр”, яъни “идея” демақдир. Идея эса “идеал” сүзидан келиб чиққан. “Идеал” грекча “тасаввур” деган маңынан анлатади. “Ижтимоий идеал бирон-бир социал группанинг интилишини ва фаолиятининг олий мақсади бўлмиш энг муқаммал ижтимоий тузум ҳақида унинг иқтисодий ва сиёсий манфаатларига мувофиқ келадиган тасаввур”. (“Философия лугати”. Т., 1976, 168-бет). Ижтимоий идеал бўлганидек, ҳар бир шахснинг, тоифанинг, гурухнинг, қатламнинг, синфнинг ҳам ўз идеали бўлиши мумкин. Идеология, яъни мафкура ҳақида бундай деб бўлмайди. Шахснинг мафкураси бор деб бўлмайди. Шунингдек, айрим қатлам ёки тоифанинг ҳам мафкураси бўлиши қийин. Демак, мафкура (идеология) анча ижтимоийлашган бўлади. Бу унинг муайян тизимга хос белгиларга эга бўлиши билан ҳам изоҳланади. Идеология — бу “қарашлар ва идеялар, яъни сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний, философик қарашлар ва идеялар системаси. Идеология устқурманинг бир қисми бўлиб, шу тарзида пировард ҳисобда иқтисодий муносабатларни акс эттиради”. (“Философия лугати”, 172-бет).

Шундай савол туғилади: “Жадидларда ҳам мафкура бўлганми? Агар “ҳа” деган жавоб берилса, унда уларнинг бир тизим шаклига кирган ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний, фалсафий қарашлари ва идеялари бўлган экан-да! Барибир, “Ҳа, бўлган” дея жавоб бера оламиз. Негаки, жадидлар XX асрнинг бошларида сиёсий оқим сифатида шаклланиб улгуришганди. Шунинг учун ҳам жадидларнинг бир тизим шаклига кирган мафкуралари юзага келган. Жадидлар мафкураси уларнинг сиёсий қарашларида, дастурларида, адабиётида, матбуотида, санъатида, умуман олганда, мафкура нимаики нарсада зоҳир бўлиши мумкин экан, ўшаларда намоён бўлганди. Тўгри, бунда бир тарихий воқеликни ҳам ҳисобга олишимиз лозим. Яъни жадидлар Туркистонда тарих саҳнасига чиққанда бу қадимий ва навқирон ўлка Руся империясининг колониясига айланган, маҳаллий аҳоли мустабидлик зулми остида эзилмоқда эди.

Туркистонни забт этган босқинчилар ўлкада ҳукмрон мафкураларини ҳам ўрнатишга жон-жаҳди билан киришгандилар. Улар ўрнатмоқчи бўлган мафкура

ҳукмрон мафкура бўлганидан, босқинчи миллат қўлида эканидан мамлакатдаги бутун воситалар унга хизмат қилиши табиий эди. Босқинчилар мафкурасининг туб мақсади босиб олган ерларида абадий қолиш, маҳаллий аҳолини тилидан, динидан, ватанидан, умуман олганда, жамики ўзлигидан мосуво этиш эди.

Шу боис улар Туркистонни босиб олган заҳотиёқ уни Русия салтанатининг ажралмас бир қисми, бошқа талай губерниялари қатори бир губернияси дея эълон қилишади. Бу машъум ниятларини туркистонликлар онгига ҳам сингдиришга уриндилар. 1872 йили Москва-да чиққан бир китобнинг номи “Русская земля Самарканда” (“Рус ери Самарқанд”) деб аталганди. “Русский Туркестан” (“Рус Туркистони”) деган ном эса, ўлкада чиққан газетанинг номинигина эмас, балки унинг кимга тегишли эканлигини ҳам англатиб туриши керак бўлган ибора эди.

Мустабидлар фармойишларида, матбуот саҳифаларида туркистонликлар миясига “Русия фуқароси, оқ пошишонинг қулваччалари” эканликларини сингдиришга интилдилар. Энди ҳар бир туркистонликнинг ватани Туркистон эмас, балки Русия деган тушунча шуурга абадул-абад муҳрланиши лозим эди. Фақат шуур эмас, мустабидлар маҳаллий миллат ёшларининг қалбини ҳам эгаллашга ҳаракат қилишарди. Шу мақсадда ўлкада рус-тузем мактаблари ташкил қилинди. Унинг дастлабклари 1874 йили Чимкентда, Панжикентда, сўнг бошқа шаҳарларда ташкил қилинди. Бу мактаб ерли аҳоли тилини, дилини тушунмайдиган мустабидларнинг ўлкани идора қилишларида уларга кўмаклашиши лозим бўлган хизматчиларни (тилмочларни, приказчик-гумашта сингариларни) тайёрлаб чиқариши мўлжалланган эди. Муҳими, маҳаллий ёшларда рус ҳукмронлигига кўниши иммунитетини ҳосил қилиш эди. Рус-тузем мактабларидан кўзланган асосий мақсад ҳам шу эди. Аслида, босқинчилар орасида атиги 4 синфдан иборат бўлган рус-тузем мактабини ҳам очишга қаршилар кўп эди. Уларнинг фикрича, энг яхши усул — маҳаллий аҳолини жаҳолатда сақлаш, унинг кўзини очмаслик. Чунки “кўзи очилса”, эркни, истиқдолни орзу қилиб қолиши мумкин. Шуни ҳам айтиш керакки, ўтган аср охирига келиб шундай катта бир воқеа содир бўлдики, мустабидлар бу фикрини ўзгартиришга мажбур бўлдилар. Бу воқеа 1898 йил май ойида содир бўлган Дукчи эшон қўзголони эди.

Мустабидларнинг назарида “саводсиз, маданиятсиз” бўлган бир девонасифат эшоннинг кетидан минглаб оми, жоҳил кишиларнинг эргашиб, эрк, истиқлол учун қурол кўтариб чиқишилари уларни довдиратиб қўйди. Босқинчиларнинг кўзига жоҳил оломон ўқиган, оқ-корани таниган курашчилардан кўра минг чандон хавфли, даҳшатлироқ бўлиб кўринди. Мана шу воқеа мустабидларни рус-тузем мактабларини кўпайтиришга, катта ёшдаги аҳолини ҳам рус тилига ўргатувчи кечки курсларни кенгайтиришга мажбур этганди. Ҳар қалай, мустабидлар қўлида ҳукумат машинаси, армия, жандармерия, охранка, булардан ташқари, сонсиз “доносчи”-лар бор эди.

Маккор мустабидлар ўлка аҳолисини иккига бўлиб ташлаш сиёsatини юргизишда ҳам устаси фаранг эди. Маҳаллий аҳоли ичидан ўзларига хизмат қилувчиларни топишиб, уларни қуий ва ўрта ҳокимият муассасаларига тортишар, Русия салтанатига садоқат билан хизмат қилувчиларни мукофотлашар, буни “Туркестанские ведомости”, “Туркистон вилоятининг газети”да катта шрифтлар билан эълон қилишиб, сўнг мукофотларни тантанали топшириш маросими ўтказилар, бу “издихом” “оқ пошцо”ни, Русия империясини, мустабидларни улуглаш маросимиiga айланаб кетарди.

Босқинчилар ўзларига бўйсунгиси келмаган ёки уларга ялтоқлик қилишдан ор қилувчи шахсларни, ёхуд кўнглида озгина бўлса-да, Русия салтанати қудратига шубҳа билан қаровчиларни эса шафқатсиз жазоларди. Бу усул мустабидлар мафкурасининг моҳиятини белгилаганди. Айни пайтда, маҳаллий аҳолининг эътиқодини, иймонини ҳам ўзига тобе қилиш мақсадида Русияда 1869 йили Миссионерлар жамияти ташкил қилинганди. Унинг вазифаси Русия салтанати босиб олган ўлкалар халқларини нассоро (христиан) динига киришни тарғиб этишдан иборат эди. Нафсиамрини айтганда, ярим асрга яқин муддат ичидан ҳам Туркистонда миссионерлар жамияти деярли ҳеч нарсага эришолмади. Ҳолбуки, унга тажрибали ва маккор Н.Остроумов (Тошкент ўқитувчилар семинарияси директори ва “Туркистон вилоятининг газети”га 1883-1917 йиллар муҳаррирлик қилган шахс) бошчилик қилганди.

Кўринадики, жадидлар мана шундай огир бир ҳолатда юртдошлари орасида мафкураларини тарғиб этишга мажбур бўлдилар. Уларнинг мафкураси мустабидлар

мафкураси, яъни ҳукмрон мафкура тазииқи остида иш кўришга тўғри келди, шу боис бу иккала мафкура орасида муттасил кескин кураш борди, у гоҳ ошкора, гоҳо яширин тус оларди. Буни ҳисобга олган жадидлар ўзларининг бош гояси — Ватанларининг эрки, озодлиги учун курашга очиқчасига даъват этишолмаса-да, турли йўллар билан уни озод ва обод кўриш ниятларини рўёбга чиқаришга бор имкониятлари билан интилардилар. Улар XIX аср ўрталарида Туркистондаги хон ва амирларнинг ўзаро низога берилишиб, мол-мулк, давлат, обрў талашиб, Ватанини қўлдан чиқаргандарини ҳечам кечиролмаганлар.

Атоқли адаб Абдулла Қодирий жадидлар гояси акс этган ўзининг “Ўтган кунлар” романида азиз ва мўтабар мамлакатни босқинчиларнинг ифлос оёғи остида топталишига йўл қўйган хон, амалдорлар, борингки, кимки бунда айбор бўлса, барчасини маънавий “суд” қилишга уринган. Романинг бош тимсолларидан Юсуфбек ҳожи ўғли Отабек билан бўлган суҳбатда ўз даври ҳукмдорлари, амалдорлари ҳақида алам билан гапиаркан, уларнинг авлодлар олдида кечирилмас гуноҳ қилишларини башорат қилиб шундай дейди (суҳбат рус босқини арафасида бўлган): “Мен кўб умримни шу юртнинг тинчлиги ва фуқаронинг осоиши учун сарф қилиб, ўзимга азобдан бошқа ҳеч бир қаноат ҳосил қиломадим. Иттифоқни не эл эканини билмаган, ёлгиз ўз манфаати шахсияси йўлида бир-бiriни еб, ичкан мансабпаст, дунёпаст ва шуҳратпаст муттаҳамлар Туркистон тупрогидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақдим етмай қолди. Биз шу ҳолда кетадирган, бир-бirimизнинг тегимизга сув қуядирган бўлсақ яқиндирики, ўrus истибоди ўзининг ифлос оёғи билан Туркистонимизни булғатар ва биз бўлсақ ўз қўлимиз билан келгуси наслимизнинг бўйнига ўrus бўйиндиригини кийдирган бўлармиз. Ўз наслини ўз қўли билан кофир қўлига тутқин қилиб топширгучи — биз кўр ва ақлсиз оталарга худонинг лаънати тушар, ўглим! Боболарнинг муқаддаси гавдаси мадфун Туркистонимизни тўнгузхона қилишга ҳозирланған биз итлар яратгувчининг қаҳрига албатта йўлиқармиз! Темур Кўрагон каби доҳийларнинг, Мирзо Бобур каби фотиҳларнинг, Форобий, Улугбек ва Али Сино каби олимларнинг ўсиб-ўнган ва нашъу намо қилғандарини бир ўлкани ҳалокат чуқурига қараб судрагучи албатта тангрининг қаҳрига сазовор-

дир, углим! Гуноҳсиз бечораларни бўғизлаб, болалари-ни етим, хоналарини вайрон қилғучи золимлар — қуртлар ва қушлар, ердан ўсиб чиқган гиёҳлар қаргишига нишонадир, углим!...”

Бу гаплар романнинг 1926 йилги нашридан олинди. Большойлар ҳокимиятда мустаҳкамланиб, аждаҳодек ҳамма нарсани комига тортмоқчи бўлган пайтда айтилган бу гаплар. Ўлаша мумкинки, гап фақат “ўрус истибоддининг ифлос оёги” устида бормаётгандир? Гап чор мустабидчиларидан ҳам маккор ва ёвуз бўлган рус большоийлари тўгрисида ҳам кетаётган бўлиши мумкин. Муҳими, бу ерда гап “жало Ватан”, яъни “йўқотилган Ватан” тўгрисида боряпти. Ҳамма нарсанинг қадри уни йўқотганда билинади. Ватанинг йўқотгандан сўнг унинг қадри юз чандон, минг чандон билинади. Киши Ватанини йўқотгандан сўнгтина унинг қадрини тўла англаб этиши мумкин. Жадид Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий 1916 йили Ватан ҳақида худди шу ҳақиқатни англаб етганини сўнгсиз бир пушаймон билан айтади:

Ватан, Ватан дер эдилар, на дер эрдим билмай ани,
Энди билсам Ватан эркон бу танларинг ширин жони,
Бир жон эмас, эй суйгули, томирларинг қони Ватан,
Сенсан, бале, билганлара жонларни жонони Ватан!*

Кўрамизки, жадидлар қарашида илк бор ватанпарварлик тушунчаси замонавий маънода ифода этганди. Бунинг боиси маълум, албатта. Туркистонда жадидлар миллий-озодлик кураши жараёнида юзага келган сиёсий оқим бўлганидан уларнинг мафқурасида ватанпарварлик, миллатпарварлик, маърифатпарварлик, тараққийпарварлик каби гоялар етакчилик қилди. Мустабидлик исканжасига тушиб қолган ўлкани озод қилиш вазифасини жадидлар ҳамма нарсадан юқори қўйдилар. Ватан тушунчаси жадидларда ислом оламида англаниб келинган мазмундан тамомила янги хусусият касб этганди. Ватан, жадидлар қарашида, бу мустабидлик исканжасига тушиб қолган Туркистон, қиндиқ қони тўқилган муқаддас ер. Шу боис уни мустабидлик занжирларидан озод этиш ҳар бир туркистонликнинг фарзандлик бурчиdir. Мана шу гояни жадидлар ёш авлодга она сути билан сингдиришга ҳаракат қилдилар. Жадидлар имкони бўлган жойда ёшларга Ватани Русия

* Ҳамза, Муқаммал асарлар тўплами. 2- жилд. Т., 1980, 79-бет.

эмас, Туркистон эканини англатишта уринишаради. Туркистон жадидларининг кўзга кўринган намояндаси Мунаввар қори мактаб ўқувчилари учун чиқарилган китобида шундай деб ёзишга журъат этолганди: “Бизнинг Ватанимиз — Туркистон мамлакати ва ҳукуматимиз Россия ҳукуматидири”.*

“Туркистон мамлакати” деб аталмиш диёр мисли жаннат, тупроги олtingа тенг, балки олтиндан ҳам қимматлироқдир. Шундай диёрни нега хор қилиб қўйдик? Уни кимларнинг қўлига топшириб қўйдик? Беҳисоб бойликларидан кимлар сурбетларча баҳраманд бўлмоқда? Ана шу изтиробли ўйлар жадидларга тинчлик бермайди. Ниҳон (Ҳамза) буни надомат билан шеърга солади:

Огла, огла Ниҳоний, кеча бўлди кундузлар,
Фалакда кўринмаюр маҳтоб ила юлдузлар,
Ватанга молик бўлди энг муттаҳам тунгизлар,
Оёғ остида қолди неча сендек дилсўзлар!

Ватанга эгалик, яъни хўжайинлик қилишни “энг муттаҳам тунгизлар” қўлига топшириб қўйган кишининг “дилсўз” — “юраги куйиши” табиийдир. “Туркистон жадидларининг отаси” деган фахрли ном қозонган муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий 1914 йили табаррук жойлар зиёрати юзасидан “Ойна” журналида эълон қилган “Саёҳат хотиралари”да бир яҳудий тилидан она Туркистон — она Ватан ҳақида шундай сўзларни айттиради: “Туркистон эски дунёнинг Амрикосидур. Пахта, маъдан, галла, хулоса, ҳар нимарса бор. Туркистон олтиндуру. Агарда Русия ҳукумати монеъ бўлмаса, барча мулкимни сотиб, пулига Туркистондан ер олиб, деҳқонлик этардим. Олтин бериб, ер олиб, сўнгра олмос кўтарар эдим. Аммо, на чора, Русия қонуни биз, яҳудийларни қисар...”**

Беҳбудий ҳазратларининг Ватан ҳақида ёзганлари ҳозирги кунда ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. Ватанини сотиш, ундан кечиш мумкин эмас, дейди. Унинг бу сўзларини Ватан ҳақида ёзилган асарларга бош сарлавҳа қилиш мумкин. Унинг 1914 йили ёзган ўша ёниқ сўзлари мана: Қуддус шаҳридаги “калисонинг олдинда тошкандлик ёш аттор бор эканки, ҳожи ва

* “Адиби соний”. Ношир ва муҳаррири Мунаввар қори ибн Абдурашид-хон. Тошкент, 4-табъ. 1914, 12-бет.

** Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар. Т., 1997, 68-бет.

завворлар (зиёратчилар) олатургон нимарсалар сотадур. Дұқонига бир оз ўлтурдук. Мамлакатдан сүради. Құлиға бир нусха “Ойна” ва “Түркістон харитаси” ни бердім. Аҳли завод экан. Тошқанд шаҳрини күрсатдым. Бейхтиёр харита устиндаги Тошқандни ўпуб, күзига суртди. (Хұббул ватани мин ал иймон). Хусусан, Ватан ва аҳли диәрни(нг) қадри мусофиратта маълум бўлур. Ҳақиқатан, Ватан муқаддасдур. Қадрини билмоқ керак. Сотмасга ва ўлгунча айрилмасга керакдур”. (“Танланган асарлар”, 132-бет).

Табийки, ҳар ким ўз ватанининг гуллаб-яшинашини орзу қиласи. Жадидларнинг ватанпарварлик гоясида ҳам бу ёрқин күринади. Олтиндан қиммат, сотилмас ва кечиб бўлмас Ватани энг аввало озод ва эркин кўриш, унинг обод ва фаровон бўлишини орзу қилиш түркистонлик жадидларнинг мақсади, бош омоли бўлган. Буларни, шубҳасиз, шу Ватанда яшовчилар, яъни Ватанинг ҳақиқий эгалари амалга оширишлари керак. Буларни Туркистонда XX асрга келиб жамлаган ҳолда “миллат” истилоҳи (термини) билан атай бошлаганлар.

Шуни ҳам таъкидаш лозимки, XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошларига келиб дунё ҳалқлари деярли икки гуруҳга бўлинди: маҳкум, мазлум миллатлар ва ҳоким, мустабид миллатлар. Тараққиётда орқада қолган, ўрта асрлар жаҳолати ботқогида қолиб кетган давлатлар тараққий топган мамлакатларнинг колониясига айланди. Мустабидлик занжирига тушиб қолган мамлакатлар ҳалқлари эрк, истиқдолни қайта қўлга киритиш йўлини излай бошладилар. Улар яхлит, жипс бир миллат тарзида бирлашсаларгина бундай орзуларига эришиш мумкинлигини англаб етдилар. Натижада, XX асрга келиб “миллат” тушунчаси, “миллат” категорияси ижтимоий ҳаётнинг юзасига қалқиб чиқди. “Миллий уйгониш”, “миллий гуурур”, “миллий ифтихор” деган атамалар юзага келди. Эрк, истиқдол йўлида “миллат” атамаси қаторида мазҳабдошлиқ, диндошлиқ тушунчалари ҳам сиёсий тус ола борди. Мустабид мамлакатлар ҳукмдорлари ҳам миллий зулм исканжасига тушган ҳалқларни итоатда тутиш учун ўз миллатдошлиарининг онигига уларнинг “устун миллат” эканликларини, шунинг учун бошқа ҳалқлар, миллатлар устидан ҳукмронлик қилишга “ҳақ”лари борлигини сингдирмоқчи бўлдилар. Оқибатда, “улуг миллат”, “орий миллат” деган ясама сифатлашлар ҳам пайдо бўлди. Миллатчилик, шовинизмдан тортиб национал-фашизмгача бўлган сал-

бий күринишилар юзага келди. XIX аср охири, XX аср бошларига келиб миллий-озодлик кураши янгича мазмун ва моҳият қасб этди.

Туркистон жадидлари мафкурасида “миллий гуур”, “миллий шаън”, “миллий уйгониш”, “миллат-парастлик” каби янгича мазмундаги тушунчалар қарор тоғди. Жадид зиёлилари эрк, истиқдолга эришиш учун миллий онгни ўстириш зарурлигини пайқадилар. Шу орқали миллий уйгониш ясамоқчи бўлдилар. Миллий онгни ўстириш эса, том маънода инсоннинг онгини янгилаш билан баробар эди. Бу бир узлуксиз жараён бўлиб, унинг бир қанча босқичлари мавжуд эди.

Энг аввало, янги авлодга замонавий таълим ва тарбия бериш масаласи юзага чиқди. Ёш авлодга шундай таълим ва тарбия бериш керакки, Ватан ва миллат учун қайгурадиган, лозим бўлса жонини ҳам аямайдиган бўлсин. Бунинг устига, уларда миллий гуур, миллий шаън туйгуси юксак бўлсин. Ана шундагина ҳақиқий миллат фарзандларини вояга етказиш мумкин. Дарвоҷе, бунга мустабидлар, уларнинг сиёсати, мафкураси йўл берармикан? Ахир, улар миллат болаларининг қалби ва шуурини эгаллашга уринмоқдалар-ку! Рус-тузем мактабларида ўқитиш, матбуот саҳифалари орқали ўз мафкураларини уларнинг онгига сингдириш учун ҳаракат, ўрни келганда қурол ўқталиб, дўқ-пўписа, ўрни билан юмшоқ гапириш, яъни “калтак ва ҳолва” сиёсатини ўтказиш мустабидларнинг севган усули-ку! Улар “руслаштириш” учун ҳеч қандай усулдан, йўлдан тойишмайди. Керак бўлса, бутун миллатни бадном қилиш: уни жоҳилликда, маданиятсизликда, ваҳшийликда айблаш; ҳатто қурол кучи билан босиб олганларини “унутишиб”, бир-бири билан қирпичноқ бўлаётган маҳаллий халқа раҳми келганидан император ҳазратлари ҳеч кераги бўлмаса-да, Туркистонга киришга “мажбур” бўлди, бу билан юксак “инсонийлик” кўрсатди, деб жар солишдан ҳам қайтмаслик кабилар... Чунончи, 1898 йилги Андижон қўзғолони бостирилгандан сўнг Туркистон генерал-губернатори С.М.Духовской ўлкани айланади. У Самарқандда 13 августда мусулмонлар олдида сўзлаган пўписаомуз маърузасида шундай деганди: “Бизнинг русия подшоҳ импературизм на Самарқанд ва на бўлак шаҳарларга муҳтоҷ эмас, зероки, онга тобеъ мамлакатлар бул Туркистон вилоятидан бошқа қўб васеъ ва давлатлиқдур ва лекин худои таоло иродаси бирлан Туркистон вилояти ҳам

баланд даражадаги ободлигни күрмак учун бул вилоят улуг Россия мамлақатига құшулғондур. Худои таолонинг хоҳишига мухолифатчилик қылмоққа ҳеч кимни қудрати йүқ ва бизнинг подшоҳимиз худованди каримнинг иродасига мувофиқ бул Туркистон вилоятида ҳукмрон-лиқ қылмоқнинг оғирлиқини уз гарданига олибдурлар ва бул важхдин мусулмония фуқаролари ўзлари мазкур оғир ишни подшоҳ импературимизга енгил қылмоққа саъий ва тараффуд қылсалар керак, яъни ўзларида тартиб ва тинчлиқни тутиб ва бул вақтга кераклик ва фойдалик илмларни ривож қылдуруб мусулмония фуқаролар ўзларига ҳам кўб манфаат келтирмоқлари лозимдур. Янадин кўб йилда ўтса керак, бул кунларда оналарини эмиб турган болалар болиг бўлуб ва ондин кейин оқсоқоллик қари ёшга етадур ва ўшал вақтларда набиралар ўз ота-боболарининг яхши насиҳат ва тартибларини кўнгилларига олиб ва ҳам тинчлик ва офииятмандлиқни кўруб, миннардорчилик этадурлар...” (“Туркистон вилоятининг газети”, 1898 йил, 13 октябрь).

Сурбетликни қаранг-а! Россия императорларининг Самарқанд ва бошқа шаҳарларга мұхтожлиги йүқ, фақат, бу ерлар ҳам олий даражада обод бўлсин деган “марҳамат” билан забт этилган эмиш! Туркистон үлкасини бошқарищдек оғир ишни подшо ўз зиммасига олиб “инсонийлик” қилган эмиш! Бундан ортиқ сурбетлик бўлиши мумкинми?! Туркистон олий даражада обод бўлсин деган “инсонийлик” билангина уни бошқарищдек “оғир иш”ни зиммасига олган подшо ўзига “бош оғриги бўлган” бу ерлардан биргина 1913 йилда 2 миллиард рублдан зиёдроқ фойда олган. Бу факт шуни кўрсатадики, фойдаси бўлмайдиган ерни подшо бир кун ҳам қарамогида тутиб турмасди. Бундай “юқоридан келиш” “кибр-ҳаво касаллиги” барча мустабидларга хосдир.

Юқоридаги гаплар билан собиқ СССР раҳбарларининг “қайта қуриш” деган йилларда айтган “Ўзбекистонни боқишига мажбур бўляпмиз” деган сурбетларча гапи нақадар ўхшаш. Гўё ҳар иккаласи ҳам бир оғиздан чиққандай. Аслида, ҳар икқала оғиз ҳам бир хил: “Бизга боқимонда бўлиб қояпти” деган ўлкаларнинг ширасини сўриш, сўриш. Бу тузалмас “касаллик”. Уни даволаб бўлмайди.

Маҳаллий аҳолининг миллий гурурини, шаънини синдириш мустабидларнинг доимий ва севган усули-

дир. Миссионер Н.П.Остроумов 34 йил узлуксиз мұхаррирлик қылган “Түркістан вилюятининг газети”да маҳаллий аҳоли ҳаётидан ёзиладиган материалдар бир хил мазмунга эга эди: ўғирлик, талончилик, босқынчилик, қотиллик, мадрасалардаги ахлоқий бузуқлик, вақф молларини еб қўйишлик ва ҳоказолар. Бундай материалларни ўқиган киши беихтиёр ўйлаб қолиши табиий: маҳаллий аҳоли ўғрилардан, талончилардан, қароқчилардан, қотиллардан, ахлоқий бузуқ одамлардан иборат экан-да? Асосий мақсад ҳам шу бўлган. Тўгри, ерли ҳалқ ичида аҳён-аҳёнда ижобий ҳодисалар ҳам содир этилгани ёзилиб турган. Булар мустабидларга садоқат билан хизмат қилаётган ювиндихўрлар тўгрисида бўлиши мумкин эди...

Дукчи эшон қўзголони бостирилгандан сўнг ўша йилнинг август ойида Туркистон генерал-губернатори С.М.Духовской Фаргона вилюятини айланган. Ўз қўзи билан осийларнинг, яъни гуноҳкорларнинг қандай жазоланганини курмоқчи бўлган. У қаерда бўлмасин, дўқдагдага қиласи. Маҳаллий аҳоли тутган туз-нондан тотмайди. Қўзголончилар маскани Андижон ҳудудига кириб бораркан, у бораётган поезд темир йул буйлаб бошини ерга тегизиб тиз чўкишга мажбур қилинган маҳаллий аҳоли сафи орасидан ўтади. Қўзголон кўтаришга журъат этган Дукчи эшоннинг юртдошлари қирқ даражага яқин жазирамада тиз чўкиб туришга мажбур этилган. Бу, биринчидан, уларнинг таъзирини бериб қўйиш бўлса, иккинчидан ва муҳими, уларнинг дилидан гурур деган туйгуни сиқиб чиқариш тадбири ҳам эди.*

Тошкентни босиб олишда бераҳмлиги билан танилган генерал Черняев 1898 йил 4 августда ички Русияда вафот этади. 8 августда Тошкентда ҳам хотирлаш маросими ўtkазилади. Маросимга маҳаллий аҳоли вакиллари ҳам келтириллади. Туркистон генерал-губернатори С.М.Духовской маҳаллий аҳоли вакилларига қаратадейди: “Черняевни подшо сизлар тинчлик ва хотиржамилиқда яшаш учун юборганини кўриб турибсиз. Яна 30 ва 30 йил ўтиб, болалар катта бўлишиб, кексайишади ва улар ҳам тинчлик ва хотиржамилиқда яшашиб, генерал Черняевни миннатдорлик билан эслашади”.** Бу нима дегани? Сизларни қурол кучи билан ўзига бўйсундиргани, ота-боболарингизни қизил қонига бела-

* Қаранг: “Түркістан вилюятининг газети”, 1898 йил, 28 октябрь.

** “Түркистон вилюятининг газети”, 1898 йил, 14 август.

гани, юртингизга бегоналарнинг ҳукмронлигини ўрнатгани учун унинг руҳига дуо қилинглар, худога шукроналар айтинглар, демоқчими? Ахир, бу инсон шаънини, гурурини ерга уришдан бошқа нарса эмас-ку! Худди шундай. Мустабидлар атайлаб бундай тадбирларни ўтказишарди. Туркистонни қонга ботиргани учун фон Кауфман, генерал Иванов ва шу сингариларнинг руҳига шу тариқа дуолар ўқилар, уларга ўлқада ҳайкаллар қўйиларди.

Бундай хўрликларга маглуб бўлган, бўйсундирилган халқ чидаши керак эди. Чидабгина қолмай, бундай хўрликларга кўничиши ҳам шарт эди. Бу эса қулликнинг энг биринчи ва муҳим белгиси бўлган. Узининг қуллигига кўниккан кимсагина қулдир. Эрки, озодлиги учун курашган қул қул эмас, балки зўрлик билан бандилиқда сақланаётган инсондир. Мустабидлар маҳаллий аҳолини қулликда сақлаш учун, унинг ўзлигини, ўз ҳолатини англашга имкон бермаслик учун ҳамма нарсага тайёр эди. Аксинча, жадидлар эса юртдошларининг кўзини очишга, уларга маърифат бериб, қуллигини англатишга, шу йўл билан эрк, озодлик курашига отлантириш учун ҳаракат қиласади. Дарҳақиқат, ўлка аҳолисига маърифат керак эди. Бўлганда ҳам, замона талабларига жавоб берадиган маърифат керак эди, токим уни жаҳолат уйқусидан уйготсин. Лекин, таассуфки, ўлқада қарор топган таълим ва тарбия тизими эскирган, замона талабларидан ниҳоятда орқада қолиб кетган эди. Шу боис, энг аввало, таълим ва тарбия тизимини ислоҳ этиш лозим эди.

Шуниси ҳам борки, асрлар давомида исломий асосда ўрнатилган таълим ва тарбия тизимини ислоҳ қилишга журъат этиш ҳазилакам иш эмасди. Бунга жадидлар журъат этишди. Атоқли жадид Мунаввар қори 1906 йили ёзган “Бизни жаҳолат — жаҳли мураккаб” сарлавҳали мақолосида бу масалани қатъий қилиб қўйди. У энг аввало, боланинг таълим ва тарбия олишида ота-онанинг жавобгарлиги ҳақида сўз юритди. Ўз фарзандининг маърифатли бўлиши учун қўлларидан келганча ҳаракат қиладиган зотлар мавжудлигини таъкидлар экан, булар нисбатан камлигини ҳам айтади. Унинг фикрича, “дунёга нима учун келганини билмай, илм ва маорифга асло рагбат қилмай, жонидин ширин болаларини кўча-бакўча кездуруб, бечора маъсумни азиз умрини жаҳолат оташина ёндиргувчи беҳамият ва бедиёнат оталар ҳам орамизда оз эмасдур. Кўп диндош-

ларимизни күрармизки,— деб ёзади у, — ўз фарзандларини асло мактабга бермай, орқаларидин эргаштирууб руслар эшикида ўзлари каби хидматчиликга ўргатуб, дунёи ва охиратни саодати ўлгон илм ва маорифдин маҳрум қўймоқдин ҳеч бир ибо қилмаслар. Баъзи азизларимиз бордурки, ўглини қўлидан тутиб мактабга олиб борур. Муаллимдин талаб қилурки, “Тақсир, шу ўглимни гўшти сизники, устухони бизники, бир илож қилиб тезлик ила нақд ва насия ёзмоқни ўргатиб берурсиз”, дер”. (“Тараққий” газетаси, 1906 йил, 14 июнь).

Мунаввар қори илк бор мактабда ўқувчига қандай дарслар ўтилаётганини таҳлил этди. Болаларнинг ёшига муносиб дарслар ўқитилишини талаб қилди. Айни пайтда, ўқитиладиган дарсларнинг методик жиҳатларига, тарбиявий аҳамиятига ҳам катта эътиборни қаратди. Муҳими, мактаб ва мадрасаларда диний илмлар билан бирга, замона учун зарур бўлган дунёвий илмларни ўқитиш масаласини ўртага ташлади. Шу жиҳатдан мактаб ва мадрасалардаги таълим ва тарбия тизимини кескин ислоҳ этиш масаласининг долзарб ва зарурлигини ёрқин мисоллар билан исбот қилиб берди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий эса, болаларга диний ва дунёвий илм бериш билан бирга, миллат фарзандларини замонавий илм олиш учун тараққий топган мамлакатлардаги олий ўқув юртларига юбориш керак, деган масалани ўртага ташлади. Унинг “Падаркуш” драмасидаги Зиёли шундай дейди: “Олими замоний бўлмоқ учун болаларни, аввало, мусулмоний хат ва саводини чиқаруб, зарурияти диния ва ўз миллатимиз тилини билатурғондан сўнгра ҳукуматимизни(нг) низомли мактабларига бермоқ керақдур, яъни гимназия ва шаҳар мактабларини ўқуб тамом қилгонларидан сўнг Петербург, Масков дорилфунунларига юбориб, доктурлик, закунчилик, инженерлик, судъялик, илми санъат, илми иқтисод, илми ҳикмат, муаллимлик ва бошқа илмларни ўқутмоқ лозимдир. Русия ватанина ва давлатина билфеъл шерик бўлмоқ керақдир ва давлат мансабларига кирмоқ лозим. Токи машнати эҳтиёж замонамиз тўгрисида ватан ва миллати исломга хизмат қилинса ва ҳам давлати Русия подшоҳлик мансабларига кириб, мусулмонларга наф еткурилса ва ҳам давлати Русияга шерик бўлунса, ҳаттоқи шул тариқа ўқуган мусулмон болаларини Фарангистон, Амрико ва Истанбул дорилфунунларига тарбия учун юбормоқ керақдур”.

Бизнинг “Падаркуш”дан бунчалик катта иқтиbos

келтирганимиз бежиз эмас. Жадидларнинг миллий кадрлар тайёрлаш дастури гүё мана шу фикрларда мухтасар ҳолида баён этиляпти. Булардан учтасини алоҳида таъкидламоқчимиз:

1. Булажак кадр (иши, моя) дастлаб она тилида ўқиши лозим, токим миллатга, она юртга садоқатли бўлиб етишсин.

2. Модомики, Русия тобеълигида эканмиз, фарзандларимизга русча ҳам ўқитайлик, токим улар мустабидлардан ҳақ-хуқуқларини талаб қила оладиган бўлсинлар.

3. Дунёвий илмлар олиб, Русия ва хорижий мамлакатлар дорилфунунларида ўқиб, замонавий мутахассислар бўлиб етишсинлар, токим Русия ҳукумати идораларида ишлаб, миллатга нафлари тегсин.

Бу талаблар беҳуда қўйилмаяпти. Мана шундай илгор тизим асосида маърифатга эришган миллат фарзандларидан Ватанни мустабидлар зулмидан қутқаришини умид қилиш мумкин.

Жадидлар янгича таълим ва тарбия тизимини қарор топтириш йўлида ҳормай-толмай ишладилар. Ўлқада янгича мактаблар, яъни усули савтия мактаблари ташкил қилдилар, мадрасалардаги ўқув дастурини ислоҳ этишга киришдилар. Буларни амалга ошириш эса осонликча бўлганий йўқ. Аввало, мустабидлар тўсқинлик қилган бўлсалар, сўнгра маҳаллий уламолар ҳам жонжаҳди билан қаршилик кўрсатдилар. Шундай бўлса-да, янгилик аста-секин қарор топа борди. Бу жадидларнинг ютуғи эди, албатта. Айниқса, маҳаллий бой ва савдогарлардан хайрия ва бошқа йўллар билан янгича мактаблар учун, ёшларни хорижий мамлакатлар дорилфунунларига ўқишига юбориш учун маблаглар олиш осонликча бўлганий йўқ. Ташвиқот ва тарғибот ишлари беҳуда кетмади.

Жадидлар ўzlари етиштиришга ҳаракат қилган миллий кадрларнинг ёҳуд мафкураларидан ўрин олган комил инсоннинг қандай шаклланишини, тимсолини бадиий адабиётларида ҳам акс эттиридилар. Атоқли ёзувчи Чўлпоннинг 1914 йили ёзган “Дўхтир Муҳаммадёр” ҳикоясидаги Муҳаммадёр тимсоли бунга мисолдир. У ўқишига жазм қилганидан озарбайжонлик қавмларининг хайрия жамиятига мурожаат қиласи ва унинг ёрдамида ўрта маълумот олади, сўнгра Петербургдаги тиббиёт дорилфунунини тугатади, Швейцарияда амалиёт ўтказади, Кавказда шифокор сифатида бир оз ишлаб,

Ватани — Туркистонга юқори малакали, юксак маданиятли, айни пайтда, миллати, юрти учун қайгуратидан мутахассис бўлиб қайтади. Топган маблагларининг каттагина қисмини мактаблар учун, ёшларнинг маърифати учун ҳадя қиласди. Муҳими шундаки, миллий гууррга, шаънга эга инсоннинг ёрқин тимсолига айланади.

Маҳмудхўжа Беҳбудий жадидларнинг бир донишманд вакили сифатида миллатни кемиргувчи нарсалар ҳақида куюниб ёзган. Айниқса, у дабдабали, исрофли тўй ва маъракаларни кескин танқид қиласди. “Биз ... бадбаhtonva худонинг амрига бўюн қўймасдан, — деб ёзади у “Бизни кемиргувчи иллатлар” сарлавҳали мақоласида, — кофирана бир суратда тўй ва азо деган, йўқ бўлумизга сабаб бўлган одатларга бору йўқимизни сарф ва исроф этармиз” (145-бет). Бундай ортиқча сарф-харажат қилмоқни у “девоналик”, яъни “тентаклик” деб атайди. “Бизга лозимки, — дейди у, — тўй ва таъзияларни кичик қилиб ва ҳолимизча ҳаракатда бўлуб, келар замонамизни ўйлайлук ... Тўй ва таъзияга сарф қилинатургон оқчаларимизни биз, туронийлар, им ва дин йулига сарф этсак, анқариб (тез фурсатда) оврупойилардек тараққий этармиз ва ўзимизда, динимизда обрўй ва ривож топар”. (147—148-бетлар). Беҳбудий “Аъмолимиз ёинки муродимиз” сарлавҳали мақоласида эса, буларни нимага сафлашни аниқроқ айтади: “Тую маъракага сарф қилинатургон оқчани эски мадраса ва мозору масжид ҳамда мактабларни шикаст-рехтларига сарф қилинсун. Тўй ва маърака оқчасидан болаларни ҳукумат мактабларига берилсун ва бу оқчадан талабаларни Макка, Мадина, Миср, Истанбулга ва Русия дорилғунун ва дорулсаноатларига юборилиб диний ва дунёвий ва замоний одамлар етишдурмоқга саъй қилинсун”. (157—158-бетлар).

Жадидларнинг ибратли ишларидан бири тарихда ўтган буюк аждодларимиз мисолида ёшларда миллий гурур, авлодлар билан фахрланиш туйгуларини тарбиялаш, айни пайтда, тарихдан сабоқ олайлик дейиш эди. Маҳмудхўжа Беҳбудий “Туркистон тарихи” керак” сарлавҳали мақоласида ёзади: “... бизнинг ўз шевамизда Туркистонда ўтган боболаримизнинг майший, сиёсий аҳволига доир “Туркистон тарихи” бор бўлгонда, они кўз олдимизда қўюб, бурунги қаҳрамон боболаримизнинг на йўл ила тараққий ва маданият даврига кируг бу нима сабабдан охири мунқариз бўлуб кетганларини уқуб, билуб, хейли ибрат олар эдуқ. Ӯшандоқ

ҳозирги ҳолимизни боболаримиз давридаги ҳолларга бир даража муқояса этмак ила баробар ўз-ўзимиздан бир инфиоли даруний (ички ҳаяжон) ҳис эдуб, юzlаримиз қизарар эди». (154—155-бетлар).

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 1906 йили ёзган “Китоби муNTAXАБИ ЖУГРОФИЯИ УМУМИЙ” (“Умумий жугрофиядан сайланма китоб”) номли китобининг бир фасли “Туркистон донишмандлари” деб аталади ва унда буюк аждодларимизнинг муборак исмлари фаҳр билан тилга олинади. Албатта, муфти Беҳбудий ҳазратлари буларнинг барчасини бежиз келтирмаган. Ёшларга ибрат бўлсин, деган мақсад билан ёзган. Ахир, миллат ёшлари буюк аждодлар ўтган муқаддас жойда яшамоқдалар, улар бунга муносиб бўлишлари керак. Мана, Беҳбудийнинг мақсади!

Биз жадидларнинг миллат тўғрисидағи қарашларидан айримларинигина келтиридик. Миллат ва Ватан тўғрисида энг кўп ёзган аждодларимиз — бу жадидлардир. Нима учун бундай қилганликлари ҳам аён: Ватан озод ва обод бўлсин, миллат эркин ва мустақил бўлсин, деган ниятда қалам суришган. Ватан ва миллат жадидларнинг қарашида ҳамма нарсадан юксак қўйилган. Ҳатто ширин жондан ҳам. Фикримизнинг исботи тариқасида Ҳамзанинг “Садои Туркистон” газетасининг 1914 йил 15 июль сонида босилган “Ватандошлирима хитоба” сарлавҳали шеъридан бир парча келтириш билан кифоялансак бўлади:

“Миллат” деганинг боши агар кетса ризодир!
Ҳар лаҳзада минг жабру жафо етса ризодир!
Ҳар тиги ситам кўкси уза тегса ризодир!
Миллат йўлида қони оқиб битса ризодир!
Бир зарра юзин тобламаз унга келса на ҳолат,
Бош узра курар келса на хайл зулм ила горат.
Кир! Лаззати дунёдан умид уз, ўзни суво қил,
Миллат йўлида мол ила жонингни фидо қил,
Дилдан ҳама кибр ила адоватни фано қил,
Бир хизмати оламда қолурликни адо қил.

Ҳар қандай сиёсий фирмә, оқим ўз олдига муайян жамият қуришни мақсад қилиб қўяди ва бу унинг мафкурасида ҳам ўз аксини топади. Жадидлар ҳам ўз олдиларига диёнатли, инсофли, фуқароларининг барчасини баҳтли қиласиган, тўқ ва фаровон яшашини таъминлайдиган жамият қуришни мақсад қилганлар. Улар рус большовийларидан фарқли ўлароқ хусусий

мулкни йўқотишни, бир синфнинггина жамиятини қуришни мақсад қилиб қўймаганлар. Буни юқорида келтирганимиз “Кеча ва кундуз” романидаги жадид Шарафиддин Хўжаевнинг Мирёқуб томонидан берилган саволларга жавоби ҳам тасдиқлайди:

“— Бойларнинг ер-суви, заводчиларнинг заводлари олиниб, яланг оёқларга берилсин демайдими? Шуни айтиб берсангиз.

— Сиз социалистларни айтасиз, — деди, — бизнинг орамизда социалистлар йўқ. Биз социалистлардан йироқмиз... Бойларнинг ерлари, заводчиларнинг заводи, фабрикачиларнинг фабрикалари билан бизнинг ишимиз йўқ. У уларнинг ўз ишлари. Биз ўқийдиган газетларнинг ҳеч бири ундай демайди. Улар қайта: “Бой бўл! Завод сол! Фабрика оч! Беш минглаб, ўн минглаб рабочи ишилат! Миллий саноатни ривожлантири!” — дейди. “Вақт” газетасининг мутасаддиси ким? — Рамеев. Биласизми у ким? — у Миллиончи. Тилла конлари бор. Жадидлардан қўрқманг. Миллатни билинг, танинг, унга хизмат қилинг. Шу билан сиз ҳам жадидсиз. Номингиз тарих бетларига ёзилади. Ким пул топма, дейди сизга? Мана, мен; Финландияда магазиним бор, Петербургда магазиним бор: ҳар йил ярмаркага бориб иш қиласман. Францияда Лион, Германияда Ҳамбург шаҳарларига бораман. Тери, мўйна, маҳаллий саноат молларини ўтказаман. Дунёning пулини топаман.Faқат менинг ўглим — улоқчи от миниб пойгаларда юрмайди, мендан пул олиб қимор ўйнамайди, менинг топганимни бесоқолга, фоҳишага бермайди. Ўқиди, билим олади, одам бўлади, маданият касб этади. Бир укам — Финландияда Ҳельсинфорс гимназиясининг 5-чи синфида. Бир укам Уфада машҳур Олия мадрасасида. Акамнинг бир ўғли — Тошкентда реал мактабида. Ўз ўглим ҳали кичик бола. Финландияда, маҳсус муаллим солиб берганман, ўқиди...”

Жадидлар XX аср бошларида рус сиёсий фирмаларидан кадетлар (конституцион демократлар)нинг дастурини маъқуллашган. Мазкур дастурга кўра, Россия конституцион (парламентли) монархия давлати бўлиб қолиши керак эди. М.Беҳбудий 1906 йили ёзган “Хайрул умуру авсатухо” (“Ишларнинг яхшиси ўртачасидур”) сарлавҳали мақолосида конституцион монархия (идораи машрутта ҳукмронлиги)ни маъқул топганини таъкидлаган-

* Чўлпон. Яна олдим созимни. Т., 1991. 185—186-бетлар.

ди. Февраль инқилобидан кейин эса вазият ўзгарди: Россияда подшо таҳтдан йиқитилди, монархия ўз даврини яшаб бўлганини кўрсатди. Жадидлар энди ўзларининг сиёсий дастурларига эга бўлдилар. Бунга кўра, Кавказ, Туркистон, Сибир тупроқли (территориал) автономияга эга бўлиши, Волга бўйларида яшаётган татар, бошқирд каби миллатлар миллий-маданий автономияга эга бўлишлари кўзда тутилганди. Автономиялар эса Россия таркибида бўлиб, унинг ўзи қўшма халқ жумҳурияти тузумида бўлиши лозим эди. (Русия мусулмонларининг 1917 йил май ойида бўлган 1 - қурултойи материаллари). Туркистон жадидлари ҳам Россия мусулмонлари 1 - қурултойининг қарорларига бўйсуниб, ўз дастурларида Россия қўшма жумҳурият бўлиши, Туркистон унинг ҳудудида муҳторият ҳуқуқи олишини кўзда тутишганди. Туркистон муҳторият ҳуқуқини қўлга киритгани билан олти муҳим нарса: темир йўл, банк, ташқи алоқа, чегарани қўриқлаш, сулҳ масаласи, уруш масаласи Россия давлати ихтиёрида қолдирилиши дастурда кўрсатилганди. Демак, жадидлар интилган муҳторият чала озодликдан иборат эди. Улар Россиядек қудратли ва маккор салтанат исканжасидан шу тарзда аста-секинлик билан кутулиб кетиши мумкин деб ҳисобладилар. Бу ўша пайтда тўғри тактика бўлган, дейиш мумкин. 1917 йил июль ойида Туркистондаги турли фирмалар “Турк адами марказият (федералист)” фирмаси номи остида бирлашдилар. Мазкур фирманинг қурултойи 1917 йилнинг сентябррида бўлиб ўтади. Унинг дастури 1917 йилнинг 11 сентябррида ишлаб чиқилган эди. Мазкур дастурни тайёрлашда Мунаввар қори, Маҳмудхўжа Беҳбудий каби жадидларнинг йирик сиймолари иштирок этишганди. Турк адами марказият фирмасининг дастури 1917 йил 28 ноябрда эълон қилинган Туркистон муҳториятининг ҳуқуқий асосини ташкил қилганди. Мазкур дастурга кўра, Туркистон муҳториятининг муваққат ҳукумати таркибига руслар ва яхудийлардан ҳам аъзолар кирганди. Демак, Туркистон муҳторияти тузилишига кўра демократик характерга эга эди. Мазкур дастурда хотин-қизларга муносабат ҳам анча илгор қарашлардан туриб ҳал қилинганди: хотин-қизлар эрқаклар билан тенг ҳуқуққа эгадирлар деб таъкидланган эди. Таассуфки, Туркистон муҳторияти узоқ яшамади, уни болшовойлар қурол кучи билан тор-мор келтирдилар. Мухториятнинг маркази Қўқон шаҳри қонга беланганди...

1917 йил октябрь түнтариши туфайли ҳокимият тепасига большовийлар келгач, жадидларга бўлган муносабат ўзгара бошлади. Жадидлар шўро ҳукумати даврида ҳам ўз фаолиятларини давом эттиришга ҳаракат қилдилар. Лекин бунга большовийлар имкон беришмади. Улар 1921 йилгача очиқ ҳаракат қилишган бўлса, 1930 йилгача яширин тарзда иш кўрдилар. 30- йилларга келиб жадидларни большовийлар жисмонан маҳв этдилар. Шундай бўлса-да, уларнинг номи Туркистон тарихида абадий қолди. Жадидлар деган ном миллий-озодлик ҳаракатининг рамзи сифатида тарих саҳифасидан ўрин олди. Уларнинг орзулари бугунги, мустақилликка эришган давримизда тўла амалга ошиди. Уларнинг мафкуралари ўз пайтида ниҳоятда мароқли бўлганди. Ҳозир жадидлар мафкурасидаги ана шундай жиҳатлар янги шароитларда авлодлар томонидан замона талабларига ёндошилган ҳолда давом эттирилмоқда.

ИБРОҲИМ ФАФУРОВ

МИЛЛИЙ МАФКУРАНИНГ ЁЛҚИНЛАРИ

Давлат, жамият, инсон режасиз, манфаатларсиз яшолмайди. Режа, мақсад, манфаатларнинг бари фикр билан туғилади, шаклланади, низом, тузук тусини олади. Давлатни—давлат, жамиятни—жамият, миллатни—миллат қиласиган фикрлар ва тоялар тизимларига биз одатда миллий мафкура деб қараймиз. Миллий мафкура миллат мақсадлари, интилишларини ўзида жамҳолида ифодалайди ва акс этгиради. Мафкура миллий қарашлар, нуқтаи назарлар, эътиқодларнинг жамидири. Миллий мафкура озод инсон, озод мамлакат вазифалари ва масалаларини ечиш, ҳал қилишга қаратилади. Шу маънода миллий мафкура миллий тараққиёт билан чамбарчас боғланган ва тўла маънода унга дахлдор.

Миллий мафкура — миллий тараққиёт оддида ҳар томонлама вазифадор булган фикрий тизимдир.

Биз фикр-тояларимиз қоғозларда қайд этилганча қолиб кетиши, қуруқ баён тусини олишини ҳеч қачон истамас эдик.

Ўзбекистон Президенти муҳтарам Ислом Каримов айтмоқчи, миллий мафкура “жамиятнинг таянчи бўлмиш оддий инсон ва унинг манфаатдорлигини ифода этиши” зарур. Миллий мафкуранинг вазифадорлиги шундаки, у бизнинг эркин, озод, адолатли, маънавиятли, эркин бозор иқтисоди ва демократия қонун-қоидалари ҳамда шароитларида ҳаракат қилувчи жамият бино қилишимиз — ушбу туб миллий мақсадимизга хизмат қиласи. Мақсадларимизга эришмоқлигимизни таъминлайди. Маънавиятли жамият қуришга интилаётганимиз ва буни ўз олдимизга жуда катта изчил мақсад қилиб қўйганимиз миллий мафкурамизнинг ўзига хослигини ифодалайди.

Мафкура ўз-ӯзидан дунёга келиб қолмайди. Ҳар бир инсон бу — фикр учоги. Мия фикр яратувчи вулқон. Ўйгоқ ва тирик фикр ўчоқлари, вулқонлари йигилиб, миллатнинг маънавий-маърифий куч-қудрат майдонла-

рини вужудга келтиради. Буни Ислом Каримов образли тарзда “фикр полигонлари” деб атади. Миллий мафкура шундай фикр полигонларида етилади ва миллат уфқлари сари старт олади.

Миллий мафкура миллий мустақиллик билан узвий боғлиқдир. Миллий мустақиллик бўлмагандан, миллий мафкура йўқолади ёки таназулга учрайди. Ислом Каримов сўзи билан айтганда, ўз фикрига - мустақил фикрига эга бўлмаган кимса қул ва қарамга айланади. Миллий мафкурунинг иккинчи қаттол душмани фанатизм, мутаассиблиқдир. Мутаассиблик гоҳо миллий мафкура бўлишга даъво ҳам қилади. Аммо у қўпинча шовинизм, гегемонизм, биқиқлик билан туташиб, қавм-қариндош тутиниб кетади. Қарамлик, мафкуравий зўравонлик, шовинизм, мутаассиблик, мазҳаббозликлар ҳам мафкуравий зўравонликларга киради - миллий мафкуруни заифлаштиради, унинг заифлашган ўринларида бўшлиқ вужудга келади, шовинизм, мутаассиблик, мазҳаббозлик ҳеч қачон бу бўшлиқнинг ўрнини тўлдиромайди. Бўшлиқни ҳаддан ортиқ сохталаштириш, унинг ичидаги турли ясамагарчилликлар билан шугулланиш мумкин. Лекин булар ҳеч қачон миллий мафкура ўрнини босолмайди.

Совет мафкураси миллий менталитетни зўр бериб йўқотишга тиришди. Менталитетга бепарво, бефарқ қарашга ўргатди. Менталитетга нисбатан қаттиқ урчилигидан бефарқлик миллий миқёсларнинг торайиши, лаёқатсизликларнинг авж олиши, хомхаёл ватанпарварлик, хомхаёл байнамилалчилик, хомхаёл бирдамликларнинг, иродасизликларнинг иллат тарзида тарқалишига олиб келди.

Ўрнимизни обод этмасак, гуллатмасак, қаранг, ана, бўшлиқда шўразорлар кўпаяди.

Шўразорлар бизнинг фаолиятсизлигимиз, ўзимизни худди бу ишларни бирор келиб бизга қилиб бериши керақдай тутишимиздир.

Шахс сифатида қад ростламасак, миллий тикланиш нима эканлигини теран англаб, ижтимоий фаолият майдонларида қад кўтариб турмасак, бўшлиқ пайдо бўлади.

Ҳозир сезаяпсизми, сезгир одамларнинг сезмай иложи йўқ, — ватанимизда шахс миқёсидаги сиёсат давлат бошлигининг муттасил ҳаракатлари билан дунё миқёсидаги сиёсатга айланмоқда.

“Ота-боболаримиз шуҳратининг соясига маҳлиё бўлиб юрадиган даврлар энди ўтди, — деб айтади Прези-

дент “Тафаккур” журналига берган сұхбатида. — Бұгун жағон биздан ўз сүзимизни айтишимизни, ўз тафаккуримизни намоён этишимизни талаб қылмоқда”.

Миллат остонасидан туриб дүнёning энг ёрқин тенденцияларидан бирини англаш бу!

ХХ аср иккінчи ярмида дүнёning ижтимоёт билан жуда жиіддий ва жуда чуқур шугулланадиган қисміда “глобализм” деган түшүнчә вужудға келди. Глобализм - алоқалар, ҳамкорлайлар, улар заминида юзага келаётганды түшүнчаларнинг дүнёвий миқёсга күтарилишидір. Интеграция, информация ва турли технологиялар тарқалишининг интенсив тарзда кучайиб бориши миллий тараққиётнинг дүнёвий миқёс касб этиши — глобализация томон ҳаракатини кучайтиради. Ҳозир глобализация онгли-табиий жараёндір. Эндилиқда унинг йўлига ҳеч ким ва ҳеч нарса тұсиқ бўлолмайди. Магар ким, инсоният ақддан озиб ўзини ядро кулзарраларига айлантириб юбормаса! Европа юлдузлари Юлдуз Усмонова, Муножат Йўлчиева билан Европада жўр бўлиб бирга кўйлашмоқда. Бу ұша глобализациянинг нурағшон бир зарраси.

Глобализация жараёнида миллий мафкура бизнинг қаерга, қандай юқ билан бораётганигимизни англата-ди.

Каттақўргон сув омбори ўнларча чақирилмаларга چұзилиб, кенгайиб зумрад күл қаби адирлар ўртасида ёйилиб ётади. Сув омбори атрофларида шу юртта тегишли турли ташкилот, идора, корхоналарнинг чогроқ-чогроқ дам олиш, чўмилиш, ҳордиқ чиқариш масканлари жойлашган. Уларнинг барি фақат ёзниг иссиқ пайтлари фойдаланишини мўлжаллаб жуда одми, содда, кўримсиз қилиб қурилган. Тўгри келганча деворлар, тұсиқ, панжаралар билан чеклаб, ўраб олинган. Ҳар бир идора ўзининг сувга тушиб борадиган сement зинасини қурган. Лекин маданий-маърифий, замонавий кўз билан қаралса, бу ноёб соҳилларни кета-кетгунча қаровсиз ва кўримсиз деса ҳам бўлади. “Қаровсиз” деган сўзни жуда истиҳола билан айтмоқдаман. Ҳар ҳолда “қаров” бор, қўл учида омонатроқ қилиб қурилган ишлар йўқ эмас. Аммо буларнинг барі табиатнинг шу ерда, қадим Каттақўргонга хос гўзаллиги, чиройдаги ўзига хослигига мос, муносиб, уйғун эмас. Бундай гўзал жойда яшайдиган одамлар ва ташкилотлар энг гўзал ишларга лаёқатли ва қодирлар. Ҳавза ҳалқ кучи билан қурилган замонларда ундан кўпроқ сув омбори сифати-

да фойдаланишнигина кўзда тутганлар. Хўп, шу ерларга, айтайлик, швейцарияликлар ёки данияликлар кўзи билан бир қараб кўрайлик-чи? Нимани кўрамиз? Нималар қилишни англаймиз. Мен икки, миллий мафкураси гоятда тараққий қилган мамлакатни мисол келтиримоқдаман. Миллий мафкура билан ободник, фаровонлик, куч-қудрат чамбарчас болглиқ эканлигини таъкидламоқчиман.

Бинобарин, ана шу ажойиб сув ҳавзаси қурилгандан буён унга ва умуман унинг ўнлаб чақирилмаб ён-атрофларига ва ҳатто қўшни жўтробий маконларга чамаси, миллий мафкура кўзи билан қараган эмаслар. Илгариги пайтда буни истаган эмаслар, буни назарда тутган эмаслар.

Биз эндиғина миллий мустақиллик мафкурасига эга бўлиб, барча жўтробий маконларимизга, туриш-турмушларимизга, келажак мақсадларимизга унинг иқтидорли, фасоҳатли нигоҳи ва мундарижаси билан қарап имкониятларига мусассар бўлмоқдамиз. Миллий мафкура қудрати ва таянчидаги барча йўлларимиз, барча маконларимиз, барча худудларимиз гўзал бўлмоғи, обод бўлмоғи, қаердан ким келмасин, уларга қойил қолиб, таҳсин ўқиб кетмоғи даркор. Ислом Каримов илгари сураётган ва назарда тутаётган миллий мафкуранинг маъноси ва қиммати ва улардан ҳосил бўладиган ижтимоий-сиёсий аҳамияти мана шунда.

Ислом Каримов миллий таълимнинг янги модели ҳақида сўзларкан: у ўз қадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаб этиштириш имконини беради, деб ёзади. Миллий мафкура ўзликни англаш, олислардан келаётган ҳаётбахш қадриятларни эъзозлаш ва ҳар қандай шароитда азиз тутиш бўларкан, яна шуни ҳам ўзимиз қатъият билан уқиб олмогимиз керакки, миллий мафкура ҳаракатдагина қиммат топади. Фаолиятдагина юзага чиқади. Амалий ишлардагина ўзининг нима эканлигини тинимсиз исботлаб боради.

Мен районини айтмай қўя олай. Кета-кетгунча ола-чалпоқ, чала ундирилган ҳудудсиз текис пахта далалини кўрдим. Бундай далалар ҳар ерда бор. Ҳар кимнинг кўзи тушиб турибди уларга. Номини айтмасак ҳам тушунарли. Ана шундай чала-ярим ола-була далаарда қанчадан қанча ҳосилимизни бой бераётганимиз, қанчадан қанча ризқ-насиба, рўз-давлатдан маҳрум қолаётганимизни биламизми? Иқтисодчиларимиз

учун буни мамлакат миқёсида миридан сиригача ҳисоблаб чиқиш қийин эмас. Шу унумсизликдан қашшоқлик ҳосил бўлмайдими? Шу унумсизлик бизнинг уқувсизлигимиздан, лоқайдлигимиздан ҳосил бўлмайдими?

Мана шу худди гўё соф қишлоқ хўжалик масаласига миллий мафкура кўзи билан қарайлик. Далаларимиздан тўлиқ ҳосил ололмаётганимизнинг сабаби: эҳтимол фосфор, калий ва бошқа ўғитларнинг етишмаётгандир. Эҳтимол, об-ҳаво ноқулайликлариdir: дўл ураётгандир, жала ювиб кетаётгандир, сув тахчил бўлаётгандир... Булар бор гаплар. Лекин билгич мутахассислар ҳар қандай шароитда, агар оғат бўлмаса — барқарор ҳосил олиш мумкинлигини илмий исботлаганлар. Демак, қашшоқлик, йўқчилик, камбагалчилик сингари қийинчиликларни ҳам ўртадан кўтариб ташлашнинг ўз илмий йўриқлари мавжуд ва улар инсоният томонидан ишлаб чиқилган. Лоақал Пахтачи райони тажрибаларига қарайлик. Бу ерда тажрибакор мутахассислар ва дехқончилик мактабига эга кишиларнинг тавсиялари ҳамда маслаҳатлари асосида тўлиқ, барқарор ҳосил етиштириш ва йигиб олиш, далаларнинг тўлиқ бўлишига, экинзорларнинг бошдан охир яшнаб туриши ва яшнаб ўсишига эришмоқдалар. Буни менга кўпни кўрган, катта тажрибага эга инсон Бобониёз ота сўзлаб берди.

Миллий мафкура юрагимиз ва онгимизда салмоқланиб турсагина ҳар ерда, ҳар соҳада жаҳон андозасидаги самараларга эришамиз.

МЕҲНАТГА ИШТИЁҚ БОР. ЛАЁҚАТНИ ҚАЙДАН ОЛАМИЗ?

Миллий мафкурамизнинг яна бир қиррасини олайлик. Халқимизнинг меҳнатта иштиёқи оз эмас. Шу иштиёқнинг асли тоти маънавиятдан; ялқовлик, танбаллик, ишёқмаслик унга ёт. Бу оддий, кўп замонлардан бери маълум ҳақиқатлар. Қимирлаган қир ошар дейдилар. Қир ошган янги манзилларга чиқади. Кўз ўнгида янги уфқлар очилади. Қир ошганнинг табиатида ҳам ўзгариш рўй беради. Қир ошдим-ку, йўлнинг қолганини ҳам уddyалайман, деган умидаҳаш кайфият оғирчиликларни енгиб боришида унга қўшимча мадад бўлади. Лекин қир ошмаган, қир ошишдан қўрқсан пастда

қолиб кетади. Уз ҳаётини яхши томонга, “баландлик сари” ўзгартиришга юраги дов бермай пастқамлиқда ўтираверади.

Меҳнатта иштиёқимиз баланд экан, хўб, меҳнатнинг ўзига муносабатимиз қандай?

Иштиёқ меҳнатта муносабатни кескин ўзгартириши зарур эди. Лекин кўп ҳолларда бундай бўлмаяпти. Меҳнатга иштиёқ бўлгани ҳолда унга муносабат жўн ва ибтидоий даражада турибди. Нега? Меҳнатга, ихтисос орттиришга, ихтисосларни эгаллашга одмироқ, жўнроқ, соддароқ қарашга одатланиб қолганмиз. Темирни шимиб кўр. Ёғ чиқадими? — деймиз. — Йўқ. Темирни қанча шимсам ҳам ёги чиқмади. Ана, кўрдингми, темирдан ҳеч қачон ёғ чиқмайди. Шунинг учун ёғ чиқадиган ишингни билиб қил, — деб бир-биримизга ёғлик иш топишни ўргатиб келганмиз. Ҳаёт таомилларимизни кўпинча шунга асосан қурганмиз. Неча юзлаб замонавий меҳнат, иш соҳаларини эгалламаганмиз. Етук мутахассисларни орамиздан кўплаб етиштирмаганмиз. Болаларимизни “ёғлик” ишларни мўлжаллаб тарбиялаганмиз. Бу меҳнатга муносабатда бориб турган жўнлик, одимилик - агар гарбча тушунча билан айтсан, ўта кетган “практицизм” — ҳамма нарсадан майший маънода фойда кўзлаш.

Президент Ислом Каримов Қаршида сўзлаган нутқида ҳаёт ва меҳнатга муносабатлардаги “хатарли иллатлар” ҳақида кескин танқидий фикрлар билдириди. Шаҳрисабздаги “Кристалл” ва Қаршидаги “Каштекс” корхоналари фаолиятига назар ташлади. Замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган бу корхоналар нега муттасил сифатсиз, экспортга яроқсиз маҳсулотлар чиқариб оғир иқтисодий аҳволга тушиб қолди? Президент бу ноҷорликнинг илдизларини очаркан, бунга асосан “замонавий технологияни зарур даражада эгалласмаслик, ишчи кадрларни тайёрламаслик, касб маданияти ва дунёқарашини шакллантирумаслик, охир-оқибатда эса ташкилий жиҳатдан раҳбар кадрларни танламаслик” каби ҳолатларни сабаб қилиб кўрсатди. Бу тўппа-тўгри миллий мафкурага даҳлдор гаплар эмасми?

Қашқадарёда талантли одамлар яшайди. Худди Фаргона, Хоразм, Тошкент ёки бутун Ўзбекистонда бўлгани каби. Шаҳрисабзда ҳам ҳар қандай замонавий ишга лаёқати бор одамлар умр кечирадилар. Мен бунга шахсан аминман.

Лекин нега унда “Каштекс” судралиб, лаёқатсиз бўлиб қолди? “Каштекс”ларни лаёқатсизликда эмас, лаёқатларни тарбияламаганликда, етиштирмаганликда, лаёқатлар устида муттасил бош қотирмаганликда, миллий тараққиёт гояларимизга лоқайдикларда айблаш тұгрироқ бўлади.

Лаёқатли одамларни тарбияламаслик бу қарамликдан қолган хатарли иллат. Лаёқатларни етиштирмаслик бу — меҳнатта ўта жүн ва одми муносабатдан келиб чиқадиган узоқни ўйламаслик касаллиги.

Иш жойлари, меҳнат ўринлари яратиш ва улар сонини кундан кунга кўпайтириб бориш - бизнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларимиздан. Лекин иш жойи яратганда, шу жой атрофидаги у билан bogliq комплекс масалаларни бирварақай ечиш ва ҳал қилишини бир зум бўлсин унудиши ярамайди. Замонавий технологияларни қунт ва ижтиҳод билан эгаллаш мумкин. Лекин уларни ўлда-жўлда, чала-чулла эгаллашнинг сира иложи йўқ, қунт билан ҳар томонлама ўзлаштирилмаган технология эса ўлук темирдан бошқа нарса эмас. Унинг қанча атрофида айланманг, “ёғи” чиқмайди.

Технологияларга бу каби ўлда-жўлда муносабатлар бизга жуда қимматга тушади. Миллий маҳсулот тури кўпаймайди. Ва миллий маҳсулотларимиз четга етиб боролмайди. Жаҳон бозорини фақат юқори сифатли маҳсулотлар билангина эгаллаш мумкин. Мамлакат эса жаҳон бозорисиз равнақ тополмайди. Президентнинг танқидий мулоҳазаларидан шу холоса келиб чиқадики, “Каштекс” мамлакатда ёлгиз эмас. “Каштекс”ларнинг аҳволини чуқур таҳлилдан ўтқазиши ва мутахассисларнинг ўта холис хulosалари асосида ишларни ўнглаш, меҳнатта, технологияларга муносабатда инқилоб қилиш зарурати етилган.

Яқинда Самарқанд вилоятида бўлганимизда ҳурматли Раҳима Ҳакимова ҳикоя қилиб берди. Самарқанд туманидаги паррандачилик корхонасида икки мингта яқин киши меҳнат қилади. Уларнинг ўртача ойлик маоши етти минг сўм атрофида. Сифатли парҳез гўшт. Сифатли парҳез тухумлар. Ҳам иш жойлари яратилган.

Қизилтепада ҳам шундай иккита парранда фабрикаси мавжуд. Лекин улар кейинги йиллар ичида тамомила “ётоқчилаб” қолди. Маҳсулот бермай қўйди. Ҳолбуки, бу фабрикалар Қизилтепада неча юзлаб, балки минглаб одамларни иш билан таъминлаши, уларга фаровон ҳаёт яратиши, мамлакатта олий навли гўшт ва тухум етказиб

бериши мүмкин. Нега шундай бўлмаяпти? Баҳоналар куп. Жуда куп. Баҳоналарни тушуниш мүмкин. Лекин Раҳима Ҳакимова ҳам шундай баҳоналар қилиб ўтира-вериши мүмкин эди-ку. Нега у бундай қилмайди? Аксинча, имкон топади. Йўқни йўндиради. Йўндирамагун-ча қўймайди. Яқинда Қизилтепага иқтисодни яхши биладиган гайратли ёш ҳоким ишга келди. У чоратадбир, одамлар қалбига йўл изляяпти. Шояд Қизилтепа паррандачилик корхоналари ҳам замонавий иш усуллари ва техникалари билан қуролланиб тез орада ишга тушиб кетади.

Халқимизни замонавий меҳнатга, замонавий меҳнат соҳалари ва технологияларга лаёқатли қилиш устида тинмай бош қотирадиган, тинмай ёшу қари демай ўқитадиган, кўникмалар маданияти яратадиган вақт етган. Бир журналист дўстимнинг мақоласида ажаб бир мақолга дуч келган эдим: товус танасига қараб яйрар, оёгига қараб йиглар экан. Жуда-жуда ажойиб мақол. Бош заиф бўлса оёққа завол. Оёқ заиф бўлса, бошга завол. Оёгимизга қараб йиглаб ўтирумайлик. Бошимиз ҳам, оёгимиз ҳам баравар ишласин. Доим бир-бирига мос, уйгун, мададкор бўлсин.

Иштиёқ оқиллик билан кучланади.

ДУНЁВИЙ ВА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЙФУНЛИГИ

Маънавият миллий мағкуранинг ўзаги сифатида ҳаётимиз, қараашларимиз, иш тутиш, ўзаро муносабатларимизнинг мазмунига айланиб бормоқда. Бозор иқтисодини ҳам, демократияни ҳам, инсон ҳуқуқлари маданиятларини ҳам уларда умуминсоний ва миллий маънавият устивор бўлиб турмаса, қуриш, тиклаш, сингдириш мүмкин эмаслиги кун сари аён бўлмоқда. Ростдан ҳам, шоир айтганидай, юракда маънавият қўр солиб ётмас экан, киши миллатнинг қодир лашкарларига айлана олмайди. Маънавият дунёвий ва диний қадриятлар заминида куртак ёzáди. Дунёвий ва диний қадриятлар ўз аниқ чегаралари, меъёрлари, фаолият майдонларига эга. Уларни бир-бирларига қориштириб юбориб ҳам бўлмайди. Ўзаро зид ҳам қўйиб бўлмайди. Баъзи бир номи аниқ бўлиб қолган жангарироқ тоифалар уларни зид қўйиш, яъни диний қадриятлар ва қараашлар — бу ҳамма нарса — қолганлари ҳеч нарсага арзимайди, қолган ҳамма нарсалар ўткинчи ва узоққа бормай йўқ бўлиб

кетади деб тушунтиришга уринадилар. Кишилик жамиятларини дин пайдо бұлған атиқавий замонларга қайта-ришни орзу қыладилар. Ҳеч ким — соғлом фикрли бирон бир кимса ҳеч қаңон орқага ва боз устига илк урта асрлар замонларига қайтиб, ўша тартиб-низомлар билан яшаш, умргузарлық қилишини истамайды. Шунда бояги гуруұлдар ўз орзуларини күч билан, турли найранглар ва зұравонликлар құллаб, буюк диний ақидаларни қуорол қилиб рүёбга чиқариш пайига тушадилар. Қонунларни четлаб үтиш, бұшылғыларни ақидалар билан әмас, ақидарапастликлар билан тұлдириш, айниқса, жамият майдонида фаол иштирок этолмай турған ёш-ялангларни ўз томонларига оғдиришга уринадилар. Қонунларни четлаб мачитлар очадилар, ибтидои үсуудаги үй мактаблар ташкил этадилар. Мачитларда Худо ва муқаддас Қуръонни, олий шон ҳадисларни бот-бот тилга олиб үтә жүн ва ибтидои, миллат ҳам умумватан тараққиети, фаровонлиги, келажаги билан заррача болғық бўлмаган ва ҳатто унга тамомила тескари тарғибот-ташвиқотлар билан шугулманадилар. Автоматикалар, олий технологиялар, компьютерлар, бутун дунё билан кенг иқтисодий, тиженорий, маданий ҳамкорлик ва алоқалар кучайиб бораётган даврда бу диний ақидарапастлик йўсими-даги ташвиқотлар ўз ибтидоийлиги билан таажжубга солади.

Оlam дегани бу илмларнинг жамиидир. Olam сўзи илм сўзидан ҳосил бўлди. Muқаддас Қуръоннинг барча қалималарини Худо илм билан яратған ва илм билан ўзлаштироққа даъват этди. Илм Қуръонда энг кўп такрорланган сўзлардандир. Olamга дин кўзи билан қараганда ҳам, дунё кузи билан қараганда ҳам, илм бу қарапашларни нурлантириб, шуълаларга бурқаб турмас экан, қарапашлар доим бир ёқлама ва кемтик бўлиб қолаверади.

Шуни охиригача англаб етмоқ жоиздирки, дин инсоният қадриятларининг ва ҳар қандай миллий қадриятларнинг фақат ва фақат бир қисми, бир бўлагидир. Уни қадриятларнинг бари ёки жуда бўлмаганда, асоси деб тушунтириш доим эътиқодларда чалкашликларни келтириб чиқаради. Чалкашликлар, сиёсат, маънавиятдаги қўриқлар эса мазҳабларга, мазҳабсиймоларга доим қўл келади. Улар бўшилиқларни муттасил ва изчил қидирадилар ва улардан ўз билгиларича усталик билан фойдаланадилар.

Халқ юксак фикр қурилишига, оқу қорани теран

таниш малакаларига эга бўлгани сари чалғитишилар са-
марасиз бўлиб боради.

Одамларни маънавий, маданий, сиёсий фикр май-
донларига тортиш, ҳар бир фуқарони унинг ёшидан
қатъий назар, шу ориф майдоннинг қатнашчисига ай-
лантириш бизнинг энг самарали йўлнимиздир. “Ухлаб
қолдингларми, биродарлар! Кўзларингни очинглар!” —
деб ҳайқирди давлат раҳбаримиз. Мудрамоқ, гафлатда
кун кечирмоқ даврлари орқада қолди. Бир парча гўзал
ҳадислардан мисол келтирганда ва улардан ахлоқий
ибрат излаганда, минг йиллаб яратилган ҳалқ мақоллари,
қўшиқлари, доно нақллари ҳам борлигини унутмайлик.
Ҳадисни мақол ва мақолни ҳадис четга сурмасин. Мана,
кўринг шу уйгунликни! Мақоллар буюк дунёвий-руҳий-
маънавий тафаккур меваси. Ҳадислар эса диний, исло-
мий-руҳоний тафаккур ҳосиласи. Улар доим бир-бирлари-
га қобил яшасинлар.

Улар зўрлик-зўравонликсиз, тазиикларсиз, экстремизм,
фанатизмсиз қобил ва салим яшашга азал
нақроши томонидан чорланганлар. Инсониятни бу
уйгунликдан четга тортиш оламда бузгунчиликлар билан
баробардир.

ТАРИХ, МАЪНАВИЯТ ВА ФИДОЙИ ИНСОН

Ислом Каримов тарихчи олимлар билан суҳбатида
Ўзбекистон тарихини ўрганиш, янгидан яратиш, аба-
дул абадга уни ҳалқнинг маданий мулкига айлантириши
борасида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.
Президент ўз фикрларини таклиф ва мулоҳаза тари-
қасида айтган ва баён қилган бўлса ҳам, улар моҳияти
ва қамрови, теранлигига кўра концепция характеристи
ва қувватига эга бўлди. Президент ўз муҳокамалари
давомида жуда кўп саволларни ўртага қўйди. Са-
волларининг замирида ҳам концептуал фикр барқ
уряди.

Бу фикрлар, гоялар, саволларнинг бари жамиятни
фикрлаш тадқиқотлар олиб бориш, барча ишларимизда
тадқиқотчилик руҳини уйготиш ва устивор этишга ун-
дайди.

Ҳар қандай юксак тоф чўққиси жуда узоқлардан
бошланади. Жомолунгма ҳам, Хонтангри ҳам, Ҳимолай
ҳам ер тагидан бирдан тик қўтарилиб чиқмайди. Тарих,
бинобарин, атом қўзиқорини эмас.

Туркистан — икки дунё бешиги, деган туркий тил шоирларнинг гўзал ҳикмати бор. Бу фикрни янада шоиронароқ қилиб, Туркистан икки дарё бешигидир, деб давом эттириш ҳам мумкин. Чиндан бу бешикни икки дарёning ўзи яратган ва азал-азаллардан шу икки дарё тебратади бу кутлуг муборак заминни. Шоирона пайровни яна шоирнинг ўзига суюниб ривожлантирадиган бўлсак, Туркистанни нега икки дарёning эшиги деб атамайлик? Ростдан ҳам, машриқу магрибга, Жануб ва Шимол Кутблари томон очилган, утадиган ЭШИК, дарвоза, қопқа эмасми бу азал маданият маконлари?

Қадим Шарқ муаррихларининг қўллари билан чизилган, тасаввурлари билан манзара ҳолига келган илк ибтидоий, лекин ўта қумматли хариталар — жўғрофий, тарихий маконларнинг чизмаларига қараб ўтиришни болалиқдан севардим. Шу хариталардан тарихлар, ҳалқлар, уларнинг бемисл ҳаракатлари — кўчишлари ва сокин бўлишлари, яна кўчишлари ва яна сокин бўлишлари сирларини ўйлаб, бу ҳаракатларни яхлит, бир бутун, мисоли данак ичидаги тўқ магиздек тасаввур қилиб бўлармикин? — деб орзу қилардим. Ё бу ҳеч бир инсоннинг тасаввурига сигмайдиган бепоён, ҳудудсиз, бемакон бир ҳодисамикин?

Ўша аждодлар қўллари билан чизилган дунёning илк хариталарига тикилиб ўтириб, оламнинг равиш-рафтори ҳақида илк тасаввурларимиз уйғонган эди. Мана, ҳозир муҳтарам Президент Ислом Каримов тарих ва дунё цивилизациялари тўғрисида ўз янги концепциялари ва концепцияларини ифода қилувчи гоялари, саволларини ўртага қўяётган чогда, тарихий илдизларимиз ва умуман, гносеология масалаларига бефарқ бўлмаган кишиларнинг багрига, юрагига улар оловли чўғ каби тўкилаётганда, ёндираётган, жазиллатаётган, қиздираётганда, бир тасаввур — образ хаёlda гавдаланди. Тўгрироги, тасаввур — образ шаклини ола бошлади.

...Бир мислсиз улкан қуш икки буюк дарё оралигида кўкрагини шу икки дарё орасига қўйиб тургандек, унинг жуда фусункор боши Орол оша сирли Турон текисликлари узра магрур қад кўтаргандек, поёнсиз қудратли қанотлари эса Машриқ ва Магриб заминлар узра парвозга талпиниб тургандек. Тушунаяпсизми?

Бу ҳалқлар қушининг кўкси, кўкраги, юраги ҳамиша шу икки дарё оралигида — Туруну Хоразм, Бухорою Самарқанд, Фаргонаю Термиз, Шошу Илоқ устида

бұлған. Шу бешік узра турған бу қүшнинг юраги! Уни турли бало-оғатлардан, йўқ булиб кетишлардан сақланған, ҳимоя қилған бу қүшнинг юраги! Еттиқуш - битта қүш! Юз, миллион қүш — битта қүш! Яна андак шоирона тасаввурға эрк беріб айтсақ, шу қүшнинг тухумидан Одиссей ва Илиада, шу қүшнинг тухумидан эмасмикан Алпомишлиар, Овастолар?

Мағзига қаранг бу кишилик достонларининг! Қанчалар туғишигандар, биродар улар! Алпомиши, Гилгамиш қаҳрамонлари, Одиссей, Зардұшт худи бир бешікден чиққан, бир бешікда үсгандар, күч олган, олижаноб фазилаттар орттирган бир бешикнинг фарзандлариңай! Күп ўхшашликлар ва яқынликлар күраман улар атвору алматларида! Чексиз ўзига хосликлар күраман уларда. Лекин бу ўзига хосликлар уларни бир-бирларидан узоқлаштырмай, жудо қымай, яқынлаштыриб, бирлаштириб, қариндошчилик иплари билан боғлаб туради уларни! Шоирона тасаввурлар тагидан неча минг ийликларнинг ҳақиқатлари бўй кўрсатса не ажаб!

Тарих ҳақиқатни қидирмаса, нимани қидиради. Тарих ҳақида ўйлаганда, тарихларни бўйлаганда, ўзимиздан назаримиз кенг ва нигоҳимиз теранми деб сўрайлик. Назар ва нигоҳ кенг-теран бўлиши мумкин. Лекин довюраклик-чи?

Президент сўраяпти:

— ҚАНИ БИЗНИНГ ДОВЮРАК ТАРИХЧИЛАРИМИЗ? УЛАР БОРМИ?

Тарихнинг теран илдизларини топиш ва шу илдизлар баайни бизнинг илдизларимиз эканлигини илмий исботлаб бермоқлик учун илмдан ташқари ҳа, довюраклик ҳам керак! Бусиз янги тарихимизни, янги миллий мафкурамизни муносиб тарзда яратиш қийин.

ПРЕЗИДЕНТ АЙТГАНДЕК, ОВАСТО БИЗНИНГ ИЛДИЗИМИЗ ЭМАСМИ? ХОРАЗМ МАДАНИЯТИ БИЗНИНГ ИЛДИЗИМИЗ ЭМАСМИ? ҚАДИМ ТУРКИЙ ТИЛ ТОШБИТИКЛАР БИЗНИНГ ИЛДИЗИМИЗ ЭМАСМИ? АЛПОМИШНИ ЗАРРА-ЗАРРА ЎРГАНСАК, УНДА ЭМАСМИ БИЗНИНГ ИЛДИЗИМИЗ? АЛП ЭР ТҮНГА — АФРОСИЁБ БИЗНИНГ ИЛДИЗИМИЗ ЭМАСМИ?

Кимларгадир ёқиши учун собиқ замон тарихчилари Овасто маданиятидан юз ўтиргадиларми? Афросиёб маданиятидан юз ўтиргадиларми? Уларни “афсона” деб эълон қилмадиларми?

Афросиёб ер юзида ilk шаҳарларни қурған тарихий сиймо. Афсона эмас. Санъат ва маданиятларни ўз

замонасида юксак даражага құттарған сиймо. Афсона әмас.

Афросиёб шаҳарлар құрды улуг маконларда деган қадим тарихчиларнинг қимматли маълумотлари олди-дан бу худди арзимаган бир гапдай үтиб кетаверған биз әмасмидик? Шаҳарлар қуриш — цивилизациялар маконларини яратыш демақдир. Нега биз Афросиёб цивилизациясини терән ва ҳар томонлама ўрганмадик? Асл манбалар ҳамон варақланганича йўқ? Ўзимизни шунчалар камситамизми?

Ўз қаддимизни тузукроқ құтариш учун лоақал Херодотни синчиклаброқ ўқиганмидик? Херодот ўз “Тарих” ининг түртінчи китобида “Осиё одамларининг күплиги ва буюк бойликларнинг оқиб ётиши билан гуллаган эди” деб гап бошлайди. Унинг скифлар, массагетлар ва икки дарё оралығидаги бошқа ҳалқдар ҳақидағи ҳикояларини диққат билан ўқийлик-чи, қайси бир гаплари, қайси бир санаган фазилатлари, хусусиятларига бутун ўзимизни бегона деб биламиз? Гарчи орадан неча минг йилліклар үтган бўлса-да? Херодот скифларнинг ерларида биринчи тугилган одамнинг номи Таргитой бўлғанлигидан хабар беради. Таргитой, Тарбўгатой, Тарагай сингари энг кўхна туркий сўзлар орасида қанча масофа ётади? Улугбек Муҳаммад Тарагай деб номлангани бежиз бўлмаса керак? Туркийлар ва жумладан, ўзбеклар жуда қадим-қадимлардан аждодларнинг номларини фарзанддан фарзандга қўйиб сақлаб келадилар.

Херодот яна скифлар билан массагетларнинг кийим-бошлари, урф-одатлари, феъл-атворларидағи ўхшашликлардан ҳам дарак бериб үтади. Биз илдизларимизни қидирғанда, бундай бебаҳо маълумотларга жуда диққат билан қулоқ солиб, уларни бошқа тарихчиларнинг маълумотлари билан солиштириб қуришимиз керак бўлади. Шунда ҳалқлар ва миллатларнинг вужудга келиши мислсиз буюк ва мислсиз мураккаб жараёнларда содир бўлғанлигини тан олишимизга тўгри келади.

Президент Ислом Каримов сулолаларнинг туйини әмас, улар қолдирған тенгсиз, такрорланмас маданий меросни ўрганиш, шу мерос устида фикр юритиш, хуносалар чиаришга даъват этади. Унинг:

— Азалда ким бўлган? Азалда ким бўлганмиз? Цивилизациялар ўзларидан нималар қолдирғанлар? деган саволи илм-фандан, илм-фан бўлганида ҳам, илгор,

кучли, ишончли концепцияларга таянадиган илм-фандан жавоблар кутади.

— Қани, менга түшунтириб беринг! — деб сұрағында Президент. У ўз тарихини билған халқ енгілмас бұлади, деган гояни илгари сурмоқда. Түшунтиришнинг ҳозирғи илм-фан учун, айниқса, тарих ҳамда фалсафа, мағкура учун қанчалар мұхим эканлигини ҳаёт күрсатмоқда.

АБДУҚАҲҲОР ИБРОҲИМОВ

МИЛЛИЙ МАФКУРАНИНГ НЕГИЗИ

Сиёсий тутқунлик оғир, лекин миллий ўлим — милиатнинг буткул ҳалокатидир. Ўзбек ҳалқи ўтган асрда чоризм истилоси туфайли сиёсий тутқунликка тушди, бироқ миллий қиёфасини йўқотмади. Ана, шу миллий қиёфамиздан бугунги сиёсий мустақиллигимиз ўсиб чиқди. Ердан ниманидир ўсиб чиқиши учун тупроқда ўша нарсанинг уругти-негизи булиши керак. Уругнинг униши учун эса ундирувчи шарт-шароит ҳам лозим бўлади. Босқинчилар ҳалқимизни харбий куч билан тобе этган бўлсалар-да, маънавий жиҳатдан маълум дарражада зарар келтирилсалар-да, бироқ тўла-тўкис маглуб эта олмаганлар. Маънавиятини сақлаб қолган ҳалқни сиёсий жиҳатдан узил кесил енгиб бўлмайди. Маънавият сиёсий озодликка чорлайверади. Президент Ислом Каримовнинг бутун ижтимоий-сиёсий фаолиятида маънавият масалаларига жиҳдий ва чуқур, ҳар томонлама ва катта аҳамият бериб келаёттганинг боиси ҳам, унинг маънавиятнинг бош ҳомийиси деб эътироф қилинишининг сабаби ҳам ана шундадир.

Мустамлака шароитида ҳам ҳалқимиз маданий-маънавий бойлик яратишда (сустроқ бўлса-да) давом этди, маданий турмуш кечиришда давом қилди. Ҳалқ амалий санъати, ҳунармандчилик, меъморчилик, фан, адабиёт, санъат, мусиқа, фольклор ва тарихнавислик тўхтаб қолгани йўқ. Ҳалқ кўнглидагини ифодаловчи, орзу-умидлари ва дардини тараннум этувчи бадиий адабиёт ривождан тўхтаб қолмади. Бу даврда Тошкент, Андижон, Қўқон, Тўрақўргон, Наманган, Каттақўргон, Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа шаҳар ҳамда иирик қиинлоқларда адабий мактаб ва адабий муҳит мавжуд эди. Бу жойларда ҳатто бадиий ва тарихий асарларни ўзбекчага таржима қилишда муайян ишлар қилинди. Тошкент, Самарқанд, Хива, Қўқон, Наманган ва Тўрақўргонда бир қатор ноёб асарлар, араб, форс, турк, татар ва озарбайжон тилларидан ўзбекчага ўгирилди.

Халқ бадиий ижоди ҳам тұхтаб қолмади. Босқинчи золимларға қарши халқ құшиқлари ва термалари яратылди. Бинобарин, халқимиз маънавиятидан айру тушиб қолмади.

Одатда чоризмнинг Туркистондаги мустамлакачилик тарихи ҳақида сүз борганда, Туркистоннинг бир қисми — Туркистон генерал-губернаторлигининг бешта вилояти (Сирдарё, Фаргона, Самарқанд, Еттисув ва Каспийорти) ҳақида фикр билдирилади-ю, лекин вассал ҳолатидаги Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги түргрисида деярли индамай үтилади, ваҳоланки, халқимиз кечмиши ва турмуши тарихини, давлатчилигимизнинг умумий тарихини вассал мақомидаги бу ўзбек давлатлари тарихисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Агар шундай иш тутилса, ўзбек халқининг миллый манфаати, ворислик ҳуқуқи унугтилган бўлади. Вассал ҳолидаги Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги мустамлакачилардан яширин ҳолда, айниқса, 1914 йилда биринчи жаҳон уруши бошланиб кетганидан кейин яна миллий мустақилликка тұла эришиш мақсадида Афғонистон, Эрон, Турция ва Англия билан алоқа боғлаб турғанлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор. Буткул бўйсундирилган халқда бундай улуғ мақсадлар бўлмайди, албатта, халқимиз ҳамиша яхши умидлар билан яшади. Унинг маънавияти ва руҳонияти гафлат уйқусига ботмасликка, ҳамиша уйғоқ бўлишга чорлар эди. Бу ишларда халқнинг тушунган, оқ-қорани билган, миллати манфаатини ўз жонидан ҳам ортиқ кўрган кишилари бош-қош бўлдилар. Булар номлари халқимиз тарихида абадий қолган жадидлар эдилар.

Жадидчilik — маърифатчиликдир. Жадидлар элимизга маърифат уругини сочишда фидойилик кўрсатдилар. Чунки маърифатли бўлмай туриб, маънавиятли бўлиш, маънавиятни юксалтира бориш мумкин эмас. Халқпарвар ва инсофли, диёнатли бой-бадавлат кишиларнинг моддий ёрдамисиз жадидлар фаолият кўрсата олмас эдилар. Тижорат, саноат ва қишлоқ хужалиги ишлаб чиқариши билан бойиган элимизнинг ишбилармон кишилари — бухоролик, самарқандлик, хивалик, андижонлик, намангандлик, маргилонлик, хужандлик, қўқонлик, тошкентлик ўз даврининг миллионерлари, масалан, Пўлатхўжа, Убайдуллахўжа, Исломхўжа, Миркомилбой, Тұхтабой, Орифжонбой, Иброҳимходжи, Тўлаганҳожи, Комилжонбой, Обиджонбой кабиларнинг сахийликлари халқимизнинг миллый манфаатига

қаратилган эди. Сахийлик эса маънавиятлилик белгиларидан биридир.

Юқорида миллат, миллий манфаат деган ибораларни ишлатдик. Ҳўш, миллат нима? Миллат деганда нимани тушунмоқ керак? Миллат кишиларнинг жисп тарихан шаклланган бирлиги, умумиқтисодий турмуш, тил, ҳудуд бирлиги, маданият, онг, руҳият уйғуллиги ва муштарақлиги демақдир. Муайян бирор миллатта тегишли нарсаларга миллийлик изоҳи қўлланилади ва шу нарсалар айни шу миллатгагина тааллукли бўлади, мазкур нарсалар бу миллатни бошқа миллатлардан фарқлаб туради. Масалан, ўзбек миллий бадиий адабиёти миллатимизга тегишли сўз санъатидир. Ўзбек халқининг миллий манфаати дейилганда миллатимизга доир нафъ тушунилади. Миллат, бир сўз билан айтганда, маънавият бирлигидир. Маънавият – давлат асоси, давлат эса маънавият суюнчиги. Мана энди мафкура атамасига таъриф бериб ўтсак бўлади. Муайян бир ижтимоий гуруҳ ёки миллатнинг туб манфаатларини назарий асословчи ва ҳимоя қилувчи фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик қарашларнинг бутун бир тизимида мафкура дейилади. Демак, ўзбек халқининг миллий мафкураси миллатимизнинг туб манфаатлари ни назарий асословчи ва ҳимоя қилувчи фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик қарашларнинг бутун бир тизимиdir.

Мафкурасиз ижтимоий гурух, жамият ёки миллат бўлиши мумкин эмас. Миллат ва миллий мафкура тушунчалари ўртасида ўзаро узвийлик бор. Шу боис миллат тушунчасига айрим аниқликларни киритиб кетсан зиён қилмайди. Чунки миллат атамасини диний маънода ишлатиб, масалан, мусулмон миллати, ислом миллати дегувчilar ҳам бўлган ва ҳозир ҳам бор. Бутун Ер юзидағи 1 миллиардан ортиқ ислом динига эътиқод қилувчilar аввало бир миллат вакилларидан иборат эмас, улар орасида араблар, туркий ва форсий халқлар билан бирга Гарбда инглиз, фаранг, олмонлардан тортиб, Шарқда покистонлик, бангладешлик, индонезиялик, малайзиялик, ва бошқа халқлар ҳам бор, Ислом – жаҳоний динлардан бири, унга эътиқод қилувчilar ирқий жиҳатдан ҳам турличадир. Мусулмонларни ягона ислом миллати деб эмас, балки Аллоҳ таолонинг бандалари, ҳазрат Мұҳаммад алайҳиссаломнинг умматлари, деб тушунмоқ жоиз. Мусулмончилик – умматлар бирлиги.

Барча туркий халқларни ҳам ягона турк миллати деб ҳисоблаш бугунги қунда унчалик түгри эмас. Чунки ҳозирги кунга келиб аслида бир отадан тарқалган туркий халқларнинг турмушларида, маданиятларида, урфодатларида, диний эътиқодларида ҳам жузъий, ҳам жиддий тафовутлар пайдо бўлган. Шу тафовутлар негизида уларнинг миллий мағкураларида ҳам узига хос фарқлар вужудга келган. Демак, туркий халқларни ўқ томири бир қардош ва тилдош халқлар дейиш ҳақиқатга яқинроқ. Шу ўринда улар орасида ислом, исовий, мусовий динларига эътиқод қилувчилар, шунингдек, ҳеч бир динга эътиқод қилмовчилар ҳам борлигини эслатиб ўтиш мумкин.

Икки давлатда яшаётган миллатлар ҳам бор. Масалан, осетинларнинг бир қисми Россия Федерацияси таркибидағи Осетия Мухтор Республикасида яшаса, иккинчи қисми Грузия таркибидағи Осетия Мухтор вилоятида истиқомат қиласди. Корейс халқининг икки мустақил давлати – Корея Халқ Демократик Республикаси ва Корея Республикаси мавжуд. Бангол халқи Бангладеш Республикаси ва Ҳиндистон Республикасининг Банголия штатида яшайди. Бангладешликлар ислом динига эътиқод қилсалар, Банголия штатида яшовчи банголлар Будда динига сигинадилар. Диний эътиқодга кўра бир халқ иккига бўлиниб кетгандир. Яқиняқингача иккита Олмония – Германия Демократик Республикаси ва Германия Федератив Республикаси мавжуд бўлиб, сиёсий тузумига кўра икки хил давлат эди. Шўро мағкурачилари шарқий олмонларни социалистик миллат деб, гарбий олмонларни капиталистик миллат деб тушунтиришарди. Ваҳоланки, иккала давлатда ҳам ягона бир миллат – олмон миллати яшарди. Кейинги воқеалар – иккала олмон давлатининг бирлашуви синфиийликка асосланган ўша сохта назариянинг пучлигини қатъий исботлаб қўйди.

Демак, миллат тушунчаси, биринчидан, синфиий тушунча эмас. Миллат тушунчаси – синфлардан, табакавий фарқлардан устувор тушунча. Марксчи-ленинчи сиёсатдонлар-мағкурачиларнинг ҳар бир миллатда икки миллат, ҳар бир маданиятда икки хил маданият бор, деган “назария”ларининг фақат уйдирмадан иборат эканлиги айниқса совет иттифоқи тарқаб кеттанидан кейин яққол намоён бўлди-қўйди. Такрорлаб айтамизки, миллат – бу, кишиларнинг жипс тарихий бирлиги, умуниқтисодий турмуш, тил, ҳудуд бирлиги,

маданият, онг, руҳият уйгунилиги ва муштараклиги демакдир. Ўз давлатисиз ўз қиёфасига эга миллат бўлмайди, давлатчилигини қўлдан бой бериб қўйса, бора-бора миллий қиёфасини йўқотиб юбориши мумкин. Миллатнинг метинде жипслиги давлати қудратининг даражасини белгилайди. Миллат ва давлат тушунчаларини бир-биридан айирган ҳолда таърифлаб бўлмайди.

Тарихни кўздан кечирсак, миллатнинг жипслик даражаси ўзгариб турадиган ҳодиса эканини кўрамиз. Бу кўп омилларга, жумладан, тарихий шахснинг – йўлбошчининг ўрни ва ролига ҳам боғлиқ. Қачонки ҳалқимиз метинде бирлашиб, жипслашган бўлса, ўшанда ўз буюк давлатига эга бўла олган. Бунинг учун ҳалқни бирлаштирувчилик салоҳиятига эга сиймо тарих саҳнасига чиқиши, ҳокимиyatни бошқариши керак. Тарихда бунга мисоллар кўп. XIV асрнинг иккинчи ярмида Амир Темур тарих саҳнасига дадил чиқиб, шундай бирлаштирувчилик вазифасини адо этди ва буюк бир давлат – Темурийлар давлатини тузди. Соҳибқирон вафотидан кейин миллатимиз жипслиги заифлаша бошлади. XVI асрнинг иккинчи ярмида Абдуллахон II даврида миллатимизнинг жипслик даражаси анча кучайди, ўшанда Бухоро хонлиги мусулмон шарқидаги энг қудратли давлатлардан бирига айланган эди. Афсуски, Абдуллахон II вафотидан кейин миллатимизнинг жипслиги сусая бошлади. Бундан кейинги сиёсий воқеалар ҳурматли үқувчиларимизга тарих китобларидан аён: аввало ягона Туркистон учта давлатга бўлинниб кетди, кейин XIX асрнинг иккинчи ярмида мустамлака ва ярим мустамлака ҳолига тушиб қолдик. Демак, давлат тақдирида миллат, миллат қисматида давлат ҳал қилувчи омиллардан ҳисобланади. Бу иккисининг тақдирида эса ўз ҳалқига йўлбошчилик қила олиш салоҳиятига эга тарихий сиймонинг ўрни ва роли ҳам каттадир. Бу фикрнинг нақадар тўғрилигини Президент Ислом Каримовнинг давлат бошлиги ва ҳалқ раҳнамоси сифатидаги фаолияти ҳам тасдиқлаб турибди.

Юртбошимиз “Тафаккур” журнали бош муҳаррирининг саволларига жавобларида “Жамиятимиз мафкураси ҳалқни-ҳалқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин”, деган фикрни илгари сурди. Вазифа аниқ ва кенг қамровли. Чунки мафкура шундай бутун бир тизимки, унда муайян бир ижтимоий гурӯҳ ёки миллатнинг туб манфаатларини назарий асословчи ва ҳимоя қилувчи фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, эсте-

тик қарашлар ифодаланади. Бу шарафли вазифани адо этиш файласуфлар, сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар, диний арбоблар, ижодкорлар ва, умуман, янгича фикрловчи барча зиёлиларнинг зиммасидадир.

Адабий тилимизда яратиш, шакллантириш ва ундириш деган сўзлар бор. Йўқдан бор қилишга яратиш дейилади. Ўзи бор нарсага қандайдир ишлов бериб, янги ташқи қиёфа беришга шакллантириш дейилади. Ерга сочилган ёки қадалган уруг ва дон тегишли меҳнат эвазига тупроқ бағридан ўсиб чиқади, бу ундиришдир. Хўш, миллий мафкурага нисбатан қайси бир сўзни қўллаймиз-у, қандай йўл тутамиз, қандай муносабатда бўламиз? Янгитдан мафкура яратишга мутлақо ҳожат йўқ. Чунки кўп асрлик тарихга эга миллат эканмиз, ўз миллий мафкурамиз борлигига шубҳа ҳам бўлиши мумкин эмас, асло. Демак, мавжуд миллий мафкурамизни истиқдол даври талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, янги мазмун билан бойитиб шакллантира боришимиз, халқимиз вужудидаги — онги ва қалбидаги янги-янги, битмас-тутганимас маънавият куртакларини ундира боришимиз лозим, чунки Ислом Каримов уқтириб ўтганидек, “Тасаввур ва дунёқараш тараққиётта қараб ўзгариб боради... Мафкурани шакллантириш жараёнида кенг жамоатчиликнинг илгор дунёқарashi ва тафаккурига асосланиш лозим”.

Масалан, тилга бўлган муносабатимизни олиб кўрайлик. Юқорида миллат кишиларнинг, жумладан, тил бирлиги ҳам дедик. Чунки тилнинг тириклиги халқнинг мавжудлигидир. Тилсиз халқ йўқ. Ҳар кишининг ўз исми бўлганидек, ҳар бир тилнинг ҳам оти бор. Тилнинг оти миллатнинг номидир. Шунинг учун ҳам “Миллатимиз ўзбек, тилимиз ўзбек тили” деймиз. Тили ўлган халқнинг ўзи ҳам халқ сифатида йўқолган ва, аксинча, халқ қирилиши билан унинг тили ҳам ўликка айланган. Тил ва халқ — жон ила тан. Булар қарор топган ва ҳимоя қилинган тупроқ ватандир. Ўзбек халқи ва тили учун ана шундай муқаддас тупроқ — ватандир.

Тил — миллат вакилларини мустаҳкам бирлаштирувчи, тутиб турувчи белбог демак, бу рамзий белбогнинг кучу қудрати сизу бизларнинг она тилимизга бўлган муносабатимизга боғлиқдир.

Тил — тарих кўзгуси, тарих эса тил кўзгуси демак. Масалан, Култегин битиклари милодий VIII аср, Аҳмад Юғнакий, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошгарий асар-

лари XI аср, Аҳмад Яссавийнинг “Ҳикмат”и XII аср, Навоий асарлари XV аср, Бобур асарлари XVI аср, Машраб асарлари XVII аср, Нодира газаллари XIX аср, Абдулла Қодирий романлари XX аср тилимизнинг кўзгусидирлар.

Маълумки, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган 1989 йили ҳали шўроллар тузуми мавжуд бўлиб, Ислом Каримов республикамизга етакчилик қилишга эндиғина киришган анчагина мураккаб пайтлар эди. Бироқ, шунга қарамай, Олий Кенгаш сессиясида “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг лойиҳаси муҳокама қилинганда ҳурматли юртбошимиз мазкур қонунни қабул қилиш борасида кўрсатган саъй-ҳаракатлари жамоатчиликнинг ёдидан чиқмаган бўлса керак. Бу қонуннинг қабул қилиниши маърифий-маънавий қийматидан ташқари шундай ижтимоий-сиёсий аҳамият ҳам касб этдики, тилимизнинг қадри, миллатмизнинг қадди қайта тикланишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Ҳатто, айтиш мумкинки, миллий истиқдол учун курашнимиз миллий тилимизнинг қадрини тиклашдан бошланди, давлат мустақиллиги йўлидаги биринчи муваффақиятимиз, биринчи галабамиз бўлди.

Орадан йиллар ўтгач, ушбу қонуннинг айрим модаларида вақтдан узиб кетишилик ҳолати ҳам мавжудлиги аён бўлиб қолди. Ваҳоланки, сўзсиз ижро этиладиган қонунда вақтдан узиб кетишилик ёки вақтдан орқада қолишилик ҳолатларининг бўлиши мақбул эмас. Шуни эътиборга олиб, Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 21 декабрда бўлган сессиясида “Янги таҳрирдаги Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилинди. Бу қонун тараққиётимизнинг ҳозирги босқичига мос ва у муваффақият билан амалга оширилмоқда. Уни ҳаётга татбиқ этишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган, Ислом Каримов имзо чеккан “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топономик обьектларнинг номларини тартибга солиш тўгрисида” деган қарор алоҳида аҳамият касб этмоқда. Кўринадики, давлат тили ҳақидаги Қонунимиз республикамизда яшовчи барча фуқароларнинг, яъни жамият манфаатларини инобатга олиб, босқичма-босқич, лекин изчил амалга ошириб борилмоқда. Бунда юртбошимиз ўртага қўйган, юқорида тилга олиб ўтилган “Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хиз-

мат этсин” деган шиорнинг инъикосини кўришимиз мумкин.

Шу ўринда олий ўқув юртлари талабалари ва мактаб ўқувчилари учун чиқарилган айрим дарслкларда ёзилган, ҳурматли домлаларимиз ва ўқитувчиларимиз тилга оладиган “Эски ўзбек ёзуви” ва ”Эски ўзбек тили” деган икки ибора ҳақида ўз мулоҳазамизни билдириб ўтамиз. Бизнингча, “Араб алифбосига асосланган ўзбек ёзуви” дейиш маъқул кўринади, “эски” сўзида бироз салбий маъно бўлиб, бу ибора кўпинча вақт ўтиши билан эскирган, муомаладан чиқиб қолган, тутилавериб ва кийилавериб, путури кетган ва уриниб қолган нарсаларга нисбатан қўлланилади. Салкам 14 асрча муомалада бўлиб келган, ўтмишдаги барча мумтоз шоирларимиз, адиларимиз, олиму тарихчиларимиз асарлари битилган араб алифбосига асосланган ёзувимизга нисбатан “эски” иборасини қўллаш унчалик одобдан бўлмаса керак. Бу ҳолни шўролар мафкураси касофатидан вужудга келган бир нуқсон деб қарашни истар эдик.

Шунингдек, “эски ўзбек тили” ибораси ҳам бизга бегонадир, айни пайтда аждодларимиз қўллаб келган ва бизлар ҳам мамнуният билан қўллаб турган она тилимизга нисбатан туҳмат ва ҳақоратдир. Бу иборани ҳам Октябр тўнтаришигача яратилган барча маънавий бойликларимизни “эски”га чиқаришга, шу орқали шонли ўтмишими билан бугунимиз ўртасида “Садди Искандарий”ни қўйишга уринган гарблик жаноблар ва уларнинг шўровий мафкурачилари тўқиб чиқарганлар. Ёзма адабий тилимиз, айрим жузъий ўзгаришларни (дунёда йиллар, асрлар ўтга, ўзгаришга учрамаган тил бормикин ўзи!) ҳисобга олмагандা, ўз тароватини қамида тўққиз-үн асрдан бери сақлаб келмоқда. Аҳмад Яссавий, Қутб Хоразмий, Ҳофиз Хоразмий, Лутфий, Отойи, Саккокий, Алишер Навоий, Ҳусайний, Бобур, Машраб, Увайсий, Нодира, Ҳувайдо ва шу каби барча мумтоз шоирларимизнинг асарлари бугунги ўзбек китобхонига тушунарлидир, уларнинг тили ҳозирги адабий тилимизнинг ўзи-ку! Бироқ айримларга “тушунарсизроқ”, “қийинроқ” туюлса, бунинг учун уларнинг ўзи айбдор, шўролар замонидаги ҳоким мафкуранинг нотўғри йўли, зугум-тазиёни туфайли она тилларидан ўзлари узоқлашиб қолганлар.

Демак, ҳурматли маориф ходимларимиз, олий ва ўрта ўқув юртларининг домлалари ёш авлодни она тили

ва адабиётимизга, биринчи навбатда мумтоз адабиётимизга меҳр-муҳаббатли қилиб тарбиялашлари лозим. Бу ҳам миллий мағкурани жорий этиш вазифасига киради. Шу ўринда улуг бобомиз Алишер Навоийнинг ҳали 5 яшарликларида 50 минг байт (100 мисра) шеърни ёд билганликларини эслатиб ўтамиз. Бу билан айтмоқчимизки, фарзандларимизга боғчა ва бошлангич синфлардаёқ шеър ёдлатишга ҳам эътиборни кучайтириш лозим. Бундай машқлар боланинг ҳофизаи қувватини оширади. Қолаверса, она тилини яхши билган ўқувчи бошқа тилларни ҳам осонроқ ўрганади, бошқа фанларни ўзлаштириши ҳам осонроқ кўчади. Чунки она тили барча фанларнинг ҳам онасидир, улар тил ва ёзув орқали ифодаланади.

Мағкурунинг бир учи диний қарашларга, диндорларга бориб тақалади. Маълумки, республикамизда дин давлатдан ажратилган бўлса-да, жамиятдан ажратилмаган, ажратиб бўлмайди ҳам. Одам бирор эътиқодсиз, дину имонсиз яшаёлмайди. Халқимизнинг мутлоқ кўпчилик қисми азалдан ислом динига эътиқод қиласди, ҳатто айрим диндорларимиз бу дин араблар юртида нозил бўлганини хаёлларига ҳам келтирмайдилар, Ислом дини ўзлариники бўлиб кетган, Аллоҳ таолога ибодат қилишнингна биладилар, яхши тилаклар тилайдилар, шундан маънавий ва руҳий озиқ оладилар. Улар учун шунинг ўзи бас. Оддий намозхон риёни, гараз нималигини билмайди, буларни хаёлига ҳам келтирмайди.

Лекин сўнгги йилларда бошқа тоифадаги “диндор”лар ҳам пайдо бўлиб қолгани ачинарли, жамияти-миздаги осуда турмушга раҳна солувчи иш бўлди. Бундай нохуш ҳол юз беришига ваҳҳобийлик оқимига мансуб маълум гуруҳларнинг кирдикорлари сабабчи бўлди. Нима учун бу ҳодиса қелиб чиққанини Ислом Каримов “Тафаккур” журналида ёритилган жавобларида тўгри белгилаб бериб, жумладан, бундай дейди: “Одам ўз мустақил фикрига, сабит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий-миллий қадриятларга, шакланган дунё-қараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли мағкураларнинг босимига, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинхона кўринишдаги тазиикларига бардош бериши амри маҳол”.

Ваҳҳобийлик оқими тазиикига таслим бўлган фуқароларимиз айнан ўз мустақил фикрига, сабит эътиқодига ва шу қабиларга эга бўлмаган кишилар,

айниқса, ёшлар экани аён бўлди. Демак, диний йўналиш бўйича ҳам мафкуравий вазифалар анчагина экан. Республикамизда динга ва диндорларга нисбатан қандай йўл тутиш Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунида аниқ ва ҳар томонлама белгилаб берилди.

Маълумки, бугунги кунда Ер юзидағи 1 миллиарддан ортиқ аҳоли ислом динига эътиқод қиласи. Исломда асосан икки йўналиш бор: суннийлик ва шиалик. Барча мусулмонларнинг тахминан 90 фоизчаси суннийлар бўлса, қолган 10 фоизчаси шиалардир. Сунний атамаси сунна сўзидан келиб чиқкан бўлиб, суннийликда сунна Қуръони каримдан кейинги асосий манба ҳисобланади. Сунна арабча сўз бўлиб, лугавий жиҳатдан анъана, одат маъноларини англатади. Ислом динида Муҳаммад алайҳиссаломнинг кўрсатмалари ва одатлари ҳақидаги Ҳадиси шарифлар, ривоятларни Қуръони каримдан кейинги энг мўътабар ва муқаддас манба деб билиш ва уларга риоя қилишидир. Буюк ватандошимиз Имом ал-Бухорий жамлаган Ҳадиси шарифлар Қуръони каримдан кейинги энг мўътабар ва муқаддас манба ҳисоблананишининг боиси ҳам ана шунда. Суннийликда 4 та мазҳаб бор: ҳанафия, моликия, ханбалия, шофиъия. Бу 4 мазҳабга риоя қилувчилар Аҳли сунна вал жамоат деб аталадилар.

Ислом оламида энг кент тарқалган мазҳаб — бу ҳанафия мазҳабидир. Барча мусулмонларнинг 80 фоизча қисми ҳанафия мазҳабидадирлар. Туркий диндор ҳалқларнинг деярли кўпчилиги — ўзбеклар, турклар, қозоқлар, қиргизлар, туркманлар, уйгурлар, татарлар, бошқирдлар ва бошқалар шу мазҳабдадирлар. Тоҷикларнинг мутлақ кўпчилиги ҳам ҳанафия мазҳабидадир. Туркистон диёримиз ҳалқлари азалдан анъанавий тарзда шу мазҳабда бўлиб келадилар. Бу мазҳабга Абу Ҳанифа Нўймон ибн Собит раҳматуллоҳи алайҳ асос солганлар. У киши ҳижрий 80 йилда туғилиб, ҳижрий 150 йилда вафот этганлар. Фиқҳ илмини, яъни ислом ҳуқуқшунослигини чуқур ўргангандилар. Замондошлирининг ёзишларича, у буюк зот имом, тақводор, илмига амал қилган олим, ибодатли, улуг шон-шавкатли бўлганлар. Ҳокимлардан мукофот қабул кilmай, тижорат билан тирикчилик ўтказганлар. У киши улуг шарафга эришганлардан биридир, яъни тобеин эдилар.

Маълумки, Ҳазрат пайгамбаримиз Муҳаммад Мус-

тафо саллоллоҳу алайҳи вассаламни умрида лоақал бир марта қўрган ёки ҳамсуҳбат бўлган мусулмон кишига саҳоба дейилади. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ эса саҳобаи киромлардан Анас ибн Моликни бир неча марта қўрган эканлар. Соҳиби мазҳаб имомлардан бирор бир кишига бундай улуғ мартаба насиб этмаган. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ 4 минг тобеинлардан илм ўргангандар ва 800 кишига устозлик қилганлар, уларнинг барчалари ўз навбатида уламои замон бўлишган. Дейдиларки, илм Аллоҳ таолодан Муҳаммад алайҳис-саломга келди, у кишидан саҳобаларга, улардан тобеинларга, сўнг Абу Ҳанифа Нўймон ибн Собит раҳматуллоҳи алайҳга ва у кишининг асҳобларига етди. Яна дейдиларки, ислом аҳли намозларида Абу Ҳанифа ҳақларига дуо қиммоқликлари вожибdir, чунки у киши суннат ва фиқҳни сақладилар. Шунинг учун ҳам Абу Ҳанифа Нўймон ибн Собит раҳматуллоҳи алайҳ Имом Аъзам деб эътироф этилгандирлар.

Бу буюк зот ҳақида мақоламиизда бир оз батафсилроқ тўхталишимизга сабаб шуки, Ўзбекистон мусулмонлари Имом Аъзам мазҳабидадирлар, намоз ва барча диний расм-руsum ҳамда маросиму маъракаларда шу мазҳабга риоя қиладилар, шу мазҳаб кўрсатмалари бўйича иш тутгадилар. Кўхна тарихдан маълумки, диёримизда азалдан шундай бўлиб келган, бошқа диний йўналишлар ва оқимларга ёт қарашлар деб муносабатда бўлинган, ҳалқ томонидан рад этилган, янгишилган пайтларда буюк уламоларимиз тўғри йўлни — ҳидоят йўлини кўрсатиб беришган. Тарихдан бир неча мисол келтирамиз.

Султон Ҳусайн Бойқаро пойтакт Ҳирот таҳтини эгаллаб, Хурсон мамлакатининг подшоҳи бўлгач, дастлабки пайтларда аҳоли ўртасида кенг жорий бўлган Аҳли сунна вал жамоат йўналиши ўрнига намоздаги хутбаларда ўн икки имомнинг номларини қўшиб ўқитишга майл билдирганида Улуг Амир Низомиддин Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий ҳазратлари уни бу йўлдан қайтарадилар, анъанавий диний йўлдан то-йиш диндорлар ўртасида хусумат ва парокандалик келтириб чиқариши мумкинлигини уқтирадилар. Султон Ҳусайн Бойқаро бу майлидан тезда воз кечади. Унинг қарийб 40 йилча Хурсон мамлакатида муттасил ҳукмдор бўлишига асосий сабаблардан бири дин бобида ҳам тугри сиёsat олиб борганлигидир, дейиш мумкин.

Афсуски, тарих гилдирагини орқага айлантириш

мумкин эмас: Бобур мирзо Мовароуннахрда эканлигида, Самарқанд таҳтини гоҳ қўлга киритиб, гоҳ қўлдан бой бериб юрган кезларида динга ва диндорларга бўлган муносабатида ёшлик қилибми, тажрибасизлик қилибми, адашган, шиаликнинг ашаддий тарафдори бўлган И smoил Сафавийнинг талабига (ундан ҳарбий ёрдам олиш умидида) розилик билдирган. Натижада мовароуннахрлик мусулмонлар назаридан қолган, кейинчалик унинг ўзи ҳам бу ҳақда “Не баҳти қаролик бўлдики, ўз юртим қолиб, Ҳинд сори юзландим” деб афсус-надомад чекади. Балки Бобурнинг ёнида Алишер Навоийдек, Абдураҳмон Жомийдек раҳнамолари бўлганларида эдими, бу ҳол юз бермасмиди...

Диёrimизда турли диний ёт оқимларга салбий муносабатда бўлиб келинган, уларнинг кириб келиши ва ёйилишига аҳолининг ўзи қаттиқ қаршилик кўрсатган. Давлат раиятнинг тинчлигини сақласа, уламолар унинг ҳамиятини асраганлар, қўлни қўлга бериб, бир ёқадан бош чиқариб, фуқаронинг тинчлик-хотиржамлигини, мамлакатнинг обод ва фаровонлигини кўзлаганлар. Масалан, XV асрнинг иккинчи ярмида бутун Туркистон мамлакатида Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор валий юртда тинчлик бўлишида муҳим ўрин тутган. Кейинги асрларда Бухоро давлатида жўйборий шайхларнинг эътибори кучли бўлган.

Тарихдан яна маълумки, дин пешволари ўртасидаги келишмовчиликлар, диний мансабларни талашишлар эл-юрт бошига бало келтирган. Масалан, Қўқон хони Муҳаммадалихон Гозий томонидан мансабидан азл этилган айрим дин пешволарининг ўз манфаатлари йўлида қилган иғвогарликлари туфайли Бухоро амирилиги ва ушбу хонлик ўртасида уруш келиб чиқади, иккала давлатнинг фуқаролари ҳам азият чекадилар, жангда Муҳаммадалихон қўшини енгилади, унинг ўзи икки норасида ўғли ва онаси малика Моҳларойим (шоири Нодира) Бухоро амири Насрулло буйруги билан қатл этилади. Бундай беҳуда қон тўкишлар кейинчалик юртимизнинг Русия империяси томонидан забт этилишини тезлаштиради, холос. Ўтмиш тарихимиздан сабоқ олайлик ва асосий фарзандлик бурчимиз мустақиллигимизни мустаҳкамлаш эканини эслатиш учун мозийга доир юқоридаги воқеаларни ёдлаб ўтдик.

Юқорида айтилганлардан англашилдики, Ислом Каримовнинг “Тафаккур” журналида ёритилган жавобларида уқтириб ўтилганидек, мафкура бўлмаса одам, жа-

мият, давлат ўз йулинин йўқотиши муқаррар. Қаердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам тайин. Мафкура соҳасида бўшлиқ вужудга келишига асло йўл қўйиб бўлмайди.

Бу ўринда бўшлиқ дейилганда одамнинг Руҳи, Онги ва Қалбидағи бўшлиқлар кўзда тутиляпти. Инсон узлуксиз равишда эзгулик йўғрилган руҳий, маърифий (илм-фан) ва маънавий озуқа олиб турмаса, буларнинг ўринни ёт таъсиrlар ишғол этади. Мана, масаланинг моҳияти, аҳамияти, жиҳдийлиги ва долзарблиги қаерда!

Миллатни-миллат килиб турган теран томирлар қанча бўлса, миллий мафкурани ундириб-устириб, шакллантириб борадиган негизлар ҳам шунчадир.

Миллий мафкура миллатнинг туб манфаатларини назарий асослаб беришга ва ҳимоя қилишга даъват этилгандир, унинг бош вазифаси ҳам шудир. Бизнинг истиқдол мафкурамиз асрий миллий қадриятимизга, янги вужудга келган ва келаётган, ҳалқимизнинг бугуни ги ва келажақдаги манфаатларини ифодалайдиган фикрларга — ҳалқ тафаккурига асосланиши лозим. Тўгри, бир жамият ичида турли мафкуралар бўлиши мумкин ва буни табиий ҳол деб қарашиб керак бўлади. Масалан, ҳозирги кунда республикамиизда тўртта сиёсий партия фаолият кўрсатмоқда, улар ҳар бирининг ўз низоми, ўз дастури, демакки, ўз сиёсий йўли — мафкураси мавжуд. Бу ҳолат демократия ва эркинлик қоидаларига мувофиқдир. Бироқ бу партияларнинг ҳеч бири ўз мафкурасини бошқа партияга мажбуран қабул қилдириши, фақат ўз дунёқарашини мафкура деб билиб, бошқа партияларнинг мафкураларини рад қилиши мумкин эмас ва бунга йўл қўйиб бўлмайди ҳам, агар йўл қўйилгудек бўлса, зўравонликка эрк бериб юборилади. Республикамиизда ҳозирги кунда мавжуд сиёсий партияларнинг низомлари ва дастурларида баён қилинганидек, уларнинг туб мақсадлари ўз йўлларидан бориб, Ўзбекистонда келажаги буюк давлат қуришидир. Бу йўлларнинг манзили битта — Буюк Ўзбекистон! Бу йўлларни бирдек ёритиб турган нур манбаи ҳам ягона — ҳалқ тафаккури! Ҳалқимиз тафаккури эса ой сайин янги-янги фикрлар, илғор гоялар билан, сиёсий партияларимиз тўплаётган тажрибалар билан бойиб бормоқда.

Бизга аёнки, мафкура ижтимоий тараққиётда орқада қолиши ҳам ва ундан ўзиб кетиши ҳам мумкин. Агар орқада қолса, жамият тараққиётига гов бўлади, ёки

ҳаддан ташқари илгарила б кетса, ҳалқдан узоқлашиб ёки узилиб қолади. Бунга узоқ ва яқин мамлакатларнинг ижтимоий тараққиётидаги воқеа-ҳодисаларни мисол қилиб келтириш мумкин. Чунончи, дунёдаги энг йирик ва табиий бойликлари бисёр мамлакатлардан бири Россия Федерацияси ўз бошидан чуқур иқтисадий таназзулни кечирмоқда, мустақилликда кечирган етти йил ичида миллиард-миллиард доллар қарзга ботиб қолди, қарз сўраб бормаган эшиги қолмаяпти, ҳатто қарз сўраш бўйича маҳсус вакил ҳам тайинланган. Мамлакатда ижтимоий аҳвол ҳам нотинч, вазият таранг. Буларнинг барига, фақат бизлар эмас, балки бутун дунё аҳли шоҳид, Россияда энг бошидаёқ етакчи бир мафкура бўлмади, мафкурачилар мафкура ролини ўйнашга, ишқибозлиқ қилишга тушиб кетди. Бири чиқди, ваучер мамлакатни обод, ҳалқни фаровон қиласи, деб. Иккинчиси чиқди, 500 кундан кейин жаннатда яшаймиз, деб ва ҳоказо.

Эндиликда бутун жаҳон тараққийпарвар жамоатчилиги эътироф этаётганидек, бизнинг миллий мафкурамиз, Ўзбекистон мафкураси илгор мафкурадир, унинг илгорлиги ҳалқдан узоқлашиш ёки узилиш даражасидағи илгорлик эмас, ҳалққа етакчилик қилаётган, эл орасига кенг тарқалган, илгор ижтимоий кучларни бирлаштириб, уюштириб, сафарбар қилаётган, жамият тараққиётини тезлаштираётган раҳнамоликдир. Миллий мафкурамизнинг бундай раҳнамолигига Ислом Каримов Ўзбекистоннинг бош мафкурачиси сифатида мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишда жумҳуриятимиздаги тўртала сиёсий партияларнинг манфаатларини инобатга олиб, шулардан келиб чиқиб, иш юритмоқда, илгор ижтимоий кучларни жамият равнақига жалб этишда, уюштиришда етакчилик қилиб, жамият тараққиётини тезлатмоқда, тараққиёт тарихимиз ривожига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўз навбатида миллий мафкурамиз ҳалқимиз томонидан тобора кенг ва чуқур ўзлаштирилиб, унинг онигига тегран сингиб бормоқда, зўр моддий куч, яратувчанлик қудратини касб этмоқда. Мұхтарам Президентимизнинг 7 жилдан иборат китоблари ҳам у кишининг Ўзбекистоннинг бош мафкурачиси эканлигини республикамиизда ва чет элларда қатъий тасдиқлади. Юртбoshимизнинг тарихчи олимлар билан бўлган учрашувда билдирган фикрлари, “Тафаккур” журналида ёритиля

ган жавоблари бу борада янги ва муҳим қадамлар бўлди. Халқимиз томонидан қизгин кутиб олинган бу фикрлар миллий мағкурамизда янги саҳифалар ўлароқ илгор ижтимоий кучларни сафарбар қиласи, ҳамон мудроқ қалбларни уйготади, жамиятимиз тараққиётини тезлатади, деб ишонамиз. Бас шундай экан, бу китобларни, бу фикрларни элимиз орасида, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод даврасида кенг ёйиш, таҳлил қилиб бериш биз — Ўзбекистон зиёлиларининг ҳам ижодкорлик, ҳам фуқаролик бурчимиздир.

САЙДИ УМИРОВ

ЯНГИЧА ТАФАККУР МАНЗАРАЛАРИ

Президентимизнинг “Тафаккур” журнали бош муҳаррири саволларига жавоблари “Жамиятимиз мафкураси ҳалқни — ҳалқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин” деган катта, қамровли, умумлаштирувчи сарлавҳа билан берилган. Бош сарлавҳа тагидаги чоғроқ ҳарфлар билан берилган “Гояга қарши фақат гоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин” деган қўш сарлавҳа, назаримизда, мулоқотдан кузатилган мақсадни, жавобларнинг мундарижаси, моҳияти ва қаймогини аниқ ифодалайди.

Суҳбат жараёнида ора-орада (маҳсус ҳошияли рамкада берилган) “Миллий мафкура — миллатни бирлаштирувчи байроқдир”, “Энг даҳшатлиси — фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги”, “Мафкурасиз одам, жамият, давлат ўз йўлини йуқотади”, “Маънавиятимиз қўлимизда енгилмас кучга айлансан”, “Мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучлидир”, “Мафкура — ўтмиш ва келажак ўртасидаги кўприқдир”, “Миллатнинг, ҳалқнинг ҳамжиҳатлиги — тараққиёт гаровидир”, “Онгли турмуш — жамият ҳаётининг бош мезони”, “Мақсадимиз — эркин шахсни тарбиялаш”, “Кучли давлатдан — кучли жамият сари”, “Жаҳолат — маърифатнинг кушандаси”, “Жаҳонга ўз сўзимизни айтайлик”, “Юртимизнинг хавфсизлиги-сиёсатимизнинг бош йўналиши”, “Энг олий мақсадим — ҳалқимнинг омонлиги” деган сарлавҳачалар, фикр қаймоқлари ўқувчи диққат-эътиборини асосий мақсадга қаратувчи, йўналтирувчи сўзлар — калитлардир.

Юртбошимизнинг нутқ ва маърузаларини, мақола ва суҳбатларини, ҳат ва даъватларини, китоб ва рисолаларини синчиклаб мутолаа қилган киши уларда мафкура, унинг турли муаммолари бевосита ва билвосита асосий диққат марказида турганлигига ва мафкура муаммолари истиқбол, истиқбол, маънавият,

маданият, дунёқараш, қадрият, имон, эътиқод, ахлоқ, бурч, виждон, ирода, масъулият, савоб, эл-юрг, халқ, миллат, жамият муаммолари билан чамбарчас боғлиқлик, ўзаро алоқадорликда қаралганлигига, онг ва гоя, миллий мафкура муаммолари алоҳида бир йўсинда ва миқёсда, ўзгача кенглиқ, теранлик ва изчилиқда кўрилганлигига ишонч ҳосил қиласди. Ва мафкура муаммолари фикри, онги уйғоқ, мустақил мутолаа, муҳокамага муштоқ, муайян тайёргарликка эга ўқувчига мўлжалданган нашр — “Тафаккур” журнали саҳифаларида эълон этилгани ҳам рамзий, ҳам табиийдир. Энг муҳими, бу мазмундор, магиздор, даъваткор сұхбат — мақоладаги гаплар одамларни ўйлантираётган, безовта қилаётган, кўпчиликнинг дилида, тилининг учидаги турган гаплар бўлди, янги фикр-мулоҳазаларга озиқ, турдош мавзу-муаммоларга туртки, йўналиш берди.

Фикр, мафкура ва тафаккур сўзларининг ўзаги, магизи бир. Фикр — фикрлаш, ўй суриш, мулоҳаза юритиш — одамларга хос хислат, фазилат, Оллоҳдан берилган буюк неъмат. Фикрли одам, ўйли, мулоҳазали одам дегани; фикри тиниқ, теран одам, фикри ноаниқ, саёз одам — икки хил муносабат, икки хил баҳони англатади. Мафкураси бузуқ одам дейилганда фикри, дунёқараши, нияти, ахлоқи бузуқ, нопок одам тушунилади.

Тафаккур — кенгроқ, умумлашма маъносида. Мутафаккир — кенг ва теран фалсафий фикрлаш истеъдодига эга бўлган зот. Беруний, Ибн Сино, Форобий, ал Бухорий, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Улугбек, Алишер Навоийлар буюк мутафаккирлар деган рутбага эга улуг аждодларимиздир.

Мафкура, ўзбек тилининг изоҳли лугатида, “муайян бир синфнинг манфаатларига қаратилган фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадиий қарашлар системаси, идеология”, дея таърифланади ва мисол сифатида пролетариат мафкураси, буржуа мафкураси келтирилади. Мафкура синфий, партиявий мафкура, пролетариат идеологияси нуқтai назаридан таърифлангани кўриниб турибди. Узоқ йиллар давомида бир неча авлод пролетариат идеологиясини алқаб, кўкларга кўтариб, буржуа идеологиясини бўралаб сўкиб тарбияланиб келинди.

Сұхбатда юртбошимиз жамият ҳаётида мафкура-

нинг ўрни, мақсади, турли хил эски, янги мафку-
раларнинг ўзаро кураши, ахборот асри, электроника
асри деб аталмиш бугунги замонда мафкура поли-
гонлари ядро полигонларига нисбатан кучлироқ
эканлиги, бу соҳада бўшлиқ — вакуум вужудга
келишига асло йўл қўйиб бўлмаслигини сода,
тушунарли қилиб баён этади, дикқатга сазовор
мисоллар келтиради (масалан, Японияда тарқалган
“АУМ Сенрикё” диний оқими вакилларининг фао-
лияти ва ҳ, к.) Муаллиф “Фикр қарамлиги, тафаккур
қуллиги ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарам-
лиқдан ҳам кўра даҳшатлироқдир”, дея огоҳлан-
тирадики, бунга тарихдан кўплаб мисоллар келтириш
мумкин.

Манқуртликнинг даҳшати — хотирани йўқотиш,
фиркалашдан маҳрум этища. Туркистонни босиб ол-
ган чор ҳукумати маҳаллий ҳалқни жаҳолат, забун-
лиқда сақлаш, уни тарихий илдизлари, бой маънавий
меросидан мосуво қилиш, ўзлигини англаш, миллат
сифатида ўсиш, камол топишига йўл қўймасликни
мақсад қилганлиги бугунги кунда кўплаб ҳужжатлар,
ёзишмалар орқали аён. Большевиклар партияси, тота-
литар тузумнинг машъум сиёсати, чекка улкалардаги
ҳалқлар, элатлар бошига соглан шўришлари, очиқ ва
пинҳоний ёвузиликлари олдида чоризмнинг тутган ай-
ёона, гаразли йўли бир ҳолва бўлган экан. Кўён
мухториятининг тор-мор келтирилгани, йигирманчи
йилларда миллатнинг илгор фарзандлари — асл гулла-
ри қайчиланганилиги, ўттизинчи йиллардаги оммавий
қатагонлар, элигинчи йил бошларида бир гурӯҳ зиё-
лиларнинг турли чақув, бўхтонлар орқали қамалиши,
саксонинчи йиллардаги “пахта иши”, “ўзбеклар
иши”, динимизга таъқибу тилимизга хуружлар, ет-
миш йил давомида хом ашё манбаи бўлиб келингани-
миз, оғир экологик вазият, турли хил чеклашу сил-
ташлар - кўргиликларнинг барини айтиб адогига етиб
бўлмас.

И. Каримов “Шуро даврининг мафкураси, комму-
нистик дунёқарааш, аслини суриштирангиз, моҳият-
эътиборига кўра, бизнинг турмуш тарзимизга,
ҳалқимизнинг табиатига тамоман бегона эди”, — дея
чиркин даврнинг чиркин таълимотига лўнда, мос,
муносиб баҳо беради ва кишиларнинг онгига
мажбуран сингдирилган сохта мафкуранинг салбий
таъсири ҳамон сезилиб туриши, бу сарқитлардан ҳали

буткул халос бўла олинмаганини таъкидлайди, огоҳ этади.

Халқимизнинг ўтмишда нақадар самимий, ишонувчан, меҳмоннавоз бўлганлигини юртбошимиз Абдулла Қодирийнинг “Гирвонлик Маллавой” асаридаги бир лавҳа — Туркистонга илк бор поезд келганда паровозни умрида кўрмаган содда одамлар “қора айгир” деб ўйлаганлари, ҳайратдан тўхтаб бу “жонивор”нинг қанча беда, арпа ейишию, неча минг челак сув ичишини тахмин қилишганини келтириб, адид бир қадар маҳобат билан ёзса-да, бу ўша пайтдаги одамларниг қанчалар одми, содда, дунёқарашиб ҳаминқадар бўлганидан далолат беришини эслатиб, бутунги кунда компьютер, факс, “уяли” телефон, параболик антенна, электрон почта каби техникавий мўъжиза кишиларни айтарли ҳайрон қолдирмаслиги, тезда кўнишиб кетишлари, ўзлаштириб олишларни қиёс қилади.

Алдов, макр, хиёнат билан ҳокимият тепасига келган большевиклар бегубор, содда, ишонувчан халқларни бир умрга оми, жоҳил бўлиб қолиш, меҳнатдан боши чиқмаслиги, ўзлиги, қадри-қиммати, тақдири, истиқболи ҳақида ўйламаслиги учун озмунча саъй-ҳаракат қилишмади. Бошқа бир йирик адимиз — Абдулла Қаҳҳорнинг “Бошсиз одам” деган ҳикоясини эслайлик. Ҳикоя қаҳрамони — овсар, лапашанг йигит ўз фикрига эга эмас, отаси нима деса шуни қилади, бозорга бориб, иккита нон ол, тугруқхонадаги хотинингдан ҳол сўра, жавоб берса, “хайрият” дегин, дейди. Хотини, “қийналдим, сал бўлмаса ўлаёздим”, — деса, “Хайрият” дейди, “Тугилган боламизнинг боши йўқ”, деса, “Боланинг ҳам боши бўлмайдими, дадамдан сўрай-чи” дейди. Ардоқли шоиримиз Абдулла Ориповнинг “Қачон халқ бўласан, эй, сен оломон!” сатрида катта маъно — ўйламай иш тутадиган, ўз фикрига эга бўлмаган тўда — гофил бандалардан гина, ўқинч, афсус, надомат бор! “Мафкуравий курашларнинг хандақларида, қилич, милтиқ, бомба бўлсин диалектика”! Уттизинчи йилларда ёзилган, ўша давр синфий кураши, руҳини акс эттирган ушбу “курашчан”, баландпарвоз шеърий сатрлар бугунги кун ўкувчисига бир қадар эриш туюлиши мумкин.

Жавобларда мафкура мақсад, гоя билан чамбарчас боғлиқлик, алоқадорликда олиб қаралади. Муаллиф наздида мақсад — халқни, миллатни бирлаштирувчи, йулга бошловчи бамисоли бир байроқ. Гоя эса

кўзланган, унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиласидиган, кечаги ва эртанги кун уртасида ўзига хос кўпприк бўлиб, жамият мафкураси шу гояда ўз ифодасини топади.

Жамият мафкураси шу жамиятнинг таянчи бўлмиш оддий инсон ва унинг манфаатларини ҳимоя этиши, ҳалқнинг тинчлиги, осойишталиги, фаровонлигига хизмат этиши, куч-гайрат багишлиши алоҳида таъкидланади, миллий мафкуранинг бешта энг муҳим хусусияти, устувор йўналиши алоҳида кўрсатилиб, асослаб берилади.

Жавобларда таълим-тарбия муаммоларига катта эътибор берилган. Бу азалий муаммо Президентимизнинг доимо фикри-зикрини банд этиб келаётгани ҳаммамизга маълум.

Президентимиз Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат” деган пурҳикмат фикрини қўп мушоҳада қилишини, у онг маҳсули, онг даражаси ва ривожини белгиловчи омил эканлигини, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни, тафаккурни ўзгартириб, озод ва обод жамият қуриб бўлмаслигини алоҳида таъкидлади.

Таълим-тарбия тизими замон талабларидан орқада қолганлиги, унинг катта қусури ватанига, ҳалқига, миллатига фидокор, мустақил фикрлайдиган, муаммони онгли равища, масъулият билан ҳал қиласидиган, изланувчи, янгиликка интилевчи қобил ва қодир кадрларни эмас, асосан, саёз савияли, муте кишиларни тарбиялаб етиштирганини таассуф билан қайд этар экан, Президентимиз ўзлари бош-қош бўлиб тузган кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг афзалларини бирма-бир кўрсатиб, асослаб берадики, улар ичида бештаси алоҳида муҳим аҳамиятга молиқдир. Булар — Миллий дастур ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қиласиди, натижада мамлакатдаги мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради; таълимнинг янги модели ишга тушгач, инсоннинг ҳаётда ўз ўрнини топиши жараёни тезлашади; жамиятда мустақил фикрловчи, эркин шахснинг шаклланишига олиб келади; жамиятимиздаги потенциал кучларнинг рӯёбга чиқишида жуда катта аҳамият касб этади, бугунги ўтиш даври учун зарур бўлган кучли давлат функциялари ва аломатлари аста-секин, тадрижий равища кучли жамият зиммасига ўтади, пировард натижада

биз “дунёдан муносиб ўрин олишга, ўзбек номини янада кенг ёйиб тараннум этишга эришамиз”. Бобо-калонимиз Амир Темурнинг “Куч — адолатда” деган маълум, машхур, теран таъбирини бугунги кунга нисбатан қўллаб “Куч — билим ва тафаккурда” дейди.

Яқинда, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган “Умид” жамгармаси орқали Германияга икки йиллик ўқишга юборилган, ёзги таътилга келган ёшлиаримиздан бири Анвар Абиров билан сұҳбатлашиб, ниҳоятда мамнун ва мутаассир бўлдим. Уни болалигидан биламан, ўқиши, одобини кузатиб келаман. Отноаси нурли, зиёли бўлсин деб, яхши ният билан Анвар исмини қуишишган. У мактабда ҳам, олий ўқув юртида ҳам фақат “аъло” баҳолар билан ўқиди. ТошДУ иқтисодиёт факультетида Алишер Навоий стипендияси соҳиби бўлди, университетни имтиёзли диплом билан тутагатди. “Умид” жамгармаси баҳсларида ўзи сингари истеъоддили, билимдон ўн беш даъвогар ичида биринчи бўлди.

Анвар — ота-онасининг, халқининг, Ватанининг ишончини тўлиқ оқладиган малакали мутахассис, қобил, қодир кадр бўлиб етишишига имонимиз комил. Негаки, у эътиқодли, интизомли, билимга чанқоқ, изланувчан, интилувчан, гайратли, иродали йигит. Истиқлол неъматларидан тўла баҳраманд бўладиган, вақтнинг қадрига етадиганлардан. Дорилфунунда бирор кун, бирор соат дарс қолдирмади, семинарларда, баҳс-мунозараларда фаол қатнашди.

Дарсни олдинроқ тутагмоқчи бўлган домлаларга эътиroz билдирган, “ҳали ўн минут вақтимиз бор, давом эттирайлик” деган пайтлари ҳам бўлганини курсдошлари кулиб эслашади. Бўш вақтларида спорт билан шугулланди, илмий, бадиий китоблар мутолаа қилди. Германия иқтисоди ҳақида газеталарга мақолалар ёзди. Тартиб-интизомга, саранжом-саришталика қаттиқ риоя қиласидиган мамлакатга — Германияга бориши айни муддао бўлди, “янада интизомли, режали, пухта-пишиқ қайтади” дейишганди уни яхши билганлар.

“Таътилга келиш олдидан кўнглингизда қандай ҳиссисётлар кечди?” деган анъанавий саволга қисқа қилиб “Юрт соғинчи” деб жавоб берди ва кейин хотиржам тушунтириди. “Юрт қадри, юртдошлар қадри олисан, айниқса, қаттиқ билинار экан. Саккиз ойлик

согинчдан кейин самолёт зинапояларидан она заминга қадам қўяр эканмиз, шаҳримиз, одамларимиз бари-бариси кўзимизга чўғдай кўриниб кетди. У ёқларда ватандошлар она юрт ҳақида кўзида ёш, титроқ ҳаяжон билан гапиришлари, бир сиқим тупрогини кўзига тўтиё қилишлари ҳақида ўқиган, эшигтан эдик, ўзимиз ҳам гувоҳ бўлдик. Олмонияда ҳам собиқ туркистонликлар, уларнинг авлодлари, жумладан ўзбеклар ҳам бор экан. Оддингдан оқсан сувнинг қадри йўқ, деган ҳикматда катта маъно яширганганиги узоқда яхши сезиларкан. Истиқлолга эришган юртимиз, гўзал шаҳар-қишлоқларимиз, серҳосил тупрогимиз, меҳнатсевар ҳалқимиз, бой тарихимиз билан ҳар қанча фахрлансак - оз. Ватани, маданияти, тили, умуман қадриятлари билан фахрланишни, саранжом-саришталик каби соҳаларда немислардан ҳам ўрганса арзигулик нарсалар кўп.

Ўзга юрт фуқароси Олмонияда олмон тилида гаплашса уларга жуда хуш ёқар экан. Бир юртдошимиз бир кампир билан немис тилида бемалол гаплашганини кўриб, юз-кўзларига, бошда дўпписига ҳайрат-ҳавас билан боқиб, қаердан келганигини суриштира кетди. Рус тилида бирор нарса сўралса, айниқса катта ёшлилари бир қадар малол келиб, истар-истамас жавоб беришади. Инглиз тилини билгандар бемалол гаплашилари мумкин. Умуман, хорижда ҳар бир киши энг камида икки-уч тилни билади.

Хориждаги ҳаёт Ватанга бўлган муҳаббатни кучайтиаркан. Урушда ҳалок бўлган аскарларга атаб Берлинда барпо этилган хиёбон-қабристонда Зарипов, Назаров, Худойберганов, Самадов каби фамилияларни ўқиб юрагим ҳаприқиб кетди. Урушнинг охирги дамларида, Рейхстагга саноқли қадамлар қолганда қурбон бўлиш. Ота-онаси, жигарбандалари қайғуси, аламини тасаввур этиш мумкин.

Лекин Гарбда, жумладан Олмонияда ўрганиш ножоиз бўлган, маъқул келмайдиган нарсалар ҳам анча экан. Хусусан, ибо, андиша, шарм-ҳаё. Шарқона мулозаматлар руҳида тарбияланган киши у ерда баъзи нарсаларга ҳайрон қолади, қабул қила олмайди. Йигит билан қиз кўчада, хиёбонда бемалол упишиб тураверади — ёнидагиларга мутлақо эътибор бермайди. Телезкранлардаги беҳаё лавҳалар, эротик манзаралар, порнофильмлар — одатий ҳол”.

Юртбошимиз бош муҳаррир саволларига берган

жавобларида “Умид” жамгармаси орқали Европа, Осиё ва АҚШнинг энг нуфузли университетларида ўқиётган талабаларимиздан ўн беш нафари магистрлик ва бакалаврлик илмий даражаларига муддатидан один сазовор бўлишгани ҳақидаги хушхабардан бениҳоя мамнун бўлгани, буни ҳаётидаги энг қувончли воқеалардан бири сифатида қабул қилганини, фарзандларимиз қобилият, зеҳн-заковат, тиришқоқлик борасида бошқа ҳеч бир миллат ёки ҳалқдан қолишадиган жойи йўқлиги, соглом фикр мусобақаси, ижодий рақобатга бемалол кириша олишини гурур-ифтихор билан таъкидлайди.

Бу — бутун юрт, миллат фахрланса арзигулик воқеа, ахир! Истиқлол шарофати, авлод-аждодлар пойдорлигидан далолат берувчи, маърифатпарвар, миллатпарвар жадид мутафаккирларимиз орзу-ниятларининг амалга ошганини тасдиқловчи, улар руҳини шод этувчи қувончбахш далил! Беихтиёр ҳаёлингга яна қиёсу таққослар келади. Чор амалдорлари ўзбек фарзандларини хорижда ўқишига юбориш у ёқда турсин, гаразли нияти — ҳалқни тутқунлик, жаҳолатда сақлаш бўлган, ўзга юртда хўжайинлик, тайёр ошга баковулик қилишган, оддий нарсаларни ҳам раво кўришмаган. Большевиклар ҳокимият тепасига келгач, СССР дея аталмиш давлат тузилгач, оғизда, “ҳур республикаларга ўз эркини ўзи белгилаш” ҳуқуқи берилгач (амалда бунинг тамом акси бўлгани маълум), бизнинг юртимиздан ҳам хорижга, жумладан Олмонияга бирнеча иқтидорли ёшлар ўқишига юборилган эди, лекин уларнинг қисмати ачинарли, фожиали бўлди, қайтиб келганлари қатағонга учради, баъзилари Ватанда уларни нима кутаётганини сезиб, қолиб кетишиди. (Адабиётшунос олим Шерали Турдиев ва бошқа муаллифларнинг туркум мақола, тадқиқотлари бу борада муҳим маълумотлар беради).

Қизил империя маҳаллий ҳалқлардан илгор фикрли, миллат тақдирини ўйловчи, маърифатли, тараққий-парвар қадрлар етишиб чиқишидан манфаатдор эмасди, миллат гулларининг вақти-вақти билан қайчиланиб туриши боиси шунда.

Қадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг ташаббускори, асосий ижодкори, изчил ижрочиси, қатъиятли назоратчиси юртбошимизнинг ўзлариидир. Миллий дастурдан кўзланган мақсад етук малакали миллий

кадрлар тайёрлашып. Эртаги куннинг эгалари — навқирон авлод бугун тайёрланиши, зуваласи пишитилиши, жисман соглом, руҳан күчли, билими кенг, савияси баланд, мафкураси ўткир бўлишлари керак буни юртбошимиз муттасил қатъият-ла таъкидлайдилар. Тўгри, таълим муаммолари авваллари ҳам ҳукуматнинг муайян диққат-эътиборида бўлган, бир қатор ақдли қарорлар, яхши ҳужжатлар қабул қилинган, дастурлар тузилган, лекин улар кутилган натижа, самара берган эмас. Ёмон баҳо олдирамасдан ўқитиш, юз фоиз ўзлаштишга, илгорликка, мусобақа голиби бўлишга интилиш, сохта натижалар кетидан қувиш каби сиртдан қуонарли, аслида ачинарли ҳолатларнинг ҳам гувоҳи бўлдик. Мактаблар, ўқув юртлари дастурларида она тили дарсларининг камайиб кетиши, рус тилига керагидан ортиқ ихлос-эътибор кўрсатилиши, тарихимиз, қадриятларимизнинг етарли қадрланмаганлиги шоҳиди бўлдик.

Хатто плюрализм, ошкоралик, ҳур фикрлилик эпкини эсган, ўзлигимизни таниб, фикр қарамлиги, тафаккур қуллигидан қутулиб келинаётган кезлар — саксонинчи йиллар иккинчи ярмида ҳам — миллий мафкурамиз элчилари — азалий удумлари (масалан Наврўз байрами, марҳумларни мусулмон одатига кўра ҳурмат-эҳтиромини жойига қўйиб дағнি этиш ва ҳ. к.) ни таҳқиrlаган, тилимизга нописандлик қилган “арбоб”лар, темурпарастлик, бобурпарастликка маҳдиё бўлмаслиқдан огоҳ этган “ҳушёр” олимлар, миллатлар, элатлар орасига нифоқ солишга уринган гаразгўйлар хатти-ҳаракатлари ёдимиизда. Истиқлолга ишончсизлик, эски замонни қўмсашиб, камчиликларни ошириб, ютуқларни яшириб кўрсатиш, эскича тафаккур тарзидан қутула олмаслик, очиқ ва пинҳоний гаразгўйлик, ҳасад, игво, фисқ-фужур — булар бари эски замоннинг, эскича мафкуранинг сарқитлари эди. Янги замон янгича мафкурани тақозо этарди. Янгича, соглом фикрли ёш авлодга, салоҳиятли, етук қадрларга эҳтиёж, зарурат катта эди. Президентимиз ўз фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб бу ҳаётий муаммога жиiddий эътибор берди, бу йўлдаги тадбирларни изчиллик, қатъият билан амалга ошириб келмоқди.

Ошкоралик, турфа фикрлилик, ҳур фикрлилик, плюрализм, янгича тафаккур, замонавий онг, маънавият, қадрият, истиқлол мафкураси, миллий мафкура...

Күңга тарихнинг ҳеч бир даврида бу тушунчалар кейинги беш-үн йил нари-берисидагиdek афкор омма фикри-зикрини банд этгани, бунчалик диққат-эътибор топгани йўқ. Шуниси ҳам борки, бу асрий, азалий тушунчаларга беш-үн йил нари-берисидагиdek вазият, муҳит етилгани йўқ эди. Истиқдол насимининг эсиши, компартия барҳам топиб, чиркин идеологиясининг тарихи ахлатхонасига улоқтирилиши, қизил империянинг чок-чокидан сўклиши, мустақиллик деб аталмиш буюк неъматнинг қўлга киритилиши, ҳур жумҳуриятларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашга, ўз йўлини ўзи танлашга, ўз мафкурасини белгилашга киришиши... Қайта қуриш деган атама, умри қисқа экан, ёддан кўтарилиди, лекин онгни қайта қуриш давом этмоқда ва бу жараён узоқ давом этади. Кимдир тўқиб чиқарган жадаллаштириш деган тушунча ўчиб, унут бўлиб кетди. Лекин тафаккурни янгилаш жадал давом этмоқда.

Янгича тафаккур, замонавий онг, миллий мафкура муаммоларига энг кўп ва хўп эътибор берадётган, ўз багридан, саҳифаларидан, тўлқинларидан, кўзгуларидан мутгасил ўрин ажратаётган, событқадам таргиташибашвиқ этаётган оммавий ахборот воситалари — ахборот агентлеклари, газеталар, журнallар, китобчаю рисолалар, радио ва телевидение, фотография ва хроника филmlардир.

Тўгри, ҳозир истиқдол мафкураси, миллий мафкура, маънавият, қадрият, маданият ҳақида бир неча салмоқли тадқиқотлар, катта-кичик китоблар юзага келди. Лекин, такрор айтайлик, бу мавзу-муаммолар борасида биринчи сўзни журналистика айтди ва айтаяпти. Бу нарса журналистиканинг табиатига хос тезкорлик, сафарбарлик, давр талаб-эҳтиёжларига лаббай дея жавоб бериши, пайсалга солмаслиги, солномачи бўлиши, доимий безовталиги, ҳозиру-нозирлиги каби сифатлари билан изоҳланади. Расман мустақилликка эришишдан олдин мустақиллик ҳақида бонг урган, турфа мақолалар, суҳбатлар, эшиттиришлар, кўрсатувлар берган ва асосий вазифаси жамоатчилик фикрини уйготиш, қўзгатиш, шакллантириш ва у орқали афкор омма онгига таъсир этиш борасида салмоқли ишларни амалга оширган журналистика бўлади. Журналистикамиз мустақиллик нафасини олдинроқ туйди. Саксонинчи йилларнинг иккинчи ярмида демократия, ошкоралик, турфа фикрлилик, плюрализм тўлқинларида бу неъматнинг таъмини тотди.

Эсингизда бўлса, Л. Толстойнинг “Анна Каренина” романи “Облонскийлар уйида ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетди”, дея бошланади. Саксон бешинчи йилнинг апрелини (бунга қандай муносабатда бўлмайлик, қандай баҳо бермайлик), агар таъбир жоиз бўлса, узоқ йиллар тўлиқиб, димиқиб ётган тўғоннинг очилиб кетиш даври дейиш мумкин. Дил тўридаги гаплар тил учига чиқди, долзарб мавзулар, ўткир муаммолар, матбуот саҳифаларидан, эфир, экран тўлқинларидан кўплаб жой ола бошлади. Ўзликни англаш, қадриятларни қадрлаш, тил, экология, маънавият, мафкура муаммоларига эътибор кучая бошлади. Саксонинчи йилларнинг иккинчи ярми, тўқсонинчи йилларнинг бошлари ўзбек журналистикаси учун ҳам бир қадар ўзлигини намоён қилиш даври бўлди. Демократия, ошкоралик, янгиланиш шабадалари сусткаш, ланж, беозор, эҳтиёткор, воқеа-ҳодисаларнинг сиридан кўра кўпроқ сиртидан гап урувчи, мақтов-мадҳияга мойил журналистикамизга маълум даражада куч, тезкорлик бахш этди, қўл-оёқларини ошкора ва пинҳона кишанлардан халос этди, чигилини ёзди, тилига, усул-услубига бир қадар эрк берди, фикрлар хилма-хиллигига, журъат, жасорат, курашчанлик, маҳоратга ундади. Мавзу, муаммолар доираси кенгайди, жанрлар ранг-баранглиги ошди, жасорат ва маҳорат билан битилган ўткир, муаммоли мақолалар, суҳбатлар кўпая бошлади. “Мувозанат”, “Шаҳар тегирмони”, “Ўзбеклар иши”, “Фитна санъати”, “Орол мадад сўрайди”, “Изтироб” сингари катта-кичик тўпламлар, “Мулоқот”, “Тафаккур”, “Ватан”, “Миллий тикланиш” сингари янги нашрлар, “Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари”, “Олтин бешик”, “Баҳс” каби телекўрсатувлар, “Оқшом тўлқинлари”, “Камалак” радио эшиттиришлари кейинги йиллар ўзгаришлари маҳсули, айни чогда журналистикамиз имкониятлари, қобиллиги ва қодирлигини намоён этувчи омиллар этди.

Элимиз мустақилликка эришишдан икки йил оддин тилимиз мустақилликка эришди. Давлат мақомига эга бўлди. Бу оғир, муракқаб жараёнда журналистикамиз ўзининг катта имкониятларию фазилатларини намоён этди. Саксон тўққизинчи йил июн-октябр ойларидағи газета тахламаларини, айниқса “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Туркистон” (собиқ “Ёш ленинчи”) газеталари тахламаларини варакланг, бу мавзудаги кескин

мақола — сұхбатларга эътибор беринг, тилемиз мустақиллиги учун кураш қанчалик кескин кетаётганилиги ва бунда публицистикамиз нақадар жонбозлик күрсатганига амин бұласиз.

Яна бир нарса. Саксонинчи йилларнинг иккинчи ярмида юртимиз, миллатимиз катта маломатга, бұқтонға қолди. Собиқ марказ раҳбарияти ташаббуси билан “Пахта иши”, “Ўзбеклар иши”, деган кампания авж олиб кетди, собиқ марказий матбуот республикамизга ишончсизлик, гаразгүйлик руҳидаги, баъзан рўй-рост туҳматдан иборат катта-кичик мақолаларни бот-бот чоп этиб, жамоатчилик фикрини чалгитиб турди.

Биргина мисол. Ўша кезларда күп нусхаларда бошлиб, севиб ўқиладиган журналлардан бирига айланган “Огонёк” А. Головковнинг “Гангиш” (“Затмение”) сарлавҳали каттагина мақоласини бериб, собиқ иттифоқнинг миллионлаб ўқувчилари фикрини чалгитди. Гаразгүйлик билан ёзилган, атайин бир неча салбий далиллар олинib, нотўғри хуносалар чиқарилган мақола республика жамоатчилигининг кескин норозилигини уйгоди, журналистлар махсус митинг ўтказиб, журнал бош муҳаррири В. Коротичга норозилик хати ёзишиб, жавоб беришни талаб қилишди (мақоланинг ҳақиқатдан қанчалик йироқлигига ишонч ҳосил қилиш учун “Қишлоқ ҳақиқати” газетаси уни таржима қилиб босди ва таҳририятнинг шарҳини бериб норозилигини баён қилди. “Правда Востока” газетаси таҳририяти ҳам бу хусусда материал берди, унда В. Коротич на хатга, на қўнгироқларга жавоб қайтармаётганига таассуф билдириди; санамай саккиз дейдиган журналист А. Головков 1990 йилда эълон этган материаллари, жумладан “Гангиш” мақоласи учун собиқ СССР журналистлар уюшмасининг лауреати бўлганлиги юртдошимизни ажаблантирди, норозиликка сабаб бўлди). Собиқ марказий матбуотда сарлавҳалари ўқлогидек ҳарфлар билан берилган ярим бет, салқам бир бетни эгаллаган “Порахўрлик”, “Колонна”, “Олтинга ҳирс қўйғанлар”, “Фитна”, “Вақти-соати етди”, “Сукут салтанати” сингари мақолалар республикамиз, ҳалқимиз ҳақида янгилиш, бир тарафлама, нотўғри тасаввур пайдо қилишга мұлжалланғани аниқ-равшан кўриниб туради. “Десант” терговчилар Т. Гдяян ва А. Ивановнинг юртимизга, одамларимизга лой чаплаб,

ўзларини фаришта қилиб курсатиб, назоратсиз фаолиятини мақтаб, ошириб-тошириб бот-бот берган интервьюлари күпчиликнинг жонига тегди, газабини келтириди.

Халқимизнинг орияти келди, ижод аҳлининг нафисонияти қўзгади, катта-кичик мақолалар чоп этилди, эфирга чиқди. Унда таниқли адиларимиз Одил Ёкубов, Т. Қайибергеновнинг собиқ СССР халқ депутатлари съездидаги сўзлаган ёниқ, эҳтиросли, дадил нутқдари, “Қишлоқ ҳақиқати” газетасининг 1990 йил 30 январь сонида босилган, бир ярим саҳифалик “Халқ ҳақиқатни билмоги зарур” мақоласини ва бошқа материалларни кўрсатиш мумкин.

Машҳур қирғиз адаби Чингиз Айтматовнинг “Правда”нинг 1988 йил 13 феврал сонида босилган “Қайта қуриш, ошкоралик — омонлик дарахти” мақоласи жамоатчилик фикрини тўгри изга солиши борасида алоҳида аҳамият касб этди. Ушбу машҳур мақола энг аввало замонавий онг кенглиги, сайёравий тафаккур юқсаклигидан туриб ёзилганлиги, иккинчидан, энг муҳими, ўзбек юрти, унинг меҳнатсевар халқи, қадимий маданияти ҳақида илиқ, самимий, далдакор сўзлар айтилганлиги, ноаниқ, асабий вазият вужудга келган, оммавий ахборот воситаларидан маломат тошлари ёғилаётган, анча-мунча одам ҳайрон, лол бўлиб, бирор ижобий фикр билдиришга ботинолмай ёхуд иложини тополмай турган бир пайтда катта минбардан асосли, ишонарли, кесиб айтилганлиги билан ўзгача аҳамият касб этди, халқимиз дилининг тўридан жой олди.

“Ўзбек халқининг тақдирини ўз тақдиримдан ажратиб қаролмайман”; “Ўзбек меҳнаткашлари мамлакат учун қилган ишларини айтаверсан, булар бари бошимизни қуиي эгиб таъзим қилишга сазовордир”; “Қадим-қадим ўзбек маданиятининг Ўрта Осиёга кўрсатган таъсирини кўхна Византиянинг қадим Руста кўрсатган таъсири билан қиёслаш мумкин”, “Ўзбекистон бизнинг Шарқдаги сўзимиз ва юзимиз бўлиб келган”... Юртимиз, миллатимиз шаънига айтилган бундай дур сўзлар бутун мақола узра сочилиб ётибди. Дориломон замонда, тўкин дастурхон устида чиройли сўз айтиувчилар, бунга иштиёқмандлар кўп бўлади, лекин бутун бир юрт, миллат бошига ташвиш тушиб, маломат бўлиб турган пайтда юрак ютиб, жон куйдириб, унинг

шаънини, номусини ҳимоя қилиш учун катта мардлик, инсонийлик керак. Жасорат, маҳорат керак.

Бу ерда бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзбек юртинг, Ўзбек миллатининг шаънини, номусини ҳимоя қилиш, уни маломатлардан сақлаб қолишни охирига етказган, бу борада ҳамиша ҳушёр, сергак турган киши, шаксиз-шубҳасиз, Президентимиз И. Каримов бўлади. Яқинда таниқли олимлардан бири телевизордан туриб ҳамманинг дилидаги гапни айтди: “Бир одамни туҳматдан сақлаб қолиш қанчалик душвор. Бутун бир юртни, миллатни бўхтонлардан сақлаб қолдилар, маломатлардан ҳимоя қилиб келаяптилар, бошқа ўнлаб улкан хизматларини ҳисобга олмагандা ҳам шу ишининг ўзи учун у кишини ҳар қанча эъзозласак арзиди”.

И. Каримов Республика раҳбари сифатида журналистикага жиiddий эътибор бериб келаётганлиги барчага маълум. У киши журналистлар билан тез-тез маҳсус учрашувлар, матбуот конференциялари ўtkазадилар, нутқ ва маърузаларида бу соҳанинг долзарб вазифаларига эътиборни қаратадилар. Прага ва Тошкентда “Озодлик” радиостанцияси ходимлари билан, юртимизга таклиф этилган россиялик журналистлар билан ўтказган учрашувларини эслайлик, бу учрашувлар матбуотда батафсил ёритилди, телевидениеда кўрсатилди.

Очиқлик, ошкоралик, самимийлик, ҳар қандай, ҳатто кескин, қалтис саволларга ҳам жавоб беришга тайёрлик, савол муаллифини ҳам шунга ундаш, баҳс-мунозара олиб бориш маҳорати, республика, МДҲ, жаҳон миқёсидаги воқеа-ҳодисалардан чуқур хабардорлик, воқеа-ҳодиса, жараёнларга Ватан обрўси, ҳалқ манфаати, миллий мағкура нуқтаи назаридан қараш, таҳлил этиш, баҳо бериш санъати, “тўртинчи ҳокимият” — журналистиканинг жамият ҳаётида катта кучлиги, катта имкониятларини таъкидлаш — И. Каримов интервьюларига хос хусусият, фазилатлардирки, буни хорижлик журналистлар ҳам эттироф этишади, тан олишади.

Президентимиз республикамиз ҳаёти билан яқиндан танишиш, у ердаги вазият ва жараёнларни холисона баҳолаш мақсадида россиялик бир гуруҳ журналистларни ўлкамизга таклиф этганди. Юз эшитгандан бир кўрган афзал дейишади. Бу мамлакатда билимдон, моҳир, холис журналистлар анчагина. Айни

чогда воқеа-ҳодисаларни бир ёқлама, бузиб талқин этувчи, кичик, арзимас далилдан катта хulosса, умумлашма чиқаришга, сувни лойқалатишига уринувчи, гаразли ниятини очиқ ва пинҳона баён этувчи “ёзгувчилар”, бизга кўзи тўғри бўлмаган нашрлар ҳам йўқ эмас. Тўқсон биринчи йил йил сентябрда мустақиллигимизни тантана қиласяпмиз, хуш-хурсандчилик, фахр-гуурнинг чеки йўқ. “Известия”да “Ўзбекистон ва Қиргизистон ҳам мусақилликка эришиди” деган чумчуқнинг тилидай қисқа, кўнгилдан чиқмаган, айтмаса яна бўлмайдиган хабарни майда ҳарфларда ўқиб ҳафсаламиз пир бўлганди. Ҳолбуки, бу газета биздаги нохуш ҳодисалар ҳақида яйраб ёзар, жойни қизганмасди. Ўз аравамизни ўзимиз тортаётганимиздан хурсандмиз, газета мухбири буни “узиб қўйилган вагон” дейди, яна бири “Москва ва Ўрта Осиё” сарлавҳали катта мақоласида “марказсиз ҳолларинг нима кечади” деган шалаги чиқсан сўқир мафкурани тикиштирмоқчи бўлади. Таниқли рус адабларидан бири Марказий Осиёни “қориннинг таги” дейди, бошқаси бу ерга марказдан ҳалоллик олиб келиш қайгусини қиласди. “Дўппиликлар ҳисобига....” — бу отнинг қашқасидай маълум депутатнинг жириллаши. Олим, адаб, журналистларимиз, бир томонидан, бундай вайсашлар, палагда мафкурани экспорт қилишга уринишларга қарши ўткир, тишли-тирноқди мақолалар, раддиялар эълон қилишаётган бўлса (бунда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталигида эълон қилинган сара материаллардан таркиб топган икки жиљдлик “Фитна санъати” тўпламини ва ундаги Мирзо Кенжабек, Шавкат Раҳмон, Тоҳир Қаҳдор, Хуршид Даврон, В. Г. Ким, А. Бердимуродов, А. Мелибоев ва бошқаларнинг ўткир полемик мақолаларини эслайлик), иккинчи томондан, Ватан туйгуси, истиқлол шарофати, ҳалқ руҳи, тарихий қадриятларимиз, миллий мафкурамиз ҳақида, асосли, ишонарли мақолалар, салмоқли тадқиқотлар, катта-кичик китоблар битдилар. Бу уринда, даставвал, Абдуқаҳдор Иброҳимов, Хайридин Султонов, Нарзулла Жўраевларнинг ҳамкорликда ёзишган “Ватан туйгуси” номли мазмундор, салмоқли китоби, Б. Аҳмедов, Одил Ёқубов, ўткир Ҳошимов, О. Шарофиддинов, Х. Зиёев, И. Гафуров, Н. Каримов, Б. Қосимов, Ш. Холмирзаев, Дадаҳон Нурий, М. Бобоев, Т. Содиқова, Қ. Раҳимбоева, Н. Комилов, А. Жўраев, Ш. Ризаев, М. Абдуллаев, С. Остонов, Ҳ. Сатторий,

Қ. Аъзам, А. Ҳайдаров, Б. Эгамқулов, Қ. Норқобил. Н. Жалил, Р. Құлдошев, С. Ҳайдаров, А. Абдувалиев ва бошқаларнинг ўткир, қизиқарли мақола ва сұхбатлари алоҳида таъкидланишга лойик.

Мағкурани бир кунда ёки бир йилда яратиб бўлмаслигини, у шаклланиши, шакллантириб борилишини, асосий тамойиллари ишлаб чиқилиши, улар ҳаётда ўз ўринини топиши кераклигини, шакллантириш жараёнида кенг жамоатчиликнинг илгор дунёқараш ва тафаккурига асосланиш лозимлигини И. Каримов алоҳида таъкидлайди. Жуда чуқур фикр. Бош вазифаси жамоатчилик фикрини шакллантириш бўлган публицистикани кўпинча барчага очиқ лабораторияга ўхшатишади, унда хоҳлаган одам фикрий тажриба ўтказиши мумкин. Публицистикада, яъни мақоланавислиқда анча кўп одам, турфа соҳа мутахассислари қалам тебратса — тажриба ўтказса, шунча яхши.... “Баъзан беозоргина бўлиб туолган мусиқа, оддийгина мултфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мағкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади”, — дейиладики жавобларда, бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. “Труд” газетасининг “Хафталик телекўрсатувлардан қайсиси сизни мамнун этди, ёхуд ҳафсалангизни пир қилди?” — рукни остидағи суронига доимий муаллифлардан бири, жаҳон чемпионатининг финал ўйини тугагач, Франция байроби кўтарилаётган, мадҳияси ижро этилаётган, мамлакат Президенти бошлиқ бутун стадион оёққа қалққан ва буни жаҳон кўриб, завқланиб турган бир пайтда тишини тозалайдиган чўтка ва порошокнинг кўрсатилишини фаросатсизлик ва одобсизлик эканлигини таассуфланиб ёзди. Машраб Бобоев сценарийси асосида қўйилган кўп фасли “Кўнгил кўчалари” видеофилмида бир лавҳа бор. Соддадил, бегубор домла Мардон “бино пештоқидаги байроқ ўралиб қолипти, айтсангиз, сал кўтариб қуишиша, ҳилпираб турса” деган тақлифини чипта сотувчи қиз ажабланиб, малол келиб эшитади ва “Сиз ким бўласиз, бунинг сизга нима дахли бор?” дейди. “Оддий фуқароман, бунинг нима аҳамияти бор?” — дейди Мардон жавобан. Бу детал ҳаётйлиги билан кишини ўйлантиради, лоқайдлигимизга ишора қилиб туради.

Миллий мағкурага мустақиллик йилларида кўп ва жиддий эътибор бериләётган бўлса-да, унинг шаклланиши тарихи узоқ даврларга, асримиз бошларига, янада

узоқларга бориб тақалади. А. Авлоний, Зиё Сайд каби муаллифларнинг йигирманчи йилларда, Б. Қосимов, Ш. Турдиев, Ҳ. Узоқов, Ш. Ризаев, Т. Пидаев, Б. Дўстқораев ва бошқаларнинг кечаги ва бугунги кунларда яратган тадқиқотларида илк газета ва журнallар, жадид маърифатпарварлари миллий мафкурамиз заминини яратишга муносиб ҳисса қўшгани таҳлил этилади. Масалан, А. Авлоний “Бугунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи” тадқиқотида “Туркистон вилоятининг газетаси”ни “Ерли халқни разолатга бошлаган тарихий бир қора гуруҳ газетаси” деб таърифлаган бўлса, “Тараққий”ни — “Элнинг энг суюб ўқийдиган, ҳукумат ва унинг маъмурларига ҳужум очган сўл газета”, — деб илиқ фикрлар билдирган эди.

Миллий мафкурани яратиш ва шакллантиришга ҳамма ва ҳар бир киши ҳисса қўшиши лозим. Унда фидойи одамларнинг хизмати алоҳида аҳамият касб этади. Одатда публицистика жабҳасида самарали ишлаётган муаллифлар номлари саналмайди. Камина бу сафар ушбу таомилга риоя қилмай ўзим билган муаллифлардан бир қанчасининг номларини қайд этиб ўтдим (фаол муаллифлар жуда кўп, номлари хаёлимдан фаромуш бўлса узр). Лекин фидойи олим, публицистлар ичida бирини алоҳида ажратиб кўрсатмоқчиман. Бу республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор, Халқаро Бобур мукофоти совриндори, ўзбек таржимашунослиги мактаби асосчиси Файбуллоҳ ас-Саломдир. Бу инсонни 40 йилдан бери узоқ-яқиндан биламан, бир даргоҳда, яқин даргоҳда узоқ йиллар ишлаганмиз, мустақиллик давридан бошлаб Бодомзор мавзеида қўшни бўлиб яшаётганимиз боис кўп мулоқотда бўлиб турамиз, у киши раҳнамолигида ёш авлодга багишлиб “Толибнома” отлиқ китоб битдик, бир неча мақола ёздик, у киши ҳақида “Солланиб оқаётган дарё” деган китобча ҳам чоп этганман. Файбулла оқсоқолнинг барча китоблари (30 дан ортиқ), мақола-сүхбатлари (олти юздан ошиқ) бевосита ва билвосита маънавият, маърифат, мафкурага оид. Ҳайрон қоладиган, хурсанд қиладиган парадокс. Йиллар ўтиши, кексайиб боришига қарамай, аввалгидан фаол, сермаҳсул. “Истиқлол менга янги куч, илҳом берди” дейди ўзлари. Кейинги икки йилда олтига китоби чиқди: “Армон”, “Эй, умри азиз”, “Эзгуликка чоглан, одамзот”, “Толибнома”, “Жаҳонгашта “Бобурнома”, “Ҳалоллик бозорда сотилмайди”.

“Сени ўйлайман, болам”, “Қандай адашмоқда-

лара”, “Лоф”, “Омон-омон қүшиқлардан айт”, “Шажа-рамиз ҳақида”, “Агар сен огоҳ сен” китобига сўзбоши... барини санаб бўлмайди. Ватан манфаати, миллат шаъни, мафкура муаммолари деганда соглиги, ташвишларини унтиб ишга қаттиқ берилади.

Яна бир мулоҳаза. Ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Ватан, миллат, истиқол, мафкура каби қутлуғ сўзларни иложи борича камроқ ишлатган, қадрини туширмаган маъқул. “Ватан”, “миллат” сўзларини ишлатмай туриб ҳам ватанпарварлик, миллатпарварлик моҳиятини очиб бериш мумкин ва аксинча.

Президентимизнинг “Тафаккур” бош муҳаррири саволларига берган жавобларини, шунингдек, бошқа нутқ ва суҳбатлари, мақола ва китобларини ўқир эканмиз, миллий мафкура миқёси кенг, теран тушунча эканлиги, бағрига жуда кўп фазилат, қадриятларини сингдирганига ишонч ҳосил қиласиз. Улар бирма-бир саналадиган бўлса, аввал боши Ватан туйгуси, халқ манфаати, маънавият, мафкура туради.

МИХЛИ САФАРОВ

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ МАШАҚҚАТЛАРИ

Мустақилликнинг ўтган етти йилида биз эришган энг улкан ғалабалар, ўзгаришлар ҳақида гап кетар экан, Президентимиз ўз маъruzalariда ҳалқ онгида, тафаккурида юз берган ўзгаришларни алоҳида қайд этиб келмоқдалар.

Бу таъкидда чиндан ҳам катта тарихий ҳақиқат бор. Мустақиллигимизнинг ўтган дастлабки етти йиллик қисқа, аммо мазмуни ун йилларга татийдиган даврига сарҳисоб кўзи билан астойдил назар ташласак, бунга тўла-тўқис амин бўламиз.

Аввало, биз сиёсий ўз-ўзимизни англаш жабҳасида гоятда алп қадамлар қўйдик. Атиги етти йил бурун Ўзбекистоннинг жаҳон харитасида тайинли ўз ўрни йўқ эди. У — шўро тузумининг таркибий бир ҳудуди тарзидағина харитада қайд этилар эди. Шу боисдан, “Ўзбекистон” дейилса, ташқи дунёда елка қисишар, Бухоро, Самарқанд деган шаҳарларимизни хорижий сайёхлар поёнсиз шўро давлатининг қадимги музей-ёдгорлик шаҳарлари тариқасида тасаввур этар эдилар.

Мустақиллик бу борада масалани тубдан қайта кўйди. Бугун Ўзбекистон – дунё ҳамжамиятининг кенг ҳуқуқли аъзоси, унинг ҳалқаро сиёсат майдонида ўз ўрни ва ҳатто таъсири мавқеи бор. Бизни наинки билишади, балки ҳалқаро сиёсий муаммолар мұҳоджамасида биз билан ҳисоблашадилар. Президентимиз – дунёдаги энг таниқли сиёсий ва давлат арбобларидан бири бўлиб қолди. Унинг жаҳоннинг юксак сиёсий минбарларидан туриб қилган маъruzalari, илгари сурган дадил, ўзига хос қарашлари ва таклифлари ҳалқаро сиёсат ривожига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Жаҳоннинг Ўзбекистон ҳақидаги тасаввури ҳам тубдан ўзгарди. Бизни улкан маданиятга, бой манавиятта ва жаҳон цивилизациясига жуда катта таъсир кўрсатган ҳалқ сифатида борган сари кўпроқ ва аниқроқ билишмоқда. Амир Темур, Мирзо Ўлугбек

каби буюк бобокалонларимизнинг таваллуд кунлари, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги тўйлари жаҳон миқёсида биз ҳақимиздаги тасаввурларни узгартириб юборди.

Айни пайтда бизнинг узимиз ҳам ҳалқаро дунё билан сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда дадил ҳамкорликка киришдик. Ўзлигимизни кенг кўламда намоён эта бошладик. Бу жараён қизгин давом этиб, тобора фаоллашиб бораяпти.

Шу ўринда сиёсий дунёқарашимиз ўзгарганлигини иккита кичик далил билан исботламоқчиман.

1991 йилнинг 31 август куни Ўзбекистон Олий Кенгаши мажлислар залида мамлакатимиз раҳбари Ватанимиз мустақиллигини эълон қилган соатлар кўпчиликнинг кечагидай эсида. Юртбошимиз минбарда туриб анов-манов ҳодиса эмас, балки мислилар тарихий воқеани — элимиз шу лаҳзалардан бошлаб озод, ҳур эканини, қизил салтанатга мутеълик тугаганлигини эълон қилдилар. Зал сув қўйғандай жим, ҳамма сукутда. Аслида, залда ўтирганларнинг ўзи ҳам анов-манов одамлар эмас, балки ҳалқнинг ишонган, илгор, олдинги одамлари — ҳалқ депутатлари эдилар. Лекин барибир шундай илгор одамлар ҳам ҳозиргина эшитганлари тушми, ҳақиқатми, қулоқларига ишонмай, лол қотиб, минбардан, ҳурматли Ислом Каримовдан кўзларини ололмай, жой-жойларида эсанкираб ўтиришарди...

Етти йил олдин бизнинг умумий руҳиятимиз ана шундай эди. Биз мустақил бўлганимизга, мустақил яшшимизга ишониб-ишонмасдик. Шўро тузуми бизнинг эркинликка бўлган умид ва ишончларимизни бўғиб ташлаган эди.

Мана, орадан етти йил ўтиб, ўша ҳолатимизни бугун биз кулиб эслаймиз. Яъни кечаги “Мен”имиздан тажжубланамиз. Мана шу кулгимиз — бизнинг ўзгаришимиш белгисидир.

Яна бир далил. Биз бугун собиқ шўро тузумини “қизил империя” деб баҳолаяпмиз. Биз “Чор империяси” дер эдик. Аммо совет тузумини яқин ўтмишда бундай деб билмас, ўйламас эдик. Кейин мустақил ҳаёт таъсирида онгимиз, шууримиз ёришиб, янги хуолосаларга келдик. Қарасак, совет тузумининг ҳам чор империясидан фарқи йўқ. Бу ҳам — империя. Факат фарқи шуки, бу империя чоризмдан қолган империяпарастликни қизил байроқ кўтариб давом эттириди, ҳалқларнинг қизил қонини дарёдай оқизиб, зўравонлик би-

лан империяни сақлаб келди. Шу-шу, бу қизил империя эканлигини пайқадик.

Совет тузумини “қизил империя” деб баҳолашга етиб келиш — бизнинг тафаккуримиз, руҳиятимиздаги силжиш, сифат ўзгаришидан далолат эмасми?

Биз иқтисодий тафаккур соҳасида бугун тамомила янги одамлармиз. Аввало бу жабҳада ҳам умумий аҳвол тубдан ўзгарди. Мамлакатимиз шўро давлатининг хомашё базаси, деган ҳақоратли тамғадан қутулди. Биз ўзимиз хомашё етиширувчи ҳаммол деган номдан ҳолос бўлдик. Ўзбекистон аграр ўлқадан кўпқиррали, замонавий технологияга асосланган ва ҳалқаро андозаларга мос келадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга интилаётган янги саноатта ҳам эга бўлиб бораётти. Етти йил мобайнида мамлакатимизда машинасозлик, нефтгаз, кимёвий саноат гигантлари барпо этилди. Уларнинг сони кўпаймоқда.

Ҳалқимиз орасида “тадбиркорлар” деб аталган янги синф шаклланмоқда. Бизнинг мулкка, меҳнатга муносабатимиз тубдан ўзгараётти. Миямизга сингиб қолган “давлат мулки” деган тушунча ёнига бугун хусусий мулк, акциядорлик жамиятлари, ширкат, фермер, оила пудрати, деган янги тушунчалар қўшилди. Биз режалаштириладиган иқтисодиёт ўrniga бугун бозор иқтисодиёти қонунларига асосланган янги ҳаётга ўтаямиз. Улар тафаккуримизни янгилаб бормоқда, ўзлигимизни ўзgartирмоқда.

Иқтисод куни кеча айрим мутахассисларнингтина иши бўлган бўлса, бугун — умумхалқ, умумжамиятнинг манфаатига даҳлдор кўникма бўлиб қолмоқда. Янги иқтисодий тафаккур билан бугун бугун ҳалқ қуролланмоқда.

Ниҳоят, биз соғ маънавий жиҳатдан ўзликни англаш борасида улкан самараларга эрищдик. Эсимизда, биз ҳақимизда яқин-яқин ўтмишда: “Ўзбекистон ҳатто михни ҳам четдан олиб келади, ўзбек ҳалқи ҳақиқий маданият ва саводхонликка XX асрдагина эришди” деган таҳқиромуз хulosалар кенг оммалашган эди. Бундай тушунчалар дарсликлар орқали ҳалқимизнинг янги авлодлари руҳиятига, онгига ҳам изчил сингдириб борилган эди.

Бизни собиқ шўро тузуми шароитида тарихимиздан, маданий-маънавий меросимиздан бегоналаштириб қўйишиди. Биз Амир Темур, Бобур каби боболаримизга синфиий-сиёсий мафкура кўзи билан қараб баҳо бериб

келдик. Имом Ал-Бухорий, Ат Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмииддин Кубро каби буюк маънавий алломаларимиз “чиркин диний намояндалар” деб қораланди. Меросларига қора чизиқ тортилди. Шарқ фалсафасининг, маънавиятининг дурданаси, нурли “ички дунёси” бўлган тасаввуф таълимоти “эскирган, диний мерос” деб бадном этилди. Халқимизни маърифатга, илмга, камолотга ундаган Жадидлар “миллатчи” деб қораланди ва қатагон қилинди. Ана шундай маданий-маърифий сиёсат мактабида халқимизнинг бир неча авлодлари “қайта тарбияланди”, деярли миллий манқуртларга айланди.

Бугун, мустақиллик даврида тарихга, маданиятга, динга бундай тор, бир ёқдама синфий-сиёсий қарашлар тамомила барҳам топди. Биз тарихий, маданий, маънавий-диний бойликларимизни кенг кўламда, ихлос билан ўрганиб, маънавий ўзлигимизнинг илдизларига қайтаяпмиз. Бугун миллий, диний байрамларимизни қувониб-қувониб нишонлаяпмиз.

Ниҳоят, узбек тилининг давлат тилига айланиши миллий ўзликни англашнинг катта галабаларидан биридир. Бир вақтлар шунчаки уй-рўзгор, ўзаро суҳбат-гурунг доирасидаги тилга айланиб қолган ўзбек тилининг умумдавлат миқёсидаги анжуманлар, мажлисларнинг расмий тили бўлганлиги, барча иш юритиш ҳужжатлари шу тилда олиб борилаётганлиги, ўзбек тилининг мактабларда, олий ўқув юртларида ўқитилишига муносабат жиҳдийлашганлиги бизни қувонтиради. Бу — истиқдол берган улкан имкониятдир.

Ниҳоят биз шу йиллар мобайнида яна бир ноёб ютуққа эришдик. Биз миллий мағкурамизни шакллантириб бораяпмиз.

Мағкура, бизнинг назаримизда, ижтимоий-тарихий ўзлигимизни англашда энг олий босқицдир. Чунки мағкура — аниқ тарихий мақсад-муддоа дегани. Мағкуранинг мавжудлиги ана шундай мақсад-муддоонинг борлигидан далолат беради. Ўзбекистоннинг равнақи, энг ривожланган давлатлар қаторига қўшилиши билан боғлиқ орзу-интилишларимиз ана шундай мақсаддир. Мағкура — келажакка қатъий ишонч дегани. Демак, биз бугун шундай ишончга эгамиз. Мағкура — бизнинг бутун сиёсий, иқтисодий, маънавий қарашларимизнинг магзи, моҳиятини ўзида жамлаган қарашлардир. Мағкура шунчаки онг, тафаккур маҳсули эмас, у — имон-эътиқод, қалб ва руҳиятнинг тұгма фарзанди. Даври-

мизнинг атоқли адиби Чингиз Айтматов мафкурани инсоннинг “ички қуёши” деб бежизга тарифламаган эди. Мафкура инсонни ичдан ёриштириб, унинг жамиятдаги, тарихий даврдаги ўрнини, мавқенини белгилаб беради.

Президентимизнинг “Тафаккур” журнали бош муҳаррири саволларига жавобларида мафкуранинг моҳияти чуқур таҳлил қилиб берилди. Президентимиз айтганларидек, мафкура бутун жамиятни руҳан, қалбан бирлаштирадиган ягона миллий гоядир. У халқни-халқ, миллатни-миллат даражасига кутаришга хизмат қиласиди, бизнинг истиқболга қараб юрар йўлларимизни ёритади, синов онларида бизни қўллаб-қувватлади, шу йўлда байроқ ва машъял бўлади.

Фахр-гуурур билан айтишимиз керакки, тарихий тараққиёт олдимиизга кўндаланг қўяётган ҳар бир улкан муаммони ҳал қилишимизда мамлакатимиз раҳбари ўзининг дадил янгича гоя ва назарий қарашлари билан бизга қудратли камарбаста, энг ишончли кўмакчига айланмоқда. Мустақил ривожланиш йилларимизда биз бунга кўп марталаб гувоҳ бўлдик.

Биз мустақилликка эришиб, бундан кейин қандай йўлдан борамиз, мамлакатимиз қандай янги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маънавий йўналишлардан ривожланиши керак, деган гоятда принципиал масалаларга тараққиёт рўбару келтирганда, юртбошимиз чуқур ҳаётий асосли мафкуравий қарашлари билан бизни узлуксиз қуроллантириб бормоқдалар.

Масалан, Президентимиз илгари сурган ривожланишимизнинг беш тамойилида иқтисодни сиёсатдан, мафкурадан халос этиш гояси илгари сурилади. Бу тамомила янгича қарашдир. Чунки биз совет тузуми шароитида узоқ ўн йиллар мобайнида юқоридан белгиланган, сиёсат назоратидаги иқтисодий ҳаёт қуршовида яшадик. Сиёсат иқтисодни белгилаб келди. Бугун, кўриб турибмизки, иқтисодга бундай қараш ҳаётий асосли эмас экан. Президентимиз иқтисод мафкурадан озод этилиши ҳақидаги фикрни майдонга ташлар экан, шунинг ўзи янги, соглом мафкурамизнинг бир кўринишидир.

Ўтган йиллар мобайнида биз Ислом Каримов асарларида баён қилинган: “Истиқдол — муқаддас неъмат ва масъулият”, “Янги уй қурмай туриб, эскисини бузмайлик”, “Ўзбекистон — буюк имкониятлар ўлкаси”, “Ўзбекистон – келажаги буюк давлат”, “Биздан озод ва обод

Ватан қолсин”, “Куч — билим ва тафаккурда” каби ва бошқа шунга ўхшаш теран ҳаётий маъноли таъбирларга дуч келдик. Бу ҳикматли фикрлар шу етти йиллик тараққиётнинг турли даврларида айтилган ва уларнинг ҳар бири биз интилаётган янги мафкуранинг устувор гоялариdir.

* * *

Бизнинг мустақиллик мафкурамизнинг истиқболи порлоқ. Чунки у мустақиллик бошлаб берган, келажагини тараққиётнинг ўзи қўллаб-қувватлайдиган эркин, озод ривожланиш манфаатларидан туғилган. Ва ривожланаётган дунёқараашдир.

Инсоният тарихи мафкуранинг хилма-хил намуналарини юзага келтирганлигига гувоҳмиз. Ўз мафкурамизнинг чуқур инсоний моҳиятини янада аниқроқ ҳис этишимиз учун бу масала тарихига қисқача бир назар ташлаш ўринли бўлади.

Олис ва яқин ўтмишда шундай мафкуралар майдонга келдики, улар аввал маълум бир сиёсий доираларда туғилиб, кейин зўр бериб ҳар хил усуллар билан оммалаштирилди. Бундай “буюртма” мафкураларнинг заифлиги шундаки, улар жамиятнинг, ҳалқнинг мақсад ва интилишларини ўзида ифодаламайди. Балки, муайян, тор сиёсий манфаатлардан майдонга келган. Ва шу сиёsat хилларига хизмат этади. Немис фашизмининг Гитлер ва унинг ҳамтовоқлари ишлаб чиқсан, немисларни “олий ирқ” деб ва дунёдаги бошқа ҳалқларни “аборигенлар” ўрнида кўриб, шундан келиб чиқсан ҳолда дунёга мутглақ ҳокимлик даъвоси билан майдонга ташланган зўравонлик мафкураси ўз вақтида миллионлаб немисларнинг аввал маънавий, сўнг муқаррар равишда, тақдир фожиасига айланди.

Аввал марксизм-ленинизм таълимоти манбаида урчиган, кейин шўро тузуми шароитида говлаб ривожланган коммунистик мафкура ҳам “буюртма мафкура”-нинг яна бир кўринишидир. У шўро тузуми “доҳийлари” раҳбарлигида ишлаб чиқилди ва бепоён шўро давлати ҳаётига жорий этилди. Бу мафкура сохталик ва сунъийликнинг энг даҳшатли бир шаклидир. Коммунистик мафкурада ҳам зўравонлик, ҳам ўта айёрлик, фирибгарлик узвий бирлашиб кетган. Аслида, империя-парастлик унинг асос-асосларида ётади. Айни пайтда, бу мафкура деярли етмиш йил мобайнида ўзини “фа-

риштга”, “энг илгор, демократик мафкура” деб кўрсатиб келди.

Коммунистик мафкура халқларни мажбурий, зўравонлик билан бирлаштириш, уларнинг миллий қадр-қимматини барбод қилиш манбаида чор Россияси даврида вужудга келган империяни бус-бутун сақлаб қолишга жон-жаҳди билан уринди. СССРни тариҳдаги “энг илгор, энг инсонпарвар, демократик давлат” деб тарғиб этди. Аммо бу “инсонпарвар, демократик давлат” дунёдаги энг йирик қамоқ лагерларига эга эди. Үн йиллар давомида Сибирдай бепоён ҳудуд қамоқ лагерларининг сони ва чегарасини кенгайтиришга, миллионлаб янги-янги маҳбусларни ўз багрига олишга имконият яратди.

Шўро тузуми немис фашизмини инсониятни қириб юборганилиқда айблади. Аммо бу тузум уюштирган қатагон даврида юз берган ҳалокат олдида фашизм келтирган офатнинг ранги анча хира тортиб қолди.

Шўро мафкураси миллатларнинг равнақи тўғрисида тинимсиз гапириб келди ва, айни пайтда, тинимсиз равишда миллий ҳуқуқсизликни авж олдириди. Миллатларнинг энг илгор, зиёли фикрли одамларини нобуд қилди. Қатагонлар барча ўн йилликларда турли шиорлар, тамгалар остида давом эттирилди. Бизнинг мамлакатда “миллатчилик”, “босмачилик”, “синфий курашнинг авж олиб бориши”, кейинги даврда “пахта иши” ниқоби остида ўтказилган қатагонлар азобини халқимиз ҳеч-ҳеч унутмайди.

Коммунистик мафкура – иши ва сўзи тамомила ҳар хил бўлган давлатнинг, жамиятнинг сохта, сунъий дунёкараши эди.

Юқорида тилга олинган тарихнинг турли давларидаги мафкуралар ҳаётдан узоқ ва муваққат сиёсий манфаатлардангина туғилган гоялар бўлганлиги учун ҳам тараққиёт уларнинг умрини қисқартирди ва бугунга келиб “тарих фактлари” бўлиб қолди.

Инсоният дунёни “қайта тақсимлаб олиш”, шунинг оқибатида пайдо бўлган колониализм сиёсати ва унинг ярамас мафкуравий қарашлари таҳдидини бошидан кўп ўтказди. Айтиш мумкинки, СССР аталмиш империянинг емирилиши билан колониализм сиёсати сўнгги инқирозга учради. Тараққиёт бундай давларни ва бу давлар билан боғлиқ мафкуравий маддоҳликларни инсоният тарихининг шармандали ҳолатлари тарзида солномаларда қолдирди, деб ишонсак бўлади.

Ва, аксинча, XX аср охирида одамзод ўз-ўзини англашида буюк галабаларга эришди. Масалан, ижтимоий ривожланишнинг табиий йули — халқлар мустақиллиги, ҳуррияти, уларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши эканлигига ишонч ҳосил қилди.

Бундай тарихий имкониятга эришган халқлар, жумладан ўзбек халқи улкан ижтимоий-маънавий тажрибага эришган ҳолда ўзларининг янги ҳаётини, янгича турмуш тарзини, янги тафаккурини, жумладан, ўзларининг янги мафкуравий қарашларини таркиб топтиromoқда.

* * *

Маълумки, мустақилликка эришиш — буюк ижтимоий баҳтимизнинг бошланиши эди, холос. Аммо бундай бебаҳо баҳтни имкониятдан воқеликка айлантириш халқимиздан кўп нарсани талаб қиласди. Янги давлат, янги жамият асосларини барпо этиш осон юз бераётгани йўқ. Ривожланиш — тури имтиҳонларни, муаммоларни оқилона, соглом ақл-идрор билай ҳал қилиш йўлларини излаш, меҳнат қилиш ва курашишни талаб қиласди. Олис тарих бунинг гувоҳидир. Бизнинг еттийиллик тараққиёт йўлимиз тажрибалари ҳам шундан гувоҳлик бериб келаялти.

Масалан, мустақиллик берган эркин, демократик шароитда йўлимиз бошида ўзини “мухолифатчи” деб атаган ҳар хил гуруҳлар ва шахслар пайдо бўлди. Улар ҳам давлат, жамият тараққиётини ўз қўлларига, измириodalарига олишга ҳаракат қилишди. Демократик жамият — фикр ранг-баранглигига, оппозицияларга йўл очиши тарихдан маълум. Аммо бу дегани жамиятни дуч келган кўчаларга бошлаш, шошқалоқлик билан байроқлар кўтариш эмас, албатта.

Янги давлат ва жамият йўл танлашнинг мураккаб чорраҳаларида турган бир пайтда имкониятларни тўғри баҳолай олиш, мамлакатнинг келажагини хаёлпарастларча эмас, балки етук сиёсий-иқтисодий донолик ва оқилоналиқ билан белгилаш талаб қилинади. Мураккаб шароитда Президентимиз шундай йўл тутди. Ислом Каримов мавжуд тарихий шароитни, ён-атрофдаги бошқа давлатлардаги аҳволни кенг ва чуқур таҳлилдан ўтказиб иш юрита бошлади. Жумладан, у ўша мухолифатчиларнинг хатти-ҳаракатлари ва фаолиятига ҳам ўз вақтида тўғри, танқидий баҳо бера билди. Юртбошимиз, масалан, 1993 йилда “Комсомольская правда” газе-

таси бош мұхаррири билан сұхбатда бундай хатти-ҳаралдарни таҳлил этиб, шундай деган эди:

“Мен демократик ва барқарор давлатдаги ижобий мухолифатни тушунаман ва қабул қиласаман. Олға томон қилинадиган ҳаракат нұқтаи-назаридан ўз дастурига зга, жамиятнинг келажагини англайдиган мухолифларни өзтироф қиласаман. Бироқ, бозор муносабатлари, демократия сари қийинчилік билан дастлабки қадамлар құйилаётган шароитда, қалтис асабийлик вазиятида бир гурұх кишилар ҳамма нарсаны инкор этиб, ўз сиёсатини ҳокимият қилаётган ҳамма ишларга салбий назар билан қарааш асосиға қураётган экан, уни қандай қилиб жиғдий мухолифат деб бұлади... Ва, энг мұхими, Үзбекистондаги асабийлик вазиятини жүрттага күчайтираётган ҳамма кишиларга шундай савол бермоқчиман: бизда шу қадар қисувға олинаётган, “ранжиган мухолифат” нинг бирон-бир аниқ ҳаракат дастури ёки программаси борми, шуни айта оласизми?”

Шундай қилиб, тараққиёттинг мураккаб босқичида Президентимиз мухолифатдан иккى жиғдий фазилатни талаб қилаяпты: бириңчидан, мухолифлар ўз фаолиятини мамлакат Конституцияси қоидалари доирасида олиб боришни, беймани хатти-ҳаракатлар билан давлатдаги тинчлик, осойишталыкни бузмаслыкни, бекарорлыкни вужудға келтирмаслыкни, қон тұқилиши ва қарама-қаршилиklärарға йўл қўймаслыкни, яъни жиноят даражасида ҳаракат қилмаслыкни; иккинчидан, улардан давлат ва жамиятни олға томон ҳаракатлантирадиган, ривожлантирадиган, жамиятнинг келажагини таъминлайдиган гоялар ва дастурларни таклиф этиши.

Кўриниб турибдикি, бу талаб мутлақо қонуний ва ҳаёттый. Айнан Президентимиз, ўзини мухолифат атаган гурұхлардан фарқы үлароқ, мураккаб ўтиш даврининг машҳур бешта қоидасини жамиятга таклиф этди. Халқ бу тамойилларни қўллаб-қувватлади. Чунки бу тамойилларда, чиндан ҳам бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш даврида, ҳақиқий давлатчилик қарор топаётган пайтда давлатни оқилона бошқариш, жамият ривожини таъминлашнинг энг тўғри йўналишлари белгилаб берилган эди.

Президентимизнинг иқтисодни сиёсатдан устун қўйиб, унинг ўз қонуулари асосида табиий ривожланишини таъминлаш; мураккаб ўтиш даврида қонуний йўл билан сайланган ҳокимият, давлат бош ислоҳотчиликни ўз зиммасига олиши; бозор иқтисодига ўтишда

аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш тадбирларини куриш; жамият ҳаётида қонунларнинг устуворлиги; ниҳоят, ислоҳотларни шошқалоқликка берилмасдан, босқичма-босқич амалга оширишдан иборат бу чуқур ҳаётий ҳаракат дастури теран ҳақиқатлигини тараққиётнинг ўзи исботлади. Ривожланишнинг бу қоидалари халқаро миқёсда ҳам катта обрў қозонди. Президентимиз бундай илдизи мустаҳкам ва истиқболи порлоқ ривожланиш концепциясини ишлаб чиқканлиги учун уни энг атоқли назарийётчилар, йўлбошчилар қаторида тан ола бошладилар.

Хуллас, жамиятимизнинг янги мағкураси истиқдол руҳи ва унинг моҳиятидан озиқланиб дунёга келмоқда. Бироқ бу мағкура турлича қарашлар мұхитида, уларни танқидий ўрганиш ва энг аввало ўз Ватанимиздаги аҳволни, ўзига хос тарихий вазиятни чуқур илмий таҳдил этиш манбаида туғилаяпти.

Мустақиллигимиз мағкураси ҳаёт ривожининг табиий қонуниятларидан баҳра олиб, унинг магзи ва моҳиятини ўзида ифодалаб дунёга келаётганлиги боис, шу пайтгача мавжуд ҳар хил “буортма” мағкуралардан тубли фарқ қиласы.

* * *

Йўлбошчимиз “Тафаккур” журнали бош мұҳаррири саволларига жавобларида дикқатимизни яна бир мұаммога қаратди. “Қаердаки мағкуравий бушлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мағкура ҳукмронлик қилиши ҳам тайин”.

Демак, янги, ривожланаётган навқирон давлатимиз ва жамиятимиз ўз мағкурасини ҳосил этиши керак. Бу аввало, ўз йўлимизни қарор топтиришимиз учун зарур. Қолаверса, биз иккиланишлар билан юрар эканмиз, халқимиз, айниқса, ёш авлод онгини мустақиллик йўлига бегона, ҳатто унга зарарли бўлган чучмал, но-тайин қарашлар эгаллаб олиши мумкин. Буни эса биз ўз бошимиздан ўтказаяпмиз. Мустақил ҳаётни барпо этишнинг қийинчиликларидан довдираб, эсанкираб қолаётган кимсалар онгиди, яшириб нима қиласиз, бе-ихтиёр эски, боқимандалик даври тузук эди, ҳар қалай, ишласанг-ишламасанг, бизни давлат боқиб турувди, деган майда майший ақида ин қура бошлайапти. Ёки, мустақиллик берган эркинликдан фойдаланиб, миллый урф-одатлар, диний эътиқодларга кенг йўл очилганини ўзича тушуниб, онги паст, жаҳолатдан оёгини узолма-

ган, дин ниқобидаги айрим кимсалар ўзининг бадбин, тараққиётга зид, оқибати ижтимоий тургунлик ва қолоқдикка олиб келадиган “ислом республикаси”ни ўрнатиш ҳақидағи ҳәёлларини пана-пастқамда оммалаштиришга киришганларини ҳам күрдик.

Биз ижтимоий тараққиёт йўлидаги бундай оғишлиар, янгишишлардан ҳам жиёдий хулоса чиқариб, фикримизни тозалаб, мустақилликнинг улуг имкониятларини асраб-авайлаб, ривожлантириб боришимиз керак.

* * *

Тараққиётнинг, дарҳақиқат, ўз ички зиддиятлари, қарама-қаршиликлари бор. Шу ўринда бир масалага тұхталаілық. Собиқ шўро даврида жамият тараққиёти тушунчасига синфий-сиёсий тус берип келинди. Жамиятдан синфий душман қидирилди. Бошқача, мустақил фикрли кишилар, илгор зиёлилар шундай доктриник қарашлар асосида ҳаётдан йўқ қилинишгача етиб борилди. Тараққиётнинг йўлини ўзга фикрлиларни йўқ қилиш эвазига “таъминлашга” ҳаракат қилинди.

Сўнгги дамларда, шўро давлатининг охирги кунларидаги “давлат манфаати билан хусусий манфаат орасидаги зиддиятларни излаш” йўналишида шундай ишлар олиб борилди. Халқ орасида давлат мулкини талонтарож қилиш, ўз шахсий манфаатини давлат манфаатидан устун қўйиш, ўғирлик, пораҳурлик, “қўшиб ёзиш” шаклидаги қаллобликлар авж олганлиги тўгрисидаги фикрлар шўро давлатининг юқори раҳбар доирасида қатъийлашди. Бу ҳам, аслида, синфий курашнинг янгича товланишлари эди. Совет давлати ўз умрининг сўнгги ўн йиллигига оммавий қатагоннинг шундай усулини ўйлаб тоғди. Ўзбекистонда олиб борилган “пахта иши” тадбири бунинг кўнгилсиз бир далилидир.

Тараққиёт жараёнини, унда учрайдиган зиддиятларни синфий-сиёсий мазмунда талқин этиш гайри инсоний усул тарзида шўро ҳукуматининг ўзи билан бирга тарих саҳнасидан супуриб ташланди...

Бироқ, шуни айтиш керакки, юқорида айтилганлардан ривожланиш зиддиятларсиз ҳам юз бериши мумкин, деган хулоса келиб чиқмайди. Ҳамма гап – ҳаёт зиддиятларини талқин этишнинг мезонларидаadir.

Жумладан, мустақил ривожланиш йилларида ҳам ривожланиш текис бораётгани йўқ. Лекин биз кўриб турибмизки, бу нотекислик жамиятнинг, ҳар бир ин-

соннинг руҳиятида, онгида, воқееликка муносабатида-дир.

Ҳозирги ижтимоий тараққиёт зиддиятлари, шундай қилиб, ўткир маънавий муаммолар тарзида кўзга ташланиб турибди. Биз уни шундай тушунишимиз ва шундан келиб чиққан ҳолда, уларни ҳал қилиш йўлларини излашимиз керак. Очиги, ҳалқнинг янги ҳаёт қонуниятларини илгаб, янги давлат ва янги жамиятга интилишларни теран ақл-идрок билан тушуниб, замон тараққиёти даражасига эришуви осон бўлмаяпти.

Янги дунёқарашга эришиш, янги мафкура ҳосил қилиш имтиҳонларида ҳатто зиёли доираларнинг вакиллари ҳам аросатда қолаётганлиги кўзга ташланмоқда. Масалан, тарихий-маданий меросга муносабатни олайлик, Соҳибқирон Амир Темурнинг шахсияти ва тарихий фаолиятини янгича идрок этиш бизга осон бўлдими? Чунки уни ўн йиллар давомида инсониятнинг душманига, ёвуз ҳукмдорга, бешафқат босқинчига чиқарип келишди. Бу ақида бутун-бутун авлодлар онгини заҳарлаб келди. Шунинг оқибатида Амир Темурни миллий ифтихоримиз, марказлашган буюк давлат ижодкори, фан, маданият, тараққиёт ҳомийси тарзида қайтадан, янгитдан тушуниш қийинчиликлар, иккиланишлар жараёнида юз берди.

Амир Темур шахсияти ва тарихий фаолиятини янгича тушунища ва бобокалонимизнинг буюк қадриятини тиклашда Президентимиз дадил саъй-ҳаракат қилди. Биз бутун бу улуг юртдошимиз сиймосига қайтадан эҳтиром кўрсатаётган бўлсак, бунинг учун аввало мамлакатимиз раҳбарининг донолиги, жасоратидан миннатдор бўлишимиз керак.

Ёки жадидлар муаммосини олайлик. Аслида, бу ҳаракат намояндалари ҳалқимиз камолотининг энг заҳматкаш фидойилари эдилар. Улар ҳалқни маърифатли қилиш, ҳалқ орасида зиёлиликни кучайтириш, зарур бўлса ёш авлод вакилларини ривожланган хорижий мамлакатларда ўқитилишни янги тараққиётга эришишнинг энг тўғри йўллари деб билдилар ва шу йўлда курашдилар. Лекин шўро давлати уларни миллатчиларга чиқарди, қатл этди, сургун қилди. Жадидларни “миллатчилар” деб талқин қилиш илмий-адабий китобларда яқин-яқингача ҳукм суриб келди. Бу эски қарашни енгиги ўтишга мустақиллик йўл очди. Аммо мунозаралар, ҳатто мустақиллик йилларида ҳам кўзга ташланиб турди. Бугун жадидчилик илгор ҳаракат сифатида

оқланган экан, бу бизнинг ўзлигимизни англашда олдинга қараб қўйган катта қадамларимиздан биридир.

Шунингдек, Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпонлар тақдирини қайта идрок этиш ҳам қийинчилклар билан юзага чиқди. Ўн йиллар давомида бу улуг адиллар ижоди кескин мунозараларга сабаб бўлиб келди. Охир оқибатда уларни қайта англаш даврида биз “миллатчилик” тамгаси, аслида, миллатпарастлик эканлигини, яъни бу намояндалар ўз она ҳалқининг камолини, тараққиётини кўриш каби пок интилишлар билан фаолият кўрсатганликларини ўзимизга холоса қилдик.

Ҳозирги муҳим вазифа шуки, биз ўз онгимиз, руҳиятимиздаги қолоқликни тутатиб, мустақилликнинг илгор, мафкуравий даражасига кўтарилишга интилишимииз, ҳуқуқий-демократик давлат, фуқаролик жамияти талаблари асосида ўзимизни қайта англашимиз керак. Ахир бундай давлат ва бундай жамиятни биз ва бизнинг янги авлодлар қуради. Бизлар учун уларни кимдир осмондан тушиб қуриб бермайди.

Тараққиётнинг ана шундай талабларидан келиб чиққан ҳолда, Президентимиз ҳалқнинг маънавий камолотини — тараққиётнинг бош омили деб истиқлолнинг илк кунларидаёқ айтган эди. Мамлакатимизда ўтган йиллар мобайнида бу борада улкан тадбирлар амалга оширилди. Мамлакатни янгилашга қаратилган кенг қамровли ислоҳотларнинг туб моҳиятида ҳам ҳалқни маънавий ривожлантириш мақсади ётади.

Шунга қарамасдан, ўзлигимизни англаш йўлида биз бир қатор жиiddий маънавий муаммоларга дуч келаяпмиз. Шулардан бири — тафаккурдаги инерциядир. Унинг манбалари ҳам яқин ўтмишдаги собиқ шўро тузумидир. Масалан, бутун Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизидан кўпроги асосан қишлоқларда яшайди. Ва улар қишлоқ хўжалиги меҳнати билан банд. Нега шундай? Чунки мамлакатимиз узоқ ўн йиллар мобайнида яккаш аграр ўлкага, пахта ҳом ашёси билан шўро давлатини таъминлашга мослаштириб келинди. Қишлоқдаги ҳаёт ҳам, қишлоқ кишисининг фикри ҳам юқоридан режалаштирилган шундай турмуш тарзига кўникиб қолди. Кўп жойларда ҳозирги кунларда ҳам 50 гектар ерга эга бўлган пахтачилик бригадаларида 100 дан зиёд одам ишламоқда. Ҳолбуки, ана шу ерга ишлов бериш, етарли ҳосил олиш учун 10—12 киши кифоя қиласди. Шу туфайли мамлакатимиз раҳбари ўз маърузаларидан бирида: “Қишлоқ хўжалигига ерда банд бўлган ишловчилар

нинг 90 фоизини тадбиркорлик йўли билан бошқа соҳаларга ўтказмас эканмиз, қишлоқда ислоҳот кўнгилдагидек натижа бермайди" деди. Шуни айтиш керакки, хорижий мамлакатларда аҳолининг 60-70 фоизи бошқа хизмат кўрсатиш тармоқларида меҳнат қилади. Бизда бу рақам атиги 9 фоизни ташкил этади. Шу боисдан Президентимиз қишлоқ меҳнатида тадбиркорлик тафаккурини дадил ривожлантириш, мавжуд имкониятларни, англаб етиш ва уларни юзага чиқариш учун курашиш, меҳнат қилишга тинимсиз даъват этиб келаётпти. Яқинда Олий Мажлис қабул қилган "Ер кодекси", қишлоқ хўжалиги меҳнатини қайта ташкил қилиш тўғрисидаги яна учта қонун ҳам шунга қаратилган.

Тўғри, қишлоқда тадбиркорлик юз бераяпти. Аммо бу ҳаракат ниҳоятда суст даражада бораяпти. Нега? Чунки қишлоқ кишилари ўша эски, тургун, қотиб қолган онгни маşaққат билан ўзгартирайтилар. Тарак-қиётнинг янги талаби, янги иқтисодий тафаккур, олиб борилаётган ислоҳотлар моҳиятини етарли тушуниб ололмаятилар. Жамоа хўжаликларининг ўзида мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари очиш имкониятлари мавжуд бўлгани ҳолда ҳамон хўжаликларда етиштирилаётган бундай маҳсулотлар якка-ёлгиз давлат корхоналарига ташиб олиб бориласяпти. Бу корхоналар олдида узун кунлар навбат пойлаб туриш ҳоллари юз бераяпти. Бу эса исрофгарчиликка олиб келмоқда.

Юқорида биз тафаккур инерциясининг заарли битта фактини эсладик, холос. Аслида, бундай ҳолат ҳозирги иқтисодий онгимизнинг энг жиёдий масалаларидан биридир.

Ўзликни англаш йўлидаги яна бир иллат — ҳамои ўз қучини сақлаб келаётган боқимандалик кайфиятидир. Бунинг манбаалари ҳам яқин ўтмишга бориб тақалади. Бир амаллаб кунини ўтказиб, ишласа-ишламаса ойлик маош олиб яшаб келган одамлар янгича иқтисодиёт талабларига бардош беролмаятилар. Ташаббускорлик, изланувчан, тадбиркор, меҳнаткаш одамлар ҳаётда ўз йўлини топиш, ҳам шахсий оиласиёй фаровонлигини таъминлаш билан бирга ўз меҳнати ва тадбиркорлиги туфайли жамият ҳаётини ривожлантиришга хизмат қилмоқдалар. Шундай тадбиркорлар борки, улар чет эл сармояларидан фойдаланиб, қўшма корхоналар очмоқда. Хорижга чиқиб, тажриба ўрганиб қайтишасяпти. Бундай ижодий фикрли, меҳнаткаш одамлар

мустақиллик шароити катта имкониятлар манбай экан-
лигини амалда исбот қилмоқдалар. Аммо боқимандалик
майлидан ҳамон қутула олмаётган, эски онг, қарашлар
билин яшаётган кимсалар ҳаётда қийналиб қолаяпти.
Аён бұлалыптика, бу ерда муаммо — мустақиллиқда,
янги иқтисодий ҳаётда әмас, балки айрим одамларнинг
үзида. Улар ўзларини ўзgartаришлари керак.

Мағкура фақат шиор, қоида, йўл-йўриқнома әмас,
балки у келгуси турмуш тарзимизни белгиловчи мезон,
жамият тараққиётини ҳаракатлантирувчи омилдир.
Шунинг учун ҳам бу омилни қадрлашимиз, уни ривож-
лантиришимиз ва ҳар бир инсон маънавиятинг мул-
кига айлантириш ҳозирги куннинг долзарб вазифаси-
дир.

АҲМАДЖОН МЕЛИБОЕВ

ФИДОЙИЛАР АСРАР ВАТАННИ...

Дунё — ҳаракатдан иборат. Ҳаракат эса ҳеч қачон мақсадсиз бўлмайди. Маркес: “Вақт ўтмайди, айланади” — деганидек, дунё ҳам тинимсиз айланади, ҳаракатда бўлади. Ба, бу айланиш, ҳаракат миллиону миллиард одамларнинг орзу-умидлари, елиб-югуришлари, ният ва мақсадларидан, ютуқ ва ютқизиқларидан ташкил топади. Уйидан кўчага чиқкан, йўлга, сафарга отланган ҳар бир кишининг кичкина бўлса-да мақсади бўлади: ниманидир ўйлади, ният қиласди, бир кунлик, бир лаҳзалик бўлса-да бирор бир юмушни режалайди. Худди шунингдек, ҳар қандай жамиятнинг, давлат ё тузумнинг ҳам ўз моҳиятидан келиб чиқадиган мақсади бўлади. Шунга қараб интилади, шу йўлдан юради.

Демакки, инсон ҳеч қачон мақсадсиз, орзу-ниятсиз яшай олмайди. Жамият ҳам худди шу аснода яшайди. Мақсадсиз ҳаёт одамлар учун ҳам, жамият учун ҳам беҳуда уринишидир. Ер юзида ҳаёт пайдо бўлганидан бери инсоният фаровонлик сари интилади, ҳақиқат, адолат манзиларини излайди, йўлдан адашмаслик, беҳуда уринмаслик тадоригини кўради. Ҳаёт эса кафтдек текис сайҳонлиқдан иборат эмас. Йўлга отланган инсон олдида унинг чағир сўқмоқлари, дашту саҳролари, ҳадсиз-худудсиз уммонлари, ўтиб бўлмас тогу тошлари намоён бўлади. Бу ҳам етмаганидек, инсон ўз йўлида ўзи яратган, ўйлаб топган, ихтиро қилган муаммо-тўсиқларга ҳам дуч келади, табиат инжиқликларини енгтани ҳолда, гоҳо шу қўлбола тўсиқлар олдида лолу ҳайрон туриб қолади. Дунё дунё бўлганидан бери шу ҳол, шу манзара тақрорланаверади.

Бундоқ олиб қараганда, яшамоқлиқдан мақсад нима? Бу саволга жуда жўн жавоб қайтариш ҳам мумкин — яхши яшаш, насл қолдириш. Қийналмасдан, азобланмасдан умр кечириш, бирорвга зугум қилмаслик, бирорвнинг зугуми остида қолмаслик. Яна нима керак ўзи? Ҳеч нима! Лекин, қизиги шундаки, инсоният,

мана неча минг йилликлар ортда қолмоқдаки, шу жуда жүн, жуда оддий саволларга муқим жавоб топа олмайди. Бошига тортса оёти, оёгига тортса қулоги күриниб қолади. Ва яна, қизиги шундаки, ҳеч ким бу дунёда ҳеч бир ишни ўзича ёмон ниятда қилмайди. Бирорвнинг ҳақига хиёнат қилаётганда ҳам, бирорвнинг юртига бостириб кираётганда ҳам ўзини-ўзи ёмонотлиққа чиқармайди. Неча-неча юртларни хонавайрон қилган, талаган, кулинни күкка совурган не-не фотихлар ҳам шу ишни эзгулик йўлида халқим, миллатим учун қиляпман, деб ўйлаган.

Бундан англашиладики, дунёning мақсади, яшамоқликтинги моҳияти юқорида айтганимиздек ўта жүн саволлардан иборат эмас. Бутун мураккаблик, бутун моҳият ана шу жўнлик замирига яширинганки, одамзот уни ҳали-ҳануз англаб етмаган.

Бунга жуда ишончли далилларимиз бор. Қани айтингчи, якунланаётган XX асрда одамзот ҳаётига, дунёқарашига, туриш-турмушига таалуқли қайси муаммо узил-кесил ҳал этилди? Биз улардан қай бирларини шу асрда қолдириб, қай бирларини янги Асрга олиб ўтамиш? Шу сўнгти юз йилликда биз қайси бир иллардан, ёвузиқдан, ноҳақлиқдан бутунлай халос бўлдик? Қайси дард тамомила чекинди? Фисқу фасоднинг, ҳаром-ҳариш ишларнинг қайси бир турлари тамомила барҳам тоғди?

Бу саволларга жавоб қайтара оламизми? Фалон-фalon, дея санаб бера оламизми? Шундай дейишга чогимиз келадими? Афсуски, йўқ. Бундай дея олмаймиз. Ҳар қанча уринмайлик, ютуқларни санаб, саржинлаб, тахлаб ташламайлик, falon иллатнинг илдизини тамомила қурита олдик, дея мутлақо айта олмаймиз. Афтидан, инсоният янги Асрнинг шаффоф ҳовузларига ҳам ёш, бегубор ўрдакчалардай, шу ҳолиша ўтади чоги...

Чуқурроқ ўйлаб кўрилса, бунинг ажабланарли жойи йўқ. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, келгуси йилнинг ўрталарига бориб Ер юзида 6 миллиард киши истиқомат қила бошлайди. Бу дегани — 6 миллиард муаммо, шунча тақдир, шунча дунёқарааш ва яна шунча эҳтиёж ҳамдир. Боз устига, инсон ҳаёти, турмуш дарожаси ошгани, ўсгани сари, унинг маънавий-иқтисодий эҳтиёжлари ҳам ўсиб, ошиб боради. Янги шароит янги талабларни келтириб чиқаради. Бир хонали уйда яшा�ётган ёш оила икки-уч хонали уйни орзу қилади. Вақти соати келиб уларнинг бу орзулари ушалади, аммо орзу

деганингиз янада қаноат қоқаверади. Қанийди, уйлари түрт-беш хонали бўлса, қанийди ҳовлилари, чорбоглари бўлса, қанийди ...

Инсон ҳаётда ҳам, рўзгорда ҳам ҳамиша мукаммалликка, фаровонликка интилади. Шу мақсад йўлида тинимсиз ҳаракат қиласди, айланади. Ахир дунёнинг ўзи доимий ҳаракатда, айланишда-ку. Бунинг нимаси тушунарсиз?

Энди ўзимизга ўзимиз бир савол берайлик. Биз бугун, мустақиллик шароитида қандай яшаемиз? Бугунги турмушимиз, тирикчилигимиз саксонинчи йиллар ўрталарида турмушимиздан, тирикчилигимиздан қай жиҳатлари билан фарқланади? Қай томонга фарқланади? Нимага эришдик, нимага эришмадик?

Бу саволларга ҳеч иккиланмасдан, ҳеч қийналмасдан жавоб қайтариш мумкин. Мустақиллик бизни бир оламдан тамомила бошқа, янги бир оламга олиб ўтди. Ҳаётимизда ҳатто тасаввурга сифдириб бўлмайдиган ўзгаришлар юз берди. Яқинда ойнаи жаҳонда бир хўжалик бошлиги “Хўжалигимиз Франция билан шартнома тузиб, мевани қайта ишлайдиган завод қурдик, яқинда иш бошлайди” деди. Шундай шартномани, яъни Франциядай давлатнинг вакиллари келиб ўзбекнинг оддий деҳқони билан шартнома асосида ишлашларини бундан етти йил аввал хаёлимизга келтирганмилик? Тасаввуримизга сигармиди?

Ўзбекистон байроби Бирлашган Миллатлар Ташкилотида, Эльбрус чўққисида ҳилпираб турибди. Болаларимиз дунёнинг энг номдор олий ўқув юргларида таҳсил олмоқдалар. Тошкент аэропортидан жаҳоннинг ўттиздан ортиқ мамлакатларига бевосита қатновлар амалга оширилмоқда. Бугун Америкага, Лондонга, Парижга, Ҳиндистону Шри Ланкага бориб келиш бундан беш-олти йил аввалги бир вилоятдан иккинчи вилоятга ўтишдай гап бўлиб қолди. Ўзбек йигити фазогир бўлиб қайтди... Қай бирини айтиш лозим? Ютуқларни сана-саноғига ета олмаймиз. Лекин, ҳеч ким — на мамлакатимиз раҳбарияти, на ҳалқнинг ўзи бу билан қаноат ҳосил қилиб, олдинга қараб юришдан бир зум бўлса-да тўхтаётгани йўқ. Мақсадларимизга эришиб бўлдик деяётгани йўқ. Аксинча, янада фаровон ҳаёт, баҳтли турмуш йўлидаги саъй - ҳаракатларимиз кун ўтгани сайин, ой ўтгани сайин, йил ўтгани сайин авж олиб бормоқда. Бунинг боисини юқорида айтиб ўтдик — турмуш дараҷаси қанчалар яхшиланиб борса, маънавий-иқтисодий

эҳтиёжлар ҳам шунга мувофиқ равишда ошиб боради. Мустақилликгача бизга арzon гўшт-ёғ, фирмa билети, аҳён-аҳёнда бериб қўйиладиган раҳматнома, кўкракка тақиб қўйиладиган “социалистик мусобақа” голиби деган нишон, райком буванинг яхши назари керак эди. Бугун-чи? Бугун бизга — миллатга, юртга жаҳон кенгликлари керак. Жаҳоний эътирофлар керак. Жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин керак. Миллий гурур, миллий ифтихор керак. Асл ҳақиқат, чин тарих керак. Маънавий-ахлоқий қадриятларимиз керак. Юксак ва илгор технология, юксак ва нуфузли минбарлар керак. Бозор йўллари керак.

Булар энди бизнинг ташқи эҳтиёжларимиз. Уйда-чи, оиласда-чи? Келинг, биз санаб ўтирумайлик, ўзингиз айтинг. Бугун ўғил-қизингиз, набираларингиз нималарни исташади, нималарга интилишади? Шулар тўгрисида бир мулоҳаза қиласли.

Инсон ҳамиша шундай яшайди. Унинг ёзуги шундай. Ҳали ҳеч ким, ҳатто олтин тогларига эга бўлганлар ҳам “бўлди энди” деган эмас, орзу-умиддан тўхтаган эмас. Инсон деганлари шундай мўъжиза, шундай синоат.

Янги аср бошида бу ҳақда ўйлаб кўриш жуда зарур. Президентимизнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳди, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китобида, “Тафаккур” журнали муҳаррири саволларига жавобларида, вилоятлардаги учрашувларида бир фикр, бир гоя ўқ илдиз бўлиб ўтади — бу эл-юрт камоли, фаровонлиги, тинчлиги, хотиржамлиги, эртанги кунимизга бўлган ишончни мустаҳкамлаш ташвиши. Ислом Каримов юртнинг, миллатнинг йўлбошчиси сифатида дунё қай томонга қараб юз бурмоқда, янги асрда бу ўзгараётган, такомиллашаётган, мураккаблашаётган дунёда бизнинг ўрнимиз қандай бўлади, ҳалқимиз, миллатимиз орзулаётган манзилларга тезроқ этиш учун қай йўллардан юргомимиз керак, қай тамоилиларга амал қилмогимиз керак, деган саволларга жавоб ахтаради. Бугунги кундалик, ўткинчи муаммолар билан бирга эртанинг, индиннинг ундан кейинги даврларнинг муаммолари тўгрисида фикр қиласли.

Одам гоҳо ўзини овутиши ҳам мумкин. Бугунча тинчман-ку, бугунча мени ҳеч ким безовта қилаёттани йўқ-ку, отамдан қолган уйим ҳозирча яраб турибди-ку, бугунча ёрдам кўрсатиб туришибди-ку, оч қолаёттаним йўқ-ку деб. Шундай раҳбарлар, шундай сиёсалар ҳам

бор, йўқ эмас. Аммо Ислом Каримовнинг сиёсий йўли, иқтисодий фалсафаси бутунлай ўзгача — қураётган иморатларимиз, яратадиган боғларимиз бир кунга, бир йилга эмас, неча юз йилликларга, ҳалқимизнинг нечанеча авлодларига хизмат қиласин! Биздан вақтингчалик ютуқлар, ўткинчи ислоҳотлар эмас, чинакам озод ва обод Ватан қолсин. Отаси ҳам, боласи ҳам, набираси ҳам уй қуриш билан банд бўлишмасин. Бир авлод қурган кенг ва ёргуғ уйда унинг болалари, набиралари, эвара-чеваралари яйраб-яшнаб ҳаёт кечирсинлар, қурилишга сарфлайдиган вақтларини бошқа эзгу мақсадларга — илмга, изланишга сарфласинлар. Шўролар даврининг мафкура ботқоқларига ботиб кетган ота-боболари етмаган орзуладарга етсинлар, улар чиқмаган чўққилярни забт этсинлар.

Янги XXI асрга қадам қўйишга чогланаётган мустақил Ўзбекистоннинг улуг ва айни пайтда оддий орзуладар шундай.

* * *

Бугунги куннинг биз идрок этаётган муҳим хусусияти — унинг ўзгарувчанлиги, янгиланаётгани ва шу билан боғлиқ воқеалар шиддатидир. Ҳар он, ҳар дақиқада узоқ йиллар давомида оқу қора номи билан иккига бўлинган, шу аснода шууримизга сингдирилган, эндиликда эса умуминсоний тамойиллар, умумбашарий қадриятлар асосида бир-бирига яқинлашаётган, яхлитлик касб этаётган дунёда тарихий, оламшумул воқеа-ҳодисалар юз бермоқда. Ҳали ҳеч қачон айтилмаган, идрок этилмаган ҳақиқатлар очилиб, ҳалқ, миллат ўзлигини англамоқда, собиқ империянинг сохта тамойиллари, гайриинсоний мафкураси исканжасидан озод бўлмоқда. Зўрлик ва зулм пойдеворига тикланган империялар парчаланиб, сиёсий ва мафкуравий манфаатлар йўлида бўлаклаб ташланган давлатлар, миллатлар бирлашмоқда.

Ўзгараётган, қайта қарор топаётган дунё олдида, эҳтимол, мана шундай шиддатга дош бериш, бу ўзгаришларнинг иқтисодий ва маънавий тўлгоқлари силсиласидан қурбонларсиз ўта олиш имтиҳони турар. Лекин, нима бўлганда ҳам, узоқ йиллар давомида аввалдан маълумлаб қўйилган йўналишлар қобигида яшаб келган, аввалдан чизиб қўйилган чизиқлардан чиқа олмаган, мустақил фикри, ҳурлик истаги жиловлаб ташланган — кечаги кун одами учун бугун дунё миқёсида кечаётган тарихий оламшумул ўзгаришларни ҳазм қи-

лиш осон эмас. Чунки биз ҳозир оддий арифметикадан математикага, унида ўзлаштириб, сўнг олий математикага кўчган ўқувчиларга ўхшаймиз. Шу боис ҳамки, бугун дунёда жавоблардан кўра саволлар, ечимлардан кўра жумбоқлар кўпроқ. Нега? Нима учун? — ҳаётнинг ўзи сўроқ аломатлари билан тўлиб-тошгандай...

Ҳамма нарса қиёсий таҳлилда ойдинлашади, деган гап бор. Қисқа вақт ичида жаҳон ҳамжамияти сафларидан муносаб ўрин олган, дунёниги ўзига қаратадан Узбекистонда кечеётган бугунги ижтимоий-сиёсий жараёнлар тўгрисида сўзламоқдан аввал, ён-атрофимизга бир назар ташлайлик.

Россия ўз бошидан гоят мураккаб ва оғир жараёнларни кечирмоқда. Маошларини неча ойлаб ололмаёттан шахтёrlар, ўқитувчилар, тибиёт ходимлари, олимлар бирин-кетин сиёсий забастовкалар уюштириб, ҳукумат томонидан ўтказилаётган иқтисодий сиёсат асосларига нисбатан кескин норозилик билдиришмоқда. Мамлакат жиноятчилик ботқогига ботиб кетгандай. Рус матбуоти деярли ҳар куни буюртма қотилликларнинг турфа хиллари тўгрисида бетўхтов ёзди. Қашшоқлар бир амаллаб кун ўтказиш илинжида юришган бир пайтда, “янги руслар” номини олган бойваччалар шоҳона ҳаёт кечириш баҳсида дунёнинг энг номдор мулкдорларини ҳам ортда қолдирмоқдалар. Рус қамоқхоналаридан бирида... гўзаллар конкурси бўлиб ўтган. Кино ижодкорлар “Курочка-ряба”, “Окно в Париж” деб номланган фильмлар яратиб, бугунги Россиянинг номақбул маънавий-ахлоқий қиёфасини бадиий бўёқларда гоят таъсирчан қилиб кўрсатиб беришди. Шу фильмларнинг бирида ахлоқи бузуқ, шахсий манфаат йўлида ҳеч нарсадан тоймайдиган бир гуруҳ кишилар эски иморатнинг суваб ташланган деразасини очиб, бир сакраб ... гўзал Парижга бориб қолишидай... ва у ерда ҳам ўзларини “кўрсатишидай”.

Шуларни ўйлар экансан, кенг жаҳон жамоатчилигининг “Россияда нималар бўляпти ўзи, умумбашарий маънавият оламининг не-не алломаларига бешик бўлган, улуг даҳоларни вояга етказган рус тупроғида кечеётган бу чигал ва тушунарсиз воқеаларнинг сирсиноати нимада?” деган саволига беихтиёр қўшилиб кетасан. Таниқли иқтисодчи олим Г.Лисичкин “Труд” газетасида эълон қилган мақоласида шундай ёзди: “Россиянинг касали нимада? Касаллик ташхисини иқтисоддан эмас, маънавиятдан қидириш керак. Россия

энг аввало, руҳан бемордир. Инсоннинг ўзи ўзгармас экан, ҳар қандай номақбул, бадном системани янгилаш ёки ағдариб ташлаш билан ҳам мақсадга эришиб бўлмайди!“

Жуда аниқ ва ўткір жавоб. Янгича шароит янгича тафаккурни, ўзликни англаш билан боғлиқ янги эътирофларни ҳам талаб этади. Михаил Горбачев бошлиаган қайта қуриш сиёсати, аслида, керак сиёсат эди. Аммо уни инсон қалбидан, маънавиятидан, кирланиб кетган дилларни поклашдан эмас, умри аллақачон тугаб бўлган тузумни, сохта мафкурани таъмирашдан бошлидилар.

Демак, бундан англашиладиган хулоса шуки, қайта қуриш руҳидаги жамики тадбирларнинг мақсади бевосита инсон маънавиятига қаратилмоги керак. Ўзликни танқидий идрок этиш, бу кўхна дунё жуда кўп, жуда ҳам кўп миллату эзатлардан ташкил топганлигини, уларнинг ҳаммаси ва ҳар бири ҳам сен каби яшашга, фикрлашга, курашишга, ўтмиш аждодлари билан гурурланишишга, ўзига мақбул турмуш тарзини белгилашга, ўз меҳнати неъматларидан баҳраманд бўлишга, қисқаси, ўзлигини намоён қилишга ҳақди эканлигини тан олиш пайти келди. Бир вақтлар Ленин, коммунизм қурилиши манфаатларига мос келмайдиган нарсаларнинг ҳаммаси биз учун ётдир, ахлоқимиз учун бегонадир, деган эди. Болшевиклар мана шу машъум ақидага сўнгги соатларгача амал қилиб келдилар. Энди шароит ўзгарди, инсоният тараққиёти равон йўлга чиқди. Бас, шундай экан, Г.Лисичкин айтиб ўтганидек, энди болшевикларга хос фикрлашишдан тийимоқ керак. Бу дунёда биз ҳали тан олмаган, биз ҳали англаб етмаган ҳақиқатлар жуда ҳам кўп.

Ишонч — улуг ва мўътабар туйгу. У осмондан лоп этиб тушадиган ёки енгил эришиладиган инъом ҳам эмас. Қаровсиз уйнинг афсонавий деразасидан бир сакраб ... тўппа-тўғри фаровон Парижга бориб қолиш бадиий тафаккурга хос гўзал тўқима бўлгани каби, кечаги куннинг инкор этилган сохта ҳақиқатлари, собиқ империянинг учқур ракеталари қаноти остида қозонилган “ишонч”га бугун ҳам кўз тикиб ўтириш — беҳуда хаёлдир.

Ҳар бир киши, ҳар бир давлат, ҳар бир миллат ўз ишончини ўзи яратади. Ишонч — лафз ва субут, сўз ва иш бирлиги, ҳалоллик, поклик,adolatлилик ва яна қанча шу каби фазилатлар мевасидир.

Рус халқининг буюк зиёли фарзандлари миллат эр-

тасини айни мана шу фазилатлар амалида кўрган эдилар, шунинг учун курашган, жон фидо қилишган эди. Чунки, ишончсизлик ҳамма нарсани беаёв емиради. Ишонч ҳар бир кишининг, ҳар бир жамоанинг, ҳар бир давлатнинг лафзида, амалларида, жорий этилган тартиб-интизомларида, қонун-қоидаларида бўлмоги керак. Америка Қўшма Штатлари ва бошқа қатор Фарб давлатлари иқтисодий ҳаётига оид бир таомил бор. Ҳатто оғзаки келишилган, аҳдлашилган шартномаларга ҳам қатъий амал қилиш керак. Бу қоидани атиги бир бор бузган, сўзида турмаган, ваъдасини бажармаган кишига, компанияга нисбатан ишонч сусайди.

Юртбошимиз Ислом Каримов Давос кенгашидан қайтиб келаётib, анъанавий телемулоқот чоги жаҳонда Ўзбекистонга нисбатан ишонч тобора ошиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шу боис ҳам йирик сармоядорлар, савдо-сотиқ доираларининг вакиллари, йирик банк эгалари юртимизга пешма-пеш ташриф буюришмоқда. Улар мустақил Ўзбекистон танлаган йўлнинг туб моҳиятини, Асосий Қонунимизнинг инсон-парварлик руҳини, иқтисодий тараққиёт борасидаги беш тамойил мазмунини чуқур англаган ҳолда биз билан мулоқотта киришмоқдалар, ҳамкорлик қилмоқдалар. Жаҳондаги энг йирик давлатлар раҳбарларининг юртимизга ташрифи, ўз юртларида Ўзбекистон раҳбарини алоҳида иззат-икром билан кутиб олаётганлари, бизда наинки эҳтиёж, айни пайтда ўрганишга арзирли тажрибалар ҳам борлигини баралла эътироф этмоқдалар.

Ўзбекистон жаҳонга ишонч билан чиқмоқда. Бундан фахрлана билайлик. Ва яна шуни билайликки, бугун сизу бизга мана шу катта ишонч орқали миллат ва Ватан тақдирни топширилган экан, ҳар биримиздан шунга яраша иш, шунга яраша садоқат, шунга яраша фидойилик талаб этилади.

Аср адогида жаҳон харитасида янгидан пайдо бўлган ёш, суврен давлатларнинг, жумладан, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни, нуфузи, мустақил давлатимизнинг шакл-шамойили келажакда қандай бўлади? Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тараққиётимизнинг бош йўналишлари, миллий мафкура қай тамойилларга асосланади? Ва яна, бугун наинки бир мамлакат, бир минтақа доирасидагина эмас, бутун Ер юзида жиiddий ўзгаришлар содир бўлаётган ва бу ўзгаришлар натижасида дунёда тамомила янгича вазият,

кучларнинг янги нисбати юзага келаётган экан, барқарорликни сақлаб қолиш, мустақиллик манфаатларини ҳимоя қилиш учун нималар қилиш лозим?

Миллат ва давлат тақдири масъулиятини ўз зиммасига олган реалист раҳбарлар ўз фаолиятида даврнинг шу каби ўткир, муаммоли саволларига жавоб излайдилар. Кечаги кун натижаларини таҳдил қилиш, бугун ва эртанинг вазифаларини белгилаш билан бир қаторда мамлакатнинг неча ўн йилликлардан кейинги ҳаёти, тақдири тўғрисида ҳам фикр юритадилар. Зеро, улар ҳалқ ҳаётининг чин мазмуни, чин даражасини ўтиш даврига хос қийинчиликлар ёхуд шу даврга таалуқли мавсумий муваффақиятлар эмас, ҳаёт синовларидан, жаҳоний муҳокамалардан утган ижтимоий-маънавий тамойиллар, аниқ мақсадларга элтувчи илмий-амалий гоялар белгилашини аниқ тасаввур этадилар.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг “Узбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китобига фақат Ўзбекистонда эмас, дунё миқёсида ҳам катта қизиқиши мавжудлигининг боиси шундаки, мазкур асарда муаллиф мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, жаҳонда кечаётган бугунги мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси сифатида юқоридаги саволларга асосли жавоб қайтаради. Давлатимиз раҳбари, миллатимиз йўлбошчиси сифатида дунёвий воқеа-ҳодисаларга нисбатан ўзининг илмий-фалсафий қарашларини баён этади. “Суворен давлатнинг ҳар бир раҳбари, ҳар бир етакчиси, — деб ёзади Ислом Каримов,— оддий кишилар ишонч билдириб унинг зиммасига юклаган жуда катта бурч ва масъулиятни теран англаб, ўй-хаёлини ҳамиша тинчлик, осойишталикни сақлаш, авайлаш ва мустаҳкамлашга қаратмоғи керак. Ушбу мураккаб, воқеаларга бой йилларда пойdevорини қўйишига муваффақ бўлинган янги уйни қуриш ва обод қилиш учун ўрнимизга келадиган авлод олдидағи масъулиятимизни бир дақиқа бўлсин, унтишга ҳаққимиз йўқ”.

Мустақил Ўзбекистоннинг кейинги 7 йил ичida бошиб ўтган йўли, эришган муваффақиятлари бугуннинг ўзидаёқ инсоний тараққиёт тарихини марварид шодалариdek безаб турибди. Мустақиллик тамойиллари, биз танлаган йўл, ички ва ташқи сиёсатимиз жаҳоний минбарларда расман эътироф этилди. Ҳамкорлик алоқалари кенг йўлга қўйилиб, биз ўз салоҳиятимизни

янада тұла намоён этиш имконияти ва эркига эга бўлдик. Мана шу эришган эрк — ўзликни англаш ва намоён этиш имконияти, миллий-маънавий қадриятларнинг тикланиши, фикр уйғоқлиги, ижтимоий фаоллигимиз — етти йил ичида қўлга киритилган оламшумул галабамиздир. Буни жуда теран англамоқ даркор.

Мустақилликни ёлғиз биз эмас, ён-атрофимиздаги қўшнилар ҳам деярли бир вақтнинг ўзида қўлга киритдилар. Собиқ империядан собиқ иттифоқдош республикаларга деярли бир хил — нотавон ва мажруҳ мерос қолди. Айни пайтда тарихнинг ўзи беистисно уларнинг ҳар бирига ўз тараққиёт йўлини белгилаб олиш, мустақил давлатини янгидан барпо этиш имконини берди. Буни бир вақтлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан исроилликлар ва фаластиналларга ўз суверен давлатларини ташкил этиш имконияти бир вақтнинг ўзида берилганлиги билан қиёслаш мумкин. Яқин Шарқдаги узоқ йиллик можароли тарих ва, биздаги салкам етти йиллик вақт бугун шуни кўрсатиб турибиди, бундай имкониятдан ҳар ким ўзича, ўз ҳолича фойдаланди ва табиийки, турли натижаларга эришди. Бу борада бугун Ўзбекистон Марказий Осиёда пешқадам бўлиб тургани ҳеч кимга сир эмас. Ўзбекистон ўзининг бой табиий имкониятлари билангина эмас, Ислом Каримов ёзганидек, мамлакатимиз “гоят улкан ақд — заковат, маънавий ва маданий имкониятларга эга эканлиги, буларнинг барчаси дунёда янги иқтисодий-сиёсий тартиб шаклланиб бораётган бир шароитда гоят муҳим аҳамият касб этаётгани билан ҳам характерланади. Негаки, бугун сайёрамизнинг кўпгина минтақаларида кучлар нисбати қай томонга огиши кўп жиҳатдан Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатлар танлаётган йўлга bogliq bўlib қолди”.

Ислом Каримов ўз китобида бугун Марказий Осиё зиммасига юкланаётган бениҳоя мураккаб масъулиятни, бу минтақанинг дунё ҳаритаси ва сиёсатидаги тамомила янги ўрни ва салмоғини чуқур фалсафий мушоҳадалари орқали очиб беради. Ҳа, бу минтақа бугун сиёсий, иқтисодий, тиббий, ҳарбий, табиат экологиясига оид муаммолари билан ёнма-ён яшамоқда. Аммо шу нарса ҳам аниқки, муаммоларнинг нечогли ўткирлигига қарамай, минтақада жўғрофий-сиёсий мувозанатнинг барқарорлиги дунё миқёсида ялпи тинчлик ва барқарорликка бевосита тааллуқли эканлиги ҳам ошкора кўриниб турибди. Бунга қўшимча, бу қадим

минтақа жағоннинг не-не номдор давлатларининг бир-бирига мос келмайдиган манфаатлари түқнашадиган, ногаңонда бақамти келиб қоладиган ноёб географик макон ҳамдир. “Аслида, — деб уқтиради Ислом Каримов, — шаклланиб келаётган, лекин жуда күч-қудратли, XXI асрнинг қиёфасини шубҳасиз белгилаб берадиган бу күч марказлари ана шу минтақада (яъни Марказий Осиёда-муаллиф) ўз манфаатларини излайди. Евроосиё марказлари туташган ерда жойлашган бизнинг ҳудуди-миздан, бутун минтақа ҳудудидан Ислом дунёсининг Туркия, Покистон, Эрон ва Саудия Арабистони каби қудратли мамлакатлари ҳам, юқоридаги кучлар каби, ўз манфаатларини излайди”.

Бу равшан мулоҳазалардан шу нарса англашиладики, мустақил Ўзбекистонга бўлган қизиқиш бугун турлича мақсад — манфаатларга эга. Улар ичида бизга дўстона ёрдам қўлини чўзиш, ўтиш даврининг мураккаб чорраҳаларида қўллаб юбориш, тажрибаларимизни ўрганиш каби холис ниятлар билан бирга, гоҳо шахсий манфаатлар устивор келадиган, либослари бежирим, аммо мазмунан номақбул “қизиқиш”лар ҳам мавжудлигини унутмаслигимиз керак.

Бундай ноўрин “қизиқиш”ларнинг ичида Ислом дини никобига ўралган қалтис ҳатти-ҳаракатлар ҳам мавжуд ва бунга эътиборсиз қараб бўлмайди. Китобда бу масала гоят теран таҳлил этилган. Динимизнинг гуманистик асослари, маънавий-ахлоқий моҳияти аниқ-равшан кўрсатиб ўтилган: “Дин одамларда ишонч ҳиссини мустаҳкамлаган. Уларни поклаб, юқсалтирган. Ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтишларида күч багишилган. Умуминсоний ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш ва авлоддан авлодга етказиша ёрдам бериб келган...” Лекин, муаллифнинг уқдиришича, инсоният тарихида диний онгнинг ажралмас қисми бўлган одамлардаги эътиқоддан фақат бунёдкор күч сифатида эмас, балки вайрон қилувчи күч, ҳатто фанатизм (ўта кетган мутассиблик) сифатида фойдаланилганлигини кўрсатувчи мисоллар кўп...

Баъзи диний “мутахассислар” диний фанатизмни исломдаги табиий уйгониш даври дея баҳолайдилар. Уларнинг фикрича, мутаассибларнинг ҳеч қанақа хавфли жойи йўқ эмиш. Ислом Каримов бу борадаги ўз кузатувлари, мустақиллик бошидаги воқеа-ҳодисалар таҳлили асосида масалага илмий-фалсафий ойдинлик

киритади: “Диний фанатизмнинг “отилиб чиқишига” соғ диний зиддиятлардан кўра кўпроқ ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий муаммоларнинг ҳал қилинмаганлиги сабаб бўлади. Аслини олганда, айни шу муаммолар бошқача фанатизмни, дейлик, боловистик, миллатчилик руҳидаги фанатизмни келтириб чиқаради...”

Бу ўткир фалсафий холосанинг нақадар ҳаётий эканлигини қўшни Тожикистонда, хусусан ўзимизда — Намангандаги содир бўлган воқеалар яққол кўрсатди. Мафкура борасидаги бўшлиқ, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий муаммоларнинг тўла ҳал этилмаганлиги, ёшлар билан ишлашда, уларнинг турли хил ҳаётий эҳтиёжларини қондиришда хатоларга йўл қўйилганлиги оқибатида бир гурух ўсмирлар ваҳҳобийлик оқими даъватчиларининг таъсирига тушиб қолдилар. Даъватчиларнинг асл мақсадларини тўгри англамай, оғир жиёнят ўйларига кириб кетишганини билмай ҳам қолишиди. Ўз таъсиrlарини ўтказиш жуда осон кечайдиганини ҳис этган нобакор “устозлар” кейинчалик ўзларининг разил мақсадларини яшириб ҳам ўтирмай, шогирдларини одам ўлдириш, мол-мулкини талаш, босқинчлилик қилиш каби қабиҳ ишларга ҳам бемалол даъват эта бошладилар.

Халқ бундай разил “раҳнамо”ларнинг кирдикорларини кескин қоралади. Жиноятчилар ўз қилинчларига яраша жазо олдилар. Бу йўлга ёшлиқ қилиб кириб қолганлар тавба-тазарру қилишди. Ёшлар тарбиясига беписандлик билан қараган мутасаддиларнинг “сен менга тегма, мен сенга” қабилидаги “фаолият”ларига ҳам баҳо берилди. Аммо, бу билан ҳаммаси жойига тушди, энди хотиржам бўлсак ҳам бўлаверади, дейишга эрта. Фанатизм шундай иллатки, урчиши учун қаерда имконият тугилса, ўша ёққа бош суқаверади.

Ҳозирги кунимизнинг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, XX аср адогига келиб, инсоният ҳаёти, жаҳоннинг турли бурчакларида истиқомат қилаётган халқлар, элатларнинг тақдирни ўзаро бирлашиб кетди. Дунёвий янгиланиш, коммунистик гоянинг барҳам топиши, янги руҳий-маънавий ҳолат натижаси ўлароқ, бугун ер юзида шундай вазият юзага келдики, эндиликда яшамоқлик ва яшаб қолмоқликка даҳлдор муаммоларни ҳар ким ўз ҳолича ҳал этиши мумкин эмас. Бу гап жамики халқларга, миллату элатларга, қитъяю минтақаларга ҳам тааллуқли. Ён мамлакатда, ён қитъяда нотинчлик экан, демак, сен ҳам нотинчсан, қўш-

нингда ҳаловат йўқ экан, демак, сенинг ҳам ҳаловатинг йўқ.

Юртбошимиз Ислом Каримов асарлари, нутқ ва маърузалари билан чуқур танишган киши, Ўзбекистон раҳбарияти ўз фаолиятида масаланинг айни шу томонига катта эътибор билан қараётганига ишонч ҳосил қиласди. Президент фақат Ўзбекистонда эмас, қўшни жумҳуриятларда, Марказий Осиё деб ном олган бутун минтақада тинчлик, хотиржамлик бўлишини, ҳалқ ман-фаатларига мос келадиган иқтисодий, маданий ва бошқа ҳамкорлик алоқалари кенг йўлга қўйилишини, ҳамма учун даҳлдор муаммолар биргаликда, бамаслаҳат ҳал этилишини истайди. Яқин қўшниларимиз Афғонистон ва Тожикистонда кечачётган қонли можаролар ўз ҳолига ташлаб қўйилса янада хатарли тус олишидан огоҳ этиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳбариятига, нуфузли ҳалқаро ташкилотларга мурожаат қиласди, муаммоларни ҳал этишнинг амалий чораларини таклиф этади. Зоро, бугун “менинг уйим тинч, бошқа билан ишим йўқ” қабилидаги сиёсат ўта калта ва хато сиёсатdir.

Биргаликда ва бирлашиб ҳаракат қилишнинг яна бир муҳим зарурати шундаки, биз истиқомат қилаётган бу қадим тупроқ, шу улуғ минтақа дунё тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолди.

Шу жиҳатдан қараганда, аср адогида юзага келган янги тарихий-иктисодий, маънавий-сиёсий шароит инсон ҳаётининг деярли барча соҳалари олдига, жумладан адабиёт ва санъат соҳасига ҳам янги вазифаларни қўйди. Буни машҳур қиргиз адаби Чингиз Айтматов шундай ифодалайди: “Биз, адабиётчилар, янги тарихий шароитда тамомила янги муаммоларга дуч келдик. Ҳаёт, одамларнинг турмуш тарзи, ўй-фикрлари мутлақо ўзгариб кетди. Ҳозир биргина Ўзбекистонда ёки Қиргизистонда эмас, бутун минтақада, бутун дунёда ўзига хос тозариш жараёни бораётир. Ўзликни англаш, ўзликка қайтиш фасли кечачётир. Бундай шароитда адабиёт ўзгармай қолиши мумкинми? Ҳамон эскича ёзиш, кечаги кун ютуқлари билан қаноатланиб ўтириш мумкинми? Мумкин эмас. Адабиёт энди чинакамига маънавият хизматкори бўлмоги даркор. Биз учун улкан тарихий шароит, айтиш мумкинки, тарихий имконият вужудга келди. Зиёлининг сўзи тараққиётга, эзгуликка, маънавий бирлашишга хизмат қилсин. Зиёли камчиликларни, нуқсонларни нуқул кўрсатавериш, санайвем

риш билан машғул бўлиб қолмасин. Бу билан обрў топиб бўлмайди. Сўзимиз ва асарларимиз умуминсоний манфаатларга хизмат қилмаса, одамлар қалбида эзгу туйгулар уйгота олмаса, турли иллатларнинг урчиб кетиши олдини олмаса, бундай сўздан, асардан манфаат йўқ. Буни чуқур англашимиз керак. Шу йўлда бирлашишимиз керак. Дунёга бирлашибгина чиқиш мумкин. Ҳамма нарсани кўрган, ҳамма нарсани ўз бошидан кечирган донишманд дунёни бирлашибгина ҳайратта солиш мумкин. Акс ҳолда, бутунгида ҳар ким ўз ётига ўз ҳолича қовурилиб юраверса, бир-биришимизга яқинлашмасак, улуғ ажоддодларимиз васиятларига амал қилмасак бир-биришимиздан узоқлашиб кетамиз, борабора бир-биришимизни тамомила йўқотамиз, бир-биришимизни танимай қоламиз, бир-биришимизга ҳадик кўзи билан қарайдиган бўламиз. Бу жуда катта фожиа бўлади”.

Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан бошланган “Туркистон — умумий уйимиз” жамоатчилик ҳаракати мана шу мақсадларга хизмат қиласидиган энг ёрқин ва амалий қадамлардан бири бўлди. Маънавий бирлашишни нияти ҳалқнинг дил тўрида турган экан, кўп ўтмай бу ташабbus чинакам ҳалқ ҳаракатига айланди. Олмата ва Бишкек шаҳарларида ёзувчилар, санъаткорлар, рассомлар, кино арбоблари билан ўтказилган суҳбатлар чорги ҳамманинг фикри бир жойдан чиқди — бирлашиб керак, ижодий мулоқотларни, учрашувларни, адабиёт ва санъат байрамларини, маданият кунларини давом эттириш керак. Бусиз ўтиш давридан талофатсиз ўтиб бўлмайди. Бозор муносабатлари муаммоларини енгиб бўлмайди.

Чингиз ога “бу кетища бир-биришимиздан узоқлашиб кетамиз” деб бежиз айтмаган экан. Марказий Осиё ҳалқлари маданият арбобларининг биринчи қурултойи буни яққол кўрсатди. Қарашлар, илмий мушоҳадалар, яқин ўтмиш воқеа-ҳодисаларига баҳо беришда жиддий айричиликлар бор. Баъзи олимлар ҳаммамиз учун бирдек даҳдор умумий вазифалар, муаммолар масъулиятини ортиқча ҳис-ҳаяжонлар билан қориштириб юборадилар. Мазмун — моҳиятдан кўра шакл-шамойилни устун қўядилар. Ёдингизда бўлса, тарихчи олимлар мустақиллиқдан сўнг юртимиз тарихини яратиш, чин тарих ҳақида янги дарсликлар ёзиш устида кўп бош қотирдилар. Аммо, асосий баҳс бўлажак тарих китобларининг бош концепцияси тўгрисида эмас, ... уларнинг қандай номланиши тўгрисида кетди.

Чингиз Айтматовнинг қурултойдаги дастурий нутқи маданият арбоблари олдида турган бош вазифалар моҳиятини равшан белгилаб берди: “Биз ҳозир тарихнинг гоят мураккаб имтиҳони олдида турибмиз. Тақдир бизга қийин эволюцияни тақлиф этмоқда, адабиёт, санъат, илм-фан орқали биз бугунги куннинг сўроқларига жавоб топа олишимиз, эҳтиёжларини қондира билишимиз зарур. Бунда энг аввало ўз кучимизга, ўз имкониятларимизга таянишимиз, жамики ўзига хосликлари, бетакрор мазмунини сақлаган ҳолда, миллий маданиятларни кенг маънода ривожлантиришимиз зарур бўлади ... Хўш, биз ҳаммамиз ва ҳар биримиз алоҳида-aloҳида, нима қилишимиз мумкин? Тарихнинг, маданиятнинг янги ўлчов-мезонлари шароитида бизлар ижодкор сифатида қола оламизми?

Табиийки, бундай саволларга жавоб бўла оладиган тайёр андоза йўқ. Муҳими, биз миллий қадриятларни, умуман, маданиятларимизни ривожлантиришда бутунги тарихий ва ижтимоий реаллиқдан келиб чиқишимиз зарур бўлади. Инсоният ҳаёти ва тараққиётининг барча даврларига даҳлдор умуммаданиятнинг бош вазифаси — бу маънавият эканлигини унутмайлик... Бизга ҳақиқий санъат асарлари, ҳақиқий китоблар, фильмлар зарур. Яна шуни айтмоқчиманки, маданиятнинг ўрнини ҳеч нарса қоплай олмайди. Маданиятга, маънавиятга бефарқлик инсон тафаккури ривожи йўлини тусади, тафаккурни сусайтиради, маънавий қашшоқланишга олиб келади...”

Чингиз оға маърузасини тинглар эканман, унинг “Жаҳаннам узра қаргалар фарёди” мақоласидаги қуйидаги сатрлар ёдимга тушади: “Биз тарихни қанчалар ўзимизга маъқул томонга буришга уринмайлик, у ҳеч қачон аслидагидан бошқача бўлиб қолмайди. Биз ўзимиз яшаётган, ота-боболаримиз яшаган, келажак авлодларимиз яшайдиган бу мұтабар заминни қай ном билан атамайлик, моҳият ўзгариб қолмайди — у бизнинг, сизнинг, ҳаммамизнинг ота маконимиз, киндик қонимиз тўкилган жой. Шуни унугмасак бўлгани”.

Чингиз Айтматов Ўш ва Ўзганда икки туркий қавм бошига мусибат оғатдай ёғилган бир пайтда нифоқлашаётган томонларни яраттириш мақсадида Одил Ёқубов, Пиримқул Қодировлар билан бирга икки эл ўртасига тушиб, ута қийин, ута оғир мастьулиятни зиммасига олган эди. “Миллий низолар шуниси билан қўрқинчилики, — деб ёзган эди ўшанда Ч.Айтматов, —

ҳар бир тараф одамлар бошдан кечираёттан азоб-үқубатларни фақат миллий белгига кўра, ўз йўқотишилари ва даъволарига кўра қабул қиласди. Шу билан бирга кўр-кўронга ўч олиш истаги ўз-ўзидан жўш уради, бу бениҳоя даҳшатли бир юқумли қасаллик — нафрат вабосини урчитади. Нафрат вабо каби урчигандан сўнг худди тогдан тушган сел оқими каби бир зумда асрлар давомида шаклланган ақл-идрокни босиб-янчиб, суриб кетади. Халқнинг фожиаси ана шунда. Шунда қасос олишга интилган тарафлар ўртасига тушган ҳар ким улар учун ҳам, булар учун ҳам душманга чиқади. Яраширувчининг фожиаси шунда”.

Айтматов, гарчи шундай деган, шу сатрларни ёзган бўлса-да, адаб дўстлари билан бирга катта гражданлик жасорати билан ўртадаги низо урчиб кетмаслигига ўз ҳиссасини қўйди. Энг оғир пайтда “биз... китобларимиз саҳифаларида одамийлик уругини экишга ҳаракат қилдик, аммо ҳаёт бизни қонли ўримга дучор қилди” дея тан олди. Ҳаёт китобларидағидан кўра мураккаб эканлигини эътироф этди.

Чингиз Айтматов ўз асарларида, хусусан публицистик мақолаларида дунёнинг бугунги ҳолатига, инсон ҳаётининг янги асрдаги манзараларига чуқур эътибор беради, ўқувчи эътиборини айни шу масалаларга қаратади.

“Адабиётда бизнинг ортимиздан истеъодди, янгича фикрлай оладиган ёшлар келмоқда. — дейди у ишонч билан. — Менинг қадим Туркистоннинг дунёга айтадиган ўз сўзи бўлсин. Ўз уйимизда ўралашиб юравермайлик, дунёга чиқайлик, ўрни келса уни ҳайратга солайлик, деган гапларимни ёш издошларимиз қандай қабул қилишаркин? Устозларга эргашиш, улар йўлидан бориши — яхши нарса. Аммо эргашишда ҳам эргашиш бор. Сиз, ёшлар, биздан ўзиб кетишларингиз керак. Биздан кўра яхши, сифатли ёзишингиз керак. Кекса адиллар эгаллай олмаган чўққиларни забт этиш имконияти сизларга берилган. Ўз вақтида бизнинг авлод анча эҳтиёткорлик қилган, асаримга қандай сюжет, қандай конфликт топсан экан, деб бошини кўп қотирган. Бугун бўлса, қаёққа қарама, сюжет, мавзу. Марҳамат, ёзинглар, янги романлар, қиссалар, драмалар, шеърий китоблар яратинглар. Бир-бирларингдан ўрганинглар, бир-бирларингизнинг энг яхши асарларингизни дунё тилларига таржима қилинглар. Аммо бундан ким нимани хоҳласа, шуни хоҳлаган тарзда ёзib ташлайверсин,

деган фикр келиб чиқмаслиги керак. Афсуски, айни шундай уйлайдиган, хаёлига келган нарсаны, бу гап ҳаётда борми-йўқми — парвойига ҳам келтирмай ёзиб ташлаётган, пешма-пеш чоп эттираётган ижодкорлар ҳам йўқ эмас. Майли, ёзишсин. — Аммо бир нарса аниқки, халқ манфаатларига, эзгуликка, тараққиётга хизмат қилмайдиган нарсаларнинг ҳаммасини ҳаётнинг ўзи тўлқинларни ёриб олға интилаётган қудратли кемадай чеккага улоқтириб ташлади. Ижод эркинлигининг ҳам ўзига яраша фожиаси, ўзига яраша драмаси ва ўзига яраша триумфи бор. Буни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Такрор айтаман. Бадий ижод учун ҳали ҳеч қачон бугунгидек кенг майдон бўлмаган. Ёш ижодкорларга ҳавасим келади. Авваллари бирон бир район котибини бироз танқид қилиб қўйишнинг ўзи зўр азamatlik, қаҳрамонлик ҳисобланар эди. Энди бўлса — танқид оддий бир ҳолга, гоҳо болалар ўйинига ўхшаб қолди...”

Чингиз ога Ўзбекистонга, ўзбек халқига, бизнинг бой ва қадим тарихимизга ҳурмат билан қарайди. Мамлакатимизда эришилаётган ютуқлардан самимий қувонади.

“Дунёning борди-кечисидан боҳабар одамлар биладиларки, вақт ўтиши билан илгари байроқ қилинган қадриятлар ҳам ўзгаради, унутилади, — дейди у маърузаларидан бирида. — Ҳатто замоннинг ютуқ деб ҳисобланган воқеа ҳамда хулосалари ҳам ёддан чиқади. Бу — одатий ҳол. Назаримда, мен ҳам умрим давомида унчамунча нарсани кўрдим. Аммо шу онда шу қадар ҳайратдаман ва ифтихор туйгуларидан тўлиб тошаётирманки, биздан бениҳоя узоқ даврда яшаб ўтган бир инсон рўпарамда бутун салобати билан қад кериб, ҳатто янги бир сифатларини намоён қилиб, қадриятимизнинг тигидек турибди.

Холис фикр юритганда, Амир Темур мозийда қандай бўлган бўлса, шу ҳолда қолиб келаяпти. Аммо дадил айтиш мумкинки, у туташмайдиган нуқталарни ўзида туташтирган, яъни миллий қаҳрамон бўлиши билан бирга миллиатнинг донишманди ҳам экан! Ҳар икки ҳолда ҳам Амир Темур улкан идрок соҳиби — ўз замонасининг барча илмларидан боҳабар зот бўлган экан! У буюк давлат арбобига хос тадбиркорликни ҳам, ҳарбий тафаккурни ҳам, оддинни кўра олиш иқтидорини ҳам, руҳонийлигу ислоҳотчиликни ҳам ўзида мужассам этган экан. Унинг, кейинги дунё тараққиётига таъсири шубҳасизdir.

Бугунги кунга келиб, биз Амир Темур даврини қайтадан кашф этаётимиз, ўй-хаёлларимиз уфқида у маёқ бўлиб порлаётир, ҳар бир эл-элат ўз қисмати тонгида унинг қуёшдек сиймосини кутаётир. Илло, қаршимизда буюк тарихий қудрат намоёндирки, унинг Марказий Осиё давлатлари учун долзарб қудрат-эҳтиёж экани кундай равшан. Ахир шу “афсонавий” шахснинг саъй-ҳаракати, лозим бўлганда, мажбур этиши оқибатида биз, Туркистон халқлари, асрий қолоқлик ботқогидан қутулдик, ўз ривожимиз учун маданий тараққиёт йўлига кирдик.

Биз бугун тарих кўзгусида Амир Темурнинг сиймосини кўриб, унга ҳавас-ла боқар эканмиз, унинг ортидан Шарқ деган улкан минтақанинг ўша даврларга хос гала-ғовуруни эшитамиз: бу садолардан буюк ўзгаришларнинг нафаси келади; буюк фожиалар ва тантаналар саси келади — яъни бу рубъи маскунда инсон ҳаётига хос барча садолар эштилади. Бу хатти-ҳаракатлар ҳам маданий, ҳам сиёсий, ҳам диний инқизозни бошидан кечираётган Оврупога ҳам ҳаётбахш таъсир этганини англаймиз. Жумладан, Амир Темурнинг Олтин Ўрда устидан қозонган галабаси Рус тупрогини мўгул истибодидан халос этди, Русга мустақил давлат яратиш имкониятини берди. Темурнинг динларга муносабати ҳам бугунги кунимизда барча эл-элатлараро шу бобдаги муносабатлар борасида ибрат намунаси бўлиб қолади.

* * *

Тадбиркорликни ривожлантиришга багишлиланган йигинлардан бирида “ҳозир мамлакатимизда шу иш билан юз мингдан ортиқ киши шугулланмоқда” деган ахборот берилид ва бу натижага мазкур соҳага катта эътибор берилаётганинг ижобий самараси сифатида талқин этилди.

Бу кўпми ё оз? Катта бир мамлакатда қанча киши тадбиркор бўлиши керак? Айни шу савонни тадбиркорлиги билан бутун мамлакатда ном қозонган қўқонлик Нурилла ҳожи Абдуллаевга берган эдим, у киши ҳеч иккиланмай:

— Ҳамма тадбиркор бўлиши керак! — деди қатъий ва яна шу қатъияти билан давом этди, — ёзувчи ҳам, олим ҳам, ишчию тарбиячи ҳам, борингки ота-она ҳам тадбиркор бўлиши керак. Ватанинни Ватан, миллатни миллат қилиш учун ҳамма бир тадбир ўйлаши ке-

рак, ҳамма излаши, топиши, ўз соҳасида самарага эришиши зарур. Мана, оддий чўпонни олайлик, у тадбиркор бўлмаса, сурувни баҳорга омон-эсон олиб чиқа олмайди. Ҳайдовчи тадбиркор бўлмаса, йўлнинг қоқ ўртасида қолиб кетади. Ўзларингиз-чи, газетачилар, тадбиркорлик билан иш тутмасангиз тўхтаб ҳам қоласизлар. Ижодий ишни-да, хўжалик ишларини-да билиш зарур.

Бошқа бир суҳбатда Ватан ҳимоячиларидан гап кетди. Шиддати баланд йигитларимиз Ватан ҳимояси билан боғлиқ илмларни, техник малакани қунт билан эгалламоқдалар. Лекин, қизиги шундаки, биз ҳамиша “Ватан ҳимоячиси” деганда қўлида қурол билан мамлакат сарҳадларида турган жангчиларни тушунамиз. Улар сергак экан, ҳаётимиз тинч ва осойишта бўлади, деб ўйлаймиз. Асли ҳам шундай. Аммо Ватан ҳимоячилари фақат ўша чегарачиларми? Бизчи? Сизчи? Биз Ватан ҳимоячиси бўла олмаймизми? Менинг назаримда, худди тадбиркорликда бўлгани каби, мамлакатнинг ҳар бир фуқароси ҳам энг аввало Ватан ҳимоячиси бўлиши керак. Ватанни ҳимоя қилиш учун чегарада туриш шарт эмас. Ҳар биримиз ўз иш жойимизда, кўчада, одамлар орасида, саёҳатларда Ватанни, унинг муқаддас қадриятларини ҳимоя қилишга даъват этилганмиз. Фидойи, миллатпарвар, садоқатли кишиларнинг ҳар бир иши, сўз — амаллари ва ҳаттоқи ўй-режалари Ватан ҳимояси билан бевосита боғлиқ бўлади.

Ватаннинг бойликларини, ерини, сувини, ўрмонларини, табиий бойликларини ҳимоя қилиш, қўриқлаш керак эмасми?

Ватаннинг шаън-шавкатини, гурурини, шу азиз Ватанда қарор топган қадриятларни ҳимоя қилиш лозим эмасми?

Шу азиз тупроқдаги эзгуликларни оламаро кўз-кўз қилиш, уларни кўпайтириш, ёмон кўзлардан асраш зарур эмасми?

Ватаннинг интеллектуал бойлиги — ёш истеъдодларни асраб-авайлаш, уларга имкониятлар яратиб бериш Ватан ҳимоясига кирмайдими? Ёшлар қалбини мусаффо сақлаш, онг-шуурларига ортиқча, ёт қарашлар ўрнашиб олишига йўл қўймаслик — бу Ватан иқболи, саодати тўғрисида ғамхўрлик эмасми?

Ватан, Ўзбекистон деганда вужудида алланечук ифтихор туйгулари уйгонадиган ҳар бир киши — Ватан ҳимоячиси.

Спортчиларимиз шоҳсупанинг баланд погонасига чиқиб, зал аро Ўзбекистон мадҳияси янграганида, байробимиз баланд кўтарилганида кўзига ёш келадиган ҳар бир киши — Ватан ҳимоячисидир.

Қайсиdir ишхонанинг пештоқига “Бу даргоҳдан ҳеч кимнинг кўнгли тўлмай чиқиб кетмасин” деб ёзиб қўйилган экан. Буни кўрган газетхонлардан бири таҳририятимизга мактуб йўллабди: “Мустақил шароитда энди етти йил яшадик. Ҳали шундай замонлар бўладики, бизнинг Озод ва Обод мамлакатимиздан ҳеч ким кўнгли тўлмай, тасаннолар айтмай, қойил қолмай юртига қайтиб кетмайди...”

Шу муштариy ҳам Ватан ҳимоячиси.

Ватанини худди савоб ишдек, ҳар куни ва ҳар ҳолатда, беистисно ҳар биримиз фидойиларча ҳимоя қилмогимиз даркор. Энг улут, энг кучли ва энг самарали ҳимоя эса инсоннинг қалбида, онгида бўлади.

Ватан ҳимояси унинг манфаатларини асраб-авайлашдан ҳам бошланади.

Чегарада ўз постини ташлаб кетган қўриқчи Ватан хоинига айланади. Божхонада ўн сўмлик шахсий манфаат деб Ватанинг ўн минг сўмлик, юз минг сўмлик бойлигини четга чиқариб юбораётган назоратчини ким дейиш керак? Бозорда (айрим магазинларда ҳам) харидорларни қаллоблик билан чув тушираётган, тарозидан ураётган, ҳақига хиёнат қилаётган ноинсоф сотувчиларни-чи? Уларни ким деса бўлади?

Бир ватандошимиз Брюсселдаги машҳур кийим-кечак магазинига кириб, кўйлак сотиб олмоқчи бўлади. Қараса, мутлақо бир хил иккита кўйлакнинг баҳоси бир-биридан беш баробар фарқли эмиш. Юртдошимиз, табиийки, беш баробар арzonини олмоқчи бўлади. Бунинг сабаби, тикувчи арзимаган, деярли кўринмайдиган нуқсонга йўл қўйган экан. Савдо деярли пишган пайти, ичкаридан магазин мудири чиқиб, “Йўқ, биродар, меҳмон экансиз, бу нуқсонли кўйлакни сизга сота олмаймиз. Юрtingизга бориб, “Фалон мамлакатдаги фалон магазиндан шунаقا нуқсонли кўйлакни арzon-гаровга сотиб олдим”, десангиз, бу бизга тўғри келмайди” дейди ва ... шу арzon баҳога бенуқсон кўйлакни ўраб беради. Ўша мудир учун битта нуқсонли кўйлакни сотиб топадиган уч-тўрт франкли фойдасидан кўра, Ватанининг шаррафи, номи муҳимроқ эди.

Биз-чи? Биз ҳам шундай қила оламизми? Қадимда ўзимизда — бозорларимизда сифатсиз маҳсулотлар, эгалада

рининг номи айтилиб, худди сазойи қилингандек, кўринарли жойга осиб қўйилар экан. Шу қадим анъана-га қайтишимиз керак. Бу ер Ўзбекистон, бу ерда алдаш-майди, фиригарлик қилишмайди, сифатсиз маҳсулотнинг ўзи йўқ, ўзбекистонликлар, ўзбеклар ишончли ҳамкор, ишончли шерик, бу ерда меҳр-оқибат бор, садоқат бор, фидойи инсонлар бор, дейилишига эришмогимиз даркор. Бу гаплар кимгадир, эҳтимол, кулагили туюлар. Йўқ, биродарлар, ахир, яқин-ўтмишда шундай бўлган-ку! Ўзимизда бўлган-ку! Алдоқ, фириб, ўгрилик, қаллоблик бизга мутлақо ёт эди-ку! Қонимизда наҳотки бу фазилатлар сақланиб қолмаган бўлса!

Бу тўғрисида кўпроқ фикр юритайлик, баҳс-муноза-ралар қилайлик, одамларнинг турфа хил мулоҳа-заларини тинглайлик. Маҳаллаларда, ўқув юртларида, ёшлар орасида ўтадиган сухбатларимизда тадбиркор-лик, Ватан ҳимояси, унинг манфаатлари каби мавзуларга кўпроқ эътибор берайлик. Ўзимиздан, ота-боболари-миз ҳаётидан таъсирчан мисоллар келтирайлик. Ҳозир жойларда ташкил топаётган “Фидойилар” клублари, бизнингча, ўз фаолиятини айни шу масалалардан бошлаши даркор. Зеро, фидойилик бизни саодат манзилла-рига элтажак улуг фазилатdir.

МУРОД АБДУЛЛАЕВ

ВАТАН ШАРАФИ

Ватанни онага менгзайдилар. Фарзанд она багрида ўсиб-улгайгани сингари минг-минглаб одамлар учун ягона бўлган юрт, Ватан онадек мўътабар ва азиздир. Шу боис она Ватан деймиз, Ватанни онага тенглаймиз. Ватан — Она!

Бир машҳур газалда Алишер Навоийнинг лирик қаҳрамони суюкли ёрга мурожаат қилиб, “Кўзим қаросида мардум киби ватан қилғил”, дейди ва Ватан туйгусининг моҳиятини янада теранроқ ифода этади. Яъниким, мардум - фуқаро учун Ватан кўз қорачугидек азиз. Сен шу азиз маскан — кўзим қаросида абадий яшагин, уни Ватан туттгин, дейилмоқда.

Биз мардумлар, бугунги озод мамлакат фуқаролари ўз Ватанимизни беҳад севамиз. Унинг шон-шавкатидан қалбимизда гурур ва ифтихор ҳис этамиз. Бу-ку, анчайин тайин гаплар. Бироқ Ватан севгиси деган улуг тушунча заминида яна бир муқаддас туйгу ҳам мавжудки, бу туйгуни англамасдан туриб Ватанни севиб бўлмайди. Бинобарин, Ватанни севиш уни шарафлаш, шарафлай олиш сингари бурч ҳиссини ҳам шакллантиради.

Хўш, биз Ватан шарафи деганда нимани идрок этамиз? Бу туйгу моҳиятини қанчалик тўгри англаймиз?

Тарихда ҳам, бугунимизда ҳам Ватан шарафини тегран англатувчи мисоллар кўп.

ЮЛДУЗЛИ ОНЛАР

Асримиз бошларида капитан Роберт Скотт инсон қадами ҳали етмаган Жанубий қутбга экспедиция уюштиради. Бу илмий сафар учун у бор бисотини сарфлайди ва яна қарзга ҳам ботади. Унинг ягона орзуси муз қитъаси узра Британия байробгини биринчи бўлиб қадашдан иборат эди. Зарур асбоб-анжомлар, мўъжаз лабораториялар билан жиҳозланган кема Антарктида

соҳилларида лангар ташлайди. Бир ярим йиллик йул азобларидан сунг Скотт кўзлаган манзилига етиб ҳам келади. Бироқ омад ундан юз ўтирганди. Тақдир муз қитъа қўксига биринчи бўлиб ўз ватани байробгини қадаш шарафини норвегиялик Амудсенга раво кўрган эди. Капитан Скотт бор-йўги бир ойгина кеч қолади.

Унинг қайтиш йўли янада машақатли ва ҳалокатли кечган. Руҳан эзилган Скотт сафардош дўстларидан жудо бўлади ва охир-оқибат ўзи ҳам муз қитъа узра абадий макон топади... Кейинги экспедициялар муз қотган қутбчиларни топиб, уша жойда дафн этишади. Уларнинг кундаликлари, кино ва фотоҳужжатларини олиб қайтишидаи. Скотт муқаррар юз беражак ўлим олдидан ўз кундалигига шундай деб ёзганди:

“Катта қашфиётларга қодирмидим ёки йўқми — буни билмайман, бироқ бизнинг ўлимимиз мардик ва матонат ҳали ҳам миллатимизга хос эканлигидан бир шаҳодатдир”.

Ўзига нисбатан беҳад камтарлик ва ҳалқи, миллатига нисбатан гуур-ифтихорга тўлиб айтилган бу сўзлар замиридаги ишонч қучи, қатъият боиси нимада? Ватан шарафи деган ўлмас туйгу шу эмасми? Эҳтимол шунинг учундир, XX асрнинг буюк ёзувчиси Стефан Цвейг капитан Скотт жасоратини инсониятнинг юлдузли онлари, деб атайди.

Капитан Скоттнинг ўлим олдидан ёзганларига ҳали яна қайтамиз. Ҳозир эътиборни бир лаҳза она Ўзбекистонимиз, қадим Туркистонимиз тарихидаги бу воқеалардан асло қолишмайдиган юлдузли онларга қаратайлик. Тўмарису Широқдан Муқаннаю Шайх Нажмиддин Куброгача... яна не-не зотлар Ватан тупроғини, Ватан шарафини муқаддас санадилар. Ёзузд Чингизхонни ҳайратга солиб, Синд дарёси узра от солган Жалолиддин Мангубердининг букилмас руҳи асрлар оша уйгоқ кезиб юрибди. Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг азму шиҷоатига, буюк қудратига эса олти ярим асрки, жаҳон ҳайрат кўзи билан боқиб келади. Илоҳий иноят соҳиби бўлган бу буюк зот мулки мамлакат фахри, бутун бир миллатнинг бетимсол шарафига айланган эдилар.

Шайх Нажмиддин Кубродек улуг зотлар, Султон Жалолиддин Мангубердиdek баҳодир фарзандлар тимсолида бошланган ва бир ярим аср давом этган Ватан озодлиги учун кураш она ҳалқимиз учун ниҳоятда оғир кечди. Не тонгки, Ватанинг даҳо ҳалоскори бўлишдек

буюк баҳт Амир Темур бобомизга насиб қилди. Шунча вақт мобайнида Чингиз тудалари оёги остида топталган Туркистонни босқинчилардан озод этибгина қолмай, бу ҳудудда йирик марказлашган мустақил давлатга асос ҳам солди у зот. Соҳибқирон тузган салтанатнинг шуҳрати етти иқлимда машҳур бўлди. Амир Темур яратган буюк салтанат ўз ҳудудининг катталиги билан гина эмас, бу салтанатда амал қилинган ижтимоий-маънавий қадриятларнинг умуминсоний моҳияти билан ҳам шуҳрат қозонди.

▼ Ватанинни қандай шарафлайдилар, деганда бизнинг кўз олдимизга, энг аввало, соҳибқирон Амир Темур тимсолидаги буюк боболаримиз келади. Ўз навбатида шуни айтмоқ керакки, бу ёвқур боболаримиз Ватанинни шарафлашни, унинг шаънини улуғлашни, биз уларни фаҳр билан тилга олаётганимиз қаби, ўзларидан один ўтган аждодларимиздан, олис аждодларнинг буюк қаҳрамонликларидан ўргангандар. Уларнинг қонидан ўтган ватансеварлик туйгусини ўз жисму жонларида қайта уйготганлар, вояга етказганлар, келажак насллар учун ибрат қилиб қолдириб кетганлар.

Эрамиздан олдинги бешинчи асрда енгилмас подшоҳ деб ном қозонган Эрон шоҳи Кир II нинг бошини қонга ботирган Тўмарис момомизнинг буюк жасорати ҳали-ҳануз жаҳон мактабларининг тарих дарслкларида ўқитилиб келади. Чунки бу жасорат афсона эмас, чин тарих эканлигини Геродот ёзиб қолдирган. Машҳур тарихчининг гувоҳлик беришича, Мидия, Лидия ва Вавилонни истило қилган, Ўрта ер денгизи бўйларидағи ҳудудларни ҳам забт этиб бўлган Кир II эрамиздан олдинги 530 йилда Марказий Осиёда яшовчи массагетларни бўйсундириш ва улар давлатини ҳам ўзига тобе этиш учун бизнинг юртимиз сари юриш қиласиди. Аждодларимиз бу вақтда Каспий денгизи ва Сирдарё оралигидаги улкан ҳудудда яшар эдилар.

Кир II дастлаб массагетлар маликасини ҳйла йўли билан қўлга олмоқ ниятида унга ўз элчиларини юборади ва уни ўзига хотинликка сўрайди. Кир II нинг асл нияти унга уйланиш эмас, балки юртини, Ватанини эгаллаш эканини фаҳм этган доно Тўмарис унга рад жавоби беради. Рад жавобини берибгина қолмайди, балки қўшинларингни олиб кет, бўлмаса бу юртдан омон чиқмайсан, деб ёвқур подшоҳларга хос сиёsat ҳам қиласиди. Беомон жангга катта ҳозирлик кўради. Туркистоннинг жасур йигитларини ҳаёт ва мамот синовига

ташлайди. Беомон жангда түкилган қонлар дарё бўлиб оқади. Массагетлар маликаси бош бўлган қўшинлар галаба нашидасини суради. Бироқ аёвсиз жангда Тўмариснинг ўғли ҳам Ватан учун ҳалок бўлган эди. Тўмарис жанг майдонида ўлиб ётган босқинчилар орасидан Кир II нинг жасадини топиб, унинг бошини олиб келишни буоради. Кирнинг бошини қон тўлдирилган идишга ботириб, айтади: “Сени енгиги тирик қолган бўлсан ҳам қалбим қасосга тўлиқ! Сен ўглимни ҳийла билан қўлга туширдинг. Уни қатл этдинг. Шунинг учун жангдан аввал жўнатган элчиларингга айтганимдек, сени қонга тўйгазаман. Энди истаганингча қон юта-вер!”.

Кир II нинг ўлими ҳақидағи кўпдан-кўп ҳикоятлар орасида мен учун энг ишончлиси — мана шу! — деб ёзади Геродот.

* * *

Бу воқеалар икки ярим минг йил бурун юз берган эди. Она тарихимизнинг олтин саҳифаларида аждоддларимизнинг Ватан шарафини муқаддас тутиб келаётган-ликларидан ҳикоя қилувчи бундай мисоллар оз эмас. Энди саккиз юз йилча аввал (1219—1224) юртимизга от суриб келган Чингизхон босқинчилари билан юзма-юз олишган боболаримиз жасоратидан яна бир лавҳага эътиборни тортмоқчиман. Бу ҳазрат Алишер Навойй-дек буюқ сиймони ҳам ҳайратлантирган Шайх Нажмиддин Кубро жасоратидир.

Ушанда ҳозирги Кўхна Урганж Хоразмнинг улкан пойтахти эди. Беруний Ибн Синодек алломалар қизгин илмий фаолият билан шугулланган машҳур Маъмун академияси мана шу шаҳарда жойлашган эди. Чингиз тўдалари бу шаҳарни кўп уринишлардан сўнг ҳам ололмагач, Амударё ўзанини шаҳарга буриб, уни сувга бостирадилар. Хоразм аҳли енгилавермагач, босқинчилар шайх Нажмиддин Кубро ҳазратларининг эл орасида обрўси юқорилигидан, бутун раият пешволари у зотнинг сўзидан чиқмаслигидан фойдаланиб, шайхнинг ҳаётини сақлаб қолишини ваъда қилиб, таслим бўлишни талаб қилишади. Шайх Нажмиддин Кубро ҳазратлари бунга асло кўнмайдилар ва ёвга қарши отланган ҳалқ орасида туриб мардонавор жанг қиладилар. Бир қанча душман аскарларини нобуд этиб, ўзлари ҳам Ватан шарафи йўлида шаҳид бўладилар.

Нега Шайх Нажмиддин Кубро ҳазратлари ўз жони-

ни қутқарыб, элни таслим бўлишга даъват этмади?! Бундай йўл тутиш у зот умри давомида амал қилиб келган эътиқодга зид бўлиб, юрга хиёнат билан баробар эди. Эҳтимол Чингизхон тўдаларига қирон солиб, асло унинг қўлига тушмаган Султон Жалолиддин Мангубердининг жасоратига Шайх Нажмиiddин Кубродек азиз авлиёларнинг одамни ҳайратта солувчи эътиқоди буюк ибрат бўлгандир!

“ОТАГА ШУНДАЙ ЎФИЛ ЗАРУР...”

Энди сўзни Мирзо Улугбек бобомиздан эшитайлик. Буюк салтанат соҳиби ва улуг аллома Мирзо Улугбек “Тўрт улус тарихи” китобида Султон Жалолиддин Мангубердининг Синд дарёси бўйида Чингизхон лашкарлари билан бўлган муҳорабада кўрсатган жасоратлари ҳақида фахрланиб ёзадилар. Маълумки, Синд дарёси бўйидаги ана шу жангда Жалолиддининг етти-саккиз ўшлардаги ўғли асирга олинади ва Чингизхон болани шу ондаёқ ўз олдида қатл эттиради. Чингизхон беҳисоб лашкарга эга эди. Жалолиддин эса жуда оз қўшин билан қолган. Ана шундай кучлар нотенг бўлган муҳорабада Чингизхоннинг қўли баланд кела бошлияди. Жалолиддиннинг онаси, хотини ва бошقا аёллар даҳшат ичра фарёд қиласидар: “Аллоҳни ўртага қўйиб илтижо қиласиз, бизни ўлдириб, асирикдан қутқар!”.

Жалолиддин ноилож барчасини сувга чўқтиришни амр этади. Муаррихларнинг гувоҳлик беришича, бу чинакамига баҳтсизлик, ишониш қийин бўлган кулфат эди. (Шаҳобиддин ан-Насавий “Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тасвири”).

“Тўрт улус тарихи”да воқеанинг давоми шундай дарж этилган: “Султон юраги гирён, қўзлари нигорон бўлиб, болалари ва улуглари билан минглаб дарду фирор билан видолашиб, қора тўриқ отига миниб, мўгулларнинг беҳисоб лашкарларига яна ҳамла қилди. Уларни орқага сурис ташлаб, сўнг жиловни орқага тортди. Совутини елкага ташлаб чатрини қўлга олди, чўбини ерга отиб, отига қамчи босди. Синд дарёси қирғоғидан то узан (сув)гача ўн газдан ортиқроқ эди. У отни дарёга ҳайдади. Лашкардан бир тўдаси унга эргашган эди, мўгулларнинг ўқидан йўқлик денгизига гарқ бўлди. Бу фириб дарёсининг наҳанги Ҳақ

сүбҳоноҳу таолонинг марҳамати билан отнинг сузишига назарини содди...

Соҳибқирону аъзам Чингизхони муazzам дарё қиргогида тураг экан, Султон Жалолиддин унинг рӯпарасига етиб келиб, сувнинг у қиргогида қора тўриқ отидан тушди ва эгар-жабдуқларини отнинг ингичка белидан олиб, ўз чопони ва ўқлари билан бирга офтобга қўйиб қуритишга бошлади. Чатрини эса найзага илиб, ўзи унинг соясида ёлғиз ўтирди. Намози асртагача етти киши сувдан чиқиб келиб, султон Жалолиддинга қўшилди. Кун ботмасдан аввал бу етти киши йўлга равона бўлиб, Харқ чулига кириб, бу тўқайдан олга силжиидилар.

Соҳибқирону аъзам Чингизхони муazzам султон Жалолиддин иби Султон Муҳаммад Хоразмшоҳдан бу аҳволни мушоҳада қилгач, либосининг ёқасини таажжуб бармоқлари билан тутди.

Олий нишонли султоннинг бу ҳоли Соҳибқиронга манзур бўлди. Унга офарин айтди-ю, деди: “Отадан ҳали бундай ўғил тугилмаган. У саҳрода шер каби голиб жангчи, дарёда эса наҳанг каби ботир. Қандай қилсинки, ҳали ҳеч ким тақдир билан, ҳеч бир можарода тенг келолмаган. Лекин у мардликнинг додини берди. Қазоий қадар қаршисида қудрат қўлини (мардона) очди. Мардлик билан ундан (қазо) қутулиб бўлмайди. Нима қилсин-қилмасин бу улуғ худо ишидир”.

Султоннинг барча феълу ҳаракати Соҳибқирон (Чингизхон)га манзур бўлиб, таҳсин оғзини очиб, ўғилларига юзланди ва деди: “Отага шундай ўғил зарурки, у икки гирдоб - олов ва сув гирдобидан озодлик майдонинг чиқа олди!”

Бу султондан қўп ишлар ва ҳисобсиз қиссалар вужудга келди ва унинг ишларидан ҳар қандай оқил ўғилгоғифил қолмаслиги керак!”

Бу Мирзо Улугбек бобомизнинг сўзлари, даъвати, балки энди армони ҳамдир. Тақдирнинг ўйинини қарангки, Улугбек бобомиз ўз ноқобил фарзандининг ҳукми билан ёргу оламни тарқ этганлар...

Олис тарихдан кечаги ва бугунги кунларимизга қайтайлик. Беҳбудийу Қодирий, Чўлпону Фитрат қандай куч даъвати билан ўлимга тик боқсан эди? Улар қалбидаги исён миллат ва Ватан руҳиятидаги исённинг аксадоси эмасмиди? Бугун исёнкор боболар руҳи барҳаёт. Ватан озод, юрт обод! Аждодлар шонидан маддад олган истиқолимизнинг ўтган етти йилини хаёлан

сарҳисоб қилиб кўрайлик. Жаҳон томонидан гўё унтилган қадим Туркистон заминида Ватан шарафини кўтарувчи не-не улуғ ишларга қўл урилди. Аввало, улуғ юрт узра осойишталикни барқарор этдик. Чунки осоиши бор элнинг оройиши бордир. Оlam ўзаро нифоқу миллий низолардан қалқиб турган, ён-атрофимиздаги юртларда қон түкилиб биродаркүшлик алангаси тинманган таҳдикали кезларда миңтақамиз хавфсизлиги учун жон куйдиридик. Жаҳон Президент Каримовнинг тинчлик ташаббусларини мамнуният билан эътироф этди.

Мана шунинг ўзи ҳам қалбимизга бемисл гурур ва ифтихор багишлийди. Ватанин шарафлаш, Ватан шарафи учун фидоийлик кўрсатиш сабоқлари ҳақида мушоҳада юритишга даъват этди. Мен гоҳо талабалар даврасида бўлганимда боболаримиз тарихнинг энг кескин, бурилиш лаҳзаларида қаҳрамонлик кўрсатганлар, бутун у қадарли жасорат кўрсатиш имкони йўқ, деганларини эшитиб қоламан. Йўқ, ундаи эмас. Аслида ўтаётган ҳар бир кун Ватан шарафини муқаддас тутиб, буюк жасоратлар кўрсатиш учун кенг имконият беради. Бу эҳтиёжгина эмас, балки зарурат ҳамдир.

Истиқдолимизнинг ўтган етти йилига бир қур назар ташлайлик. Ўзбекистон шарафини жаҳон узра юксалирган қанчадан-қанча қаҳрамонликларнинг гувоҳи бўлдик. Шахмат, бокс ва спортнинг бошқа турлари бўйича ҳалқаро гроссмейстер ва жаҳон чемпионлари бўлган Рустам Қосимжонов, Артур Григорян сингари ёшларимиз озод Ўзбекистон номини жаҳон узра шарафладилар. Бутун оламнинг нигоҳи қадалган дунёдаги энг йирик шаҳарларнинг спорт иншоотларида озод Ўзбекистон мадҳияси янграб, байрогимиз кўтарилишига, унинг мағрур ҳилпираб туришига ўз маҳорати билан сабаб бўлган, олқиши олган ёшларнинг жасорати ҳар қанча таҳсинларга, фахр-ифтихорга лойиқ эмасми! Улар ўз шон-шуҳратлари билан яна қанчадан-қанча ёшларнинг кўнглида гурурни тарбиялашга, Алномиш боболаримиз, ёвқур оталаримиз сингари паҳлавон келбатли мард инсонлар бўлиб етишишига ҳавас уйготдилар!

Аслида Ватан туйгуси ҳар биримизнинг қонимизда, жонимизда бор. Фақат уни шакллантириш, тарбиялаш кўп жиҳатдан бизнинг савиямизга боғлиқ. Шу ўринда яна бир оддий мисолга эътиборни жалб этиш мумкин. Ҳар бир ўғил-қиз энг обрўли олий ўқув юртларида таҳсил кўришни ихтиёр этади. Бу табиий эҳтиёж... Бу-

гун юртимизнинг мустақиллиги шарофати билан хориждаги энг машҳур университетларда таҳсил олиш имкони яратилди. Ёшларимиз ана шу жаҳоний илм масканларига бориб ўқимоқдалар. Яна ҳар йили қанчадан-қанча ёшларимиз АҚШ, Англия, Франция, Германия, Япония ва бошқа мамлакатлардаги илм даргоҳларида ўқиш учун имтиҳон топширадилар. Улар сафи-даги билими зўр, лаёқатли ёшларга бундай баҳт ёр бўлмоқда. Ҳеч шубҳа йўқки, улар орасидан ўз илми, кашфиётлари, ихтиrolари билан Ватан шарафини юксалтирадиган олимлар, билими зўр ноёб мутахассислар етишиб чиқадилар. Демак, энг иқтидорли ёшлар, истеъдод намояндалари ҳам она юртни шарафлашга қодирлар.

Озод Ватанга истеъоди зўр, ўз иқтидорини камолга етказа биладиган ёшлар ниҳоятда зарур. Чунки бир улкан истеъод ўз кашфиётлари билан бутун бир халқнинг номини улуғлашга қодирдир. Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фаргоний, Беруний, Ибн Сино, Улугбек сингари буюк сиймолардан тортиб, бизнинг асримизда яшаб ўтган Ҳабиб Абдуллаевгача бўлган алломаларимиз, улар яратган илмий мактаблар фикри-мизга яққол далил бўла олади.

ОЗОД ЭЛНИНГ ҚАНОТИ

Кўпчиликка яхши маълумки, мустабид тузум даврида ўзбек миллатига, тубжой аҳолига мансуб кишилар орасидан ҳарбийлар, йирик саноат иншоотларидағи мурракаб муҳандислик қурилмаларини бошқаришга қодир мутахассислар, замонавий фазо кемаларини бошқарувчи фазогир учувчилар етиширишга атайлаб эътибор берилмаган. Тўгрироги тубжой аҳоли фарзандлари бундай ноёб соҳаларнинг яқинига ҳам йўлтилмаган. Бу соҳалардаги оддийгина, жўн ишларни бажараётган миллатдошларимизга шўро тузумининг орден ва медаллари берилиб, улар номига кўз-кўз қилинган, асл вазият бузиб кўрсатилган эди. Бунинг сабаби аён: аввало миллат ўз кучига ишонадиган бўлмасин. Зарур мутахассиси бўлмаган халқ нимасига ҳам ишонади? Агар у ўз кучига ишонадиган бўлса, мустақиллик талаб қилиши мумкин. Бордию фалакнинг гардиши билан қай бир шароитларда мустақилликка чиқиб қолса ҳам стратегик аҳамиятта молик иншоотлар, йирик за-

водлар, корхоналарни бошқара олмай шарманда бўлсин, яна босиб ёки қўшиб олиш учун шароит бўлсин, деган яширин ниятларда зўр бериб амалга ошириб келинган сиёsat эди бу. Тўгрисини айтиш керак, мустақилликнинг илк кунларидаёқ йиллар мобайнида ўtkазиб келинган бу сиёsatнинг натижаси сезилиши мумкин эди. Лекин эркка, озодликка ташналик онгли фарзандларнинг қон-қонига сингиб кетганидан бу жараёнда нима иш қилиш зарурлиги, қандай йўл тутиш кераклиги тез илғаб олинди. Мамлакат ёнилги-энергетика иншоотларини бир маромда ишлатиш, галла ва нефт мустақиллигини таъминлаш учун кураш бўйича Президентимиз томонидан қўйилган вазифалар бу соҳаларда иш олиб бораётган мутахассислар томонидан чуқур идрок этилди. Бу аслида Ватан шарафини сақлаш билан баробар қаҳрамонлик иши эди.

Муборак шаҳрида Марказий Осиёдаги энг йирик газни қайта ишлаш заводи жойлашган. Корхона минтақанинг ёнилги-энергетика мажмуида муҳим ўрин тутади. Мустабид тузум даврида қурилган йирик иншоотнинг мураккаб муҳандислик қурилмаларини бошқариш худди Мурунтов олтин конларидағидек асосан русийзабон мутахассислар қўлида бўлган, тубжой аҳоли фарзандлари иккинчи даражали ишларни бажаришга жалб этилгану, бироқ улар энг муҳим жараёнларни бошқаришнинг яқинига ҳам йўлатилмаган. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Россиядаги айrim қитмириклида устаси фаранг матбуот нашрлари тўқиб чиқарган “русийзабон аҳоли муаммоси” бизда ҳам баъзи русийзабон мутахассисларда Россия ҳудудига бориб ишлаш кафиятини тугдирди. Муборак газни қайта ишлаш заводига раҳбарликни мустақилликнинг дастлабки йилларида ўз қўлига олган ишбошиларимиз вазиятни ниҳоятда синчковлик билан ҳис этиб, узоқни олдиндан кўриб, тубжой аҳоли фарзандларидан ўзбек ишчилар синфининг янги авлодини етиштиришга катта аҳамият бера бошладилар. Корхона раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими Нуриддин Зайнинеининг гувоҳлик беришича, бу йирик нишоотда айrim русийзабон мутахассислар бошқа ҳудудларга кетиб улгурмасиданоқ бир йил ичida миллий кадрларнинг резерви шакллантириб бўлинди. Русийзабон мутахассислар бошқариб келган мураккаб муҳандислик қурилмаларини ўз ишчи мутахассисларимиз, муҳандисларимиз ишончли бошқара бошлашди.

Бу “Боинг” сингари улкан самолётларни бошқараётган ўзбек учувчиларининг жаҳондаги энг йирик аэропортларга дадил қўнаётганлиги, илгари учеб кўрилмаган ҳаво йўлларида парвоз қила бошлаганидек завқли ва шарафли иш эканлигини тушуниш қийин эмас. Яна бир нарсани айтиш керак, мустақилликка эришилган дастлабки йилларда МДҲинг барча ҳудудларида саноат корхоналарида, айниқса Россия ва Қозогистон корхоналарида аввалги алоқалар узилиб қолганлиги, таъминотда номутаносибликлар келиб чиққанлиги учун ишлаб чиқариш ҳажми кескин камайиб кетган, баъзи корхоналарнинг иши бутунлай тўхтаб қолган бир пайтда Муборак газни қайта ишлаш заводи газ ишлаб чиқариш маромини асло сусайтирган ҳолда ҳар йили янги-янги қувватларни ишга тушириб борди. Корхонани қайта қуриш режали равишда амалга оширила бошлади. Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари муттасил ўсиб, истиқдолнинг дастлабки йилларидағи 25 миллиард тоннадан эндилиқда йилига 30 миллиард тоннага етди.

Корхонадан кетиб қолишган русийзабон ишчиларнинг ўрнини билинтирмаслик учун қилинган саъй-ҳаракат ўзини оқладгина қолмай, ишлаб чиқариш имкониятларини ўстириш учун муҳим манба ҳам бўлди. Шуни ҳам айтиш керакки, бир вақтлар Россиядаги матбуот нашрларининг қутқуларига учеб, корхонадан кетиб қолишган русийзабон мутахассисларнинг анчамунчаси қайтиб ҳам кела бошлашди. Узлари ишлаган дастгоҳларни бошқараётган ўзбек ишчи синфи вакиларига ёрдамчи бўлиб ишлашни ихтиёр этишаётганлари ҳам йўқ эмас. Марҳамат, озод Ўзбекистоннинг қонунларини ҳурмат қиласидиган ҳар қандай мутахассисга эшигимиз очиқ, кўнглимиз кенг, ҳаммага иш топилади. Биз ҳаммани бир кўз билан кўрамиз.

Мустақиллик йилларида бу иншоот жамоасида корхона шарафи учун кураш туйгуси шаклланди. Корхона зиммасидаги гоят улкан вазифа мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий қудратини ошириш билан бирга муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этиши ишчилар, мутахассислар онгига чуқур сингдирилди. Ватан туйгуси мана шу ўринда яққол намоён бўлди. У корхонада меҳнат қилаётган турли миллатга мансуб ишчиларни муштарак мақсад йўлида бир тан-бир жон бўлиб ишлашлари, мураккаб ишлаб чиқариш муаммоларини омилкорлик билан ҳал этиб боришларига пухта замин

бўлди. Корхонанинг ишлаб чиқариш кўламлари ошиб бораётганлиги, йил сайин янги-янги қувватлар ишга туширилаётганлиги меҳнат жамоасини ижтимоий жиҳатдан кафолатлаш, уй-жой ва ишлаб чиқариш шароитларини яхшилаш, янги-янги спорт-согломлаштириш иншоотлари қуриш бўйича имкониятларни ҳам қенгайтирди. Ҳозир корхона ўз футбол ва тенис иншоотларига, футбол командасига эга. Газчилар жамоаси мамлакатнинг иқтисодий қудратини оширишгагина эмас, ватаннинг спорт шарафини ҳимоя қилишга, уни юксалтиришга ҳам ҳисса қушмоқдалар. Бу ютуқлар мустақиллижимиз шарофати, истиқлол ҳадя этган улуг неъматлар самарасидир.

Бугун барчамизning тилимизга тушган Кўқдумалоқ нефт конлари ва Қоровулбозордаги Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ҳам Муборақдан унча узоқдамас. Бу иншоотларни ҳам бугун истиқлол йилларида шакланган ўзбек ишчилар синфининг янги авлоди моҳирлик билан бошқармоқда. Нефт конлари ва нефтни қайта ишлаш заводидаги жаҳоннинг энг янги технологиялари билан жиҳозланган қурилмаларни кечагина Тошкент Политехника институтини битириб, Фаргона, Муборак, Шўртан сингари қайта ишлаш корхоналарида тажриба оширган уз йигитларимиз ишлатмоқдалар. Замонавий компьютерлар билан тиллашиб, энг нозик технология жараёнларига кўз-қулоқ бўлиб турган мутахассисларни курганда қалбинг бемисл фахр-ифтихорга лиммо-лим бўлади.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи мустақиллик йилларида қисқа муддатларда қурилиб ишга туширилганига бутун жаҳон гувоҳдир. Бугун корхона ўз маҳсулотларини чет элларга ҳам экспорт қила бошлиган бир пайтда Қашқадарёдаги Шўртан газ конлари мажмуида яна бир улкан иншоот - газ-химия комплекси қурилишига киришилди. Хўш, биз бу иншоотларни кимнинг кучига ишониб қуряпмиз? Албатта, ўз кумизга, ўз салоҳиятимизга, мустақиллик йилларида шакланган ўзбек ишчи-мутахассислар синфининг янги авлодига ишониб! Улар янги фидоийлар авлодининг вакиллариdir. Озод элнинг қанотлариdir. Ўзбекистоннинг XXI асрдаги қиёфасини белгилайдиган, мамлакат қудратини ошириш, Ватан шарафини мустақкамлаш зиммасига тушган авлод - мана шу авлодdir.

* * *

Биз “қаҳрамонлик намунаси”, “жасорат намунаси” деган сўзларни кўп ишлатамиз. Ҳақиқий қаҳрамонлик нима, унга қандай эришилади, у қандай юз беради, деган саволлар атрофидағи мунозаралар айниқса ёшлар уртасида тез-тез бўлиб туради. Эсингизда бўлса 1998 йилнинг бошларида ўшлиқ ўзбек йигити Солижон Шарипов америкалик астронавтлар билан биргаликда фазога учди. Ҳаммамиз қалбимиз бемисл ҳайрату ҳаяжонга тўлиб, учиш қандай бораётганлигини “ойнаи жаҳон”дан берилаётган хабарлар орқали кузатиб бордик. Фаҳр-ифтихордан энтиқдик, миллатдошимизга оғарину тасаннолар айтдик. Солижон Шариповни Президент Ислом Каримов қутлади. Президент қутлови ҳам ифтихор туйгуларига лиммо-лим эди.

Президентнинг қутловлари, сизу бизнинг суюнчимиз, гуруримиз бежизга эмасди. Ахир бизнинг миллатдошимиз, ўзбек фарзанди жаҳонда камдан-кам одамларгагина насиб этадиган қаҳрамонликка сазовор бўлди. У ўз жасорати билан жаҳон узра ўзбек деган номни яна бир бор шон-шавкатга буркаб, Улугбекдек аллома боболаримиз бошлаб берган ўзбек коинот, фазогирлик илмининг сардафтарига ҳеч унудилмас олтин саҳифалар битиб қайтди. Қаҳрамонлик — мана шу! Ватан шарафини, миллат шарафини улуглаш — мана шу!

Аслида Ватанинг ҳар бир онгли фарзанди ўз Ватанини, мамлакатини улуглаш, шарафлашга қодирдир. Фақат бунинг учун имконият кутиб ётиш шарт эмас. Имконият ўз-ўзидан келмайди. Аллома шоиришимиз Гафур Гуломнинг машҳур мисраларини эсланг: “Фурсат ганиматдир, шоҳ сатрлар-ла, Безамоқ чоғидир умр дафтарин”. Ўз жисми-жонида Ватан шарафи, Ватан туйгуси билан миллат шавкатини ҳис этиб яшайдиган, ўзининг ҳар жиҳатдан комил инсон бўлиб етишуви учун жонини куйдирган фарзанд олдида ҳамиша Ватани шарафлаш имконияти очилиб келаверади.

Шу ўринда инглиз миллатининг шарафи учун Антарктидани биринчи бўлиб очишга бел боғлаган ва бу шарафга биринчи бўлиб эмас, иккинчи бўлиб эришгани, бироқ қайтиш йўлида ҳалокатга учраб, муқаррар юз беражак ўлим олдидан, эҳтимол этиб борар деган умидда, ўз ўтичларини ёзиб қолдирган капитан Скоттнинг кундалигига қайтайлик. Ёзувчи Стефан Цвейг Роберт Скотт кундалигидаги битикларни шундай ифодалайди: “У маҳбубасига ёзади. Ундан ўғлини — ўзидан энг

қимматбаҳо ёдгорни эҳтиёт қилишни ўтинади, уни ялқовлик ва лапашанглиқдан асранин сўрайди, жаҳон тарихидаги энг юксак жасоратлардан бирини содир этиб туриб, яна шунга икрор ҳам бўлади: “Мен фаол бўлишга ўзимни қанчалар мажбур эттанимни, ҳамиша менда ялқовликка мойиллик бўлганлигини ахир сен яхши биласан-ку!” Ўлим ёқасида у энг оғир ва ма-шаққатли ҳаёт йўлини танлаганидан сира афсус чекмайди, аксинча ўз қарорининг тўгри эканлигини бор вужуди билан маъқуллайди: “Бу саёҳат ҳақида сенга қанчалар кўп ҳикоя қилиб беришим мумкин эди! Буни уйда, бутун қулайликлар орасида ўтиргандан кура қанчалар яхши эканлигини билсанг эди”.

Машҳур адаб ҳужжатли асарининг мазкур бобини “Ўлаётган одамнинг мактублари”, деб атаган. Капитан Роберт Скоттнинг ўлим олдидағи иқрорномасини келтириб ўтиш орқали айтмоқчи бўлган гапим шуки, қаҳрамонлик ва жасорат ҳеч қачон ўз-ўзидан юз беравермайди. У инсон қалбининг табиий эҳтиёжи сифатида юзага чиқиши мумкин. Шунчаки истак, хоҳишгагина қараб рӯёбга чиқавермайди. Қаҳрамонлик, фидойиллик, жасорат кўрсатиб Ватанини шарафлашга ўзида куч, ирода, билим, шиҷоатни уйгота билган, ўзини шу муборак йўлда чиниқтира олган фарзандларгагина бундай шараф ёр бўлгусидир!

БҮЮК ИБРАТ ТИМСОЛИ

Инсоний комиллик ахтариб унга етишмоқ умидида яшаган фарзанд ҳамиша яхшилардан, ёши улувлардан ибрат олади. Ибрат эса фақат тарихда, ўтмишда ўтган боболаримиз тимсолидагина эмас, бугуннинг узида, ҳар кунлик ҳаётимизда ҳам тўлиб-тошиб ётибди. Биз ҳар куни буюк ибрат намуналарига дуч келамиз. Фақат уни қалб қўзи билан кўришимиз, юрак эҳтиёжи билан ҳис этишимиз мумкин. Биз мушоҳадамиз аввалида тарихимиз ва бугуннимиз мисолида жуда кўплаб ибрат мактаби бўлишга арзигулик воқеаларга тұхталиб ўтдик. Ватан туйгусини чуқур идрок этиш йўлида, Ватанини шарафлашни ўрганиш йўлида яна бир буюк тимсол борки, бу ҳақда сўзламасдан ўтиб бўлмайди. Бу озод мамлакатимиз йўлбошчиси — Президент Ислом Каримов ибратидир.

Азиз китобхон! Эътибор берган бўлсангиз юртбо-

шимиз ўзининг жуда кўп мательга ва сұхбатларида Қашқадарёни, бу воҳанинг танти ва мард инсонларини тез-тез тилга оладилар. Сабаби юртбошимиз Ўзбекистоннинг олий даражадаги раҳбари бўлиб сайлангунинг қадар бир неча йил шу вилоятнинг раҳбари бўлиб ишладилар. Бу йиллар мустабид тузум ҳукмронлигининг гирромликлари айни авжига чиққан давр эди. “Пахта иши” баҳонасида ўзбек ҳалқига нисбатан навбатдаги террор – қатагон этиш сиёсати юргизилаётган оғир йиллар эди. Қанчадан-қанча беайб қишилар турли баҳоналар билан қамоқларга ташланиб, уларнинг молмулки мусодара этилиб, оила аъзолари турли қийноқларга солинаётган, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бедодликлар юз бераётган кезлар эди. Вилоятнинг бош раҳбари сифатида Ислом Каримовнинг бундай номаъқулчиликларга нисбатан виждан исён қилди. Жуда кўплаб истеъодди ўрта бўгин раҳбарлари, ишбосилар, зироатчилар, оддий меҳнаткашларни ҳимоя қилди. Уларнинг кўпчилигини қамоқдардан олиб қолди, қамоқдагиларнинг эса тезроқ озодликка чиқиши учун курашди.

Ислом Каримовнинг юртпарварлиги, ватанпарварлиги илк бор мана шу жараёнда юз кўрсатди. Вилоят аҳли ўз раҳбарини севиб қолди, унинг жасоратига, мардлигига қойил қолди. Республиkaning ўша пайтдаги раҳбарлари бу қатагонга қарши тура билмаганлари етмагандай марказдан — мустабид тузум марказидан берилган кўрсатмаларни “гинг демай” бажарувчи маддоҳга айланиб қолган кезларда республика вилоятларини ўзини оқламаяпти, деган баҳонада бир-бирига қўшиб юбориш тадбирлари амалга оширила бошлади. Қашқадарё вилоятини ҳам Бухоро вилояти билан қўшиб юбориш режаси тузилиб, унинг асослари яратиллаётган кезларда Ислом Каримов бу сиёсатга қатъиян қарши турди. Ноёб қобилиятли иқтисодчи сифатида бу иш иқтисодий жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам ўзини оқламаслигини, нотўғри тадбир эканлигини санъаткорона тарзда исботлаб берди. Шу масала юзасидан собиқ иттифоқ ва республика даражасидаги йигинларда ўз фикрини мардонавор ҳимоя қилди. Қашқадарёнинг ишга туширилмаган иқтисодий имкониятларини, келажагини, воҳани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш истиқболларини аниқ мисоллар билан пухта таҳдил этиб берди. Мана шу жараёнда Ислом Каримов узоқни кўра оловчи раҳбар, ўткир сиёсатчи,

сифатида танилди ва бу ҳол кўп ўтмай унга Ўзбекистондек йирик республиканинг олий даражадаги раҳбари бўлиб сайланишида катта ишонч уйготди.

Ислом Каримов республикага раҳбарлик қила бошлаган кезлар Ўзбекистон тақдири учун ҳал қилувчи гоят масъулиятли бир давр эди. Мустабид тузум ўз ҳукмронлигини узайтириш учун миллий жумҳуриятларда миллий можароларни зимдан авж оддириб турган кезлар кечагидек ҳаммамизнинг ёдимиизда. Фаргона ва Ўш воқеалари, Тошкент вилоятида келиб чиқсан можароларнинг асл муаллифлари собиқ мустабид тузумнинг марказида эди.

Бизнинг баҳтимиз шундаки, юртбошимиз ана шундай кезларда ниҳоятда вазминлик билан вазиятга холис баҳо бера олди ва у ер-бу ердаги ўт чиқишларнинг олдини тезда олишга, биродаркушлиқ алангасининг авж олиб кетишини тўхтатиб қолишга муваффақ бўлди.

Шоиримиз Абдулла Орипов ўзи гувоҳ бўлган бир воқеани мароқ билан сўзлаб юрадилар. Бу собиқ иттифоқ ҳалқ депутатлари қурултойи кунлари Москвада Ислом Каримов ва Николай Рижков ўрталарида бўлиб ўтган сұҳбат бўлиб, ўрни қелгани учун унинг тафсилотини келтириб ўтишни лозим кўраман. Маълум бўлишича, юртбошимиз собиқ иттифоқ даврида республикага раҳбарликни ўз зиммасига олгач, Зарафшон ва Мурутновдаги олтин конларини Ўзбекистоннинг ўз тасаруфига ўtkазишини ният этиб, бу ҳақда иттифоқ ҳукумати раисига кўп бор мурожаатлар қилган. Табиийки, Москва миллий жумҳуриятлардаги муҳим стратегик иншоотларни марказдан туриб бошқаришни сира қўлдан чиқаргиси келмасди. Шунинг учун ҳамиша бундай сўровларга (илгари бундай сўровлар бўлганми-йўқми — худо билади) йўқ, деб жавоб бериш одат тусига кирган. Бироқ Ислом Каримов ўз талабида қатъий турган. Қурултойга келган Ўзбекистоннинг айрим ҳалқ депутатлари олдида Николай Рижков олтин конларини республика тасаруфига бермаслик учун турли важлар кўрсатади: у ерда жуда мураккаб технологик ускуналар, механизмлар мавжуд, республика уларни ўз кучи билан ишлатиши амри-маҳол, иккинчидан, агар ўз талабларингизда шундай қатъий турадиган бўлсаларингиз, ўша техника ва технология воситаларини у ердан олиб чиқиб кетамиз, деб пўписа ҳам қиласди. Шунда Ислом Абдуганиевич, агар техникаларни олиб

чиқиб кетадиган бұлсаларингиз — биз оддий лопатка-белкурак билан ҳам қазииверамиз олтинни, деб жавоб қайтарадилар. Николай Рижков: сизларда лопатка ҳам йүқ, уни ҳам Россиядан оласизлар-ку, дейди. Юртбошимиз: керак булса құлларимиз билан, тирноқларимиз билан, қазиб оламиз олтинимизни, деб кескин жавоб беради ва собық иттифоқнинг собық бош вазирини мот қилади.

Мен бу суҳбатни шу мулоқотта гувоҳ бўлган шоири-миздан эшигнанларим асосида ҳикоя қилдим. Юртбошимиз ва собық мустабид тузум раҳбарларидан бири-нинг орасида бўлиб ўтган бу суҳбат Ўзбекистоннинг мустақиллиги учун ҳақиқий кураш қандай шароитларда бошлиланганлигини рўй-рост кўрсатиб турибди. Мустақиллик, баъзилар ўйлаганидек, бизга осмондан тушгани йўқ! Мустақилликка биз юртбошимиз тимсолидаги мана шундай событқадамлик билан олиб борилган курашлар натижасида мушарраф бўлдик. Буни ҳис этмоқ учун яқин тарихга, воқеалар силсиласига ҳолислик ва адолат билан кўз ташлашнинг ўзи кифоя. Мустақилликни, истиқлол берган буюк имкониятларни мустаҳкамламоқ учун эса Ватан туйгусини ниҳоятда теран англомогимиз зарур бўлади.

Бу йўлда бизга юртбошимиз ҳаёти, у киши илгари суроётган гоялар буюк ибрат намунасиdir. Ислом Каримов Ўзбекистон Президенти бўлганидан буён амалга ошириб келаётган сиёsat моҳиятини ўқиб-урганиш, таҳдил этиб кўриш, мушоҳада юритиш озод Ватанимизнинг ҳар бир фуқароси учун юрт шарафини ҳимоя қилиш, Ватаннинг қадр-қимматини англашда буюк сабоқдир.

Мустақилликка эришганимиздан буён ўтган етти йил мобайнида биз турли сиёсий ўйинлар, найранглар, иғвогарликлар билан собық иттифоқни тиклашга нисбатан бўлаётган уринишларнинг гувоҳи бўлиб келаяпмиз. Президентимиз собық иттифоқ қуламасидан олдин янги Иттифоқ шартномаси лойиҳасидаги миллий жумҳуриятлар учун маъқул келмайдиган, бироқ мустабид тузумнинг яккаҳокимлигини барқарор этадиган бандларга қаттиқ қарши турганларидаи, мустақиллик йилларида МДҲни шундай сиёсий ташкилотга айлантириб, бошқа бир тарздаги — яна ўша собық иттифоқдан қолишмайдиган, унинг ҳокими мутлоқлигини тиклайдиган ташкилот тузилишига ҳам муттасил равищда қарши туриб келяпти. Келажакни олдиндан кўра билувчи доно

раҳбар, мустақилликка эришган янги миллий давлатлар даҳлсизлигининг собит ҳимоячиси сифатида йўл-бошчимизнинг МДҲ кўламида барча олий даражадаги учрашувларда ўзининг бу позициясини қатъий равища мардонавор ҳимоя этиб келаётганини кўриб, озод Узбекистоннинг бир оддий фуқароси сифатида менинг кўнглим ҳамиша фаҳр-ифтихорга тўлади.

Ватанинни севишнинг, миллатпарварлик ва юртпарварликнинг буюк тимсоли эмасми бу!

Ислом Каримов “Тафаккур” журнали бош муҳаррири саволларига жавобларида: “Ҳозирги вақтда дунёда икки қарама-қарши қутб барҳам топган бўлса-да, турли хил мақсад-манфаатларни ифода этувчи мафкуралар тортишуви тўхтагани йўқ. Очиқ айтиш керакки, бу тортишувлардан кўзланган асосий мақсад - инсон, авваламбор ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки минтақадаги бирор миллат ёки ҳалқнинг онгига, унинг сезги-туйгуларига таъсири ўтказиш, уни ўз дунёқарашига буйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тебе қилиш. Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамлиқдан ҳам кўра даҳшатлидир”, деб озод мамлакатнинг барча фуқароларини, ёшлини огоҳлантиради.

Ватан шарафини ҳимоя этишини ният этган фарзанд, Президент эътироф этганидек, ҳарбий, сиёсий тазиيқлардан кўра таъсири ва оқибатларини тезда илгаб етиш ниҳоятда қийин бўлган мафкуравий тазииқлардан огоҳ бўлиши, собит эътиқод, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётний-миллий қадрияtlарга, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлиши керак.

* * *

Бу фикрлар ўз она Ватанини, озод мамлакатини севиш, уни қадрлаш ва шарафлашнинг ҳақиқий сабоқлариidir.

Ватан туйгуси, Ватан шарафи ҳақида мушоҳада юритдик. Олис тарихдан то бугунги кунларимизгача бу туйгуни устивор этиб келаётган мисолларни тилга олдик. Бу йўлда бизга сўнмас маёқ бўлган миллатдошларимиз, ватандошларимиз жасоратини мадҳ этишга ҳаракат қилдик. Бинобарин, уларнинг жасоратлари буюк эъзозга муносибидир.

Ватан шарафини муқаддас билиш бобидаги мушоҳадамиз бир ҳақиқатни ойдинлаштируди. Жамият-

нинг барча аъзолари, озод мамлакатнинг барча фуқароларини муштарак мақсад йўлида бирлаштирувчи, уларни ҳамжиҳатликка, бир ёқадан бош чиқариб истиқлол берган буюк неъматларни эъзозлашга, мустақилликни мустаҳкамлашга илҳомлантирувчи буюк даъваткор куч — бу, Ватан туйгуси, Ватан шарифидир!

МУРОД ХИДИР

МИЛЛАТНИ БИРЛАШТИРУВЧИ БАЙРОҚ

СИЁСАТГА АЙЛАНГАН МИЛЛИЙ МАФКУРА. Аслида маънавият тушунчаси маърифат ва маданият тамойиллари билан бирга миллий мафкурани ҳам ўз қамровига олади. Миллий мафкура назарий фаолият билан bogлиқ бўлиб, у маънавиятнинг таркибий қисмини ташкил этади. Мафкура фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадиий-эстетик тафаккурнинг назарий асосларига суюнади.

Истиқол маънавиятигининг бош тамойилларини белгилаб, уни тобора шакллантириб бораётган ҳамда бу соҳада олимлар, сиёсатдонлар ва ижод аҳли учун йўналишлар бераётган Бош ислоҳотчи — Президентимиз Ислом Каримовнинг ўзирид.

Сўнгти йилларда яратилажак миллий маънавиятилизнинг мазмун ва мундарижаси шу қадар теранлашиб бормоқдаки, бу борадаги назарий изланишлар ва амалий тадбирлар ўз мустақилигини қўлга олган қўшни туркий давлатлар учун ҳам ибрат мактабини ўташи турган гап. Айниқса, яқинда юртбошимизнинг “Тафаккур” ойномаси бош муҳаррири саволларига берган жавобларида илгари сурилган янгича гоя ва назарий қарашлар ҳам жамиятимиз маънавий тараққиётида яна бир муҳим воқеа бўлди. Президент: “Жамиятимиз мафкураси ҳалқни — ҳалқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин”, — деб масалани кўндаланг қўяркан, у бу фикрни янада ривожлантириб: “Миллий мафкура — миллатни бирлаштирувчи байроқdir”, — деган кескин фикрни айтди. Президентимизнинг “Куч — билим ва тафаккурда” деган ҳикмати юқоридаги мушоҳадаларга тагин ҳам ойдинлик киритди. Ана шу шиордек янгроқ, теран мушоҳадалар ҳақида ўйларканман, беихтиёр олис мозий эсга тушади...

Кўхна Юнонистон. Донишмандлари билан донги кетган Афина... Буюк даҳо - сўқир шоир Ҳомер тўқиган “Илиада” ва “Одессия” достонларини ҳар томонлама

урганишга киришилди. Аҳли дониш борки, бу достонларга беназир қомус, деб қараңды. Гүё ҳаёт ва тафаккурнинг достон илгамаган, тасарруфига олмаган, ўз муносабатини билдирамаган бирор қирраси йўқдек эди. Шу кўйи Ҳомер баҳона Афинада бутунбошли фалсафий мактаблар юзага келди. Фалсафани билиш эса фуқаро учун таомилга айланди. Бугина эмас, маърифатли киши учун фалсафа мутолааси бурч бўлиб қолди.

Мана бу машҳур ҳикматлар ўша кезларда туғилди: “Фалсафа — сиёсатдан баланд туради”, “Тахтга файласуф ўтирсин, монарх эса фалсафа билан машгул бўлсин”. Кўриб турибисизки, ҳар икки ҳолда ҳам ҳукмдор файласуф бўлиши лозим. Афлотуннинг бу фалсафий ҳукмига устози Суқрот ҳам, шогирди Арасту ҳам қўшилади.

Шулар хотираға келиб, юртбошимиз айтган шиорнинг магзини чаққанда, бир сира тўлқинланиб кетасан киши. Ахир, ҳаяжон ҳисси чўлгамасинми: биринчи шиор Афинада — антиқ замоннинг Уйгониш даврида айтилган бўлса, иккинчи шиор эса бугун — ҳур Ўзбекистон миллий Тикланиш даврини бошидан кечираётган бир даврда баралла янграмоқда. Бор-йўги тафовут шундаки, бири — фалсафа, бири — миллий мафкура ва тафаккур.

Бизнинг миллий мафкурамиз кўп минг йиллик бой меросимизга, миллий қадриятларимизга, мутафаккир аждодларимиз таълимотларига ва илгор замондошларимизнинг заковатига суюнади ва айни маҳалда умумбашарий маънавиятнинг сарчашмаларидан озиқланади. Шунинг учун ҳам туб моҳиятига кўра миллатимиз мафкураси ҳам байналминал, ҳам умуминсонийдир. Бундан ўзгача бўлиши мумкин эмас. Мафкурамизнинг ягона миллий мафкура эканлиги ва бу мақомнинг Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ва шу юртнинг фуқароси саналган 130 дан зиёд миллат вакиллари манфаатларига зид келмаслиги барчага аён. Ўзга миллат вакилига ҳам икки давлат фуқаролиги ҳуқуқининг берилмаслиги бирор миллатга мансуб ватандошимиз қадр-қимматини ўзгалардан юқори тутмаслик ёки камситмаслик натижасидир.

Албатта, Октябр тўнтаришидан кейин жадидлар ва тараққийпарвар зиёлilar шакланиб бораётган бугунги мафкурамизни орзу қилган бўлишлари мумкин. Шундай бўлган чогда ҳам уларнинг эзгу орзу-умидлари фақат фаразлигича қолиб кетиши тайин эди. Шундай

бұлғанда ҳам Қизил империя ұқым сурган даврда миллий мафкура таъмаида бўлиш тахайюлнинг ўзгинаси эди, холос.

Қизил империянинг шүроларга хос, яъни ҳар қандай миллий туйгуни таҳқирловчи яккажокимликка асосланган мафкурасини юртбошимиз тамоман яроқсиз, деб топди ва барча тамойилларининг мустабид тузум манфаатларига хизмат қилувчи моҳиятини очиб ташлади.

ТАРИХ — ХОТИРА, ТАРИХ — САБОҚ. Тўгри, тарих бой маданий меросимизнинг яхлит бир қисмини, унинг энг кўламли улушкини ташкил қиласди. Халқимиз ва миллатимиз тарихи деганда, биз шарқшунослик, манбашунослик, элшунослик, қадимшунослик, тарихнавислик (истиография) каби соҳаларни ҳам кўзда турамиз. Тарихнинг кўламини қайд этиш мудаомиз эмас. Гап бутун тарихга гоят юксак баҳо берилаётганлиги ва баркамол инсоннинг аждодлари тарихини билиши ҳам фарз, ҳам қарз қилиб қўйилаётгани ҳақидаидир.

“Тарихни билмаган юртнинг келажаги ҳам бўлмайди”. Бу сўзлар юртбошимизга тегишилидир. Демак, баркамол инсон биринч галда ўзини мозийдан қидириб, оқсоч тарих орқали ўзлигини англаб етади. Яқинда тарихчий олимлар ва матбуот вакиллари билан бўлган учрашувда Президентимиз бу борада гоят дол зарб вазифаларни белгилаб берадики, улар амалга оширилмаса, маънавиятимиз кемтик бўлиб қолишини ҳис этдик.

Дарҳақиқат, мустабид тузум даврида завол топган ва бузиб талқин қилинган ўтмиш ва янги тарихимизни қайтадан кўриб чиқиш, чинакам миллий тарихимизни яратиш шу куннинг талабларидандир. Миллий Тикланиш даврида энг мудроқ туйгулар ҳам жунбушга келди. Шундай экан, тарихга қизиқиш кун сайин ортиб бораётганини ҳар бир фуқаро қалбан ҳис этиб турган бўлса ажаб эмас. Инсон борки, ўзи ва аждодлари ким бўлганига қизиқади, ўзи ва халқининг тарихдаги ўрнини баҳолагиси келади. Ўзи ва ўзи мансуб миллатни ўзга халқларга солиштириб кўради. Қолаверса, ўзи ва халқининг жаҳон тарихида туттан мавқенини билмоқчи бўлади. Асрларнинг силсиласи билан бугунини бойлайди ва келажагини ҳам чамалайди.

Қавмларнинг тарихини билишда “Қуёш ва ҳаво янглиг зарур бўлган илмлардан бири ҳам ушбу тарих илмидир”, — деган эди XX аср бошларида тотор маърифат-

парвари Ҳасан Ато Абуший. Олим ўзигача бу мавзуда араб ва форс тилларида 2 мингга яқин рисола битилганини биларди. Шу боис қавмлар шажарасига доир бирор асар яратишга аҳд қилиб, ниҳоят “Туркий қавмлар тарихи” китобини ёзди. Унда Ҳасан Ато Абуший туркий қавмлардан 60 тасини аниқларкан, ўз ажоддлари ҳақида ифтихор билан шундай дейди: “Турк уруглари қавми Турониянинг қабилабоши ва жуда эски ва улуг шўъбасидир... Турк ҳалқи бу ерларнинг энг эски ҳалқлари ва ҳожалари эди”.

Инсон инсониятга даҳлдор бўлгани каби бир ҳалқ ёхуд бир миллат тарихи жаҳон тарихининг бир бўлгадир. Шундай бўлгач, инсон ўз тарихидан ҳам, инсоният тарихи бўлмиш жаҳон тарихидан ҳам сабоқ олаверади. Ҳар қандай тарихнинг сабоқ бўлгулик ҳодисаси ёхуд воқеаси ҳам умуминсонийдир. Инсон ижтимоий ҳодиса бўлгани учун ҳам уни жамият тараққиёти билан боғлаб ўрганадилар. Баъзи бир муаррихлар эса инсонни тамаддун тараққиётiga боғлаб тадқиқ этадилар.

Машҳур фаранг муаррихи ҳикмати билан айтганда: “Билган эмас, балки излаган тарихчиidir”. Ҳар қайси ҳалқнинг тарихи ҳар бир асрда сабоқ бериб келади. “Излаган” киши узига керакли сабоқларни оқсоч тарихнинг саҳифаларидан ўқиб олаверади. Президентимиз Ислом Каримов миллий мағкуруни яратиш бора-сида ҳам инсоният тарихига мурожаат қилишга ундар-кан, қуидаги муҳим фикрни баён этади:

“Мен миллий мағкура хусусида бош қотираётган олимларимиз, маънавият ва маърифат соҳаси ходимларига ер юзида инсоният ва давлатчилик пайдо бўлганидан буён шакланган жамиятнинг ривожланиш қонуниятларини теран ўрганиш, кишилик тарихининг юксалиш ва таназзул даврларини, тараққиётни ана шу инқирозлардан омон сақлаб қолувчи ижтимоий-маънавий омилларни ҳар томонлама тадқиқ этган ҳолда бирон хуносага келишни тавсия этган бўлар эдим.”

Хуллас, ҳалқимиз тарихининг юксак баҳоланаётган ва қадрланаётгани бу инсонпарварлик фанини миллий мағкурамизнинг муносиб тамойили даражасига кўттармоқда.

ВАТАН — ЭНГ КАТТА ТАҚДИР. Ватан туйгуси илк бор туркий асотирларда ўз тажассумини топди. Тафаккур ибтидоси бўлмиш асотирларда бу муқаддас туйгу космогоник тафаккурларга йўгирилиб ифодалангандир.

Аждодларимизнинг энг қадимги дини саналган зардустийлик ва унинг нозил этилган муқаддас китоби — “Овасто”да Ватан туйгуси илоҳийлаштирилди. Бу туйгуни биз ўрхун битикларида ҳам ўқиймиз. Шунингдек, ҳалқ оғзаки ижодида Ватан эъзози янада теранлашди. Ўн тўрт асрдирки, Ислом дини ва фалсафаси Ватан шарафини иймон даражасига олиб чиқди. Зотан, “Ватанни севмоқ иймонданур”. Мумтоз адабиётимиз, фан ва маданиятилизнинг буюк намоёндалари доимо ўз замондошларини ватанпарварликка даъват этиб келдилар.

Шуни зўр қониқиши ва ифтихор билан қайд этиш мумкинки, Ватан туйгуси ҳалқимизнинг миллий фазилатига айланиб кетганdir. Бу олижаноб инсоний қадрият асрлар оша камол топиб, сайқалланиб келди. Қуҳна Туроннинг олис мозийида кечган не-не босқинлар, жангу жадаллар, қиргинбарот тажовузлар аждодларимиз иродасини буқолмади, Ватанга бўлган муҳаббатини сўндирамади. Оналар алла айтиб, оталар уҳу айтиб, ўз зурриётлари дилига Ватан ишқини жо этавердилар.

Жафокаш ҳалқимизнинг сира завол топмас бу табаррук туйгуси баъзан дўстларимизни ҳайратта солади. Бундан бир неча йил муқаддам Марказий Осиё жумҳуриятларига ташриф буюрган петербурглик машҳур нейрожарроҳ, академик Фёдор Углов бир ўзбек хонадони меҳмони бўлади. У нуроний мезбоннинг майга майл қўйиб олган ўглини қай тарзда иччиликдан юз ўтирганига жуда қизиқиб қолади. Жонҳолига қўймай ўтиниб сўрайверганидан кейин оқсоқол меҳмонга бунинг тафсилотини айтиб беради.

— “Бош ўглим нобоп тўдага тушиб қолиб, йўлидан тойди. Ичкиликка муккасидан кетди. Мен ҳаловатимни йўқотдим. Бир куни обдон панд-насиҳат қилдим — бўлмади. Бошқа куни роса койиб бердим — яна бўлмади. Энди биргина чора - нуридийдамни оқ қилишим қолди. Минг бир изтироб билан унга: “Эй падари қусур, — дедим, — сени оқ қиласман, оқпадарликнинг касри етти пуштингга уради”. Боёқуш бўздай оқариб кетди. Мендан буни кутмаган экан, бир сира гангид қолди-да, сўнг ўзига кела солиб, кетма-кет онт ичди... Шушу исқотини оғзига олмай қўйди...”

Ўшанда академик Федор Углов беихтиёр: “Эҳ, аттанг, биз ўрисларда ота-онага топиниш, болага топиниш, Ватанга топиниш йўқ-да!” — деб юборганини билмай қолган.

Ҳа, бу оқкүнгил, ўз Ватанини беадад севган инсоннинг эътирофи, йўқ, эътирофигина эмас, қалб нидоси эди.

Биз, ўзбекларда ҳам ҳар ким Ватанини ўзича кашф этади. Демак, ҳар бир фуқаромиз, ватандошимизнинг қалб тубида ўз Ўзбекистони, ўз Туркистони, ўз Турони бор. Ватанини ким қандай севиши ҳақида аниқ йўриқнома йўқ, албатта. Ватан туйгуси бизга илк бор она сути билан киргандир. Она қаргишининг болага ўтмаслигига ўзи берган сут сабаб экани ботиний илмда маълум гап. (Бу ерда сўз онанинг дуоибади ҳақида бормаяпти). Баъзан уйлаб қоламан: Ватанини дунёда қиёси йўқ даражада севишимизни ёмон кўзлардан ана шу она сути асраёттган бўлса ажаб эмас.

Ҳализамон ҳар ким Ватанини ўзича кашф қилишини айтдик. Яна шуниси борки, қалб ва шуруда кечадиган, ҳеч қачон изҳор қилинмайдиган туйгулар бўлади. Ватан ҳақида изҳор қилинган туйгудан изҳор қилинмаган туйгу шаксиз ўн чандон, юз чандон қудратлироқ бўлади. Бу — ботиний ҳис-туйгулардир.

Бугун кўнглимиз яна-да бутун. Қарор топган истиқолимиз, бош шиоримиз (“Юртим деб, элим деб, ёниб яшайлик”), бош гоямиз (“Ўзбекистон - келажаги буюк давлат”), етакчи гоямиз (“Туркистон - умумий уйимиз”), мафкуравий-интелектуал гоямиз (“Куч — билим ва тафаккурда”), миллий гуруримиз тимсоли — омолимиз (Соҳибқирон Амир Темур) бор.

Мен шу ўринда “Тафаккур тугёнлари” асаримнинг қўлёзмасидан олинган Ватанимга доир ҳикматли сўзларимнинг баъзи бир намуналарини кўпчилик билан баҳам кўрсан дейман.

- Ватан — онанинг кўксидан бошланади.
- Ватан туйгусининг манзилари бешикдан қабргачадир.
- Ватанини севиш ҳисси - бу шунчаки тугма майл эмас, у — сарбаланд ва муқаддас туйгудир.
- Ватан тупроги оёқдан эмас, балки қадоқ болаган қўллардан бўса олгиси келади.
- Белингиз Ватан юқидан букчайсин.
- Ватан юки залворли бўлса-да, малоли йўқ.
- Қуёшга жуфтлик ярашмаганидек, Ватанинг ҳам шериги йўқ.
- Ватан садақага бериilmаган, уни бизга тақдир ато эттан.
- Ватан — энг катта тақдир.

- Сен Ватанни мадҳ эттан минбар — меҳробдир.
- Иймон — виҷдоннинг қибласи. Ватан ҳам бамисоли қиблагоҳдир.
- Ватан булогининг бир қатрасини ал-иксир суви, деб билгин.
- Ватан нечогли улкан бўлмасин, у қалбга ҳам, кўз қорачигига ҳам жо бўла олади.
- Ватан ишқи ошиқ севгисидек қалбнинг туб-тубидан жой олган бўлади.
- Ватан ўғлонининг керилган кўкраги ҳамиша ганим ўқига қалқондир.
- Она юртнинг тикани ҳам табаррук.
- Ватан хокини тўтиёга айлантириш учун ал-кимёгар бўлиш шарт эмас.
- Қилмишимизга қараб Ватан биздан кеча олади.
- Ватанфуруш ўз олтин бешигини пуллайди.
- Ватан туйгуси устивор юртда ватанфурурушнинг бозори касоддир.
- Ватанфуруш айни маҳалда оқпадардир, оқмодардир.
- Ҳеч кимга Ватаңдан кечиш ҳуқуқи берилмаган.
- Она қаргиши — пўк,
- Ватан қаргиши — ўқ.
- Ватанфурушни космополитпастликка ҳам йўйиб бўлмайди.
- Космополитпастлик аслида ватанфурушликнинг илмий, фалсафий, маданий бир ниқобидир.
- Кечиб кетилган Ватанни қайтиб Парвардигор ҳам раво кўрмайди.

МИЛЛИЙ ГУРУР ТИМСОЛИ — МИЛЛИЙ ОМОЛИМИЗ.

Миллий гурур ва миллий ифтихор туйғуларини туйган ҳар бир миллат дунёда ўз ўрнини билади, қадр-қимматини баланд тутади. Бу қадриятга, бу неъматга эга бўлган миллат умуминсоният тараққиётida пеш-қадамлик қилишга интилиб яшайди. Агар миллий гурур ва ифтихор туйгуси кибр-ҳавога айланмаса, у тараққиётнинг мангу омили бўлиб қолаверади. Бордию бирор миллат ҳалқи бирор мустабид давлат тасарруфида қарамликни бошидан кечираётган тақдирда ҳам ана шу ўзликни англаш ҳис-туйгусидан маҳрум бўлмаган бўлса, бундай ҳалқни нурли келажак кутади. Бунга эҳтиёж сезиб яшамайдиган ҳалқ эса мазлумлиги етмаганидек, асрий мутелиқда қолиб кетади ва табиатидаги қулилк руҳини мустаҳкамлайди.

“Миллий ифтихор туйгуси - ўз миллий мансублиги-

дан фахрланиш имконияти. Миллий ифтихор туйгуси— ўз миллатининг бой тарихи, маданий ва маънавий меросидан, унинг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссасидан гурурланиш имконияти. Миллий ифтихор туйгуси — ўзлигини англаш ва ўзгаларни тушунишга даъват этувчи куч". (Абдуқаҳдор Иброҳимов, Хайриддин Султонов, Нарзулла Жўраев. Ватан туйгуси. Тошкент — 1996). Ана шу китобда муаллифлар истиқдол даврида "халқимизнинг миллий онгини юксалтириш учун қарийб унутилган тарихимизни тиклаш лозим" бўлганини ҳам қайд этиб утадилар.

Хўш, миллий тикланиш бошланган бир пайтда миллий гурур тимсолига, миллатнинг омоли (идеали)га, халқимизнинг бош миллий қаҳрамонига эҳтиёж бормиди? Ҳа! Бунга ҳар қачонгидан зарурат кўпроқ сезилаётган эди. Бир қараашда бўлуг тарихимиздан, минг йилликлар қаъридан инсоният юлдузи бўлгулик бундай муносиб зотни топиш ва аҳли миллатга ва жаҳон жамоатчилигига бир овоздан эътироф эттириб, тан олдириш осон эмасдек туюларди. Бу — ана шундай буюк даҳоларнинг камёблигидан эмас, аксинча, уларнинг Турон заминида гоятда кўплигидан ҳам энг муносибини танлаш осон кечмасди.

Кези келганда кўнглимдаги бир гапни айтиб ўтишини жоиз, деб биламан. Бу сиймоларни тарих ўгириб, санаб ўтиш керак бўлиб қолса, доим мени бир андиша қийнайди: Биринчидан, санаб уларнинг саногига етиб бўлармиди. Иккинчидан, энг улугларини зикр қилаётганингда ҳам қайси бир зотлар шубҳасиз унутилиб қолаверади. Бундан эса кўнгил хижил бўларди. Буюк аждодларимизнинг беқиёс салмогига доир баъзи бир мисолларга тухталаман. Масалан, кенг жамоатчилик буюк хоразмлик Абулқосим Маҳмуд ибн Умар аз Замахшарий ва фаргоналик аждодларимиз имом Бурҳониддин Маргиноний даҳосини сўнгги йиллардагина билди. Ваҳоланки, бу илоҳиётшунос алломаларнинг бирори ўз вақтида араб ва ажам халқларининг устоди, деб ном қозонган эди. Иккинчи алломанинг эса эллик уч рисолани ўз ичига олган улкан асари бўлмиш "Ҳидоя"да таҳлил қилган қонуниятларга Шарқ мусулмон давлатчилиги асосланиб иш юритиб келган эди. Шунингдек, биз мумтоз шеъриятимиз вакили Саидо Насафийни билардик. Икки йилча бурун мутасаввиғ олим Шайх Азизиддин Насафийнинг беназир тасаввуфий меросидан хабар топдик. Куни кеча таниқли шарқшунос ва тарихчи

олим Убайдулла Уватовнинг “Давр” ҳафтаномасида “Калом илмининг даргаси” мақоласи чоп этилди. Унда Үрта асрларда яшаб ўтган ватандошимиз Абу ал-Мутьин ан-Насафийнинг Ислом оламида энг нуфузли ҳисобланган илми қаломга таълукли бир неча асарлари ҳақида сўз юритилади.

Олим билан учрашувимизда шу нарса маълум бўлдики, яна бир Насафийнинг кашф қилиниши — бу ҳамир учидан патир тариқасидағи бир гап экан. Бундан уч ой илгари Убайдулла Уватов олимлар гуруҳи билан бирга араб мамлакатларига ташриф буюрган эди. Улар Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фаргоний асарларининг бир неча нодир қўлёзма нусхаларини қўлга киритдилар. Шахсан Убайдулла Уватов дуч келган бир китоб фавқулодда бебаҳо бўлиб, ҳар қандай кишини ҳайратга солиши турган гап эди. Ушбу китобда Соҳибқирон Амир Темур Ватани бўлмиш Қашқадарё воҳасида турли асрларда умргузарронлик қилган 135 нафар Насафий таҳаллусли алломанинг ҳаёти ва фаолиятидан маълумотлар берилганди. Ана шунча ориф зотнинг бирори сўфи ё мутасаввиф булса, яна бирори муҳаддис ёки мутакаллим эди.

Камина бунгача, яъни 60-йилларнинг бошида марҳум академик Воҳид Абдулладан мумтоз адабиёт сабогини олиб юрган кезларимда 120 Самарқандий яшаб ўтганини билардим.

Мана, айни шу дақиқада ҳам миллий гуурунимиз тимсоли бўлишга муносиб ажоддоримизни бирма-бир санаб чиқишининг андишасини қилиб ўтирибман. Эҳтимол, юртбошимиз ҳам миллатимизнинг бош миллий қаҳрамонини танлашда шундай ўй-хаёлларга берилгандир.

Бош ислоҳотчимиз бу масалада донишманларга хос одилона йўл тутиб, сира иккilanмаган ҳолда, жуда қатъий азму қарор билан “кўҳна тарихнинг буюк чўққиси Амур Темур”ни танлади ва бу улуғ зотни “халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзи”, деб баҳолади. Бу мисли кўрилмаган дадил шиҷоатдан бутун ўзбек халқи, наинки халқимиз, балки бутун турк дунёсининг боши кўкка етди. Бир юз ўтгиз йилдан зиёд ўқсиб келган кўнгиллар тогдек кўтарилиди.

Раҳномамизнинг дилига буни Парвардигорнинг ўзи солдими, ишқилиб, ана шу эзгу ва тарихий аҳду паймомизига ҳатто Оврупо ҳам хайриҳоҳлик билдириди.

Айниқса, ўзбек халқи учун Соҳибирон гүё шуҳрат тоҗини қайта кийгандек бўлди.

Қисқа бир муддат ичида Соҳибирон хотирасини абадийлаштириш бўйича шу қадар улкан ишлар амалга оширилдики, бунга лол қолмай илож йўқ. Бу буюк зот таваллуд санасининг ЮНЕСКО томонидан нишонланиши оламшумул воқеа бўлди.

Турк дунёсининг халоскори ва Ислом тўгини баланд кўтарган Соҳибқирон айни маҳалда Россияни уч карра озод қилган, Оврупани эса асрий қуллиқдан сақлаб қолганди. У буюк турк давлатчилигининг тенгсиз намунасига асос солиб, Шарқда иккинчи Уйгониш даврини бошлаб берган ва жаҳон тамаддунини юксак погонага кўтарган сиймо эди.

Ҳар бир тарихий воқелик ва ҳодисанинг амалга ошувига етилган тарихий вазият сабаб бўлади. Айнан шу вазиятлар шарофати билангина тарихий бурилиш ва инқилобга асос солинади. “Халқ ҳалокат ёқасига келиб қолса, шундагина у ўз қаҳрамонини яратади. Ўша қаҳрамон жар ёқасида қулаб бораётган халқининг этагидан тутиб, ҳалокатдан сақлаб қолади”, — дейди атоқли гуржи адаби Чабуа Амирижиби. Дарҳақиқат, халқимиз қисматидаги шундай бир мушкул вазият юртбошимиздек буюк ислоҳотчини майдонга олиб чиқди. Азалдан аҳли донишлар айтиб келадиган бир ҳақиқат бор: айлана доираси марказни белгилайди. Ҳа, воқеан айлана — ижтимоий муҳит бўлса, унинг марказий нуқтаси — миллат халоскори бўлмиш миллий қаҳрамондир.

Бел боғлаб майдон ўртасига тушган юрт раҳнамосининг қўли билан Оллоҳ таоло Соҳибқирон Амир Темурни халқимиз даҳосининг тимсоли, омоли, деб қарор толтирилди. Бу ҳам жафокаш халқимизга Яратганинг бир инояти. Бу сўзларимизда ҳеч қандай маҳобат йўқ. Қолаверса, Соҳибқироннинг дунёга келиши анча оддин кароматгўй зотлар томонидан башорат қилинган тарихий ҳақиқатдир. Шунингдек, ҳазрат Амир Темур Худо ёрлақаган, назаркарда зот эди. Соҳибқаромат бу инсон ўзида кечган бир неча мұъжизани “Тузуклари”да шарҳлаб берган.

Хуллас, Соҳибирон Амир Темур шахсияти, фаолияти, хотираси, мероси ва темурийлар даврининг ўрганилиши маънавиятимизни янада бойита бошлади. Соҳибқироннинг ўзбек миллатининг боз қаҳрамони, омолига айлангани эса истиқдолимиз миллий мафкурасининг тагин бир тамойил билан теранлаштириди.

ХОНАДОНДАН - ЖАҲОНГА ЁХУД ЖАҲОН ТАМАДДУНИГА ДОИР. Бир миллатга мансуб инсонларнинг ҳар қайсиси ўз шахсиятига ҳам эгадир. Шунга қарамай ҳар бир шахсият инсониятга даҳдор. Ана шу даҳдорлик унинг умуминсонийликка хос фазилатларга эга эканлигини кўрсатади. Шунингдек, бирор халқдаги миллийликнинг ўзи шакл ва мазмунидан қатъий назар ўзга бир миллат вакили учун ёт бўлмай, айни маҳалда англешиладиган ва хайриҳоҳлик уйготадиган туйгудир.

Кишилик тарихи бошлангандан бери ер юзи халқлари ўзаро таъсир жараёни остида яшаб келади. Шундай экан жаҳон тамаддунига ўз ҳиссасини қўшмаган бирор маданий халқ ва миллатни топиш қийиндир. Жаҳон тамаддунининг бугунги босқичида ўзаро маданий таъсирларнинг суръати тобора тезлашиб бораёттанини кузатиш мумкин. Ҳар бир жамиятнинг илгор кишилари дунё маданияти ва тамаддуни бойиши учун интилибгина қолмай, ҳатто унинг равнақи олдида мастьуллик ҳиссини ҳам сезиб турадилар. Буюк ҳинд адаби ва мутафаккири, Нобел мукофоти совриндори Робин-дранатҳ Тҳакур миллатнинг тараққийпарвар намояндалари зиммасига шундай вазифани юклаган эди: “Ўз халқининг маданиятини жаҳон майдонига олиб чиқмаган зиёли жиноятчиdir”.

Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, аждодларимиз қўшничилик, биродарлик, дўстлик, байнамалмилалчиликка доим эҳтиёж сезиб келган. Ўзбекларга, умуман туркий халқларга хос инсонийлик фазилатлари бутун башарият билан дўстлик ришталарини боғлаб келди. Эзгуликка мойиллик, ўзга маданиятларга хайриҳоҳлик аждодларимиз учун бамисли тараққиётнинг гарови бўлди. Шунинг учун ҳам ўзбек маданиятининг жаҳон тамаддунига қўшган улуши гоят салмоқлидир. Гурур билан шуни ҳам айта оламизки, туркий маданият жаҳон тамаддунининг таркибий қисмини ташкил этади.

Ҳализамон халқимиз табиатидаги хайриҳоҳлик шунчаки сўздагина ўз ифодасини топмай, у истилоҳ бўлиши билан бирга миллий мафкурамизга хос бутун бошли тамойил моҳиятини ўзида тажассум этади.

Хўш, славян халқларининг энг йириги бўлмиш рус миллатининг умуминсоният тамаддунига кўтарилишида қайси омиллар қўл келган ва туркий халқлар нимаси билан улардан фарқланади? *Рус халқининг шахсият маданияти; ўзга маданиятларга мойиллик ва таъсир-*

чанлик; шахсият эркинлиги каби тамойиллар унинг умуминсоний маданиятга даҳдорлигини белгилайди. Таниқли маданиятшунос академик Д.С.Лихачев иқро-рига кўра рус халқи маданиятини ана шу фазилатлар бойитди ва бу маданиятнинг асрлар давомида умуминсоний хислат касб этишига олиб келди.

Туркий халқларга қиёслаганда рус халқи ўзга маданиятларга нисбатан ўз табиатидаги мойиллик ва таъсирчанлик хислати билан тубдан фарқданади. Уларга хос икки фазилат — шахсият маданияти ва шахсият эркинлиги туркий халқларда ҳам азал-азалдан устивордир. Турклар ўзга маданиятларга фақат хайриҳоҳ бўлиб қолаверади. Туркларда ўзга маданият таъсири тақдир ҳукмига ҳавола этилади. Уни тарихнинг ўзи ечади. Бу жараён силсиласини сезиш, пайқаш анча душвор. Туркларда хайриҳоҳлик тугдирган маданиятга эҳтиёж сезилган тақдирда ҳам бу жараён ментал, яъни латиф бир ҳолда кечади.

Бинобарин, туркий халқларга ўзга маданиятни зўрлаш йўли билан ҳеч қачон сингдириб бўлмайди. Кечаги кунимизда Наврӯзга муносабат ва унинг ўрнига сунъий бир маросимни тиқишириш ҳеч қандай натижага бермади ва бу тадбир жоҳилона бир чираниш сифатида тарихда абадул-абад муҳрланиб қолди. Тарихдан маълумки, ўзгалар маданиятига энг таъсирчан руслар ҳам декрет йўли билан мажбурлаб анъянага айлантиришмоқчи бўлишган ажнабийлар маданиятини қабул қила олмаганлар. Миллий ҳис-туйгуларни менсимаслик ҳар қандай халқ учун оғир таҳқирдир. Пётр I даврида миллий куйлаклардан воз кечиб, Оврупача либос кийишга даъват этилганда, бу уриниш минглаб кишиларни Сибирга оқуйлик қилиш билан якунланган эди.

Туркий халқларимизда хайриҳоҳлик туйгуси айниқса диний мафкура ва ўзга маданият тамойилларига муносабатда намоён бўлиб, олис мозийдан бошлаб шаклланиб келган. Бунга бир қанча асосли тарихий далилларни мисол қилиб келтириш мумкин. Масалан, бундан беш минг йил илгари Ҳиндистон даштларида яшаган аждодларимиз ваҳий орқали нозил бўлган диний-фалсафий ведаларни ёнма-ён яшаган қадимги форслар билан баҳам кўришган. Етти юз жилдан иборат бу беназир маданий-маънавий ёдгорлик ворислари турклар ва форслар эканини, уни кейинчалик санскрит тилига ўтиришганини ҳиндлар ажиб бир тантлилк билан эътироф этадилар.

Хоразм давлати таркибиға кирган Күшон империяси даврини олиб күрайлик. Вима Кадфиз II нинг вориси Канишқа даврида (эрэмизнинг 78—123 йилларида яшаб ўтган) Күшон салтанати гуллаб-яшинаган эди. У Рим, Парфия ва Хитой қаторида тұрғынчи қудратли давлат эди. Канишқа Шимолий Ҳиндистон ва Парфияни ўз тасарруфига олиб, Шарқий Туркистонга ҳам таъсирини ўтказа бошлиғанды. Унинг диний сиёсати ҳақида тарихий адабиётларда шундай иншо этилади: “Канишқа канинг дин соҳасидаги сиёсати жуда қизиқарлидир. Будда анъанасида Канишқа Ҳиндистонда буддизмнинг тарқалишига катта ҳисса құшган Мауръя деган қадимги ҳинд суоласининг энг иирик вакили Ашока билан бир қаторға құйилды. Шимолий буддавийлик ақидаларининг шаклланишида катта ўрин тутган будда кенгашини (аксар мутахассисларнинг фикрича, бу кенгаш янги еранинг 100 йилида бўлган) чақириш ташаббускори ҳам Канишқа бўлган, деб тушунилади.

Бу жиҳатдан Канишқанинг тангалари айниқса ибратлидир. Тангаларнинг тескари томонига турли маъбудларнинг тасвири туширилган бўлиб, уларни таққослаш орқали биз Күшон давлатидаги хукмрон табақаларнинг диний синкретизмидан (бирор нарса ёки ҳодисанинг бир-биридан ажralмаган, ибтидоий аралаш-қуралаш ҳолати — М.Х.) воқиф бўламиз. Күшонларнинг маъбудлари ичидә Буддани, ҳиндларнинг Шивасини, юнонларнинг Гениосини ва Селенасини (Қуёш ва Ой тангрilари, зардушт динидаги Митра (Қуёш), Mao (Ой) ва Артоаспани (сув тангриси), сомийларнинг ҳосилдорлик маъбути — Нанайяни қўрамиз. Маҳаллий ҳинд, юон ва күшонларнинг ўз Ватанларидан олиб келган Марказий Осиё зардуштий диний маросимларининг қўшилиб кетиши жараёнини акс эттирувчи ҳамда ўтган даврнинг мағкуравий тарихини бамисоли якунловчи бу синкретизмни энг сўнгги “Катта арава таълимоти (Магаяна)”ни Тибет, Мўгулистон ва Хитойда тарқалган ўта синкретик шимолий буддавийлик ривожининг боши, деб ҳисоблаш мумкин”.

Вима Кадфизнинг Канишқагача зарб қилинган тангаларида ҳам худди шунга яқин ҳолни учратиш мумкин эди.

Ислом дини туркий халқлар ҳаётида жуда улкан бурилиш ясади. Бу дин таълимотидаги биргина ақиданинг ўзи туркийлар руҳиятида нечогли муҳим ўрин тутганини тан олмай иложимиз йўқ: Исломга ий-

мон келтирган мусулмонлар битта миллатга мансубдирлар. Инсон зоти борки, онадан мусулмон бўлиб тугилади... Бундай қарашлар туркий ва бошқа мусулмон халқарини бир-бирига яқинлаштириди, айни пайтда гайри дин аҳлига адоват сақламасликка чорлади. Демак, миллий маънавиятнинг бойишига, бу орқали эса жаҳон тамаддунига салмоқли ҳисса қўшишига яна бир омил яратилган эди.

Айниқса, Ўрта асрларда фаолият кўрсатган Абу Райҳон Берунийнинг илмий мероси умуминсоният мулки бўлиб қолди. У ўз даҳоси билан Шарқ ва Гарбни қиёсий ўрганди. Аллома таваллудининг минг йиллиги нишонланаётган куни Тошкентта ташриф буюрган ЮНЕСКОнинг ўша пайтдаги Бош директори айтган гаплар ҳамон қулогим остида жаранглаб турибди. У тантанали мажлисда нутқ ирод қилиб, шундай деган эди: “Халқаро ЮНЕСКО ташкилотимизнинг бутун дунё халқарининг бошини қовуштиришдек эзгу ишини ёлгиз Берунийнинг ўзи минг йил бурун амалга оширганидан ҳайратдаман”.

Умрининг кўп қисмини Туркияда яшаб ўтказган яна бир туркистонлик мавлоно Жалолиддин Румий ўзининг бадиий ижодида умумжаҳон қадриятларидан жуда унумли фойдаланган алломалардан биридир. Мавлоно ўзининг “Маснавий-лари”да Таврот, Инжил, яхудолик, насронийлик таълимотлари ва юонон фалсафаси, буддийлик ва ҳинд сутраларидан ҳам озиқланганининг шоҳиди бўламиз. Шунга қарамай мавлоно Румийнинг бу бебаҳо асари мутаассибларнинг қаҳрига учрамади ва, аксинча, Қуръондан кейинги китоб, деб баҳоланди.

Иккинчи Ўйғониш даврининг асосчиси Соҳибқирон Амир Темур салтанат юргизган кезларда бой миллий маънавият шаклланди, миллий мафкурага илк бор та-мал тоши қўйилди. Соҳибқироннинг ўзи қатъий амал қилган “Тузуклари” эса башариятнинг давлатчилик санъатидаги беқиёс дурдонадир.

Соҳибирон Амир Темур анъаналарини изчил давом эттирган Бобурийлар сулоласи ўз қаламравидаги халқарининг миллий маданиятларига ҳурмат билан қарашнинг энг юксак намунасини кўрсатган эди. Жавоҳирлаъл Нехрунинг уч жиљдик “Бутун дунё тарихига нигоҳ” асари қамоқхонадан қизига йўллаган мактубларидан иборат. Үнда ҳинд халқининг доҳийиси Ж.Нехру Мирзо Бобур ва шоҳ Акбар адолати хусусида меҳр билан сўз юритади.

Бобурнинг араб хатини ислоҳ қилиб, уни Хатти Бобурий, деб аташи Ўрта аср ислом оламида мислсиз бир журъат эди. Шоҳ Акбарнинг ҳинд мулкидаги турфа эътиқоддарни бир-бирига яқинлаштириш ва биродарлик динига асос солиш йўлидаги уринишлари, Мусаввирлар академиясини очиб, мусаввара (мўъжаз рангтасвир) услугига оврупча унсурларни ҳам сингдириши, умуман бобурийлар қурган бутун бошли Агра шаҳрию, яна қанчадан-қанча саройлар, кӯшклар, мадрасалар ва масжидларга ҳинд меъморий унсурларнинг уйғуналашиб кетиши диққатта сазовор далолатлардир.

Туркий ҳалқлар, жумладан ўзбек маданиятининг хонадондан жаҳонга чиқишида, унинг умуминсоний моҳият касб этишида, жаҳон тамаддунини бойитищда “Ипак йўли”нинг тарихий аҳамиятини қайд этмай ўтиш мумкин эмас. Бутун Туроннинг йирик кентлари, савдо марказлари, пойтахт шаҳарларини чўлғаб ўтган бу карvon йўлининг шарофати билан туркий, шунингдек, ўзбеклар ўзларидаги инсоний фазилатларни янада бойитдилар. Самодаги Сомон йўлига менгзалган шу “Ипак йўли” бўйлаб ўтган савдогарларни аждодларимиз мусофири билуб, улардан хизматларини дариг тутмадилар, меҳмоннавозлик кўрсатдилар, ҳожатбарорлик ва жувонмардлик қилдилар, савдо ишида кўзлари пишиб бордилар, кўп тил билишга эҳтиёж сездилар, ҳунармандчилик молларининг рақобатбардошли бўлишига эришдилар, Турон довругини оламга ёйиб, жаҳонгашталикка юз тутдилар.

Ўзбекистоннинг бой ўтмишини ва тараққиёт сари дадил одим ташлаётган бугунини кўпдан самимий эътироф этаётган ЮНЕСКО Бош директори жаноб Федерико Майор “Ипак йўли” ҳақида бундай деб ёзди:

“Самарқанд, Бухоро ва Хивага қилган сафарим ҳаётимдаги ҳаяжонли дамларим бўлди. У ерлар эртаклардаги каби афсонавий ва тарихий жойлардир.

Мен “Ипак йўли” шу жойлардан ўтиб, маданиятлар ва динларнинг бир-бирига кириб келишига ва Шарқ билан Гарбнинг мулоқотига кўмаклашганини тасаввур этишга уриндим. Мен борган жойлар инсоният тақдирининг чорраҳалари ўтган буюк шаҳарлар эди.

Энди биз ана шу тарихий ҳолатларни инобатга олган ҳолда “Ипак йўли” тинчлик ва мулоқот йўли сифатида хизмат қилишини давом эттиришга кўмаклашмогимиз керак”.

Жаноб бош директор “Ипак йўли”нинг тарихий ва

оламшумул вазифасига жуда тұғри бақо бераркан, у “Ипак йұли”нинг тикланишига доир фикр юритади. Бу тоғай долзарб ва башарий муаммодир. Шунинг учун ҳам юртбошимиз истиқболнинг дастлабки йилларидаңы “Ипак йұли”га қайта жон багишаң, бу күхна карвон йұлларида савдо ва сайёхлик индустрияси иншоотларини барпо этиш, шу йұл ёқалаб қурилған мөддий-маънавият ёдгорликларини таъмирлаш борасида кетма-кет қарорлар қабул қылды.

Хуллас, “Ипак йұли”га хорижлик дүстларимизнинг қизиқаёттани, үзимизда унинг аввалги довругини қайтарышга киришилған бу карвон йұлининг бамисоли мұхым бир қадрият сифатида қаралаёттани аломатидир.

Эртанғи кунга, келажакка некбин кайфият ва ишонч билан қараб шуни айтиш мүмкінки, Инсон, Инсоният, Инсонийлик бор экан, бу учлик бир-бирини тақозо қиласар экан, барқарор миллій маънавиятимиз умуминсоний мөжіят қасб этиб, жағон тамаддунини бойитиб бораверади. Букун миллій тикланишимизнинг шиддатини күриб шунга иймон келтириш мүмкін.

АБДУНАБИ ҲАЙДАРОВ

МИЛЛИЙ МАФКУРА ВА ВАТАНПАРVARЛИК ТАРБИЯСИ

Юнонлардан чиққан буюк файласуф Демокрит ҳақида күп эшитган, күп үқиган бұлсанғиз керак. У аслида қандай инсон бұлғанлигини ҳам яхши билсанғиз керак.

Иттифоқо, мавриди келганды, одамлар ундан сұрашибди: “Мумкин бұлса, айтинг-чи, бугунги кунда сизни нима қаттық ташвишга солади?”

Аллома бу саволға дарқол жавоб қайтармабди. Нималарни дир мушоҳада қилиб, узоқ үйга толибди. Пировардидә, шундай дебди: “Менинг энг катта хавотиirim ҳам, ташвишим ҳам замонамиз ёшларидан. Чunksи улар бутунлай айниб кетиши. Одоб-ахлоқни билишмайды, катталарни ҳурмат қилишмайды. Агар ақвол шу зайдә давом этаверса, ҳадемай қиёмат-қойим рўй беради, дунё агдар-тўнтар бўлиб, тараққиёт тўхтаб қолади”.

Бу гап айтилганидан бери икки минг йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Орада ҳаётга неча-нече авлодлар келиб кетди. Лекин, Худога шукур, Демокрит башорат этганидек, қиёмат-қойим содир булгани йўқ. Дунё аввал-бошда қандай бұлса, ҳозир ҳам шундайлигича турибди. Кишилик жамияти эса, гоҳо ундоқ, гоҳо бундоқ, барибир, ривожланишда давом этаяпти. Фақат бир нарса ўзгаргани йўқ. Қайси даврга боқманг, қайси замонга қулоқ тутманг, ҳали-ҳануз катталар ёшлардан нолигани-нолиган: “Бизлар бошқача эдик, ҳозиргилар эса....”

Узоққа бормай, бундан 30-40 йил бурунги гап-сўзларни эслайлик. Биз тенгилар ўшаңда болалик ёшида эди. Ота-оналаримиз назарида гарчи гўдак ҳисоблансанқ-да, яхшиликнинг шарофатини-ю ёмонликнинг қасофатини тушунардик. Мургак ақлимиз ила ҳалол билан ҳаромнинг фарқига борардик. Илм олиш, қасб-хунар ўрганиш иштиёқида астойдил ўқирдик. Ёши улувлар панд-насиҳатига қулоқ тутардик. Эвазига эса,

барибир, танбек, ҳатто, таъна-дашном эшитардик. “Үгил-қизларимизнинг зеҳни дуруст, бизниги қараганда, анча ўткир, — дейишарди улар аввалига арқонни узун ташлаб. — Ҳар қалай, китобдан бош күтаришмайди, меҳнатдан қочишимайди. Одблари ҳам жойида. — Кейин эса муддаога ўтиб, диллариғанини тилларига чиқаришарди. — Фақат уларда бир нарса — мустақиллик етишмайди. Феъл-атворларида тортин-чоқликками-ей, тобеликками-ей ўхшаш нимадир устунроқдай. Нуқул қил деганингни қилишади, қилма деганингни қилишмайди. Баъзиларининг ўнг юзига урсанг, чапини ҳам тутиб туришади. Бу кетища, ким билади, вояга етишгач, қанақа одам бўлишаркин?...”

Начора, дунёнинг ишлари шунақа! Одамзот табиатан бекарору бесабр яратилган — на иссиққа кўнади, на совуққа!

Энди давомини эшиting. Гўёки кечагина оғзидағи ошини ҳам бирорга олдириб қўядиган даражада “бўшбаёв”, “ландавур” ҳисобланганлар бутун катта ёшиллар сафидан урин олишган. Ўли-жойли бўлиб, қўшақўша фарзандлар куришган. Айримлари аллақачонлароқ бобо-буви деган номга сазовор бўлишган. Шунга қўра, ёшлардан ҳасрат қилиш навбати уларга ўтган: “Кейинги авлод вакилларини мутлақо тушуниб бўлмайди. Аксариятида на бир нарсага қизиқиш — эътиқод бор, на бир масъулият. Қарияларга йўл ёки жой бўшатиш нарида турсин, лоақал салом беришни ҳам билишмайди. Илм олишга, касб-хунар ўрганишга чинакамига қизиқишмайди. Олифта кийинишдан, тонготар ер тепиб ўйин-кулгу қилишдан бошқасини қойиллатишмайди. Баъзилари ута маҳмадона, бетгачопар. Улар ҳамма нарсани - одоб-ахлоқу маънавиятни ҳам, инсон қадр-қимматини ҳам яққаш пул-бойлик билан ўлчашади. Қўйиб берсанг, шахсий манфаатлари йўлида бобоси тенги одамни ҳам алдаб,чув тушириб кетищдан тойишмайди...”

Қизиқ, нега шунақа? Нега ҳар доим бир тоифа кекса авлод ёш авлоддан норози? Боз устига, нима учун улар ҳамиша ўзларича ҳақу, кичкиналар ноҳақ?

Бу каби саволларга ҳар ким ҳар хил жавоб бериши тайин. Чунончи, шахсан менинг фикримча, ёшлар шаънига билдирилаётган эътиrozлар замирида мөҳияттан битта оддий, шу билан бирга, чўнг ҳақиқат пинҳон. Инсон дунёга келибдики, мудом эзгу бир ният билан яшайди. Доимо баҳт учун курашади, ҳар қандай

вазиятда ҳам комилликка интилади. Гоҳо ўзи эришолмаган орзу-ҳавасларининг фарзандларига насиб этишини тилайди. Уларнинг турмуши ўзиникидан-да яхшироқ кечишини уйладиди, келажаги ўзиникидан-да порлоқроқ бўлишини истайди.

Қиссадан ҳисса шуки, юқоридаги янглиг койинишлардан мақсад аслида ёшларни қоралаш ёки ёмонотлиқ қилиш эмас, аксинча, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб ўсишлари учун қайгурицдан иборатдир. Эҳтимол, бу ҳам ўзига хос тарбия воситаси ҳисобланар. Эҳтимол, “Танқид — келажакнинг меваси” деган ўйтайман шу маънода қўлланар.

Яна билмадим, балки мен янгишаётгандирман, балки номақбул хулоса чиқараётгандирман. У ҳолда, ўзингиз холисона айтинг, инсоф билан тан олинг: кейинги авлод вакиллари ростданам биз таърифланчалик эътиқодсиз-тарбиясизми? Ҳар даврада, икки гапимизнинг бирида бот-бот такрорлаётганимизчалик худбин-шуҳратпарастми? Йўқ! Нафси замонабини айтганда, ўз ёшлигимизга нисбатан солиштирсан, улар сизу биздан кўра анча-мунча билимдонроқ. Дунё-қарашлари теранроқ, фикрлаш доиралари кенгроқ. Ҳар қалай, кўл-да бизнинг тишимиз ўтмайдиган фантехника мўъжизалари - электрон ҳисоблаш машиналари, компьютерлар билан бемалол тиллаша оладилар. Энг қийин, энг мураккаб масала-жумбоқларни ўзлари мустақил равишда, бировларнинг кўмагисиз, тез ва тўғри еча биладилар. Бу нимадан? Фақат замонанинг зайдиданми? Илм ва ахборот олиш манбай кўплигиданми? Менимча, аввало, ўғил-қизларимизнинг тиришқоқликларидан, ўзлигини ва дунёни англашга иштиёқлари кучлигидандир!

Албатта, шу ўринда зинҳор-базинҳор бир нарсани унутмаслик жоиз. Ҳар бир авлоднинг ўзига хос ютуқ-фазилатлари билан бир қаторда, ўзига яраша муаммокамчиликлари ҳам бўлади. Бироқ бунинг учун нуқул танҳо уларни айлаш адолатдан эмас. Негаки, эл-улусда “Қуш уясида кўрганини қиласди”, “Ҳар ким экканини ўради” деган доно нақллар бор. Бу демак, фарзандларимиз чинданам бироз ноқобилроқ, сал бебошиброқ бўлиб вояга етаётган бўлишса, калаванинг иккинчи учи ўзимизга бориб тақалади. Қолаверса, алломалар болаларни ҳуда-беҳуда навниҳолга менгзашмаган. Ниҳолни, биласиз, бошиданоқ рисоладагидек парваришиламасангиз, яхши амал олмайди, тўғри ўсмайди.

дуруст ҳосил бермайды. Бундай ҳолларда бир йиллик меңнатингиз ҳавога совурилар, ана, борингки, учтүрт йиллик пешона терингиз зое кетар. Вакт ўтиб, хатоингизни англашга фурсат етар. Шунда ўша ерга бошқа күчтөн экарсиз, астойдил умид қылсангиз, муродингизга эришарсиз. Болалар таълим-тарбияси бобида-чи? Ўз-ўзидан маълум, бу иш далага уруг сепиш эмас, чорбогга күчтөн ўтқазиш ҳам эмас. У тарихга, маънавиятта, бир сүз билан ифодалаганда, инсон тақдирига тааллуқли вазифадир.

Бас, шундай экан, таълим-тарбия борасида бир лаҳза эса-да, заррача бұлса-да, адашиш асло мумкин эмас. Акс ҳолда, бутун арзимасдек туюлган жузъий камчилик ҳам кейинчалик оғир фожиаларга олиб келади. Уни тұғрилаш беҳад қыйин кечади, жуда-жуда қымматта тушади. Сабаби маълум: “Келажак ёшлар құлида” дегувчилар юз карра, минг карра ҳақдирлар! Бизнинг наздимиздаги ҳамон тарбияга, ҳимояга муҳтож бугунги авлод вақти-соати келиб, эрта бир күн улғаяди. Камол топиб, ўрнимизни босади. Ишлаб чиқаришдан тортиб то жамият ва давлат бошқарувиғача бұлған жамики жабхадаги юмушларни ўз гарданига олади. Инчунун, эл-юрт қисмати учун жавобгар, Ватан тақдирин учун масъулдор ҳисобланади. Улар бу вазифанинг нечогли үддасидан чиқышлари эса, турған гап, күп жиҳатдан ёшликларида олган таълим-тарбиялары билан борлық бұлади. Янаям аниқроги, биз - олдинги авлод ўз бурчимизни қай йүсінде ва қай даражада адо этганимиз билан баҳоланади.

Муаммонинг мушкул томони шундаки, таълим-тарбиянинг самараси дархол, бирданияға күзга ташланмайды. Орадан йиллар үтгандан сүнггина билинади. Агар биз тұғри йүл туттан бұлсак-ку, хүп-хүп, ташвиш-хавотирга ўрин ийүк — юрт келажаги ишончлар құлларға ўтади. Мобадо, билиб-бilmай андак камчилик-хатога изн берсак-чи, нима бұлади? Ўшанды унинг жабрини фақат ўзимиз ёки фарзандимиз эмас, бутун жамият тортади. Қарабсизки, тараққиётта катта путур етади. Миллат ва давлат танazzулға юз тутади. Биз тан оламизми-йүқми, истаймизми-истамаймизми, асрлар оша синовдан үтган, күңна тарих гувоҳ бұлған айни ҳақиқат шу! Бунга ортда қолған мозийдан ҳам, ҳозирги кундан ҳам хоҳлаганингизча мисол, хоҳлаганингизча далил-исбот топилади.

Ана шу боисдан ҳам ўзлигини таниған, келажагини

ўйлаган не-не миллатлар азал-азалдан ёш авлод таълимтарбиясига энг муҳим масалалардан бири сифатида қараб келган. Турли-туман қарор-фармойишлар чиқарган, муҳим чора-тадбирлар белгилаган. Шубҳасиз, эндиликда Мустақиллик йўлидан Истиқбол томон дадил бораётган Ўзбекистон ҳам бундай эзгу ташвишлардан холи эмас. Жумҳуриятимиз раҳбариятига минг раҳмат, Ҳурриятнинг илк кунлариданоқ ёшлар муаммоси ўта долзарблигини назарда тутиб, бу масала билан жиддий шугулана бошлади. Айниқса, юргбoshимиз ўзига хос ташаббус ва жонкуярлик қўрсатди. Катта-кичик йигин-анжуманларда, турли учрашувларда ҳар доим ҳалқимизга шундай даъвату саволлар билан мурожаат этди:

“Чинакам ҳалқ бўлсак, чинакам миллат бўлсак, қудратли дарёга айланайлик, фарзандларимизга ўзгалар ҳавас қиласа арзигулик обод ва озод Ватан қолдирайлик!”. “Ватан ҳисси, Ватан туйгуси барча нарсадан қадрлидир. Биз фарзандларимиз онгига ва қалбига ана шу туйгуни сингдиришимиз лозим”. “Ахир, уйлаб кўрайлик, биродарлар, биз бутун не-не машаққатлар билан қураётган давлатимиз, мустақил ва ҳар жиҳатдан мустаҳкам мамлакатимиз эртага кимнинг қўлида қолади? Бугунги катта ислоҳотлар эвазига қўлга киритаётган ютуқларимизни эртага фарзандларимиз давом эттиришга қодир бўладиларми-йўқми?”

Катта юрт оғасининг бунчалик куюнчаклик билан ёниб сўзлашлари бежиз эмас. Унинг гаплари негизида том маънода улуғ мақсадлар мужассам. Жумҳуриятимиз Ҳамдўстлик давлатлари орасида болалар ва ўсмиirlар салмоги жиҳатидан анча юқори ўринни эгаллайди. Масалан, Россия ва Белорусда 15 ёшгача бўлганлар сони ушбу давлатлар умумий аҳолисининг 24 фоизидан сал кўпрогини, Қозогистонда учдан бир қисмини ташкил этса, бизда бу кўрсаткич 43 фоиздан ошади. Умуман олганда, мамлакатимиз аҳолисининг салкам 50 фоизи 18 ёшга етмаган ёшлардан, 60 фоизи эса 30 ёшгача бўлганлардан иборатdir. Балоатта етмаганларнинг teng ярми мактабларда, лицеейларда, гимназияларда, коллежларда ўқимоқдалар. Бундан ташқари, ўн саккиздан ошган йигит-қизларимизнинг 164 мингдан зиёдроги олий ўқув юртларида таҳсил кўрмоқдалар, аксарияти ҳунар-билим масканларида касб-кор эгалламоқдалар.

Эътирофга сазовор жойи шундаки, юксак мин-

барлардан туриб айтилаётган сўзлар оғизда қолиб кетмаётир. Амалда ҳам рӯёбини топаётир. Сўз билан иш бирлиги таъминланаётир. Ёшларимизнинг билимдон, эл-юрт, Ватан корига ярайдиган фидойи инсонлар булиб етишишлари учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиб берилаётир. Гапимга қўшилмасангиз, сўнгги етти йил мобайнида бу жиҳатдан қандай ўзгаришлар бўлганини бир эсланг: пойтахтимизда ва вилоятларимиз марказларида ўндан ортиқ университетлар ташкил этилди. Истиқболга қадар диёrimизда умуман бўлмаган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия, Жаҳон тиллари дорилфунунлари, Давлат ва жамият қурилиши, Банк-молия, Ички ишлар, Қуролли кучлар академиялари, Кончилик, Фуқаро авиацияси институтлари очилди. Замонавий лицейлар, коллежлар пайдо бўлди. Ёки, айтайлик, “Камолот”, “Соглом авлод учун”, “Улугбек”, “Умиқ”, “Устоз”, “Маҳалла” сингари жамғармалар тузилди. Иқтидорли ўғил-қизларимизни ривожланган хорижий мамлакатлардаги энг нуфузли олий ўқув даргоҳларига ўқишга юбориш йўлга қўйилди. Муаллимлар ва мураббийларнинг билим-савиасини, моддий-маънавий аҳволини яхшилашга алоҳида аҳамият берилди. “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, шунингдек, умумий ўрта таълимни ва ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълимини ташкиллаштириш чора-тадбирлари ҳақидаги ҳужжатлар қабул қилинди.

Президентимиз бошчилигида амалга оширилаётган, мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишга йўналтирилган бу каби ишларнинг барчаси узоқча мўлжалланган саъй-ҳаракатлардир. Таъбир жоиз бўлса, ёшларимизнинг баҳт-саодатини, Ўзбекистоннинг буюк келажагини таъминлаш. йўлидаги шаҳдам қадамлардир. Бизнинг галдаги гоят муҳим вазифамиз ана шу қарору фармонларни ҳаётга изчил тадбиқ эта бориб, болаларимизга ҳар томонлама пухта билим беришдан, касб-ҳунар ўргатишдан, шу асно уларни Ватанимизга меҳру муҳаббат, вафо-садоқат руҳида тарбиялашдан иборатдир. Бу борада барчамизнинг — оиласнинг, маҳалланинг, мактабгача таълим-тарбия муассасаларининг, мактабнинг, ҳунар масканларининг, олий ўқув юртларининг ўзаро амалий ҳамкорлиги жуда зарурдир. Айниқса, яратилажак миллий мафкурамизнинг ўрни бекиёсдир.

Табиий, энди ўз-ўзидан шундай ҳақли саволлар

туғилади: хұш, миллій мағкура аслида нима? У бизга нима учун керак бўлади? Қандай мақсадда яратилади? Давлат, жамият ва одамлар фаолиятида, хусусан, ёшлар ҳаётида нечогли муҳим маъно-мазмун, аҳамият касб этади?

Ҳозир кўпчилигимизни қизиқтираётган бу саволларга жўяли жавоб топиш учун даставвал башарият ўтмишига, кишилик жамиятлари тарихига синчиклаб разм солиш фойдадан холи бўлмайди.

Маълумки, инсон борлиқ аро энг азизу мукаррам қилиб яратилган. Үнга, бошқа тириклик оламидан фарқли ўлароқ, катта бойлик — ақл-идрок, фаҳм-фаросат берилган, ўй-хотира берилган. Шу боис одамзот, қайси ирқ, қайси миллату элатта мансублигидан, қандай давр ва тузумда умр кечиришидан қатын назар, ўз ҳаёти давомида доимо нимагадир ишониб-интилиб, эътиқод қўйиб яшайди. Бусиз фақат нафсини ўйлайдиган, эртаси билақ иши йўқ жонли, аммо онгсиз-шуурсиз оддий маҳлуқотдан заррача фарқи қолмайди. Одамлардан ташкил топадиган жамият, жамиятдан иборат давлат ҳам худди шундай — келажак сари кўзни юмиб, таваккалига қадам ташлолмайди. Ташлаган тақдирида ҳам, барибир, узоққа боролмайди. Бунинг учун уларнинг яқин ва олис келажакка мўлжалланган аниқ мақсад-режалари, даҳлсиз манфаатлари бўлиши лозим. Шундагина доимий муқимлика, барқарорликка ва барҳаётликка эришадилар.

Режа-мақсадлар, манфаатлар эса, биласиз, эзгу нијатлардан, соглом фикрлашлардан туғилади. Улар ривожланиб, сайқалланиб, жамланиб, олий мақом дараҷасига кўтарилади. Бора-бора ҳаётий дастуриламал тусини олади. Бу дастуриламал аввало инсон, сўнгра жамият ва ниҳоят давлат манфаатларини ифодаласа, уларнинг бугунги ва келгуси равнақи учун бирдек хизмат қиласа, керак пайтларда ҳар хил бало-қазолардан ҳимоя этадиган даражага етса, мағкура номини олади.

Лўндинини айтганда, мағкура онг-тафаккур, фикргоя маҳсули бўлиб, маънавият билан уйқаш тушунча. У бўлмаса, одам ҳам, жамият ҳам, давлат ҳам йўлини йўқотади. Охир-оқибат бегона мағкура ҳукмронлиги остида қолади. Фикр қарамлигига, тафаккур қуллигига дучор бўлади. Бундай қарамлик ва қуллик эса, энг оғир иқтисодий ёки сиёсий буҳрон исканжасига тушиб қолишдан ҳам даҳшатлироқ фожиа-кулфатdir. Бу

барча қатори бизни — Истиқдолга эришганига эндиғина етти йил тұлған мустақил, ёш Ўзбекистон аҳлини ҳам доимо ҳүшёрликка ундаиди. Чунки инсоният янги ХХI асрға қадам құяёттан бутунги кунда бир томондан капитализму социализм деган қарама-қарши құтблар барҳам топған бұлса, иккінчи томонда бир-бирини инкор этувчи мағкуралар кураши тобора авж олмоқда. Улар үртасидаги күз илгамас, ақд бовар қилмас фикрий тортишув-талашувлар баъзан ҳаддан ташқари кескин тус олмоқда. Гоҳида фуқаролараро, гоҳида давлатлараро қонли тұқнашувларни, оммавий қыргынларни келтириб чиқармоқда. Урушнинг эса, у атиги уч күн давом этадими, юз йилга чўзиладими, моҳияти битта: албатта қон тўкилади, албатта одам ўлади. Не-не ширин жонлар шаҳид кетади, гуллаб-яшнаган шаҳар-қишлоқлар вайронагарчилликка юз тутади. Ҳаммасиданам даҳшатлиси, қыргын-баротни бир тўда кимсалар бошлиб беришадио, жабр-ситамини, қайгу-кулфатини оддий, бегуноҳ инсонлар чекади. Биз буни, ортда қолган жаҳон урушларини-ку, қўя турайлик, айни кунларда ҳам ўзимизга ён қўшни давлатларда, дунёнинг турли бурчакларида неча йиллардан бўён барҳам топмаётган биродаркүшліклар тимсолида ҳам кўриб-билиб турибмиз.

Баҳс-мунозара доирасидан чиққан мағкуравий — гоявий курашларнинг қуролли урушлардан кескин фарқи шуки, у кишини фақат жисмоний жиҳатдангина маҳв этмайди. Биринчи навбатда инсон онгига, дунёқарашига, нозик ҳис-туйгуларига — қалбига таъсир кўрсатади. Уни маънавий-руҳий томондан ҳам майиб ва мажруҳ, заиф ва тобе қилиб қўяди. Айниқса, ёшлар ҳаётини заҳарлаб, турли бало-оффатларга мубтало этади. Шунинг учун ҳам биз Ҳурриятнинг дастлабки кунлариданоқ ўз событ мағкурамизни яратиш устида ўйлай бошладик. Бироқ ўша — собиқ шўролар тузумига хос коммунистик гоялардан бутунлай воз кечган пайтларимизда янги мағкура ишлаб чиқилмаганди. Унинг тамойиллари илмий асослаб берилмаганди. Оқибатда маънавиятимиз сарҳадларида алланечук бўшлиқ пайдо бўлиши хавфи ниш урди. Юртбошимиз шуни назарда тутиб, кенг жамоатчиликни, олимлару адилларни мағкура масаласига алоҳида диққат-эътибор қилишга ундади. Кейинги нутқ ва маърузаларида бу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларини тұлдириб борди. Алалхусус, яқинда “Тафаккур” журнали Бош муҳар-

рирининг саволларига қайтарган жавобларида миллий мафкурамизни яратиш заруратини ва аҳамиятини чуқур-теран ўй-мушоҳадалар, мантиқий далиллар во-ситасида янада батафсилоқ исботлаб берди.

Сүхбат мазмунига қараганда, яратилажак мафкурамиз ўзида биринчи ўринда жамиятимизнинг асосий таянчи бўлмиш оддий инсон ва унинг манфаатларини акс эттиргоми лозим. Бунинг учун у қўйидаги бешта талабга тўла-тўкис мос келмоги шарт:

— ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйгуларини, халқимизнинг кўп асрлик орзу-умидларини, жамиятимиз олдига қўйилган олий мақсад ва вазифаларни жамулжам этмоғи;

— жамиятимизда мавжуд хилма-хил фикр-гоялар, эркин қарашлардан, турли тоифаю гуруҳларнинг интилишлари ва умидларидан, эътиқоди ва дунёқарашидан қатъи назар, барча инсонларни ягона миллий байроқ атрофида бирлаштирадиган, миллатимиз ҳамда давлатимиз дахлизилигини таъминлайдиган, эл-юртимизни энг буюк мақсадларга чорлайдиган ягона гоя нуфузини олмоғи;

— миллатчилик ва унга ўхшаш ҳар қандай унсурлардан, бошқа элату халқларни менсимаслик кайфиятию қарашларидан мутлақо холи бўлгани ҳолда жаҳон ҳамжамияти ва халқаро майдонда ўзимизга муносиб ҳурматиззат топишимизда пойдевор ва йўлбошли вазифасини ўтамоғи;

— энг аввало, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик, эл-юрга садоқат руҳида тарбиялашда, улар қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини сингдиришда мададкор бўлмоги;

— Ватанимизнинг шонли ўтмиши ва буюк келажагини узвий bogлаб туришга, ўзимизни улуғ аждодларимиз боқий меросининг муносиб ворислари деб ҳис қилишимизга, шу билан бирга, умумбашарий ютуқларга эришишимизга йўл очиб берувчи даъваткор омилга айланмоги зарур.

Кўриниб турибдики, яратилажак миллий мафкурамиз кўпдан-кўп ўзига монанд хусусиятларга эга. Президентимиз таъбирича, у миллатни бирлаштирувчи кучдир, ўтмиш билан бугунни, бугун билан ёрқин келажакни туташтирувчи рамзий кўприқдир. Моҳият-эътибори ила халқимизни халқ, миллатимизни миллат қилишга хизмат этади. Айни хислатларига кўра, гайратимизга гайрат қўшади, руҳиятимизни кўтаради.

Қалбимизда қилаётган ишларимиз самарасига, Истиқболга ишонч уйготади. Барчамизни ягона мақсад йўлида бирлаштириб, тараққиёт сари етаклайди. Ўзимиздаги бор билимни, истеъдод ва қобилиятни жамият манфаатлари ҳамда миллий истиқлол йўлида сарфлашга даъват этади.

Сир эмас, ижобий фазилатларга эга бўлиш каталарга қанчалик асқотса, ўсиб келаётган авлодга ҳам шунчалик зарур. Негаки, мустақил фикрлайдиган, изланувчан, янгиликка интилувчан ёшлар бўлмаса, Ўзбекистоннинг дунёдаги энг бой, энг қудратли давлатлардан бирига айланиши даргумон. Бу — биринчиidan. Иккинчиidan — болалик ва ўсмирилик чоғларида пухта билим олмаган, яхши тарбия кўрмаган йигит-қизлар кейинчалик ҳаётда ўз ўринларини топиб олишда қийналадилар. Меҳнат фаолиятида ва оиласий турмушда турли машаққат-муаммоларга дучор бўладилар. Баъзан маънавий-ахлоқий жиҳатдан қашшоқдашиб, юрар йўлларидан адашадилар. Шу тариқа ўzlари билган-бilmаган ҳолда жиноятга қўл урадилар ёки салбий оқимлар, бегона мафкуралар таъсирига тушиб қоладилар.

Демакки, ёшлиқда йўл қўйилган баъзи бир хатолар бутун умрга татиши, кишига сўнгсиз афсус-надомат келтириши ҳеч гап эмас. Бундай фожиаларнинг олдини олишнинг бирдан бир тўгри йўли фурсат ганиматида таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишни тақозо этади. Чунки бу соҳа тафаккур даражаси ва ривожини онгли турмушни белгилайдиган асосий омиллардан ҳисобланади. Онгли турмуш эса жамият ҳаётининг бош мезони сифатида инсон маънавиятини бойитади. Ўз навбатида умрбоқийлик хусусиятига эга маънавият одам, халқ ва миллатнинг, жамият ва давлатнинг бебаҳо куч-қудратига айланади. У шундай бебаҳо мулкки, ҳеч қандай бойликка тенглаштириб ҳам, алмаштириб ҳам бўлмайди. Менга қолса, “Дунёни гўзаллик қутқаради” деган гапга битта қўшимча қилиб, “Гўзалликни маънавият қутқаради” деган бўлардим. Бойиси — бой маънавият соҳиби бўлиш инсон учун энг азиз миллий тилни ва маънавиятни, миллий онг ва гурурни ўстириш ва бойитища бекиёс аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам маънавиятини йўқотган одамни манқуртга қиёслайдилар. Шунинг учун ҳам “Маънавиятсиз келажак йўқ”, дейдилар.

Маънавият ватанпарварлик, эл-юртга садоқат каби

тушунчаларни ҳам қамраб олади. Ҳадиси шарифларда Ватанни севмак иймөндөн эканлиги алоҳида таъкидланади. Бироқ одам “Мен фалон юрт фарзандиман” деб ҳайқиргани, “Уз ҳалқимни жону дилимдан севаман!” деге оғиз күпиртиргани билан иш битмайди. Ватанпарварлик сохта шиорларни, қуруқ бақириқ-чақириқларни ёқтирамайди, жанг майдонида беҳуда жон олиб, жон бермоқ билан ҳам ўлчанмайди. У оддийгина ҳақиқатдан — фарзандга муҳаббатдан, отанага ҳурматдан, оиласа мәхр-оқибатдан бошланади.

Зеро, ҳеч бир ота-она ўз фарзандига ёмонликни рово кўрмайди. Ҳар қандай шароитда ҳам дилбандини соглом-дурқун, беками-кўст қилиб ўстиришни, унинг камолини, орзу-ҳавасини кўришни ўйлади. Фарзанди хоҳ ўғилдир, хоҳ қиздир, диёнатли, ор-номусли, шарм-ҳаёли, мәхр-оқибатли, билимдон ва меҳнатсевар бўлишини истайди. Айни чогда, эсли-ҳушли, оқибу фозил фарзандлар ота-оналарини ранжитмайдилар. Уларни доимо бошларига кўтарадилар, ҳурмат-иззатларини жойига қўядилар. Ота-оналари қартайиб куч-қувватдан қолганларида ҳам мәхр-мурувватларини дариг тутмайдилар, ёлғизлатиб ўз ҳолларига ташлаб кетмайдилар.

Ана шунинг учун ҳам Шарқда икки қарама-қарши жинснинг — бўй етган йигит-қизнинг Одам Ато ва Момо Ҳавводан мерос ўзаро севги-муҳаббати, дил розилиги, инон-ихтиёри ила вужудга келадиган оиласа муқаддас кошона сифатида қаралади. Бу муқаддас даргоҳнинг - эркак ва аёл асос соладиган қўш устунли айвоннинг ҳар бири бошқасига ўхшамайдиган алоҳида кўргон, ўзига хос алоҳида давлатдир. Унинг кўз илгамас ўз чегара-ҳудудлари, бирон-бир ҳужжатда ёзиб қўйилмаган ўз қонун-қоидалари бўлади. Уни ҳуда-беҳуда ҳатлаб утишга, ички ишларига четдан туриб аралашишга бироннинг ҳақи йўқ. Шунга қарамай, оиласи жамиятдан асло ажратиб бўлмайди. У, гарчи ўз тартиб-қоидали билан яшаёттандек туюлса-да, аслида жамиятнинг асосий бўгини, давлатнинг бош таянчидир. Энг муҳими, оила болаларнинг ҳар томонлама етук ва баркамол бўлиб вояга етишлари учун нимаики зарур бўлса, ана шундай инсоний фазилатларни ўзида жам этган тарбия ўчори ҳисобланади. Бу муқаддас гўшада бола онгига сингдириладиган илк тарбия ва иймон-эътиқод, юрт-Ватан ҳақидағи тушунчалар ҳеч қачон унуптилмайди, умрбод инсон қалбига муҳрланиб қолади.

Ота-онасини севган одам миллатига ҳам меҳр қўяди. Оиласини қадрлаган одам ҳалқини ҳам улуглайди. Кининг киндик қони тўкилган Ватани битта бўлажагини, у замонлар ўтса-да, даврлар ўзгарса-да, абадий қолажагини тушунади. Ватан аждодлари яшаб ўтган, уларнинг табаррук хоки туроблари қоришиб кетган муқаддас замин эканлигини, ота-она сингари Ватанинг ҳам яхши-ёмони, катта-кичиги, бойкамбагали бўлмаслигини англайди. Она юртни севиш, суюб-ардоқлаш энг олий баҳт эканини чин қалдан ҳис этади. Ўз меҳнати, билими ва иқтидори билан Ватанини Ватан қилиш, унинг шуҳратига шуҳрат қўшиб, довругини оламга ёйиш учун интилади. Шу мақсадда умумжаҳон маданияти ютуқларидан, моддий ва маънавий бойликларидан, иқтисодий имкониятлари ва тарихий тажрибаларидан, илм-фани ва техникаси ютуқларидан ижодий фойдаланишга ҳаракат қиласди.

Ажаб ҳол, Ватанини севиш, эл-юртга садоқат кўрсатиш деганда баъзи кишилар фақат ҳалол меҳнат қилишни-ю, ўзига ишониб топширилган маълум ишни қойиллатиб адо этишни тушунадилар. Ҳолбуки, Ватан элимиз ҳалқ сифатида танилган, тилимиз, тарихимиз, маданиятимиз, шарқона урф-одатларимиз, ўлмас анъаналаримиз шаклланган ва келгусида янада сайқал топажак мўътабар маскандир. Қисқаси, Ватан бизнинг ўтмишимизни, бугунимизни ҳамда келажагимизни ўзига жо этган буюк неъматdir.

Масалага шу нуқтаи назардан ёндошсак, ватан-парварликнинг яна бир шарти она юртимизни севмоқ, қадрламоқ, мавқеини тиклаб, кўз қорачигидек авайлаб-асрамоқни талаб қиласди. Она тилининг улуглиги шундаки, у ҳалқ қалбининг таржимонидир, миллатнинг тарихи ва маданиятини, маънавий-ахлоқий меросини ўрганиш учун қалитдир. Кимки, ўз она тилига меҳр қўйса, миллатининг ўтмиш орзу-армонларини яхши билади, мақсад-режаларини теран тушунади. Аксинча, тилга эътиборсизлик билан қараса, элига нисбатан ҳурматсизлик кўрсатган, унинг қадр-қимматини камситган бўлади. Борди-ю тилга ихтиёrsизлик оммавий тус олса, бутун миллат ўтмишидан маҳрум бўлиб қолади.

Яширишдан кимга фойда, собиқ шўролар ҳокимияти ҳукмронлиги ўрнатилган йилларда биз ҳам салкам ана шундай аҳволга тушиб қолаётгандик. Ахир ҳазила-камми, бир инсон умрига тенг давр мобайнида ўзбек тили росманасига ерга урилди. Кўплаб соҳаларда ундан

фойдаланиш чеклаб қуйилди. Барча анжуман-йигинлар, мажлислар, ёзишмалар рус тилида олиб бориладиган бўлди. Оддий аризадан тортиб катта-катта илмий ишларгача — барчасини русчада битиш талаби қўйилди. Кадрларни ишга олишда, масъул лавозимларга тайинлашда ҳам шу усул жорий этилди. Оқибатда баъзи бирорлар касб-кори сирларини чуқурроқ ўрганишга эмас, русчани пухтароқ ўзлаштиришга зўр бердилар. Айрим миллатдошларимиз фарзандларини таълим-тарбия ишлари рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўқитиш тарафдудига тушиб қолдилар. Орамизда қошикўзи, сочи қора бўла туриб, ўзбекчани билмайдиганлар, њеч қурса, бу тилда фикрини эркин-эмгин баён этолмайдиганлар пайдо бўлдилар.

Тўгри, тўққиз йилча бурун ўзбек тилига давлат мақоми берилгач, бу соҳадаги хато-камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди. Тилимиз ички кундалик ҳаётимизда ҳам, халқаро миқёсда ҳам қайтадан қадр-қимматини топа бошлади. Аммо ҳануз сафимизда олакуроқ тилда гаплашадиганлар, ўзбекча саломингизга русча алик оладиганлар учраб туради. Бундайлар, айниқса, саноат корхоналарида, давлат ва жамоат идораларида ишловчи котибалар, ҳисоб-китоб бўлимлари ходимлари орасида кўпчиликни ташкил қилишади, талабалар, мактаб ўқувчилари орасида ҳам анча-мунча топилади.

Бинобарин, бизнинг бугунги долзарб вазифаларимиздан бири болаларимизни ўз она тилимизнинг пайдо бўлиш тарихидан, ривожланиш ва бойиш омилларидан кўпроқ боҳабар этиш, равон ва маъноли сўзлашга ўргатищdir. Лекин бундан ўғил-қизларимиз ўзга миллатлар тилларини билишлари шарт эмас, деган хулоса чиқармаслик керак. Ёшларимиз инглиз, немис, француз, рус, араб, форс сингари чет тилларни ҳам пухта ўзлаштириб борсалар, нур устига нур бўлади. Ҳар қалай, тил билган — эл билади. Бошқа миллат вакиллари билан уларнинг она тилларида бемалол гурунглаша оладиган одам асло ютқазмайди. Бу, яратилажак миллий мағкурамизда кўзда тутилганидек, истиқололимиз, маданий-маънавий тараққиётимиз учун ҳам жуда зарурдир.

Ҳақиқий юртсевар, халқига вафодор бўлишнинг яна бир шарти тарихий илдизларимизни чуқур билмоқдан ва моҳиятини теран англаб етмоқдан иборатдир. Бу жиҳатдан биз улкан, бой меросга эгамиз.

Жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Мирзо Улугбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмииддин Кубро каби алломаларимизни кимлар билмайди дейсиз? Ёки Тўмарис, Широқ, Спитамен, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур сингари Ватан озодлиги, эл-юрт ободлиги йўлида жон чеккан, керак бўлса, жонини фидо этган миллий қаҳрамонларимизнинг, буюк саркардаларимизнинг жасоратларига кимлар тан бермаган дейсиз? Биз уларнинг барчаси билан ҳақли равишда фахрланамиз, қилган ишларидан гурурланамиз. Лекин, барибир, аччиқ бир ҳақиқат олдида ожизмиз. Нега?

Ўз тарихини билган ҳалқ енгилмас бўлади. Буни ҳаммамиз яхши биламиз. Катта-кичик давраларда шу ҳақда кўп гапирамиз. Амалда-чи? Ўз сўзимизга ўзимиз риоя қиласизми — кечимишимизни дурусткроқ биламиزمиз? Очиги, йўқ! Кўпчилигимиз улуг аждодларимизнинг исмларини, қачон, қаерда туғилганини бир амаллаб эслашдан нарига ўтолмаймиз. Улар ўз ҳаётлари ва ижодий фаолиятлари давомида қандай асарлар ёзганини, қандай ғояларни олга сурганини, босқинчиларга, душманларга қарши қай услубда жанг олиб бориб, ниманиннг эвазига голиб чиққанларини батафсил айтиб беролмаймиз. Албатта, бу бир жиҳатдан ҳалқимизнинг 130 йил ичида дастлаб чор Россиясининг, кейин совет ҳукуматининг кўринишидан социалистик, моҳиятан мустамлакачилик истибоди остида яшагани асоратидир. Ўтган ана шу давр ичида миллий мустақиллигимиз ва тарихий давлатчилигимиз батамом йўқотилди. Ота-боболаримиз кетма-кет бўлган урушларнинг азоб-уқубатларини кўрдилар, асорати асрларга татигулик оммавий қатагонларга дучор бўдилар. Ўзбек ҳалқининг келиб чиқиши ва ривожланиш тарихи аёвсиз сохталашибтирилди. Уни холис тадқиқ этишга, кенг кўламда ўрганишга йўл ҳам, имконият ҳам берилмади. Мактаблар ва олий ўқув юртлари талabalари учун мулжалланган тарих дарсликлари, ўқув қўлланмалари, шу мавзудаги бадиий асарлар, кинофильмлар ҳам мустамлакачилик ва улуг миллатчилик руҳида яратилди. Ана шуларнинг мудҳиши оқибати ўлароқ бир

нече авлод халқи, аждодлари ўтмишидан бехабар қолди. Ўз тарихи турганда ўзгалар тарихини ўрганди.

Хўп, булар-ку кечаги кунимизга даҳлдор гаплар дейлик. Ҳарчанд уринмайлик, ортда қолган дамларни қайтадан яшаб ҳам, тарих гилдирагини орқага айлантириб ҳам бўлмайди. Лекин энди-чи, мустақилликка эришганимиздан буён ўтган етти йил давомида-чи? Маънавиятимизнинг ажралмас таркибий қисми бўлмиш бебаҳо хазинамиз — тарихий ва маданий меросимизни холис ва ҳаққоний ўрганишни йўлга қўя олдикми? Фарзандларимизни халқимизнинг ўтмиш ҳёти, турмуш тарзи, орзу-армонлари, галабаси ва маглубиятлари билан ошно эта билдикми?

Минг афсуски, ҳозирча бу саволга “Ҳа!” деб баралла жавоб беришимиз амримаҳол. Чунки тарих дарслик-қўлланмалари ҳамон эскича қолиплар ва тушунчалар асосида пала-партиш тайёрланмоқда. Ўлар орасидан бугунги кун талабларига мос келадиганларини топиш қийин. Яқинда бир гуруҳ тарихчи олимлар ва бошқа зиёлилар билан бўлган учрашувда Президентимиз бу ҳақда куюниб гапирди. Шу асно ўзбек халқининг ўз тарихини яратиш юзасидан қатор қимматли фикрмуроҳазаларини ва таклифларини ўртага ташлади. Биринчидан, кўхна-бой ўтмишизга холислик ва ҳалоллик билан ёндошиш, шу мақсадда мавжуд манбаларни, моддий-маънавий ёдгорликларни чуқур ва атрофлича таҳлил қилиш шартлигини уқтириди. Бу жараёнда мустамлакачилик руҳида битилган асарлар таъсирига берилмай, ҳақиқатни бўймай-бежамай, мустақил иш юритиш зарурлигини, тарих фанининг сиёсий аҳамиятини ва умуммиллат манфаатларини ифодалашини назардан соқит қилмасликни таъкидлади. Иккинчидан, салкам уч минг йиллик тарихга эга ўзбек давлатчилигининг босқичма-босқич ривожланиш жараёнини ўрганиш ва илмий жиҳатдан пухта асарлар яратиш масаласини кўндаланг қўйди. Ба ниҳоят, бу вазифаларни тез ва соз амалга ошириш кўп жиҳатдан ватанпарвар, жасоратли, билимдон ёш олимларни тайёрлаш билан bogliqligini aloxida eslatdi.

Дарҳақиқат, эндилиқда ота-боболаримиз шуҳратининг соясига маҳлиё бўлиб юрадиган даврлар ўтди. Биз жаҳонга ўз сўзимизни айтишимиз, тафаккурилизни намоён этишимиз учун қулай фурсат етди. Бунинг учун тарихимизни яхши билиш, аждодларимиз меросини пухта ўзлаштириш билангида кифояланиб

қолмай, уларни амалий ишларимиз орқали янада тўлдириб-бойитиб бормогимиз, ёш авлодни ана шундай руҳда тарбияламогимиз жоиз.

Яна бир гап. Маълумки шарқона урф-одатларимиз, миллий анъаналаримиз замирида халқимизнинг ўзига хос тарихи, турмуш тарзи, ўй-кечинмалари, орзуниятлари мужассамлашган. Шу хусусиятларига кўра, улар ёшларни эл-юртга садоқатли қилиб вояга етказишда энг катта тарбиячи ва мактаб вазифасини ўташи мумкин. Нима бўлгандаям, болалигиданоқ миллий одобахлоқдан сабоқ олган, халқи урф-одатлари ва анъана маросимларини ўрганган одам ишда ҳам, турмушда ҳам қоқилмайди. Ҳаётда ўз ўрнини осон топиб олади, тақдиридан рози, Ватанидан мамнун бўлиб яшайди. Бутун умрини бунёдкорлик ишларига сарфлайди. Ҳозирги айрим ёшларга ўхшаб ялтироқ кийинишга, тамаки чекиши ёки спиртли ичимлик истеъмол қилишга ружу қўймайди. Илм олиш, касб-ҳунар ўрганишни йигиштириб қўйиб, муштдайлигидан бозорга чиқишига одатланмайди. Мумтоз ашулаларимиз бир четда қолиб, руҳиятимизга ёт, енгил-елпи чет эл эстрадаси қўшиқларини тинглашга ўрганмайди.

Хулоса қилиб айтганда, ёшлар таълим-тарбияси бир кунлик иш ёки маълум муддат давом этадиган мавсумий тадбир эмас. У ҳар доим кун тартибидан тушмайдиган, бугунги кунимизга ҳам, келажагимизга ҳам баб-баравар дахлдор масаладир. Ёшларни билимдон, меҳнатсевар, ахлоқий-маънавий жиҳатдан баркамол инсонлар қилиб вояга етказишида майдачўйда, ортиқча муаммо деган гапнинг ўзи бўлмайди. Биз буни бир кун, бир лаҳза бўлсин, унутмаслигимиз ҳам қарз, ҳам фарздир!

ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ

УМУМИНСОННИЙ ҚАДРИЯТЛАР ГАВҲАРИ

1

Миллий мафкура ҳақида бир нарса демакдан олдин “мафркура”нинг ўзи нималиги ҳақида бирон нарса билмак лозим. Шуниси мушкулроқки, шу даврга қадар, аниқроги, XX — асрғачайин “мафкура” сўзи — “идеология” деб аталиб келинар, ўзбекча номи айрим зиёлилар тилидагина зоҳир бўлар, шунда ҳам “идеология” атамаси қамраб олган кенг маънони бера олмас, йўқ — ўша маънони англата олмас эди. Чунки русча фикрлаш бизни мудом “идеология” дейишига мойил қилар, наздимизда, “мафкура”нинг асл маъносини “идеология”гина аниқ ифодалайдигандек туюлар эди.

Тақдирга шукрлар бўлсинки, она тилимизга Давлат тили мақоми берилгандан кейин “идеология” каби мураккаб ва кенг маъноли тушунчаларда ўз тилимизда ифода этадиган муқобил нусхаларни қўллай бошладикки, оқибат, “идеология” атамаси — паққос “мафкура” атамасида ўз моҳиятини ифодалайдиган бўлди, шу асно бу сўз муомаламизга кириб кетди.

Шунга қарамай, унинг асл маъносини ҳамон аниқ шарҳдаб ола билганимиз йўқ. Бунинг бош сабаби шундаки, “идеология”нинг асл маъносини да батамом билиб олмаганимизда, чунки “идеология” — на дин, на да инсон қомуси — конституциядир. Афтидан, у ўртадаги бир қудратли кучким, шу жиҳати билан бул иккисидан ҳам фарқ қиласи ва айни чогда иккисига ҳам менгзаб кетади.

Олайлик фашистлар идеологиясини. У — ирқий дунёқараш бўлиб, немис фашистларнинг ўзларини “орий — Олий ирқ” санашлари, шу боис оламга ҳуқмронлик қилишга батамом ҳақли эканлари, “қуйи ирқ”ларни, яъни, бошқа халқларни бошқаришга ҳуқуқли эканларига табиий ва қонуний тус бериш орқасида жаҳон муҳорабасини бошлаш ҳаракатларинида оқлар эди. Шуниси ҳам борки, бу идеология ушбу

мақсад жүнида динга ҳам сұянар, гүёки уларни - орийларни Алло таоло ер юзи халқарига бошчилек қилиш - уларни бошқариш учун яраттандек зди. Шу бойсдан дин пешвөлари — рухоний — попларни ҳам шу мақсад йўлига жалб этган, улардан керакли фатвөларни ҳам олишган, фатво беришни истамаганлари ўзларини четга тортишган зди.

Кўриниб турибдик, фашистлар яратган ирқий идеология ўз мақсади йўлида диндан ҳам фойдаланган. Аммо бу идеология — дин эмас зди.

Бу идеология Германияда мавжуд бўлган инсон қомуси — Конституция ҳам эмас зди. Ҳар қандай конституция ҳам яратилган жойида, мавжуд халқнинг ўзига хос урф — одатларини ҳисобга олган ҳолда, инсон ҳуқуқлари ва тартиботлар йўригига иш юритади. Аммо дунё миқёсида эмас.

Идеология эса дунё миқёсида иш юритар экан, мавжуд конституцияга-да ўз таъсирини ўтказади, ўтказган зди ҳам, Қонуннинг ўзида немисларнинг — “олий ирқ” эканлари барадла қайд этилганди.

Ҳа, идеология — конституция ҳам эмас. Шундай экан, у қандай қудратли кучки, Германияда айнан шундоқ куч здики, бутун бошли бир халқни ўз йўригига солиб, аксарини “ирқий устун”лик гояси билан қуроллантирди ҳам.

2

Демак, идеология, кези келганда, диндан ҳам устун, энг теран конституциядан ҳам юксак туриб, ўз дастурини амалга ошириш учун ўз яратувчиларига кенг йўл очиб бераркан.

Шу ўринда бир ҳақли савол тугилади: Олмонияда шундоқ фашистик ирқий мағкура пайдо бўлибди экан, бунга немисларнинг ҳақиқатдан ҳам “олий ирқ” эканлари сабабми ёки бошқа пинҳона сабаблари ҳам борми?

Тарих кўрсатадики, айни “пинҳона сабаблар” туфайли дунёга келган зди у идеология. Унга тамал тошини қўйган зот — Гитлер эсада, унинг босқинчилик мөхиятини белгилаб берган кимса, Бирлашган Германиянинг ilk фюрери — машҳур сиёсатдон Бисмарк зди. Бисмарк ўтган асрда, — авжи ҳукмронлиги пайтида ҳатто дунё халқларига эшитарли қилиб мана бундай де-

ган эди: “Буюк давлатлар дунёни бўлиб олдилар. Биз немислар эса четда қолдик. Жуда катта адолатсизлик руй берди. Шунинг учун дунёни қайтадан бўлиб олмоқ лозимки, Германия ҳам ўз улушига эга бўлсин...”

Яна битта қизиқ савол туғилади: бу мамлакатнинг ирқчи идеологлари ўзларининг бошлаган бу ҳаракатлари — дастурлари жаҳон халқларига қарши туриб муҳораба бошлашлари — инсониятга, пировардида, ҳиёнат экани, яратган идеологиялари — сохта ва аксилинсоний эканини билишмасми?

Билишар экан: шунинг учун Жаҳон уруши тугамасданоқ аҳвол танглигини сезган сиёсатчилару саркардалар ўзларини ўzlари йўқота бошлади, тирик қолгандарининг устидан чиқарилган ҳукмда фашистларнинг қилғиликлари — «инсониятга·ҳиёнат», деб баҳоданди.

Ҳа, ҳа, фашистлар яратган идеологиянинг замирида - манфаат, бойлик, нафс балосининг тийилмас таъмаси, пироварди, ҳукмронлик даъвоси ётар эди.

Мана битта идеологияни кўрдик. Ўйлаймизки, идеология-мафкура тўгрисида ҳам маълум бир тасаввурга эга бўлдик: тўгри, аксилинсоний идеология ҳақида...

3

Энди бошқа бир идеология ҳақида икки оғиз сўз: маълумингиз Коммунистик идеология бош кўтариши замони ўзининг мутлақ истисно бир мафкура эканини кўрсатди, яъни, суяниши ва фойдаланиши керак бўлган динни - “афъюн” деб эълон қилди, мақсади — “дунё инқилоби”ни амалга ошириш эканини баралла айтди, тагин: фашистлар мафкурасига зид ўлароқ — “Биз инсонлараро тенгликни барқарор қиласиз!” деб жар солди, бунинг маъноси — нафақат ирқий тенгсизликни йўқотиш, балки бойлар ила йўқулларни тенглашдан иборат эди; сунгра: “Коммунистик жамият одамини — Совет кишисини яратамиз!” деб аюҳаннос солди, бунинг маъноси — ҳаммани бир хилда ўйлаш ва фикрлашга ўргатамиз, дегани эди.

Бу калималарни шарҳлаб ўтириш ортиқча бўлса керак, зеро бунинг оқибатини яхши биламиз.

Бироқ, унинг, яъни, коммунистик мафкура ихтиро-чилари ва давомчиларининг бу борадаги муттаҳамлеклари ҳақида бироз сўзламаслик мумкин эмас.

Қарангки, куни кече динни — “оғу” деганлар орадан сал вақт үтмасдан “динга эркинлик” бердилар, кейинчалик яраттан конституцияларида ҳам буни қайд қилиб қўйдилар. Амалда эса... черковлар бузила бошлади, художўйлар таъқиб остига олина бошлади. Табиийки, Русия таркибида бўлган собиқ мустамлакалар, жумладан, Туркистанда ҳам бу тадбир оғишмай амалга оширилди, масжидлар ул-бул баҳоналар билан ёпилар ёки бузилиб ташланар, мулла, мударрис ва имомларнинг соқоллари кесилиб, ўзлари саъзойи қилинار эди, ҳатто ўликка жаноза ўқиш ҳам маън этилган, намоз ўқиганлар “учлик”нинг олдида тикка туриб, айбордек жавоб беришар эди.

Яна қўрибсизки, “инсонлараро тенгликни барқарор қиласиз!” деб тантанавор равищда эълон қилганлар орадан сал фурсат үтмасдан “Рус ҳалқи — барча ҳалқларнинг улуг огаси! Унга эргашганлар тўтири коммунизмга боради!” деб, у ҳалқни осмонга чиқариб қўйдики, Туркистаннинг марсияси шундай сўзлар билан бошланадиган бўлди: “Ассалом рус ҳалқи, буюк огамиз!” Ҳар куни тонг сахарда шу гимн радио карнайларидан янграр, бамисоли мусулмонларни азонга чақирган муаззин даъватидек эшигиларди. Кейинроқ яратилажак “Совет кишиси”нинг намунаси ҳам — “улуг рус” бўлиб қолди: демак, унга тақдид қилиш керак, унингдек бўлиш керак, бунинг учун эса миллий урф — одатлардан дарҳол воз кечиш керак, бундан ҳам муҳими — “улуг рус тилини дарҳол ўрганиш керак!” О, шўрочи коммунист арбоблар бу борада санъату адабиёт намоёндаларини ҳам жалб қилишди. Масалан: Маяковскийдек улкан шоир ҳам : “Агар мен саксон яшар негр бўлганимда ҳам рус тилини ўргангандар бўлардим. Чунки бу тилда Ленин сўзлашади!” деб шеърлар ёзди.

Пироварди, “Совет кишиси” — рус кишиси қиёфасида намоён бўлиб, ўзга ҳалқларни “руслаштириш” сиёсати амалга оширилаётгани аён бўлиб қолди.

Тавба дейсан: ҳатто немис фашистлари ҳам бўла-жак мустамлакаларидағи фуқарони немисга айлантириш фикридан минг-минг чақирим йироқ эди.

Энди Октябрь тўнтарилишининг, яъни, коммунистлар Николай пошиони таҳтдан йиқитиб, кейинроқ уни бола — чақаси, ҳатто хизматкорлари билан

қўшиб — отиб ташлаганларидан кейин: “Сибир орқали чет элга қочишмоқчи булганларида — отишмада ҳалок бўлдилар”, деб овоза қилишганларидан кейин денг “ирқий-миллий тенглик”ни барқарор қилиш ваъдасига суянган ҳолда жаҳоншумул бир манифест эълон қилдилар: “Шарқ мусулмонларига! Собиқ мустамлакалар Русия таркибидан ажralиб кетиш ҳуқуқига эгадирлар!” Бу чиндан ҳам мислсиз бир жасорат, Чор Русияси қамчиси остида букилиб-эзилиб келган халқларга қилинган мурувват, қолаверса, миллатларнинг ҳақиқий тенглигини таъминлашда жаҳоншумул олийжаноблик эдики, бу манифестнинг довруги бутун оламга тараади. Шу асно дунёдаги талай мамлакатларнинг арбобларию соғлом ақл эгалари, жумладан, машҳур ёзувчилар, жамиятшунослар, тарихчилар ва ҳоказо касб эгалари Русия коммунистлар фирмаси, яъни, ҳокимият раҳбарларига айрича бир ҳайриҳоҳлик билан ҳам қарадилар. Эшитганингиз Андре Барбюс, Луи Арагон, Бернард Шоу ва Герберт Уэльс қаби аллома адиллар Русиядаги аҳволни кўриш учун келиб кетдилар. Ҳатто Хиндистондан буюк Тагор ҳам келиб, “Русиядан хатлар” деган асар ёзди. Комфириқа раҳбарлари меҳмонларни гўзал сипоришлилар билан қабул қилиб ва албатта уларга “тегишли жойлар” нигина кўрсатиб, кузатиб қўйишиди. Ҳозир гап бунда эмас.

Гап, Октябрь тўнтаришларидан кейин “инсонлар аро тенгликни батамом барқарор қилиш” йўлида чиқарилган ҳалиги — “Шарқ мусулмонларига мурожаат” номли манифестда эълон этилган мурувват-хайриҳоҳлик-олиийжаноблик, борингки, энг юқори маънодаги инсоний мезонбоп ваъданинг амалдаги ижроси ҳақида: маълумингиз, Туркистон — Турон заминиз собиқ Чор Русияси — империясининг “энг қолоқ” деб аталмиш мустамлакаси эди — Чорнинг зулмидан елкаси ягир бўлиб, инсоний қадри-қадриятлари оёқ ости бўлиб юрганди...ки, Шўро хукуматининг “ўзларини озод бўлишлари — ўз қўлларида” экани ҳақида эълон қилган даъватини, лоф бўлсаям, кўзда қувонч ёшлари билан қабул қилди ва тезлик билан мустақилликка эришиш ишқига тушди. Миллат ҳар қанча қийналган, топталган бўлмасин, унинг кўзи очиқ фарзандлари бор эди: улар — бадавлат оиласларнинг ўглонлари бўлиб, Чор ҳукмронлигига ташкил этилган “рус-тузем” мактабларини битирган, ҳатто

Петербургларда ўқиб келган, табиийки, мамлакатнинг мустақил бўлишини орзулаб юрган фидойилар эди. Уларнинг аксарини кўзи очиқ, “янгича фикрлайдиган жадидлар” деб аталади тарихда... Ана ушалар раҳнамолигида “Туркистонни озод қилиш ташкилий қўмитаси” тузилиб, тезликда бир ажиг анжуман, яъни, Қурултой ташкил этилди. Унда заминимизнинг хар хил вилоятларидан вакиллар қатнашди. Ва, қарабисизки, “Туркистон мустақил!” деб эълон қилишибди. Ҳа, ҳа, ҳатто Вақтли хукумат ҳам тузишибди. Ҳаттоки, мамлакатни бошқаргувчи вазирликлар ҳам тайин бўлибди. Ниҳоят, Қурултой чиқарган қарор Масковга, Петербургга жўнатилди...

Масков ҳам, Петербург ҳам тасдиқламади. Бунинг устига Қурултой қатнашчилари бадном қилинди. Яъни, “Қурултой қатнашчиларининг кимлардан чиққани ҳам кўрсатиб турибдики, Туркистонда бойлар ва эксплуататорлар тузумини барпо қилишмоқчи...” Бу ҳол бизнинг дунёда олиб бораётган сиёсатимизга мутлақо тўғри келмайди...” Иккинчидан : “Туркистонда ҳали онгли ишчилар синфи — пролетариат етишиб чиқмаган , демак, йўл бошловчи куч йўқ...” Учинчидан : “Туркистон ўзини ўзи бошқара олмайди: давлат юритувчи куч йўқ...” Туркистон муҳторияти деб аталмиш Вақтли хукуматнинг мұваққат аъзолари дарҳол тушундиларки, Шўроларнинг эълон қилган ваъдалари ёлгон: энди муттахамлик қилишаётир... Тошкентда намойишлар бошланиб кетди денг: “Хуррият! Хуррият керак бизга!” дейилган шиорлар билан чиқишиди.

Халойиқнинг Чор губернатори яшаган, эндиликда Русия Шўроларининг Туркистонга раҳбар қилиб жўнатган коммунист арбоблари яшаб турган саройга боришию томларга ўрнатилган пулемётлардан ўқса тутилиши ва ҳоказолардан ҳам хабардорсиз... Бизни Вақтли хукуматимиз тақдирни қизиқтиргани боис ўша ҳақда ҳикоя қиласиз: Тошкентдаги тўполонлар Масковларга ҳам етиб бориб, у ёқдан қисқагина буйруқ бўлиб қайтиди: “Вақтли хукумат аъзолари ҳисбсга олинсин!” Бу хабар Вақтли хукумат аъзоларининг ҳам қулогига етди ва улар жонларини сақлаш, курашни давом эттириш учун Қўқонга қочдилар. Қўқонда ҳам Шуронинг Бабушкин, Полторацкий деган ашаддий коммунистлари Шўролар сиёсатини тарғиб этиш билан машгул, шаҳарнинг қалъа — крепостида эса уларни

қўриқловчи қизил аскарлар туришар, умуман, Қўқонда руслар кўп эди: почтада ҳам, темир йўлда ҳам... Шаҳарда ҳатто провослав черкови ҳам бор, поплар ҳам, диндорлар ҳам... Туркистон Вақтли ҳукумат аъзолари бу ерда ҳам тезлиқда бир анжуман ташкил этиб, қарор қабул қиласидар : чунончи, бўлажак мустақил давлатни бошқарувчи кучлар етарли, бойлар эксплуататорлар тузуми эмас, балки кишиларни синфий табақаларга ажратмайдиган демократик давлат тузилиди, табиийки, суд прокуратура ишлари шариат қонунлари, қозилар тарафидан бошқарилади. Давлат тили эса — ўзбек тили бўлади ва ҳоказолар.

Қарор яна Масковга жўнатилиши баробарида Вақтли ҳукумат бошлиги Мустафо Чўқаев Русия Федоратив Жумҳуриятидаги миллатлар иши билан шугулланувчи комиссар Иосиф Жугашвили билан (ўшанда бу зот Сталин номини олмаганди) телефонда гаплашди. Гаплашув мазмуни протоколда қайд қилинган: “Туркистон мустақиллигини эълон қилдингларми? — деб хотиржамлик ила сўрайди Жугашвили. — Ҳа, программасини ҳам ишлаб чиқдик, — деб жавоб беради Чўқаев. — Ҳўш, бизга нима хизмат бор? — Шу, Қизил Армия қисмлари Туркистондан, жумладан, Қўқон шаҳридан ҳам чиқиб кетсин. — Ҳа-а, демак, Қизил Армия — сизлар учун хорижий армия бўлдими? — Шундок. — Менга қаранг, жаноб Чўқаев, мустақил давлатнинг мустақил армияси бўлади. Ўйлаймизки, сизларда ҳам бор шундай куч. Сизга маслаҳат шу: ўша куч ёрдами билан хорижий армия қисмларини ҳайдаб чиқаринг...”

Демак, хорижий армияни — Биринчи Жаҳон урушини кўрган, Русияда оқ гвардиячилар билан жангларда чиниқдан, тиш тирногигача қуролланган Қизил армия қисмларини ...калтак, паншаха, белкурак билан ҳайдаб чиқариш лозим экан.

Туркистон Вақтли ҳукумат аъзоларигина эмас, балки Қўқоннинг эси жойида бўлган фуқароси ҳам сўзсиз тушунадики, Шўролар ҳукуматининг Чор ҳукуматидан деярли фарқи йўқ. Аммо ётиб қолгунча отиб қол деган гап бор.

Қўқон халқининг каттакон намойишига тайёр гарлик кўришига яна бир сабаб шул эдики, халиги Қурултойнинг эртасигаёқ қўргондаги қизил аскарлар баайни марадёрик, яъни, кўзларига кўринган, қўллари етган нарсани фуқародан юлиб ола бошлаган,

қаёқлардандир темир йўл орқали яна қизил аскарлар тўпу замбараклар билан келишмоқда: демак, қандайдир тўқнашув бўлиши аниқ эди.

Шунда яна маълум бўлиб қоладики, Шўро арбоби жаноб Полтарацкий ҳам марадёрлик қилибдилар, яъни, ёнларига солдатларни олволиб, шаҳардаги 12 та хусусий банкни талабдилар.

Хуллас, қуролсиз ҳалқ ўзини тинч қўйишлари, бошбошдоқликка барҳам берилишини тилаб, кўчаларга чиқади. Аста-секин уларга руҳонийлар ҳам қўшилишади. Шуниси қизикки, намойишчиларга рус провослав черковининг поплари ҳам қўлларида хоч кўтариб эргашадилар... Энди умумнинг талаби ушбу бўлади: “Музокара қилайлик. Мавжуд аҳвол яхшиликка олиб бормайди!”

Қарабисизки, оломон қалъага яқинлашиб борганда, қалъа девори устига ўрнатилган замбарак гувирлаб денг, илкинчи ўқи оломон устидан ўтиб, Жоме масжидининг гумбазини титиб юборибди. Ҳалқ телва бўлиб қолади. Ана шунда қалъадан пулемётлар тариллай кетади: ёппасига қирғин бошланади.

Шундан кейин бу қирғин давом этиб, Қўқон уч кеча-кундуз ёнади.

Шу уч кунда 30000 фуқаро ўлдирилади. Ўлганлар ичida ерлик руслар ҳам бўлади.

Ана шундан кейин машҳур дашноқлар шаҳарга ўйланади: тала-тала, ўлдир-кес, зино бошланади...

Ниҳоят, шаҳар ҳувуллаб қолади. Омон қолган ҳалқнинг бир қисми бошларига кафан илиб, шаҳарни тарқ этади, бир қисми қасоскорларга айланади.

5

Мана, Шўроларнинг Шарқ мусулмонларига, жумладан, Туркистонга /Манифестга ишониб, Озорбайжон билан Бошқирдистонда ҳам Русия таркибидан ажралиб чиқиши учун Қурутойлар бўлиб, Вақтли ҳукуматлар тузилган, улар ҳам қонга ботирилган эди/ берган ваъдаси, муруввати.

Бу воқеалар содир бўлганидан кейин дунё афкор оммаси Шўролар ҳукуматининг аслида қандоқ экани, иккюзламачи, ута кетган сурбет ва муттаҳамлигини билиб олди. Унинг идеологияси фашист ирқчилар идеологиясига моҳият эътибори билан жуда яқин ту-

риши, айни чогда собиқ Чор империясининг қандайдир нусхасига ўхшаб кетишига ҳам иймон келтириди.

Биз Чор Русиянинг империалистик сиёсати, ўшанда Туронзамин инсонларининг аҳволи забун бўлгани ҳақида бир-икки марта тақрор қайд қилиб ўтдик. Бу тўғрида халқимиз ҳам яхши билади... Шунга қарамай, подшо Николай II га ёзилган бир мактубдан бир-икки саҳифа ўқисак, Чорнинг империалистик идеологиясининг моҳияти яққол куринади-қолади.

Бу хатнинг буюк қиймати шундаки, уни Шўрочи ҳам ёзмаган, Чор зулмидан безор бўлган киши ҳам эмас, уни — халқининг инсониятнинг фарзанди, айтиш мумкинки, иймон даражадаги виждани — Лев Николаевич Толстой ёзган.

Мана, марҳамат.

НИКОЛАЙ II га

1902 й. 16 январь. Гаспра.

Марҳаматли биродар.

Сизга бундай мурожаат қилишимнинг боиси — Сизни нафақат шоҳ деб билганим, балки Сизни ўзимга биродар бир инсон деб билганимдандир. Қолаверса, мен Сизга баайни нариги дунёдан ёзмоқдаман, чунки қазойим яқин қолди.

Аммо Сизнинг бугунги кунда қилиб турган ишларингиз - ижтимоий фаолиятингиз ҳақида, бу фаолият қанақа бўлиши мумкин эди: миллионлаб инсонларга қанчалар фойдали бўлур эди ва шахсан ўзингизга қанчалар зиён етказиши мумкинлигини айтмасдан ўлишини истамайман.

Русиянинг учдан бир қисми бамисоли қамал ҳолатида яшайди — қонунга зид ўлароқ. Полиция қўшини — ошкора ва хуфяларингиз кундан-кунга қўпаймоқда. Қамоқҳоналар ва сургун қилинадиган жойларингиз юз минглаб жиноятчиларга тўлиб кетганки, энди уларнинг асосий қисмини сиёсий маҳбуслар ташкил этади, энди улар сафига оддий ишчилар ҳам қўшила бошлади. Цензура тазийқининг шу қадар аҳмоқона чегарасига етиб келдики, энг қора кунларимиз саналмиш 40-йиллардаги дарражасидан ҳам ўтиб кетди. Диний тазийклар ҳеч қачон бу қадар шафқатсизлик билан олиб борилмаган эди ва тобора шафқатсиз бўлиб бораётир. Шаҳарларда ва фаб-

рикалар қошида құшинлар ҳаргиз тайёр турардикі, қайси бир жойда халқ норозилик билдирса, милиционнега ажал үқларини жойлаб югуришади. Жуда күп жойларда биродаркүшлик бўлди ва янги-янги қон тўкилишига ҳозирлик кўримоқда.

Давлатнинг мана шундай шафқатсиз ва муттасил амалга ошираётган тадбирлари орқасида 100 миллионли деҳқон халқ — ҳа, қудратли Русиянинг деҳқонлари кундан кунга камбагаллашиб бораёттир, очлик одатий ҳолга айланаб қолди. Ва, табиий, жамиятдаги барча қатламларда давлат сиёсатига нисбатан қаршилик кўрсатиш, унга ёвларча муносабатда бўлиш кайфияти ҳам одатий ҳол бўлиб қолди.

Ахир, Сиз ушбу ҳолларни билмаслигиниз мумкин эмас, яъни инсоният тараққиётида ҳаётнинг шаклишамойили, жумладан, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва диний шакллари тўхтовсиз ўзгариб, қўпол шамойиллардан майинроқ шаклларга, аҳмоқона бошқаришлардан ақлли бошқариш ўсулларига ўрнини бўшатиб бераёттир.

Бутун дунё тараққиётида шу ҳол кузатилаёттир.

Сизнинг маҳрам-маслаҳатчиларингиз эса Сизга, йўқ, бу — ёлгон ақида дейишади, рус халқига провослав дини ва яккаҳокимлик илгари қандай қимматга эга бўлса, ҳамон шундай — бу ҳоллар унинг табиатига хосдир ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади дейишади, ниҳоят, бир-бири ила боғлиқ бу икки бошқарув шаклини нима қилиб бўлса-да қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлашни маслаҳат беришади. Ахир, бу икки томонлама хато-ку! Биринчидан, провославлик рус халқига бир замонлар қанчалик қадрли — табиатига хосдек бўлган эса, эндилиқда шундай эмас. Синоддаги оберпрокурорингизнинг ҳисоботларидан билишингиз мумкин-ки, Русиядаги ақдан ва руҳан камол топган кўпдан-кўп зиёлилар бошларига ёғилажак хавф-хатарларни яхши билганлари ҳолда провославлиқдан йироқлашмоқда. Иккинчидан, агарки рус халқига провославлик шу қадар хос — миллий туйгуси каби бўлар экан, бу ақидани бунчалар ҳимоя қилишга эҳтиёж борми?

Энди яккаҳокимликка келсак, бу ҳам рус халқига хос эътиқодdir дейиш-да хато эканлиги кўриниб қолди: илгари замонларда шоҳ — гуноҳсиз, ердаги худодир, унинг битта ўзи халқни давлатни бошқара олади, деб

ишонишган бўлса, ҳозир ишонишмайди: андаккина са-водхонлар ҳам биладиларки, шоҳлар нодон ва жоҳил бўлиши мумкин экан — худди Иоан IV ва Павелга ўхшаб, иккинчидан шоҳ қанчалик яхши бўлмасин, битта ўзи ҳалқни бошқара олмас экан. Сиз менга шоҳлар бегараз ва ишchan ўглонларни ёnlарига олишлари мумкин дейишингиз мумкин. Йуқ, шоҳлар ундаи инсонларни ёnlарига ола олмайди, чунки ҳар хил йуллар билан шоҳнинг пинжига кириб олган кимсалар ундаи — бегараз ва ишchan кишилар билан шоҳ ўртасида туриб оладиларки, аnavиларни шоҳ ҳатто кўра олмайди.

Авом шоҳга ва унинг мулоzимларига кўrsataётган муҳаббати Сизни адаштираётir, биродар. Москва ва бошқа шаҳар кўчаларида Сизни ва ёрдамчиларингизни кўришганда, ҳалқнинг “ура!” деб айюҳаннос солишларига ишонманг. Кўпинча бу оломон, яъни, ҳалқнинг муҳаббатини Сизга изҳор этгувчилар — полиция томонидан йигиб келинган ва саф тортириб қўйилган мунофиқлар бўлади. Эслайсизми, бобонгиз Харьковда бўлганида, ибодатхона майдонини тўлдирган мингминглаб ҳалқ — кийими ўзгартирилган полициячилардан иборат эди...

Сизнинг шу кунларгача қилиб келган ижтимоий фалиятингиз шу тарзда кечди. Дунёвий сиёsat бобида ҳам Сиз ҳалқарнинг газабини қўзгаётirсиз: Финландия хусусидаги буйругингиз (1990 йили финларни руслаштириш мақсадида “Финландияда давлат тили — рус тили”, деб эълон қилинган эди), Хитойга босқин (1901-1902 йилларда Хитойга Германия, АҚШ, Англия, Франция ва бошқа давлатлар қаторида интервенцияга Русия ҳам қушилган эди), Гаага конференциясига тақдим этган дастурингиз ва амалда унинг аксини қилганингиз (1899 йили Русиянинг ташаббуси билан Гаагада Тинчлик конференцияси очилган, айни чогда Чоризм Узоқ Шарқни батамом босиб олиш учун урушга тайёргарлик ҳақида буйруқ чиқарган эди), вилояtlардаги ўз-ўзини бошқариш усуllарини сусайтириб, тўраларча бошқариш усуllарини қуллаб-куватлашингиз ва кучайтиришингиз — бу қилғилиқларингиз бўлмаслиги мумкин эди...

Лев Толстой

Бу донишманд чолнинг пошшойи аъзамга — императорга ёзган бу гаплари кишини ўлантириб қўяди. У қайси ўлчовдан, қайси инсоний мезондан келиб чиқиб,

шундай фикр юритди экан? Үз подшосининг риёкорлиги — босқинчилек сиёсатини ҳам қоралаяпти. Үзга халқларни руслаштириш сиёсатига ҳам батамом қарши. Оғизда тинчликни мақтаб, амалда урушга ҳозирлик кўрилишига муносабатни қаранг... Толстой бу хатни кўнгли тўлиб кетиб, балки кўзида ёш билан ёзгандир... Нима бўлгандаям камина унинг — Толстойнинг дунёқарашини ўзимизда етишиб чиққан буюк сўфилар тариқатларига ўхшатаман... Ҳа, аввалдан ўхшатар эдим. Кейин билсан, Толстой — ўзига хос сўфи экан: унинг саройдан йироқлиги ҳам, оқибат, шоҳона уй-жойдан кечиб, бир дехқоннинг кулбасини макон тутиш учун йўл олгани — бойлиқдан фақирликни афзал кўргани ҳам, борингки, унинг Черковдан бадарга этилгани ҳам...

Эсланг, эсланг ахир: бизда қанчалаб сўфилар эркин фикрлари, яъни, қалдан ва онгдан чиққан, айтиш мумкинки, умумбашарий ўлчовларда фикрлаганлари, динларнинг қотиб қолган устунлари-унсурларига лоқайд қараганлари, ёлгиз ҳақиқатга интилганлари учун руҳонийлар тарафиндан бадном қилинган, ҳатто ўлимга ҳукм этилган: Мансур Ҳаллож, Робия бону, Насимий, Машраб...

Бу чекинищдан мурод шулки, оламда энг буюк мафкура, ҳа-ҳа, мафкура-идеология — Сўфилар тариқати — Тасаввуф эканини батамом ишонч билан айтишдир.

Ҳа-ҳа, Тасаввуф билан бир миқдор таниш бўлганлар ҳам каминанинг фикрига қўшиладилар.

Фақат аттангки, сўфилар оламда саноқли бўлганлари каби, улар яратган Тасаввуф йўлини туттганлар ҳам гоят озчиликни ташкил этади. Бироқ Тасаввуфдаги инсон ким бўлиши лозимлиги, яъни, “комил инсон” гояси, асл жамият қандоқ бўлиши, яъни, “баркамол жамият” ҳақидаги гоялари биз бугунги кунда ҳар қадамда тилга олиб турганимиз — Умумбашарий қадриятлар, аниқроги, Умумбашарий мафкуранинг пировард мақсади экани шундоқ кўриниб қолди.

Энди рухсатингиз билан Умумбашарий мафкуранинг айрим дастурлари ҳақида, тўғрироги, дастурдаги айрим бандлар ҳақида озгина гаплашсак.

Аввало, шу нарсани бемалол айтиш лозимки, умум-

башарий қадриятлар инсониятнинг эволюцион, яъни, тадрижий такомили жараёнида унинг юксалиш ва инқизорзли давраларидан чиқарган хуросалари ҳолида, қолаверса, инсоннинг табиий — қалбан ва ақдан идрок этган эзгу хислатлар-фазилатлар қўшилувида, пироварди, дунёвий улуг динларга суюниш ва уларнинг муқаддас китобу ақидаларидан ўрганиш асносида пайдо бўлди, шаклланди ва ҳамон шаклланиш жараёнидадир. Ўтган асрда Эрон томондан чиқиб, миллионлаб одамларни ўзига эргаштирган донишманд Баха Уллонинг тили билан айтганда, “Инсонлар бир оиласек тинч-тотувлиқда яшай бошлаган пайтдаги одамзоднинг эволюцияси тугаса керак...”

Демак, Умумбашарий мафкуранинг ҳам охироқибатдаги кўзлаган манзили — Ер юзи инсонларининг бир оиласек аҳил бўлиб, уруш-жанжалсиз яшай бошлаган онлариdirки, у манзилни бутунги кунда ақлтасаввур ҳам илгай олмайди: бироқ инсониятнинг ҳаракати шу йўналишда бўлмоги лозимлиги шакшубҳасиздир.

Энди Умумбашарий мафкура хазинасидағи айрим жавоҳирларни эсга олсан.

Ана, суҳбатимиз бошида (мафкура нималигини англаш баҳонасида) ирқчи-фашистлар идеологиясининг инқизорзини, мундоқ қилиб айтсан, худбину бадбинликка асосланган, аксилисоний мафкуранинг олам оёққа қалқиб курашгани натижасидағи табиий таназзулини гурунгимиз меъёри кўтарган даражада кўриб чиқдик.

Демак, бундан чиқадиган хуроса шулки, ирқчилик ҳам, ўзга миллатларга паст назар ила қараш ҳаракати ҳам, пироварди, Аллоҳ яратган оламга эгалик қилиш ҳам — инсониятга қарши ҳаракатлардир. Ва то абад шундай бўлиб қолади.

Бу — қандай буюк, оламшумул ақида, а? Айни чогда инсониятнинг тадрижий такомили давомидаги буюк галабаси, яъни, унинг онгию қалбида пайдо бўлган буюк сифат ўзгаришидир! Бундан ортиқ қадриятни топиш мушкул-ов...

Ҳа, бу — Умуминсоний қадриятнинг чўнг гавҳарларидан бири ҳисобланади.

Яна шу нарса олам миқёсида айни муддао бўлдики, мана шу каби улкан хиёнатларнинг олдини олиш, ваҳшийликлар дунёнинг қай бурчагида бўлмасин - ундан инсониятни огоҳ этиш ва иложи борича

ваҳшийлик ўчогини ўчириш мақсадида дунёвий марказ — Бирлашган Миллатлар ташкилоти пайдо бўлди: эсда тутайлик, бу ташкилотнинг таъсис этилиши ҳам — одамзод камолотидаги сифат ўзгаришидир.

Демак, бу ҳам — Умумбашарий мафкуранинг жавоҳири ҳисобланади.

Ёхуд коммунистик идеологиянинг — гоятда нотабий ва инсониятнинг туб манфаатларига зид бир мафкура экани ҳам аён бўлдики, бунинг оқибатида Умумбашарий қадриятлар яна-да бойиди: демак, халқлар ўз ҳуқуқларини ўзлари белгилашга ҳақлидирлар; табиийки, бошқалар манфаати оёқ ости бўлмасин; демак, ўзича мустақил бўлиб, ўзига хос давлат тузиб яшашга ҳар бир миллат мутлақо ҳақлидирки, бунга қаршилик кўрсатган куч инсониятнинг газабига учрайди, демак, ҳар қандай миллат ўз тили, дини, урфу-одатлари ҳамда ўзига хос қадриятлари билан бўлиши — унинг ҳақидирки, бунга тажовуз этиш ҳам — инсонга хиёнат ҳисобланади; демак, ҳар бир давлат ўз бойликларига ўзи эталик қилиб...

Демак, демак, демак...

Умумбашарий қадриятлар хазинасининг яна бир мислсиз кўхинури — атом урушининг инсоният қиргини билан тугашини англаши — унинг қиёмат қойим билан тенг эканини тушуниш бўлди: о, бу нуқтага келиш кўп хавфу хатарлар, ўтмишда ўтган аччиқ тажрибалар, беҳисоб илмий таҳдиллар, энг оғири — халқларнинг буюк зилзилани кутган каби ҳаяжону қўрқувлари сўнгида бўлди: э, воҳ, ўша пайтларни эсласанг, ҳушинг учади: дунё икки қутбга бўлинган — икки идеология икки аждар каби бир-бирига оғзини очиб турибди — бир-бирини маҳв этмоқчи, демак, ер юзи халқлари уларнинг комига кириб йўқ бўлиб кетиши мумкин.

Ушбу фалокатни тушуниш ва уни беихтиёр барта-рафт этиш сўнгида Умумбашарий мафкура яна янги қадриятлар ила бойиди: чунончи, оламда атомни қўпайтирмаслик керак, яъни, атом бомбалари бўлмаган, бироқ уни бўлдиришга ҳаракат қилаётган давлатларга дунё халқлари манфаатлари нуқтаи назаридан тазийқ қилиш, ҳар хил иқтисодий таъсиrlар ўтказиш...

Буларнинг ҳаммасини кўриб-билиб турибмиз.

Аммо “инсон камолоти” сари тадрижий ҳаракат — ҳар хил мамлакатларда ҳар хил экан-да: ҳа, шундай мамлакатлар борки, уларни бошқарувчилар Умумба-

шарий қадриятларни тилда эътироф этганлари билан амалда ўз билганилари — ўз даражалари миқёсида иш тутишаётир. Хусусан, динни, ҳа, динни — бош идеология-мафкура қилиб олган давлатлар.

Уларда ҳали чин инсоний мафкура етилмаган. Етилишига ҳам анча вақт борга ўхшайди.

Шу ўринда бир савол тугилади: биз сўғилар мафкураси — Тасаввубни кўрдик — биламиз, умуминсоний қадриятлар жамулжами бўлмиш — Умумбашарий мафкура билан ҳам танишмиз, ана фашистона-ирқчилик мафкураси, ана коммунистик мафкура... динни мафкура қилиб олган давлатлар ҳам бор...

Хўш, булардан фарқ қилувчи миллий мафкуралар ҳам бўлганми? Бўлган бўлса — қаерда?

Кўп ерда — кўп мамлакатларда: бўлиб ўтгани... ҳам бор, амалдагиси ҳам мавжуд; Японияни олинг, унинг мафкураси — техник тараққиёт ила оламнинг ўстунларидан бирига, иложи бўлса, ягонасига айланиш мақсадини кўзлайди; Амриқони олинг, пировард натижада оламни холисона бошқаришни кўзлайди унинг мафкураси; Русияда ҳали мафкура шаклланмаган, зероки, ўтмишдаги мафкуралари — империалистик ва коммунистик мафкуралар эдики, улар таъсиридан ҳали-вери қутилиш қийин...

Келинг, энди ўзимизга ўтайлик: ўзимизнинг Миллий мафкурамиз ҳақида гаплашайлик.

Шу нарсани дарҳол эътироф этайликки, ҳар қандай миллий мафкура ҳам, президентимиз таъкидлаганлариdek “бир кун ёки бир йилда” пайдо бўлмайди, у “шаклланади, шаклланиб боради”. Унинг ilk илдизлари ибтидоий ҳаётга — қабилачилик даврларига бориб уланади, шубҳасиз: илло бизнинг, жумладан, жумла жаҳоннинг бутунги ҳаётида ўзининг энг-энг қадимги урфу-одатларидан нималардир сақданиб келаётганига гувоҳ эканмиз, нечук энди миллий мафкуранинг пойдевор тошлиаридан бўлмиш — яхши сифатлар, ақдан ва ҳиссан идрок этилган қандайдир ҳақиқатлар сақданиб қолмаган, унинг — ўша халқнинг миллий характеристига замин бўлмаган бўлсин?

Замин бўлгани шубҳасизdir ва миллий мафкурасининг оёқ олишида ҳам туртки бўлганига шубҳа йўқ.

Энди ижозатингиз билан миллий мафкурамизнинг шаклланиш босқичларига, ҳечқурса, умумий бир тарзда назар ташласак.

I. Қадимда бизнинг ўтпараст бўлганимиз факт. Умуман айтганда эса, инсониятнинг ўтга топинмаган қавми йўқ. Шунинг учун Эйнштейн: “Инсонни ҳалок бўлиб кетишидан қўрқув ҳисси билан олов сақлаб қолди” деганида юз фойиз ҳақ: ахир, инсон ҳеч нарсадан қўрқмаса, демак, жонини сақлаш учун ҳаракат қилмаса, у онгиз махлуқ каби пайдо бўлган заҳотидаёқ ўлиб кетарди. Хўш, инсоннинг совуқ кунларда ҳам, тунларда ҳам, қўйин-чи, кундуз кунларида ҳам интилган манзили қаер бўлади? Ўт, гулхан...

Шунинг учун инсон ўзининг ибтидосидаёқ Ўтни илоҳийлаштирган, унга топинган ва унинг борлиғидаги тафтни-ҳароратни — Руҳ деб ҳис этган, кейинчалик Руҳ — Тангри номини олган: яъни у инсонлар онгида илоҳга айланган.

Ўт тангриси.

(Мусулмон бўлганимиздан кейин ёдимииздан чиқиб кетган бу калима ҳамон Олтой туркий элатлари орасида мавжуд: Кўк тенгриси, Су тенгриси, Ер тенгриси каби.)

Табиийки, бу ақида жуда жўн, ҳаётий эҳтиёж натижаси бўлиб, диннинг ибтидоий шаклига мансубdir. Бироқ яралажак дин учун замин бўла олгани ҳам — ҳақиқат. Шунинг учун ҳақиқатки, йиллар, асрлар ўтиб, бу заминда Зардуштийлик дини қарор топди. Илло, бу диннинг таргиб қилгуси қаноатларида Сув, Ер, Кўк (осмон) билан ёнма-ён Ўт ҳам туради.

Бироқ бу — зардуштийлик дини — гоят мураккаб, маънан гоят чуқур, оламдаги барча улуг динлар билан бир сафда туришга лойиқ дин эди: унинг китоби — “Овесто” ҳам яратилган, инсонларнинг яшаш тарзига хос дастурлари бир тизимга тизилган, бундан ҳам муҳимроғи — Эзгулик-Яхшилик галаба қиласди, деган улуг ақида ушбу диннинг байроби эди.

(Эзгулик тангрисини - Оҳурамазда, Ёмонлик тангрисини — Аҳраман деб аталиши, “Овесто”нинг қаерда пайдо бўлгани, умуман, бу дин қайси манзилда шакллангани ҳақида кўп гапириш ва бу борада турли

фикрли олимлар билан мунозара қилиш мумкин. Чунончи, бир туркум Оврупо олимлари Зароастризмнинг туғилган жойи — Эрон дейдилар; асар тили эроний тиллардан қескин фарқ қилгани учун уни “Овестинский язык”, дейдилар ва Эронзаминдаги бир ҳовучгина ўтпарамаларни кўрсатиб: “Ана, “Овестони яратганлар авлоди”, дейдилар... Бир туркум жиддий олимлар эса муқаддас китобнинг ўзига суюниб, зардуштийликни ҳам, китобнинг ҳам яралган манзили — Хоразм, деб исботлайдилар: чунончи, китобнинг ўзида унинг яратилган жойи — икки дарё оралигида, тўгрироги, бу наҳрларнинг энг буюги ёқасидаидир, дейилган экан; китобнинг ўзида Эзгулик тангриси Оҳурамазда: “Дунёнинг илкинжи мамлакати қилиб Хоразмни яратдим. Сўнгра туғи баланд эрлар юрти Бақтрияни (Сурхондарё заминлари) яратдим...” деб ёзилган экан...

Фақир бу мунозараларга қўшилмайди, зеро бизнинг вазифамиз бўлак.)

Хуллас, инсонлар ўтни илоҳийлаштириб, Ўт тангрисига сифиниб, кейинроқ муқаддас олов ёниб турадиган ибодатхоналар қурабошлаган чогларида ушбу эътиқод (эътиқодлар) пойдеворида пайдо бўлган Зардуштийлик динидаги Эзгулик тангрисини — Бош худо (греклардаги Зевс каби — худолар худоси) деб таниди ва ... Эзгуликнинг, демак, Яхшиликнинг охир-оқибат галабасига ишонч онгигагина эмас, қалб-қалбига ҳам сингиб кетди.

Бу ҳолнинг яна бир оддийгина сабаби шундаки, инсон табиатан Яхшилик галабасига ишонгиси келади, ишонади, “ишонмайман” деганлардан нари туради.

Энди бир сония ўйлаб боқайлик: шу ишонч эмасми кан Умумбашарий мафкурунинг тамал тошларидан бири — балки энг муҳими? Хўш, миллий қадриятимизнинг-чи?

Фахрланишимиз керак: бу улуғ ҳақиқатнинг энг чуқур идрок этилиб, илоҳ даражасига кўтарилган заминда туғилганмиз! Бинобарин, бизда ҳам миллий мафкура бўлар экан, унинг ҳам замирида шу ҳақиқат — Эзгуликка ишонч ётмайдими? Ҳа, Эзгулик кўп қийинчилклардан кейин галаба қиласди...

2. Мелоддан олдин III аср. Искандар Македонский — отаси Филиппнинг қасдини олиш баҳонасида жаҳонгирлик даъвоси билан Эронни босиб олган грек фотиҳи шимолга юриш қилиб, Сугдиёнага кирди.

Қадим Самарқанд,— Мароканд атрофида бир кечанинг ўзида 120000 ерлик аҳолини қиличдан ўтказди... Бу бало-қазони Ёмонлик тангрисининг лашкари каби билган ерлик халқ босқинчиларга қарши бош кўтарди. Исёнкор, қасоскор ўғлонларга бош бўлгулик саркарда ҳам чиқди: у Спитамен эди.

Озодлик учун кураш бошланди. Бу курашга Яхшилик тангриси — Оҳурамазда ҳомий эди.

Маълумингиз, греклар — тогли ўлканинг фарзандлариdir, шу-чун нотекис ва унчалик катта бўлмаган майдонларда жанг қилишга уста эдилар. Уларнинг бу жиҳатлари Самарқанд атрофидаги тогу адирларда бўлган жангларда дарҳол билинди: ёв устунлик қиласди; устунлик қилишга яна битта омил — уларнинг ўша замондаги энг сўнгти-янги қуроллар билан савашга киришлари эди. Киноларда кўрган бўлсангиз керак: қалқонлари одамбўйи келади, найзалари ҳаддан узун. Сугдийлар мамлакати эса фақат тогликлардан иборатмас, балки Сирдарё бўйларигача чўзилиб кетган эдикни, Спитамен бошлиқ халоскорлар ёвни алдаб-сулдаб — ундан қочган-қўрққан бўлиб, текисликларга олиб чиқди. Ана шунда ерлик ботирларнинг чопқир қорабайир отларию ўқи юз қадам наридаги ўлжани бехато урадиган ёйлари иш берди: юнонларни (грекларни шу номда атаганлар) ўраб олиб, ўққа тутишар, кейин учқур отларида қочиб қолишар, кейин яна ўраб олиб, отишмани бошлар эди. Грек аскарларининг бири-бирининг пинжига тиқилиб, тўдаланиб қолган қўйлар аҳволига тушган пайтлари кўп бўлди: бунинг сабабларидан муҳими — уларнинг ўйларидан отилган ўқлар атиги олтмиш қадамга етар, отлари ҳам чопқирмас эди. Улар талофат еганлари сари руҳлари туша бошлади, халқимиз баҳодирларининг эса галабага ишончлари мустаҳкамланар эди.

Кейин, урушларда урф ҳисобланган макр ўртага тушди: икки дарё (Ефрат ва Фрот) оралигидан бу заминдаги икки дарё (Аму билан Сир) оралигигача йўлни босища жанг ҳадислари, йўлда учраган қарши кучларни ҳийла билан ҳам енгишга устаси фаранг бўлиб кетган греклар йўлбошчиси Искандар, яъни Александр найранг йўлинни тутиб, Спитаменни севимли хотини Заринани қўлга олди: Зарина халоскор саркарда Спитаменning калласини олдириб, гўзал жаҳонгирга юборди. Шу асно бу тупроқда греклар ҳукмронлиги бошланди. Аммо энди Искандарнинг

амирлари орасида юрт талашиб, келишмовчиликлар чиқа бошлади. Ҳудди ана шу пайт Искандар босиб олинган ушбу мамлакатни бир қисм лашкарларига — ҳокимликни саркардаларига топшириб, Македонияга йўл олди: ажабо, айтишларича, Ҳиндистон томонда уни безгак чивини чақиб ўлдиради.

Грек саркардалари бўлиб олган Туронзаминда, хусусан, жанубда — Бақтрия ва Мерв томонларда уларнинг ҳукмронлиги юз эллик йилларга чўзилди: бу орада греклар аста-секин ерли ҳалқ орасига сингиб кетдилар, ерлик зодагонлар сўзлашишни одат қилган грек тили ҳам ўлди.

Тарихий китобларда Александр Македонский Ўрта Осиёни босиб олди, яъни, ерлик ҳалқ устидан ғалаба қилди ва улардан қолган, масалан, Селеквидлар сулоласи фалон йил ҳукмронлик қилди, деб ёзилади.

Аммо тагин ўша муаррихларнинг ўзи сугдлар исёнларига, Ватан озодлиги учун нечоғлик ишонч ва шиддат билан курашганларига юксак баҳолар бериб қолмасдан, Искандарнинг ўз ватанига қайтиб йўл олиши биланоқ сугдийлар ғалабаси ўз-ўзидан таъминлангани, улар бамисоли жаҳонгирнинг орқасидан тош отиб қолганларини ҳам эътироф этадилар.

Алқисса, энг буюк, енгилмас ёв билан — босқинчи душман билан курашда ерлик ҳалқ — ҳалқимизда ғалабага ишонч мустаҳкам экани, табиийки, ғалабага эришмоқ учун фақат ва фақат курашиш лозимлигига қалбан ва ҳиссан иймон келтирганлари биз учун муҳимдир: зероки босқинчиларга қарши Озодлик ва Мустақиллик учун кураш Умумбашарий қадриятларнинг-да, Миллий қадриятларимизнинг-да хазинасидаги бебаҳо дурлардандир.

Биз шу нарса билан фахрланишимиз лозимки, Ўрта ерденгизи соҳилларидан чиқиб, Эрондек империяни тор-мор этган шафқатсиз ва маккор ёв биринчи марта Ўрта Осиё заминида — Туроннинг гултожларидан бўлмиш Сугдистонда ашаддий қаршиликка учради: кучи кесилди, руҳи синди, ўзи аста-секин қумликлар ютган сувдек ерликлар орасига сингиб кетди.

Бу — ғалабага ишончимиздан, Ватанини севиши миздан.

(Бу кураш тарихига қизиқувчиларга Искандарнинг ёнида юриб, ҳар кун, ҳар сония кечган воҳеаларни битган Аррияннинг “Искандар сафари” асарини ўқишини тавсия этган бўлурдим.)

3. Мелоддан олдинги I аср. Шимол кенгликларидан—Хитойнинг тазиқидан қочган Кушон қабилалари Туронга аста-секин силжиб, шу жараёнда ерлик халқ билан киришиб кетиб, ниҳоят, Ҳиндистоннинг ярмигача борди. Ва шу заминда Кушон империяси деб аталадиган бир буюк давлат тузилишига сабаб бўлди. Кушонлар тил жиҳатдан туркий бўлганлари ва босқинчи сифатида келмаганлари учунми-уларнинг на тубжой халққа бирон зарар етказгани, на-да ерликларнинг уларга қаршилик қўрсатгандари ҳақида тарихда ҳеч гап йўқ. Аксинча: грек ҳукмронларининг қолган-қутгандарию уларнинг таъсирида бўлган маҳаллий ҳокимларга бегонасираб қараган туронликлар Кушон қабилаларини хайриҳоҳлик ила кутиб олганларини тахмин қилиш мумкин... Нима бўлганда ҳам, Кушонликлар ерликлар билан тезда тил топишиб, чатишиб ва қўшилиб кетдилар.

Айтиш лозимки, улар ерликларга нисбатан ҳам, шимолий Ҳиндистон қавмларига нисбатан ҳам маданий, диний, ижтимоий қурилмалар жиҳатидан тубан туришарди. Шунинг учун ерлик халқларнинг урф-одатларидан тортиб, касб-корларигача бамисоли ўзлариникидек билиб қабул қидилар.

Бу вақтда Туронзаминда Ўтпаратслик-Зардуштийлик дини ҳукмрон, греклар ўзлари билан олиб келган ва кейинчалик Греция билан бўлган маданий алоқалар туфайли уларнинг кўпхудолик ақидалари ҳам кириб кела бошлаган эса-да, тубжой динга деярли таъсири ўтказа олмаган, билъакс: уларнинг-да Сувга, Ерга, Кўкка ва Ўтга илоҳ сифатида қарашлари халқимизга манзур бўлган, буям кам: кириб келган грек санъати — хусусан, ҳайкалтарошлиқ ва деворий расмлар чизиш санъатидан самарали баҳраманд бўлиб, бу борада анчагина илгарилаб қолган эди.

Бу мавзуда кўп гапириш мумкин (бу — алоҳида ажойиб мавзудир!) аммо бизни шу тобда бошқа нарса қизиқтиради, гарчи ўша замонлардан қолган — тирик инсоннинг гўзалликлари ажойиб тарзда акс эттирилган ҳайкаллар ва деворий расмлар ҳам — миллий қадриятилизнинг соғ гавҳарлари бўлса-да.

Кушонлар назарида, Зардуштийликка нисбатан Ҳиндистоннинг Будда дини авлороқ тулоидими, ҳиндолар маданияти ва санъатининг таъсири кўпроқ ўтдими, балки сиёсий мулоҳазалар туфайлидир — империянинг давлат дини сифатида Будда дини эълон қилинди. Де-

мак, (биз бугунги кунда қолдиқларини топаётган) Будда ибодатхоналари қурила бошлади, ерлик ҳайкалтарошлар Будданинг ҳайкалларини (ўзларига ўхшатиброк) ясай бошлади. Дарвоҷе, Будда ибодатхоналарини ҳам ўзларининг ўтпарамаслик ибодатхоналарига ўхшатиб қурганлар...

Табиийки, Будда дини унинг тарафдорлари томонидан бу ўлкаларга мажбуран олиб келинмагани учун, қолаверса, Будда ақидалари ўзи босқинчиликни инкор қилиши боис ул дин аҳбобларининг ҳам, зардуштийлик дини коҳинларининг ҳам бирон-бир жабҳада келишолмаганлари тарихда қайд қилинмайди.

Кушон империяси, одатдаги салтанатлар каби, инқи-розга юз туттанидан кейин, ажаб, Будда ибодатхоналари ўз-ўзидан бүшаб қола бошлаган экан.

Ажабо, Буддадек буюк дунёвий диннинг нимаси маъқул келмади-ки, Туронзамин фуқаролари уни қабул қилмадилар? Ўринли саводир бу?

Маълум бўлишича, Будданинг золимларга қарши золимлик билан курашмаслик, балки бошқача йўллар ... тутиш лозимлиги ҳақида — “инсоннинг энг буюк фазилати” деб атальмиш ақидаси бизга — Туронзамин инсонларига маъқул тушмаган экан: ахир, ўйлаб боқинг, куни кеча дунёнинг у чеккасидан келиб Ватанларини босган — босқинчи ёвга қарши беихтёр қилич кўтарган, Ватан озодлиги учун курашиш шарт ва зарурлигини, қолаверса, бу йўлда ҳалок бўлишни ҳам шараф деб билган халқ қандай қилиб энди бу ақидаларидан қайтсан? Қандай қилиб босқинчиларга қарши очиқ курашмаслик ҳақидаги насиҳатларни қабул қиласин?

Афтидан, жанубий Ҳиндистону шимолдаги Турон халқларининг табиатидаги энг муҳим фарқ ҳам шулдир...

4. VIII—X асрлар. Араблар Ислом динини ўлкамизга олиб келдилар. Бу дин — энг буюк дунёвий динлардан бўлиши билан бирга Буддадан кескин фарқ қилар — шу жиҳати билан фарқланар эдикি, Исломда “жиҳод” бор, яъни, лозим бўлганда исломиятни мушрику гайридинларга куч ила сингдириш мавжуд, шу боис у Туронзаминга кириши ҳамон, аввало, у ерлик эътиқод масканларига човут солди: ўтпарамаслик ибодатхоналари... нинг устига уз масжидларини қурақурдира бошлади: сабаб? Бошқа, кўримлироқ ер то-пилмасмиди? Топиларди. Аммо тубжой аҳолининг

ибодат учун борадиган манзили — уша ибодатхоналар эдикى, демак, исломни қабул қилмаганлари ҳам беихтиёр ўз ибодатхоналарига эмас, балки масжидга боришарди: динни қабул қилдириш йўлидаги синалган усуллардан бири эди бу. (Араблар Испанияни забт этганларида ҳам монастирлар устига масжидлар қурганлар...)

Буларга қарамай, Исломга қарши Туронзамин аҳолисининг жуда унақа тиш-тирноги билан курашгани солномаларда қайд этилмайди: бу солномачиларнинг макри эмас, ҳақиқатда ҳам Муқанна қўзголонидан бўлак кўтарилиш бўлмаган: зеро ушбу қўзгалон ҳам (Муқанна ўзини пайғамбар деб атаган эса-да) динга нисбатан эмас, араб босқинига — босқинчиларга қарши кураш маъносида кечган...

Хўш, нечук энди шундай ёш, лозимида тажаввузли дин — Ислом Ватанимизга тез тарқалди ва унинг асл дини бўлиб қолди? Бу саволнинг жавоби - Исломнинг ўзида, моҳиятида, алҳамдуилло, уни қабул этганларнинг кўзлари чарақлаб очилиб, энг буюк ва ўхшовсиз ҳамда ягона Аллоҳни таниб, ўzlари излаб-истаб юрган нимарсаларини топгандек бўлганларидандир. Бироқ исломиятнинг бу қадар тез ёйилишига бошқа — ерлик халқагина хос бўлган сабаб ҳам мавжуд эди: яъни, собиқ ўтпастлар йиллар, асрлар кечгани сари буюк илоҳлари бўлмиш Яхшилик ва Ёмонлик худоларидан бирига — айни Яхшилик тангрисига кўпроқ мурожаат этиши, унгагина сигина бошлиши орқасида Ёмонлик тангриси бир четда қолиб кетган, фуқаро баайни ёлгиз худоли бўлиб қолган эди.

Иккинчидан, ўтпастлик ақидасининг ибтидосидаёқ ажоддларимиз ҳар хил Руҳларга — уша Сув руҳи, Ер руҳи ва ҳоказо руҳларга сажда этишган эса-да, ўт тангрисини алоҳида ҳисобласа-да, такрор-такрор айтиш жоизки, бу Кучларнинг орқасинда — самода яна бир улуг қудрат мавжудлигини ҳис этишар эди. Агар ибтидой динлар эволюциясини кузатсангиз, оламнинг бошқа минтақаларидағи Руҳларга топинган қабилаларнинг ҳам, айни чоғда, Олий Руҳни қалбан тан олганларини кўрасиз.

Хўш, Туронзаминга, ўтган юз йилликлар давомида Кушонлардан бошқа кўчманчи элатлар ҳам аста-секин келиб жойлашар, эндиликда улар “турк” номи-ла аталар (аслида “турк” сўзи административ, киборлар доирасида “бошқарувчи” деган маънони англатган бўлиб,

кейинчалик у халқ номига айланган, шу боис аслида номлари бұлак, аммо тиңда қардошлик бұлған элу әлаттар беихтиёр у номни қабул эта бошлаган эди. Дарвоқе, ҳамон — ҳозирги күнгача ўзларини на турк, на ўзбек деб атамайдиган, асли-бошдаги ургулари номида атайдиган әлатлар мавжуд...), улар барчаси ҳам бояги-ұша “тұрт үнсүр”ни улуглашса-да, ягона Күк тангрисини ҳам тан олишар эди, инчунун тубжой-ұтроқ ва ұтроқлашиб қолған Туранзамиң қавмлари топинмиш Яхшилик тангриси уларға айни үз илоҳларидек бўлиб кетган, ниҳоят, Эзгулик худоси беихтиёр битта сўз билан — Тангри сўзи билан аталадиган бўлиб кетган эди.

Шундок бұлғач, бу инсонлар қандай қилиб ягона Аллоҳни — араблар тарқаттан — маълум қилған ягона зотни тан олмасынлар? Тан олиш — қабул қилиш беихтиёр содир бўлди ва Тангри сўзи Тангри-таоло шаклида ишлатила бошлади: ҳа, туронликлар “Тангри”лари тимсолида “Аллоҳ”ни кўрдилар.

Аммо туронликлардан бұлак, бирон арабнинг “Тангри таоло” деганини эшлиши мумкин эмас.

Шундай эса-да, кейинчалик шиғдатлари пасайған араблар нафақат бу ҳолга қаршилик қилмадилар, аксинча, уни қувватлаш баробарида үтроқ зардұштийлик динига дохил урфу-одатлар ижросига ҳам лоқайд қарашга ўргандилар.

Тұгри, қадимги ибодатхоналарга бориш ёки уларни таъмирлаш ҳақида гап бўлиши мумкинмас эди. Турандаги подшоликлар халифа томонидан тайинланар, Багдод уларни кузатиб туради: подшолар эса, Халифалик идеологиясини бажарилишига бош-қош эдилар... Аммо, биласизми, Амир Исмоил Сомоний анчагина уста сиёсатчи бўлган экан: айрим манбаъ ва ри-воятларда зикр қилинишича, Сомоний ҳазратлари кундуз кунлари мусулмон масжидига (табиий, Жомега) қатнаб, беш вақт намозни канда қилмай ўқисаларда, халифалик фармонларину исломий амалларни сўзсиз бажарсалар ва бажартирсалар-да, тунлари... хилват гўшаларда қолған ўтпаратлик ибодатхоналарига бориб келар эканлар... Бу ҳолни бутун Бухоро халқи билар, аммо араб “соқчи”ларидан сир тутар, шу асно үз подшоҳларини севишар экан. Ұша пайтда Исмоил Сомоний давлатининг беҳад камол топишида шоҳнинг тадбиркорлиги, усталиги, қолаверса, саркардалигидан ташқари, мана шу каби одатлари ҳам сабаб бўлгандир...

Энди, аитилган гапларни, воқеаларни эсга олиб якун чиқарсак, ушбу ҳолни кўрамиз.

Демак, Туронзаминнинг халқи, яъни, аждоддаримиз қабилачилик даврлариға хос фетиш — сигинувчи куч мақомида бўлган Руҳларга, кейин Илоҳ-руҳларга, кейин Эзгулик худоси — ёлғиз Тангрига, кейинроқ бироз муддат Буддага мойил бўлиб, сўнг ягона Аллоҳга топинган ва Аллоҳни — Тангри-таоло деб кўзлари оламга қайтадан очилган баҳтиёр бир халқ экан; ҳар қайсиси ўзича маънавий қимматга эга бўлган бу эътиқодларни багрига ҳандай сингдирди экан? Ҳайрон бўлиб, қайд қилишга мажбурмиз: қалбига сингдирган ва сингдирган бу эътиқодларни, айни чогда ўзига керагини олишни ҳам, демак, ўртада нима яратишни? — Мафкура яратишни ҳам беихтиёр ҳис эттан: бу ҳол аввало уларнинг динларга тажаввузкорлик билан қарамасликларида, деярли ҳаммасини бир кўзда кўришларида кўринади; энди уйлаб қаранг: бундай халқ, унинг комиллари инсоннинг ақли ва ҳисси ила яратиладиган маънавий бойликларга қай муносабатда бўлди экан? Албаттга, минг бор албат дейиш керак — ижобий муносабатда, унинг ривожи ва камолига рагбат кўрсатиш орзусида...

Ана шунинг учун Исмоил Сомоний саройида ҳам, қаламровидаги шаҳарларда ҳам инсон такомилининг, мавҳум фикрлаш (абстракт фикрлаш — одамзоднинг юксак босқичларида пайдо бўлади, қуи босқичида йўқ ҳисоб: ҳамон йигирмагача санашни биладиган ибтидоий қабилалар бор...) даражасининг нурли маҳсули бўлмиш — фан ва санъат ривожлана кетди (албаттга бунинг Кушонлар давридан қолган пойdevорлари ҳам бор эди): айниқса, аниқ фанлардан ҳандаса, фалакиёт илми, тибиёт...

Динлар дини бўлиб қолган Ислом (баъзи мутаассиб руҳонийларни ҳисобга олмасак) тафаккурнинг бу камолига моънелик қилмас, бунинг устига — Исломнинг ўзини энг юксак даражада тушуниш-англаш ҳаракати ҳам ўсиб, сўфилар пайдо бўла бошлади.

Қандоқ даврлар ўтган-а?

“Ўтган-а!” деб юбордик, бу гапларнинг давоми бор: Бухордан чиқсан мушук томма-том юриб етиб борадиган Хоразмда эса — Қасри баҳлул, яъни, илмлар академияси бўлиб, унда ўша замоннинг деярли барча олиму уламолари илм ва санъат ила машгул, унга ҳатто Эрон ҳам ҳавас ва рашик билан қарапарди. Шуниси ажойибки, академия олимлари орасида христианликни, ҳа-

ҳа, Исо пайғамбар тариқатини қабул қылғанлар ҳам бор, диний айирмачилиқдан асар ҳам йүк эди. Дарвоқе, Ибн Сино Бухородан туппа-түгри Хоразмга бориб, Беруний бошлиқ академияда хизмат қиларкан, унинг-да шогирди Журжоний насроний динида эди...

Динлар бир күз билан күрілган жойда тиллар ажратыладими? Асло: илмий ишлар асосан арабчада, нағис санъат асосан форсийда, мұомала эса туркийда эди. Гапимиз Хоразмдаги шоқ академиясидеги олимларнинг турфа динларга мансуб бұлғанлари ҳолда, бир буюк мақсад — инсон камолоти йұлида ижод қылғанларига келди... Инсон ақли-идроқининг ўша вактда нечоглик парвозда эканини таъкидламоқ учун Багдод ёки Туркиядаги айрим ҳолларни әсламоқ жоиздур. Келинг, биттасини әслаймиз: сұғылар сұғиси Жалолиддин Румий вафот этди. Унинг тобути орқасыдан әргашған улуг зотларни шу тобда томоша қилиш мүмкін бўлганда эди!

Бу сафда — кўзда ёш билан жилаётган улуғлар сафида хоч кўтарған насроний попи ҳам, кафтдек тақяни бошига ёпишириб қўйған яхудий роввини ҳам, арман руҳонийси, Будда коҳини, Конфуций ақида-сининг муршиди ҳам бор эди. Энг олдинда мусулмон имоми борарди.

Бу қандай буюк маъноли манзара!

Сизларга шон-шараф, эй, ўттан улуглар!

Энди, сұхбатнинг бу қисмини яқунлаймиз: ҳа-ҳа, гап Умумбашарий қадрият ҳақида... Демак, оламдаги барча динлар — эътиқодларга жумладан, тилга ва миллатларга хос урф-одатларга бир кўз ила, тўғрироғи, ҳурмат или қараш — ахир, Умумжаҳоний мағкуранинг бебаҳо бойликларидан экан, тавба-тавба, ушбу буюк қадриятлар ўничи асрларнинг нари-берисидаёқ қашф этилган ва юксак даражада эъзозланған экан, демак-демак, Умумбашарий мағкура бўлган... экан-да?

Ҳа, бўлган эди.

Хўш, шу барча улуғликларга тамал тоши қўйилган замин — Турон тупроги бўлар экан, демак, бизда Миллий мағкура бўлган... экан-да?

Ҳа, бўлган эди...

У даврларни, умуман, инсоният тарихида — олтин даврлар, деб бемалол айтиш мүмкін.

5. X—XV асрлар. Миллий мағкурамиз, айниқса, Темур даврида батамом шаклланди.

“Батамом” дедик. Демак, унгача тўла шаклланмаган

ёхуд қандайдир хаёлийроқ, яъни, таг-замини нобопрок булгандир? Шундай дейиш ҳам мумкин. Зероки биз Умуминсоний мафкура даражасида бўлган ақидамизнинг амалиётда — ҳаётдаги инъикосини яхши билмаймиз; ҳа, И smoil Сомоний раҳномолигидаги акобирлар давлатни қай тарзда бошқаргани, раиятнинг аҳволу руҳиясини, қолаверса, у подшоҳликда мавжуд бўлган Инсоний қомус — конституциянинг... узр, шундай Қомус бор-йўқлигини ҳам аниқ билмаймиз.

Аммо Хоразмда машҳур илмпараст, адолатли шоҳ Маъмуннинг Беруний бошлиқ олимларни ҳузурига бир куни чорлаб: “Бизга бир қонунлар мажмуасини яратиб берингларки, у — инсон қонунлари йигмаси бўлиб, давлатни бошқаришда ҳам асқотсан”, деб фармон берганини биламиз. Дарҳақиқат, Ибн Сино ҳам иштирокидаги олимлар олти ой деганда шундай, демак, конституцияни тайёрлаб, шоҳга тақдим қиласдилар.

Шоҳ уни ўқиб чиқиб, асосан маъқул топибди-да, илкинчи бандига қайтиб, қаттиқ эътиroz билдириби: “Қандоқ қилиб мен — шоҳ — Аллоҳнинг ердаги вазири гадога тенг бўлар эканман?” Қомусда ёзилишича, “Инсонлар Аллоҳ олдида бир-бирларига тенгдурлар. Демак, ҳаётда ҳам бир-бирларига тенг, чунончи, шоҳ гадога тенг...” дейилган, бинобарин, жамият ичидаги Қонун устиворлиги тайин қилинган экан...

Ажойиб, а? Ажойиб!

Аммо шоҳ Маъмун бу мислсиз тенгликини қабул қилганига қадар Эроннинг Газна шаҳридан чиққан янги император Маҳмуд Газнавийнинг тобелигига тушгани маълум.

Кўриниб турибдики, буюк Хоразмда ҳам ҳали Миллий мафкурунинг жамият ичиндаги тизимларида оқсаш бор экан...

Энди, бу йўргуда яна муҳим бир воқеани эсламай утиб бўлмайди: XI аср. Мана шу Форобда буюк файласуф ва жамиятшунос Абу Наср ал Форобий ўзининг “Фозил шаҳар одамлари” номли ажабтовур асарини битади. Бу асарда хаёлий бир шаҳар тасаввур этилиб, ундаги фуқаронинг ҳокимнинг мулозимларнинг ҳаётда тутган ўринидан тортиб, вазифаларигача бир миқдор баён қилинади. Бу асар — шубҳасиз утопик асар — хаёлий-орзуманд рисола бўлиб, истиқболда қурилиши мумкин бўлган энг олий жамият-тузум қандоқ бўлиши лозимлиги ҳақидадир.

Бу — ўз давридагина эмас, ҳозирда ҳам гоят олий-

жаноб фаолият ҳисобланади; қолаверса, улуғ бобокалонимиз бамисоли коммунистлар яратган идеологиянинг бош вазифасига ўшандай ёқ асос солгандек эдилар, илло коммунистларнинг идеологияси ҳар қанча кофириона мафкура булмасин, сиртдан қараганда, оламда энг адолатли — фозил инсонлар яшайдиган жамият қуришга ўхшаб кетарди... Ухшаб кетарди, холос. Аслида гирт хаёлий, демак, инсон табиатига тўғри келмайдиган жамият тузишни орзу қилиб қолмасдан, балки уни тузишга киришувлари заҳоти ишлари аксига юриб, макр йўлига ўтдилар ва беихтиёр зулмга асосланган мустабид ҳокимият ўрнатишдан ўзга иложлари йўқлигини англадилар: ҳа уларнинг табиий ҳаракатлари ўзи шуни англашга олиб келдики, сўнг улар ортига қайтса гарқ бўлиши тайин бир кемадаги баҳтсиз қароқчилар аҳволига тушиб қолдилар... Шу нарсани эслаш фойдадан холи эмаски, Форобий ҳазратлари истаган гоя ҳам, коммунистлар суюнган француз утопистлари (хусусан Ж. Ж. Руссо) ташвиқ қилган хаёлий-жаннатмакон жамият ҳақидаги гоянинг пайдо бўлиш тарихи ҳам “инсоният маданиятининг илк бешиги” деб аталадиган Грецияга — мелоддан олдинги III асрларга бориб тақалади. Ўша ўзингиз билган Арасту ўзининг “Сиёсат” деган асарида “идеал жамият”, қандоқ бўлиши ҳақида фикр юритиб, коммунистлар ўйлаб топган “коллектив хўжалик” (НЭП сиёсати туфайли одамлардан бир қурумини бой бўлиб, бир қисмининг, яъни, дангасаларининг фақирлиқда қолаётганини кўргач, шошиб қолиб, одамларни яна “тenglashiриш” учун ихтиро қилинган) — колхоз шаклидаги жамоани таклиф қиласди. Арасту домла бу борада коммунистлар каби — “Барча моддий бойликлар ўртада тенг тақсимланиши шарт!” дейиши билан ҳам чекланмай, ҳаттоқи... аёллар ҳам ўртада бўлиш фикрини ташлайди: бироннинг хотини — биронга хотин бўлиши лозим, бироннинг эри — бошқа бироннинг хотинига эр бўлиши лозим, хуллас, бу йўриғда ҳам tengлик... Хайрият, файласуф алломанинг Афлотун деган шогирдлари бор экан, устознинг бу гояларини “гоят нотабийи, инсонга зиддир” деб шафқатсиз танқид остига олади.

Ҳа-ҳа, коммунистик мафкуранинг илдизи жуда узоқларга кетади. Аммо нотабийлиги учун барбод бўлишга маҳкум.

Энди Форобий ҳазратларининг “Фозил шаҳар одам-

лари'' рисоласида куйланган жамоанинг ҳаётда пайдо бўлиш-бўлмаслиги масаласига келсак, бундай жамоа пайдо бўлган тақдирда ҳам, барибир, ҳалокатга юз тутар экан: мана, Сарбадорлар ҳаракатини эсланг... Чингиз босқинидан халос бўлиш байробги остида бошланган бу ҳаракат мамлакатда (айни Хурросонда), пироварди, ''Фозиллар шаҳри''га ўхшаш бир бу жамоа — бир тузум яратишга йўналтирилган эди. Темурнинг бевосита ёрдами билан босқинчилардан халос бўлишгач, сарбадорлар ўшандоқ жамиятнинг ўзига хос нусхасини яратдилар ҳам. Аммо тез орада бу тузум айниб, йўқ бўлиб кетди.

Бу мисоллардан чиқадиган хулоса шулки, сўфиларнинг мафкурасини жами инсонлар орасида амалиётга қўллаш мумкин бўлмаганидек ва Умумбашарий мафкурани айни бир мамлакат фуқаролари орасида ҳам яشاш ва ахлоқ қўлланмасига айлантириш мушкуллигидек (ҳар қандай алоҳида мамлакатнинг-халқнинг тубманфаатлари илинглиқ истисно жиҳатлари, чунончи, ўз дини, урф-одатлари ва шулар илинглиқ давлат тизими бўлади), ҳар қандай олижаноб ёхуд бунинг акс мазмунига эга бўлган миллий мафкура ҳам утопик-хаёлий дастурлар йўриғига ҳаракат қиласа (фашист-ирқчиларининг идеологиясининг тақдирини эсланг...), у бир кунмас бир кун таназзулга юз тутади.

Демак, ҳақиқий Миллий мафкура Умумбашарий қадриятларга муқобил қадриятларга эга бўлгани ҳолда, мазкур заминдан оёқ узмаслиги, мазкур замин инсонларининг хаёлий эмас, балки ҳаётий анъаналари, тарихий-маънавий бойликларига, табиий, урф-одатларига, қолаверса, мазкур халқнинг тадрижий такомил жараёнида шаклланган ҳарактери — феълу атворига суюнмоги — ушбулар пойдеворида туриб, истиқболга қараб, кўзлаган мақсади сари ҳаракат қилмоги керак эканки, Темур даврига келиб, Миллий мафкурамиз ана шу маънода батамом шаклланиб бўлди дейиш мумкин.

Бу борада Темур қандай йўл тутди?

I. Магнур ва ёвқур амирлар, тугма саркардалар паноҳида ўсаётган Темур Ватанинг мустақиллиги учун булар жон-жаҳонини беришга тайёр эканларинигина эмас, балки оддий халқнинг ҳам мўгул зулмидан халос бўлиш ҳаракатида эканини ҳам яхши биларди: ҳа, у озодлик учун курашиш, фақат курашиш лозимлигини (Искандар босқини маҳали Суғдийлар кайфиятию Спитамен чиқишини эсланг...) ташна одамнинг чашмага интили-

ши табиий экани қадар яхши биларди. (У етилиб, астасекинлик билан қасоскорлар, сұнгра қүшину қүшинлар раҳнамоси бўлиб, мўгул зулмидан Туронзаминни халос қилди.) 2. Темур Чингизхон лашкарлари Туронда паро-кандалик туфайли қўли баланд келгани, кейин эса Туронда тарқоқлик ва ҳокимларнинг ўзаро душманлигини макр йўли билан авж олдириб, мамлакатни бир луқмабир луқма қилиб комига тортиб олганини яхши биларди. (У тугилган шаҳри Кеш — Шаҳрисабзни, сұнгра Қаршини қўлга олиши биланоқ Марказлашган кучли давлат тузиш гоясини кўнглига жо қилди ва бу ишни ҳам адо этди.) 3. Буюк сўфилар тарбиясини олган Темур барча динларга деярли бир кўз билан қарашини ўрганган эди. Аммо у — комил мусулмон эди: шариат буюрганларини ҳам бекаму-кўс бажо қилас, айни чоғда мутаассиб эмаслиги учун озод фикри — қалби буюрган, “Бу ишим адолатдан!” деб ҳисоблаган тадбирларини ҳам иккиланмай бажаради. (Масалан, Темур ўз мамлакати-салтанатига босқин қилмаган ўзга бир ўлқага бостириб боришининг сабаби хусусида “Тузуклар”да шундай дейди: “Қайсики мамлакатда амирлар адолатсизликни авж олдирсалар, раиятнинг аҳволи ночор бўлиб, унга зулм кучайган бўлса ва қай бир мамлакатда уламолар, олимлар, шоирлар, хуллас, аҳли санъат ҳам хор этилган бўлса, у мамлакатга босқин қилиб, адолатни барқарор этиш, фуқаронинг аҳволини яхшилаш, золим амрларнинг адабини бериб қўйиш ва аҳли дину аҳли илм-санъетнинг қадр-қимматини кўтариш учун шароит яратиб бериш — буюк фотиҳларнинг бурчидур”).

Темур илм-фаннинг ҳомийси, бу соҳалардаги кашифиётлар оламу одамзодни чуқурроқ билишда бекиёс аҳамияти борлигини яхши англар (Маҳмуд Газнавийнинг Хоразм шоҳи Маъмунга: “Агар даргоҳингдаги барча олимларни менга берсанг, юрtingга тегмайман”, деган шарти-ю, Маъмун бунга рози бўлмагани боис ўлкаси Газнавий тарафиндан забт этилганини ҳам яхши биларди, албатта.), фалакиёт (астрология) ва тиббиёт соҳасидаги ютуқлардан, айниқса, сафарлар олдида фойдаланаар, чунончи, осмоний жисмларнинг ҳаракати или инсонлар ҳаракати ўртасида ботиний боғлиқлик борлигига мутлақ ишонарди. (Эсланг: Темур қазосидан кейин илм-фандан путур кетди, ниҳоят, соҳибқироннинг суюкли набираси — оламшумул Улугбекнинг тансиқ расадхонаси жоҳил руҳонийлар фатвоси йла кўмиб ташланди. Ўйлаш мумкинки, мутаассиб-жоҳил шариат пеш-

волари Темур вақтида ҳам бор эди, бироқ ўзларича бир иш қилишга жаҳонгирдан ҳайиқишар эди...) 4. Темур мамлакатнинг фаровонлиги, ободлиги — фақат қурилишлар, деҳқончилик ва миришкорликни эъзозлаш, янги ерларни ўзлаштириб, улкан наҳрлар очиш билан гина (забт этилган ўлкалардан келтирилган бойлик билан ҳам ...) амалга ошмаслиги, балки бу борада узоқ яқиндаги мамлакатлар ила савдо-сотиқни яхшилаш, мамлакат бозорларини керакли ва тансиқ молларга тұлдириш (Испан элчиси Клавихонинг Самарқанддаги бозорлар тасвири ёдингиздами?..) ҳам зарурлигига ишончи комил эдикі, шу боисдан шарқда Хитойу гарбда Франция, Испания, Италия ва Англия каби давлатлар билан ҳам олди-бердини яхшилашга алоҳида эътибор берарди. (Карвон йўлларини қўриқлашдаги қатъиятлари, йўлтўсар қароқчилар бошлиғи Қора Юсуфни қувгин қилишларини ёдга олинг. Ёки ўша Клавихонинг: “Самарқанддан бир коса олтин уюлган баркашни тепасига қўйиб йўлга тушган киши бир дона ҳам тилла олдирмасдан Багдодга етиб боради” деган гапларини эсланг... Дарвоқе, Темур йўлларни мутлақ бехатар қилгани учун ўткинчи карвонлардан яхшигина бож ҳам оларди...) 5. Темур ҳамма вақт салтанат қайгуси, юрт тинчлиги ила банд бўлгани ҳамда қулаб кетган талай салтанатларнинг бу йўригда қўйган хатоларини яхши билгани учун умрининг охирги йилларида, айниқса, ўз ворисларига бот-бот насиҳат қиласидиган булади: аҳил бўлиш керак, ҳар қандай келишмовчиликни ҳам қилич-бозликка айлантирмаслик керак, энг муҳими - мамлакат бойлигини торта-торт қилмаслик, майшатга берилмаслик, раиятни андиша қилиш кераклиги, акс ҳолда Туронзамин парчаланиб кетиши мумкинлигини айтар, ул даҳшатдан огоҳ этар эди. Ҳатто бу хусусда васиятномаси бўлмиш “Тузуклар”да алоҳида битиб ҳам қўйган эди. (Э, воҳ, унинг айтганлари келди, у огоҳ этган келишмовчиликлар урушларга айланиб, салтанат парчаланиб кетди...)

Шу асно Темур шакллантирган Миллий мафкурадан ҳам путтур кетди: дарвоқе, Темур оламу мамлакат миёссида тутган дастур тизимини, яъни, энг муҳим ва ҳаётий қадриятлар йигмасини, бундан ҳам очиқроқ қилиб айтсак, давлатнио ҳалқни бошқариш йўлини — ўзича Инсоний қомус (Конституция) деб аташ маъқулми, балки унинг жами дастури — шариат қонунлари асосида бўлгандир-у. Мафкураси соф Исломийдир?

Йўқ, мавфураси — Исломий эмас, аммо исломга суюнгани шаксиз эди.

Демак, унинг олам миқёсида тутган йўли — Исломнинг ёнида-қаватида эди-ю, ўзимасди; бу — инсоний қомус ҳам эмасди. Демак нима эди?

Мафкура — идеология эдик, эҳтимол ўшанда Темурнинг ўзи ҳам буни идрок этмаган, яъни, йўриқларига “мафкура” деб қарамаган, эҳтимол, “Тузуклар” ҳам шунинг учун ёзилган ва демак, Темур замонидаги Миллий мафкуранинг ягона китоби ёхуд шундай мажмуя яратишга бўлган инилиш натижаси эди бу.

9

Биз суҳбатимиз бошида Мафкуранинг таърифини келтирганда ҳам тахминан шу гапларни айтган эдик: Мафкура — на Инсоний қомус, на-да Дин, балки булар ўртасинда бўй чўзиб чиқсан ва ҳар иккисидан ҳам озуқа олган учинчи бир кучдир, деб таърифлаган эдик.

Тўгри, фикримиз (нуқтаи назаримиз) тушунарлироқ бўлсин учун моҳият эътибори билан нотабиий-ноинсоний мафкураларнинг қисқача таҳдилидан гапни бошлаган эдик... Кейин Умумбашарий мафкура таърифига, унинг бисотидаги жавоҳирлар ҳақида сўзладик. Ниҳоят, миллий мафкурага, айни чогда ўзимизнинг Миллий мафкурамиз ҳақида - унинг илк илдизларидан тортиб шаклланиб битгунига қадар (халқнинг тадрижий такомилини ва ўзига хос табиатини ҳам унутмаган ҳолда...) босиб ўтган йўлига шунчаки бир назар ташлаб олдик.

Демак, Президентимиз ҳар қадамда тақрорлаётганлари — Мафкурамизни яратиш борасидаги талабу маслаҳатлари тақозосида изланишимиз (ўзимизга хос изланишимиз) берган натижа шу бўлди: Миллий мафкурамиз аслида бор экан-у, биз ҳаётимиз, тарихимизда содир бўлган кўп остин-устунлар, инқирозлар, мустамлака холатида яшаш ва ҳатто унга кўнишиб ҳам қолиш асноси ўша жавоҳирлар сандигимизни ора йўлда қолдирган эканмизки, ўзимизнинг ватан ичida — ўзимизга тазийқ гурзилари остида у сандиқ парчаланиб, бисотимиз сочилиб кетган экан: демак, у бисотни, дарҳақиқат, топиб-териб-сараплаб олишимиз ва бугунги олам миқёсидағи буюк ўзгаришлар тўлқинида

салмоқлаб, шу тұлқинлар багридан чүнг ороллар каби чиқиб турған үзга давлатларнинг ўзларига хос миллий мафкураларига қиёслаб, айни چогда тұлқинлар четида чүнг төг каби турған Умумбашарий мафкура багридаги ҳақли жойимизни тайин этишимиз лозим экан; бу мавхұмроқ жумлаларнинг жүн маъноси шулки, "мафкура бир кунда яратылмагани" дек, уни бир киши "мана", деб кафтида тутиб бера олмайди; демак күпчилик уни тиклаб ва замонага (табиий ҳолда) мослаб, истиқболга дастур ҳолига келтириши мумкин; дарвоқе, истиқбол ҳам аниқ; барқамол жамият-да, ахир!

Ха, динга асосланган мафкуралар жаңнатни ваъда қилади, нотабиий мафкуралар коммунизмга ўхшаш манзилни ваъда қилади. Энг табиий мафкуралар эса барқамол жамиятни ваъда қилади. Биз шу йўлда эканмиз, келинг, олдин комил инсонлар бўлишга ҳаракат қилайлик: бу ахир, ўз қўлимизда-ку?

Айтмоқчи, сұхбатни Темур давридан кейинги тарихимизга ўтказмай якунлаётirmiz: илло бу ёги — Бобурийларнинг Ҳиндистондаги салтанатлари, у ерда ҳам Темурга хос дастурлар, масалан, динларга бир хил кўз билан қараш, ҳатто Ақбаршоҳнинг: "Ким-ки бирорвнинг эътиқодини қамситса, жазога тортилгусидир" деган буйруги ҳам борлиги ва у кўп муддат иш бергани ҳақида ҳам, бу ёқда Шайбонийларнинг тузган давлатарию инсоний мафкурага эга бўлмаслик оқибатида уларнинг хароб бўлиб кетгани, ниҳоят, Рус чоризми асоратига тушиб қолганимиз ва у даврдаги мискин аҳволимиз ҳақида ҳар биримизнинг етарлича билганимиз бор... Шундоқ экан, ўшанды мафкурамизнинг мумкин: ҳаёт қандоқ бўлса, мафкура ҳам шундоқ — ҳаётдан ё баланд, ёки паст бўлмайди-ку?..

Гапнинг қисқаси, Мафкура ва Миллий мафкурамиз ҳақида сизларга айтмоқчи бўлган гапларимизу муҳтасар хуносаларимиз шулардан иборат: бизни — мулла десангиз, билганимизни ўқидик, холос.

МУНДАРИЖА

<i>Гайдуллоҳ ас-Салом</i>	5
Янгича тафаккур ва миллий қадриятлар	
<i>Бойбута Дүсткораев</i>	23
Жадидлар мағкураси	
<i>Иброҳим Гафуров</i>	23
Миллий мағкуранинг ёлқинлари	43
<i>Абдукаҳор Иброҳимов</i>	
Миллий мағкуранинг негизи	57
<i>Сайди Умиров</i>	
Янгича тафаккур манзаралари	72
<i>Михли Сафаров</i>	
Ўзликни англаш машаққатлари	90
<i>Аҳмаджон Мелибоев</i>	
Фидойилар асрар Ватани	105
<i>Мурод Абдуллаев</i>	
Ватан шарафи	126
<i>Мурод Ҳидир</i>	
Миллатни бирлаштирувчи байроқ	144
<i>Абдунаби Ҳайдаров</i>	
Миллий мағкура ва ватанпарварлик тарбияси	160
<i>Шукур Ҳолмирзаев</i>	
Умуминсоний қадриятлар гавҳари	176

ВАТАН САОДАТИ

Миллий мағкура ва тараққиёт масалалари

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
Бош таҳририяти
Тошкент — 1998

Мұҳаррір *Г. Зокирова*
Бадийи мұҳаррір *М. Аъламов*
Техник мұҳаррір *Л. Хижова*
Мусаххіх *Н. Мухамедиева*

Теришга берилди 29.08.98. Босишига рухсат этилди 15.10.98. Бичими
84x108^{1/32}. Балтика гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоги
10,92. Нашриёт ҳисоб табоги 11,5. Адади 5000. Буюртма № 2891.
Баҳоси шартнома асосида.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси,
700083, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кучаси, 41-уй.